



Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Одил Ёқубов 70 ёшда

Ўзбекистон халқ шоири

Эркин Воҳидов 60 ёшда



# Uzbek Faqeuzi

1996

5

АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖУРНАЛ

65-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Бош муҳаррир:  
Уткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Мурод МАНСУР  
(Навр бўлими мудири)  
Баҳодир МУРОД АЛИ  
(Масъул котиб)  
Омон МУХТОР  
(Бош муҳаррир уринбосари)

Иқром ОТАМУРОД  
(Навр бўлими мудири)  
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФҲОН  
(Мерос ва қадрият бўлими мудири)  
Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ  
(Мақола навислик бўлими мудири)

МУАССИСЛАР:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊАТ  
НАШРИЁТИ

Ақлли душман, жоҳилу нодон дўстан яхшироқ экан. Чунончи, амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини ҳеч бир душман қилмайди. Амир Худайдод менга шундай дейди: «Душманингни лаълу жавоҳирдек сақлагил, қачонки бирон тошлоқ ерга келиб қолсанг, уни олиб тошга шундай ургинки, толқони чиқиб, ундан нишон ҳам қолмасин». У яна шундай деди: «Агар душманинг бош уриб паноҳинга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатгил». Чунончи, мен Тухтамишхонга қилганим каби. У паноҳимга сиғиниб келганда, унга яхшилик ва мурувват қилдим. Агар душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрса-ю, яна қайтадан душманлик йулини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшир.

Чин дўст улдири, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

---

52—61-бетларда ёзувчи Мирза Каримнинг Соҳибқирон ҳаётига бағишланган «Турон султони» бадиаси билан танишасиз.

---

Муқоваларда: Темурийлар тарихи Давлат музейи. Дорбозлар. Олисларга стаклар ҳаёл.



## ИСТИҚЛОЛГА БУРЧЛИМИЗ

Республикаимизнинг мустақиллигига мана беш йил туляпти. Бобокалонимиз Амир Темур таваллудига эса 660 йил. Бу қушалок байрам ҳар бир фуқаронинг кўнглини гурур ва шодликка тўлдирмай иложи йўқ.

Шу маънода журналимиз ходими Ўзбекистон Олий мажлисининг депутати, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг раиси, халқ шоири Абдулла Орипов қабулида булиб, дил сузларини қозоғга тушириб қайтди. Шунинг сиз, азизларга тақдим этмоқдамиз.

Абдулла Орипов: Авваламбор барча журнал уқувчиларини қутлуг қушалок байрамлар — Мустақилликнинг беш йиллиги ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги билан чин дилдан табриқлайман. Ушбу қутлуг кунларга етиб келолмаганларни ёд этгимиз, айна маҳалда буюк келажак учун иқтисодда ҳам, маърифатда ҳам хизмат қилаётган фаолларга омад тилаймиз.

Журналлардан қўхна, қадимий дўстимиз «Шарқ юлдузи» журналига ва унинг жамоасига эзгу ниятлар билдирамиз. Модомики суҳбатимиз Ёзувчилар уюшмасида бўлаётган экан, даврада ушбу уюшманинг масъуллари утирибдилар. Демак, бу зотларга табриқ ва сўз навбатини беришни бурчим деб биламан.

Йулдош Сулаймон: Мустақиллик адабиётни ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилаяпти. Кейинги беш йилликда адабиётимиз анчайин қад ростлади, узини кўрсатди. Ёзувчилар нимани ёзиш мумкинлигини энди ўйламайди. Олдингини сингари ҳамду санолар, ҳайбаракаллачилик энди йўқ. Олдин ақл ёзувчиларнинг ижодида устиворлик қиларди; оғирнинг устидан енгилнинг остидан утиларди, шароитга мосланиб асар битилаверарди. Ҳозир эса ёзувчиларнинг ижод маҳсуллари юракдан потраб чиқяпти, демак истиқлол ижоди — юрак маҳсули.

Ана шундай асарлардан А. Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърый драмаси, О. Ёқубовнинг «Адолат манзили», Уткир Ҳошимовнинг «Тўшда кечган умрлар», Тоҳир Малиқнинг «Шайтанат», Шукур Холмирзаевнинг «Динозавр», Омон Мухторнинг «ФФУ» романлари, Ш. Ҳамросовнинг «Қора кун», Н. Жалолиддиннинг «Улимнинг ранги» қиссалари шулар жумласидандир.

Кейинги вақтда адабиётимизга бир гуруҳ ёшлар кириб келдики,

биз уларни тилга олмасак айб бўлади. Иқбол, Салим Ашур, Холдор Вудқон, Рустам Мусурмон, Абдурахмон Журсев, Абдувоҳит Хайит каби ёшлар узларининг таъби назмлари билан ўқувчиларнинг эътиборини тортмоқдалар.

Абдулла Орипов: — Шу борала бир нарсани айтиб утишни жоиз деб биламан. Бугунги бу ёшларга ҳам осон, ҳам қийин. Давлатимиз мустақил, кишиларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқяпти, бемалол эмин-эркин ижод қилишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Аммо бугунги адабиётнинг гапини топиш, уни чиройли қилиб айтиш лозим, холос. Ёшларнинг армони нима, уларнинг орзулари нима? Демак истиқлол адабиётини куйлаш вазифаси ана шу ёш дустларимизнинг зиммаларида.

Бизнинг армонимиз мустақиллик эди — етишдик. Ечилмаган қандай муаммо бор? Инсон боласи мавжуд экан, комилликка интилади, лекин ҳеч ким унга етолмаган. Шу йўлдаги машаққатлар бизни қийнамайдими? Дин деб дунени унутган, дунё деб иймондан кечганлар атрофимизда қайнаб етибди. Нега биз Яссавийга мурожаат этаётимиз? Сабаби, у зот нафсини тий, гапинг билан амалинг бир бўлсин, деганлар. Биз нафсимизни жиловлаётмаймиз, амалимиз билан гапимиз тўғри келмайди. Шунинг учун Яссавий бобомизга мурожаат қилаверамиз, ундан маънавий озук олаверамиз.

Нега Амир Темурга талпинамиз? Сабаби парокандалик туркий элларнинг бошига етган, уларни тарикдай сочиб юборган. Уларни қовуштирган, умумий бир туркий давлат сифатида шакллантирган бобомиз Темурни қўмсаймиз. Нега биз Исмоил Бухорийни пайгамбаримиз Муҳаммад салоллоху алайҳи васалламдан сунги буюк зотлардан деймиз. Сабабким, ул зот йиққан ҳадислар инсониятнинг камолот сирлари-ку! Мозий мақтаниш учун эмас, ибрат чироғи, шунинг учун ҳам бот-бот мозийга мурожаат қилиб турамиз.

Мен журъат қилиб бир гап айтаман: юқоридаги сингари миллатимизнинг утмиши, ҳозирги ва келажагига тааллуқли юзлаб, минглаб худосалар, вазифаларни юртбошимиз ўз онги ва амалий фаолиятида жамлай олди. Биз ёзувчилар бажаришимиз шарт булган маънавий-маърифий ишларни, ёзишимиз зарур булган воқеа-ҳодисаларни, ёритишимиз керак булган муаммоларни президентимиз И. А. Каримов ўз йул-йўриқлари, курсатмалари, нутқлари орқали намойиш этиб турибдилар. Шу маънода Ўзбекистон ёзувчилари наинки тарих олдида, балким бугунги истиқлол олдида, келажак олдида қарздоримиз.

Одил Ёқубов туғилган куннинг 70 йиллигига

*Ифримқул Қодиров*

## Тоғ йўлларида

Ижодий иш — тоғ йўлларида юришга ўхшайди. Маънавиятнинг тиниқ булоқлари, тоза ҳавоси ва жозибали манзаралари худди тоғлардаги каби балангликларда жойлашган бўлади. «Тоғқа чиқмагунча дўлона қайда, жон куйдирмагунча жонона қайда» деган байт ижодий ишнинг тик ёнбағирларидан ҳансираб кутарилган пайтларингизда такрор-такрор эсга тушади.

Одил Ёқубов билан бир адабий авлодга мансуб бўлганимиз учун ижод сўқмоқларида илк қадамларни қандай қўйганимиз ёдимда бор. Одилнинг болалар ҳаётидан ёзилган «Тенгдошлар» қиссаси ва менинг «Студентлар» деган илк китобчам босилиб чиққанда адабиёт «конфликtsizлик» деб аталган риёкор бир назариянинг сиртмоғига тушиб қолган, ҳаётни пардозлаб курсатиш, зиддиятлардан қўз юмиш, шўро тузумига интиҳосиз офаринлар айтиш, Сталин шахсига сизгиниш авжига чиққан эди.

Қолбуки, ҳаётда адолатсизлик кучайиб кетган, қатагонлардан жабр кўрмаган оила қолмаган, лекин бу тўғриларда ёзиш қатъиян маън этилган эди. Шу шароитда ҳеч бўлмаса ёшлик туйғулари ва муҳаббат дардлари ҳақида самимият билан ёзилган кичик асар ҳам жуда тансиқ туюларди.

1956 йилнинг бошларида бўлса керак, Одил Ёқубовнинг «Икки муҳаббат» деб аталган ҳикояси менга ана шу самимияти ва ўзига хос оҳанги билан тансиқ туюлди. Биз танишиб, бордикелди қиладиган бўлдик. Одил ҳам менга ўхшаб қишлоқдан келган экан. Шаҳарда ҳали уйимиз йўқ, ёш оилаларимиз билан ижарада турамиз. Ўша 1956 йилнинг кузида мен ижара турган уйчада Одилга «Уч илдиз» романининг қоғозга тушган илк бобларидан ўқиб берган эдим. Биз ижодий режаларимизни ҳам бир-биримизга айтиб, маслаҳатлашардик. Шу орада йигирманчи съезд деб аталган ҳодиса юз берган, шўро тузумнинг моҳиятини яшириб келган «темир парда» очилган эди. Мустабид тузум қатагонларида ноҳақ отилган, қамалган, бадарга қилинган миллионлаб одамларнинг фожеалари тарих саҳнасида энди баралла кўринди. Сир тутилган даҳшатли воқеалар ҳаммамизни ларзага

келтирди. Адолатга ташна қалблар ларзаси замонавий мавзудаги асарларда ҳам тоғлардан қайтган акс-садодай ўз инъикосини топа бошлади. Одил Ёқубовнинг кескин тўқнашувлар асосига қурилган бир қиссаси «Ларза» деб аталгани ҳам шу боисдандир.

Уша эллигинчи-олтмишинчи йилларда ҳам Одида миллий гурур кучли эди. «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан» деганларидек, биз икковимиз ҳам Ватандан йироқда — биримиз Узоқ Шарқда, биримиз Москвада етти-саккиз йил яшаб, тугилган жойларни соғиниш қанақа бўлишини астойидил бошдан кечирган эдик. Бошқа халқлар орасида яшаганингизда ўз халқингизнинг фазилатларини қумсайсиз, беихтиёр қиёсий ҳис пайдо бўлади, миллий туйғу уйғонади.

Халқларимизнинг уша пайтлардаги қарам аҳволи, тилимиз, тарихимиз, яхши анъаналаримизнинг камситилгани, пахта далаларида оғир меҳнатдан ва заҳарли дорилардан соғлигини йўқотаётган заҳматкаш одамларимиз дарди, ноҳақ қораланган Амир Темур каби улуг аждодларимиз ёди — бу тўғриларда Одил билан йиллар давомида беҳад кўп дардлашганмиз.

Биз янги ёзилган нарсаларимизни қўлёзма ҳолида ўқиб, ютуқ ва камчиликлари ҳақида очиқчасига гаплашардик, гоҳо қизишиб, баҳсларда озор берадиган аччиқ гапларни ҳам айтиб юборардик. Сирдош одамлар эдик, айни вақтда, ижодий мусобақамиз ҳам бор эди. Бизнинг баҳсларимизга баъзан танқидчи дўстларимиз Матёқуб Қўшжонова билан Озод Шарафиддинов ҳакамлик қилишарди.

Мустабид даврларда ижоднинг машаққатли йулларида бир-биримизнинг маънавий мададимизга эҳтиёж катта эди. Шу сабабли 1958 йилда менинг илк романим «Уч илдиз»га Одил Ёқубов муҳаррир бўлган, унинг «Эр бошига иш тушса...» деган биринчи романига 1966 йилда мен муҳаррирлик қилган эдим. Адабиётда янги бир истеъдод пайдо бўлса, биз уни биргалиқда қўлаб-қувватлашга интилардик. Олтмишинчи йилларда Ёзувчилар уюшмаси қошида ёш ижодкорлар семинари жуда фаол иш олиб борди. Бу семинарнинг раҳбари Одил Ёқубов эди, ижодий муҳокамаларни икковимиз биргалиқда олиб борар эдик. Уша йилларда адабиётимизга ҳайқириб кириб келган Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони, Абдулла Ориповнинг илк шеър ва достонлари, Ўткир Ҳошимовнинг «Чул ҳавоси» ҳикояси биринчи марта мана шу семинарда зал тўла ёшлар даврасида таҳлил қилиниб, юксак баҳолар олган ва бошқа ижодкорларга ибрат қилиб кўрсатилган эди. Жушқин ва самимий руҳда, баланд савияда бир неча йил давом этган бу семинарлар адабиётга кириб келган янги истеъдодларга олдинги адабий авлодлар тажрибасини етказиб беришда ва ёшларнинг ўз кучларига бўлган ишончини оширишда яхши бир ижодий мактаб вазифасини утаган эди.

Бу мактаб Одил Ёқубов билан менда ҳам янги ижодий кучларни уйғотди, деб ўйлайман. Чунки адабиёт дарёсига катта ирмоқлар қанча кўп келиб қўшилса яхлит ўзанда улар бир-бирининг кучини шунчалик ошириб оқади.

Етмишинчи-саксонинчи йилларда О. Ёқубовнинг биринкентин чоп этилган «Улугбек хазинаси», «Диёнат», «Кўҳна дунё» романлари адабиётимиздаги умумий юксалишнинг узвий бир қисми бўлиб майдонга чиқди. Адабиёт мухлислари ва мутахассислари олтмишинчи-саксонинчи йилларда яратилган энг яхши асарларга қайта-қайта мурожаат қилишлари бежиз эмас. Бу асарлар шўро тузумининг муваққат ёлгонларини ичдан фош қилиб, асрий ҳақиқатларнинг голиб чиқишига замин яратган омиллар қаторига киради.

Мустабид мафкура инқирозга учраб ўз кучини йўқота бошлаган бир даврда Кавказда, Болтиқ бўйида, Марказий Осиёда бадиий адабиёт янги бир Уйғониш босқичига кўтарилганлиги тарихнинг мумтоз ҳодисаларидандир. Ана шу Уйғониш миллий тарихнинг мумтоз ҳодисаларининг мустамлака зулмидан халос бўлишига ва Истиқлол йўлига киришига маънавий жиҳатдан кўмак берди.

Шунинг учун Ўзбекистондаги миллий Истиқлолни астойдил қучоқ очиб кутиб олган ва унинг ривожига бор кучи билан хизмат қилаётган ёзувчиларнинг олдинги сафида бу йил табаррук етмиш ёшга тулган улкан адиб Одил Ёқубов ҳам бормоқда.

Ижоднинг тоғ йўларида узоқ йиллар ҳамроҳлик қилганимиз ҳурмати, мен Одил Ёқубовни етмиш ёшнинг қорли довонидан эсон-омон катта бадиий юк кўтариб олиб ўтаётгани билан чин дилдан табриклайман. Бундан кейинги баланд довлардан ҳам соғ-саломат ўтиб, энг баланд ҳаётий ва ижодий чўққиларга кўтарилишини тилайман.

*Шошим Ўймаев*

## Барчага баробар ёзувчи

Ҳаммаси: юракдаги эзгу туйғулар ҳам, инсонни тушуниш ҳам Ватандан бошланади.

*Ҳавога боқсам мен, ҳаво оларман,  
Тупроққа боқсам мен, дуо оларман.  
Тупроқдан айрилсам, қайда қоларман,  
Маним ёлғиз ёрим қора тупроқдир, —*

дейди Ошиқ Вайсал.

Тупроқ — Ёр.

Тупроқ — Ишқ.

Тупроқ — Кунгил.

Тупроқ — Ватан.

Ёрсиз, Ишқсиз, Кунгилсиз, Ватансиз битик бўладими?

Этаклари нақ уфқнинг ўзига туташиб кетгандай кўринадиган, туюладиган даштлар бўлади: жингил, абрук, шувоқ сингари туссизроқ, бироқ янгроқ овозли қушлар гуёки ана шу даштларла биргаликда пайдо бўлиб яшаб келаётгандай. Улут қисматдошлик уларнинг ҳар бири пешонасига мангута битиб қўйилгандир. Қуёшнинг ботиш маҳалида уфқдан келаётган заифгина қизғиш нурга сўфитургай кукрагини тутганича нималарнидир чулдираб юборади, янтоқ остидан қандайдир қуш потирлаб учиб чиққанида бу безавол ўсимликнинг гуллари дувва-дувва тўкилади.

Ёзувчи Одил Ёқубов деганда кўз ўнгимда негандир ана шундай кенгликлар пайдо бўлади. Ҳамма нарсанинг шаклу шамоийлини яратиш-ясаш мумкиндиру бироқ, бу кенгликларни мужасамлаштириб бўлмайди.

Узи тугилиб камол топган дашту далалар юрагидан болалик армонлари аримаган ёзувчи асарларига атру ифорлари, дағалликларини самимияти... билан жонланиб, шу қадар муқаддаслашадик, энди унинг ҳар гиёҳи учун жонни фидо қилишга арзийди; қушларнинг озор чекмаги кунгилни доғлайди — энди у ҳақиқий Ватан тимсолига айланади. Дунёнинг биз учун ноаён бир пучмогида дину ирқи, миллати бизга ноаён бўлган кимдир биров ўз тилида Одил Ёқубов деган ёзувчининг асарини ана шу тимсол учун энтикиб ўқийди. Ана шу илганган тимсолгина ҳақиқийлигини, безавол ва абадийлигини унинг ҳис-туйғулари тасдиқлаб туради: уммонлару тоғу тошлар оша ҳаёллари парвоз қилади, тасаввур қуввати-ла кўз олдига келтирганларининг кичик портретлари, манзаралари юрагида муҳрланади.

Қадим битикларда ҳам «Сўз — Эзгу» дейилади.

Сўз — Эзгу.

Туйғу — Эзгу.

Эзгу сўзнинг асоси эзгу туйғу бўладиган бўлса, Эзгу туйғуларнинг сарчашмаси қайда? Шубҳа йўқки, юракка жойланган бепоён кенгликлар — Ватан тушунчаси ҳар қандай сўзга битмас-туганмас ранг, ҳис-ҳаяжон, туйғулар ҳаёда этишга қодирдир.

Одил Ёқубов серқирра ижод эгаси, ёзувчининг қай бир жиҳатини айтиш керак:

Тарихий асарларнинг халқимиз миллий онгига, гурурига утказган таъсириними; муҳаббат қиссалариними; сиёсий-ижтимоий фаол ҳаракатлариними; фидойилигиними... ишқилиб, қай

бири ҳақида сўзламоқчи бўлсак ҳам, устоз адибнинг ҳавас қилса арзигулик кўплаб фазилатларини келтириш мумкин.

Менинг эса, бундан ун беш йиллар бурун ёзувчидан олган бир мактуб (сақлаб қўйганман) ёдимга тушаверади.

Мактубда: «Китобийликдан қочинг» деган бир ўғит бор эди.

Яна... «Кўрган-билган нарсаларингизни ёзинг», деган ўғит ҳам бор эди.

Рости гап, ўшанда бу гаплар менга жуда оддий, жўнгина бўлиб туюлган; мен катта ёзувчидан қандайдир бошқача... нима десамикан... бу қадар содда бўлмаган гапларни кутиб юргандай эдим.

Кейин-кейин англай бордимки, бу ўғитлар у қадар содда ва жўн эмаскан, уларнинг замирида бадий ижоднинг табиати — моҳияти жо-бажо бўлган экан. Инсонни, унинг дарду аламларини, қувончу қайғуларини, деймизми... ишқилиб, бир тирик зотни курсатишга ундаш ётар экан. Киши кўрган, билган нарсаларидан илҳомланиб ёзса, Хаёл ҳам бу юмушга кумақдошлик қилиб тураркан. Сизнинг қалбингизга таъсир эта олгулик воқеа-ҳодисалар теварак-атрофингизда сочилиб ётганини кўраркансиз; ҳаёт дарёси аксарият ҳолларда оч-наҳор, амал-тақал кун кўраётган, гуёки ҳеч қандай жамиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмагандек кўринган инсонлар қалбидан оқиб утаётганига гувоҳ буларкансиз. Ҳақиқатдан ҳам, қоғоздаги тарих билан чархи кажрафтор орасида еру осмончалик фарқ борлигини; ҳақиқатдан ҳам, энг улут салтанатларнинг безаволдай кўринган ишлари, урхорлари, кўрган иншоотлари бир сабий норасиданинг кўз ёшичалик эмаслигини ҳис этаркансиз.

Тарихий фактларгагина суяниб асарлар ёзаётган «тарихчи ёзувчилар» ҳозир кўп.

Тарихий факт — улик рақам.

Александр Дюма айтганидек, бир илгак, ижодкор унга ўз картинасини осоди.

Ҳамма гап картинада.

Жуда бўлмаганда бошқа илгак топилар.

Фактхўр ўқувчи Хужа Аҳрор билан Мирзо Улугбек замондош эмаслигидан ажабланаверади: ижодкор ҳаёли баъзан асрларни ҳам бир нуқтага йигиб келиши мумкинлигини эса уйлаб кўрмайди. Бундай чоғда, Хужа Аҳрор билангина эмас, Мирзо Улугбек, айтайлик, Маҳмуд Кошгарий билан суҳбатлашиши ҳуқуқиниям олади. Балки, у қадим, юнон тарихчилари билан гурунглашишни истаб қолар: марҳамат!

Бундай ҳуқуқни унга ижод беради.

Бундай маҳалда ҳатто улут подшоҳлар ҳам ёзувчига қулоқ тутишга мажбур. Чунки, салтанатнинг нур тушмаган қоронғи

пучмоқларидаги ҳаёт аслида дабдабаю асъасаларга тўла ҳаётдан чинроқ эканлиги, абадийроқ эканлиги айнан бадий асар орқали кўрсатилади. Воқелик асарнинг ўзи бўлиб қолади.

Одил Ёқубовнинг «Яхшилик» деган бир ҳикояси бор. Содда ва равон тил билан ёзилган бу ҳикояни ўқиб бўлганимдан кейин (ҳар гал шундай!) негадир кўнглим тулиқиб кетади. Келиноининг ҳикоядан ташқаридаги, кейинги ҳаётини ўзимча тасаввур этмоқчи бўламан. Улар (келинойилар) шунчалик катта йўқотишлар эвазига нималарни топишди, нималарни кўришди?

«Яхшилиги» кечирилмаган қайнининг орадан йиллар ўтиб ҳам уларнинг огир аҳволи ҳақида кўнжаклик билан ёзган мақолалари, юксак минбарларда туриб сўзлаганлари бежиз эмасдику!

Армон унутилмасдир.

Инсон кўнглининг коинот қадарлиги, мўъжизалари, айниқса, ўзбек аёлининг таърифланмас қалби бу ҳикояни кўёшдай ёритиб туради. Уқувчи кўнглида жиндаккина губор бўлсаям кўйдиришга мажбур қилади, ёмонликка мойиллик бўлсаям йўқотишга мажбур қилади.

Келинойи, бола, кампир, почтачи.

Дала, тегирмон, булоқ.

Оч-наҳор турмуш.

Ғам — келинойи, бола, кампир юрагидаги ҳис.

Уруш — у ёққа кетган битта одам: эр, тоға, фарзанд.

Почтачи — муваққат шодлик элчиси.

Почтачининг келтираётган шодлигим катта хавф-ташвиш билан кутиб олинади. Аслида, у ҳеч қачон шодлик келтирмайди. Қаҳрамон армони бу ерда чинлашади: тарихий факт сифатида эшитган кўп сонли йўқотишларга қараганда ҳикоядаги йўқотиш қайгулироқ, айтиш мумкинки, каттароқ: чунки, тарих йўқлама, сарҳисоб қилади, ҳикояда бўлса, Кўнги эътиборга олинади, тинглатади, қалбни қалбга рўпара қилади, кўзгу тутати.

Умумий кулфатлар ҳикоя замирида индивидуаллашади, жонланади: душманнинг ўзи ўқисаям, кўзига ёш олади. Адабиёт бир ёқлама эмас-да, у инсоний ҳис-туйғуларни қаламга олади — бундай ҳис-туйғуларнинг умумбашарийлигини устоз адибимиз Одил Ёқубов ҳам ўз ижоди билан ҳамиша тасдиқлаб келган, шу сабабли у барчага баробар ёзувчидир.

Жангчининг баҳодирлигини, чаққонлигини, чиниққанлигини синаб кўриш учун ўйлаб топилган бир усул бор: ҳар томондан болталар, тўқмоқлар, аёвсиз калтаклар ёгилиб турган, тўғридан, ўнг-сўддан ҳамиша хавф-хатар таҳдид солаётган, оёғи остида ўткир тишли арралар тинимсиз гириллаб айланаётган майдондан чапдастлик билан ўтиш керак. Сал иккиландингми, сал аросат ичра қолдингми, тамом — қашқатаёқ бўлишинг турган гап.

Чамаси, ижодкорлик ҳам ана шундай майдонга киришдай бир нарса экан.

Фақат...

Ёзувчидан аввалроқ бу майдондан бош-оёғини, тўрт мучасини соғ-омон олиб ўтган жангчи олқиш олганди.

Ижодкорга янада мушкулроқ.

У имонни сақлаб, бутун олиб ўтиши керак.

У кўнгилини ҳам соғ-омон олиб ўтиши керак.

Унинг учун ҳис-туйғуларининг тўнгишига қараганда елкасидан зарб ёмоқ ёхуд бошини гурра қилиш маъқулроқ.

У шундайлигини англаган ёхуд англамаган ҳолда майдонга қадам кўяди.

Бунда икки қадамдаёқ бошини пана қилиб чиққанлар бор, оёғи ерга тегар-тегмас ортига қарамай қочганлар ҳам топилди.

Одил Ёқубов қўтлуг етмиш ёшида катта жасорат-ла майдоннинг бу томонига энг ноёб фазилатларни олиб ўтаётган адибларимиздандир. Шу йўлда биз ҳурматли устозга доимо мустақкам соғлиқ тилаймиз.

*Собир Ғнаф*

## Қалби уммон адиб

Бундан роса беш йил муқаддам Одил Ёқубов адабиёт газетасида Абдулла Орипов, унинг феномени ҳақида сўз юритиб «Тавба, шу Абдуллаям эликка кириб кўйибди-я» деб ҳайратланган эди. Вақт оқар дарё экан, Абдулла ака элик бешниям урди, Одил аканинг ўзи бўлса нақ етмишни... Ишонгинг келмайди. Улуғларнинг умрлари узун бўлсин! Тўқсонга қулоч отиб бораётган Саид Аҳмаднинг «ГАЗ-31»ни варанглатиб юриши ҳавасингизни келтирмайдими?! Қодирий бобо шунчалик эъзозни, ёши юздан ошган нуроний бўлиб кўрса бўлмасми эди?! Утнафас шоир Шавкат Раҳмон:

*...Кўзларимдан тошди шуурим,  
Тулиб кетди бағримга наво.  
Мангулиқдай туюлди умрим,  
Мангулиқдай туюлди дунё, —*

деб ёзганида армонли бу дунёнинг не бир кўламлари шавқию завқлари аралаш кўз олдимизда жимирлаб намойиш бермайдими?!

Адабиёт майдони жуда кенг. Бу гап давраларда бот-бот эшитилади. Бироқ, шу кенг даргоҳда ўзининг чинакам ижодий, инсоний савлати билан буй кўрсатиб турган Одил Ёқубовдек адиблар жудаям кам. Мен Одил аканинг деярли барча асарларини, ҳатто нутқларию суҳбатларини ўқиб, ўзининг дилкаш, меҳрибон ўгитларини тинглаб шогирдсиниб юраман. Ва кўпинча уялман: биз нимаям ёзибмиз ўзи, нимани қойил қилдик? Лекин маҳмадоналикни эплаймиз: катта гапирамиз, улкан ижодкорлар ҳақида буюкларга ухшаб баҳо берамиз, ўзимизнинг ҳолимиздан хабаримиз йўқ — ундоқ ижодкор у, бундоқ, дея қатъий хулосалар ясаб қўямиз. Гуё шу билан обрў-мартабамиз бир баҳя кўтариладигандек.

Албатта, мухтасар бир мақолада улугимиз ҳақида атрофлича фикр юритишдан ожизман ва у кишининг ижодига ўзимча баҳо бериш мажбуриятини олмаганим ҳам тузук. Чунки такрор фикр айтишдан биров манфаатдор эмас, оқсоқол бунга муҳтож ҳам эмас. Ўзим қойил бўлган бир-икки инсоний жиҳатларини кузатаман, шуни айтмоқчиман.

Саксон тўққизинчи, бундан атиги етти йил муқаддам — СССРнинг тарқалиши ҳали бировнинг хаёлига ҳам келмаган пайт Москвадаги икки марта бўлган (бири июнда, бири декабрда бўлганди чоги) мамлакат сессиясида мардона нутқ сўзлаган, ўзбекнинг ҳабашдан баттар эзилаётганини тик гапира олган, кўкрагини адл тутта олган шу «кекса» Одил Ёқубов эмасмиди?!

Не бир алгов-далгов даврда Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди, қанчадан-қанча ёш ижодкорларнинг бошини силади, уйли-жойли қилди, багрини доимо очиқ тутди. Романини ҳам ёзди. Кейин замон эврилгач, қараса, ўзи эмас, кўпроқ бошқаларни уйлаган экан...

Одил ака содда одам. Бироқ куйинса, чинакам куюди, асарлари мазмун-моҳиятидан ҳам маълумки, ижтимоий адолатсизликка ҳечам тоқат қилолмайди. Мана шу адолатсизликларнинг негизини тийран кўра олади. Яна бир фазилатига лол бўлганман: ақалли бирор марта майдалашганини кўрмаганман, бировнинг устидан от ҳайдаганини-ку, сира эшитмаганман.

Гаплашсанг қулфи дилини очиб суҳбатлашади. Баъзан бу даражадаги самимийлигини кўриб, унгайсизланиб кетаман. Бу дунёда ман-манлиқдан беҳабар, улуглиги ошган сайин камтарлиги тутадиган (эҳтимол, улугликнинг белгиси шудир) гаройиб ёзувчимиз ҳам бор-а!

Одил ака тарихнинг катта билимдони.

...кечиримли одам, ўзига мустаҳкам, ҳар куни эрта туриб иш вақтигача 3—4 соат ижод қилади,

...хотираси кучли.

Яна оилада бахтли одам: мўмин-қобил тўрт ўғилнинг отаси, ҳалол-меҳрибон фарзандлар улар.

У киши яқинда Чингиз Айтматов билан Тошкент орқали Чимкентта бирга сафар қилганини гапириб берди. «Йўлда сие-сат, ижод, адабиёт ҳақида гаплашиб келаётувдик, бир маҳал у: «Адиббой, буёғи не бўлот?» деб сўради. «Яхши, мана, яшайпмиз, обрў ҳам, худога шукр, ёмон эмас» дедим. «Жу-ўқ, буёғи, не бўлот деботирмин». «Ҳа, пул йўқми, сендай бадавлат ёзувчи бу офтобруда борми, бу нима деганинг?!» «Пулди қуй, жасди айто-тирмин, жетписга қарай кетдиқ-ку, не бўлот буёғи?» Қурмагур менинг ҳам юрагимни эзиб юборди. «Ҳай, энди Оллоҳнинг хоҳиши не бўлса шуни кўрамиз, ваҳима қилмасинг-чи», дедим. Шундай бир буюк ёзувчи остонада турган қарилликни еқтирмай, боз устига ундан қутулишнинг имконсизлигини шууран ҳис этиб, нарёқдан бу ёқ яқин-ку, деб даҳшатта тушаётгани мениям қийнади, дарвоқе, кексайдиқ-ку, деган хавотир кучайди. Багримизни багримизга бериб эзилишдик».

Одил аканинг бу гапларига эътибор бермаган бўлдим. Гапни айлантириб, яқинлашаётган тўйи ҳақида сўрадим, зийрак одамни, қалби оддий одамникидан кўра сезгир адибни, кўпни кўрган, замонлар чигиринига бир-бир тушиб чиққан кимсан Одил Ёқубовни бир-икки овунчоқ гап билан чалгитиш қийин эди.

Бу инсон айнаи замонда ҳам кўп хайрли ишларда етакчилик қилаётганига гувоҳимиз. Азбаройи кўриб турганимиз — «Туркистон — умумий уйимиз» халқаро ассамблеясида Президент биринчи муовини ва асосий ишлаётган одам. Соҳибқирон ҳақида драматик пьеса ёзиб, эълон қилди. Ўз ҳаёт йўли ва ўтмиш кечинмалари ҳақида эсдалик ёзиб тутатди.

Муҳими, беминнат устоз, қалби уммон инсон. Янаям муҳими, бардам, саломат.

Адабиёт ва ҳаётда ўзининг сунг ўрнини муносиб эгаллаб, унинг ширин самараларини кўриб юришдан афзалроқ бахт борми?!

Эркин Воҳидов туғилган куннинг 60 йиллигига

*Иброҳим Ғафуров*

## Қуёшча

Эркин Воҳидов табиатан бахтиёр одамлар тоифасига киради. Шунинг учун у қайси даврада ўтирган ё иштирок этаётган бўлса, уша даврада файзу шукуҳ ҳамда фазл шуълалари кезиниб юради. Худди шунингдек, унинг байтлари кириб борган калблар ичдан нурланиб нурафшонлик касб этгандай булдилар.

Мен буни кўп йиллардан бери жуда кўп қатга-кичик давралар ва анжуманларда кузатганман.

Баъзи бир одамларга илҳом ва фазл нурлари ҳамиша эргашиб юрса керак. Нега уни кўрганда, у билан куришганда ута жиддий ва ута қовоғи солиқ одамларнинг чеҳралари ҳам бирдан уз-узидан еришиб кетади. Балки бунда шоир сатрларидан ёдда қолган хотиралар яна эсланар ва бу эслаш нурланиб вужуд қитъаларига сйилар...

Эллингинчи йилларнинг бошларида, унинг илк машқлари чиққанлаёқ, буни ўқиган одамлар дарров сезган эдилар. Мактабда эса унинг сабоқдошлари доим атрофида гиргиттон эдилар.

Бунинг сабабини сурасангиз, балки сабоқдошлари тушунтириб беролмасдилар. Лекин суз билан ифодалаб бўлмайдиган алланималар мактабдошларни ҳам, мактаб ўқитувчиларини ҳам унинг атрофига тортиб турар эди. Аллақандай инсоний жозиба, назокат, маданият ва одоб-икром унга тугма тарзда тортиқ қилинганга ухшарди. Бундай хислатларни китоблардан ўқиб, донишмандларни урганиб касб этиш мумкин эмас. Буларнинг бари унинг табиати, феъли-атворида ичдан, ич-ичдан табиий тарзда нурланиб турарди.

Жуда эрта етим қолгани сабаблимикин, унинг инсоний шахси жуда эрта шаклланди. Шахс тез камолга етди. Мен баъзан ўйлайманки, шу камол ҳам илгаридан ато этилган, яъни, тугма бўлса эҳтимол.

Эркин Воҳидовнинг илк шеърларини ўқиган ва тинглаган одамлар қанчалар бирдан завқланиб кетганликларини ўзим кўп маротабалаб кўрган, кузатганман. У пайтлар Ўзбекистон ҳаво-

сида Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода сингари жушқин эҳтиросли, маърифатли шоир ва адибларнинг сузлари, оҳанглари, қофиялари, латифалари, доноликлари чарх уриб қанот қоқарди.

Уша даврнинг урушдан базур омон чиққан биз мурғак болаларини Ғафур Ғуломнинг сузлари тамомила узига ром қилиб олган эди. Унинг «Яша, дейман, ўғлим!», «Билиб қуйки, сени Ватан кутади», «Аввал ўқи», «Тонготар қушиғи», «Қуёшчалар шеъри», «Бир гунча очилгунча», «Чароғларим — қароғларим» сингари уша йилларнинг энг олд шеърларини худди оятдай такрорлаб юрар эдик. Эркин Воҳидов эса Ғафур Ғулом шеърларини илоҳий бир даражада севар эди.

*Дада, мен осмонга учар бўлсам,  
Чеки йўқ кукни кучар бўлсам,  
Юлдуздан юлдузга кучар бўлсам,  
Сен тубанда қолиб не дейсан?  
— Яша, дейман, ўғлим!*

Бизнинг мурғак ва маъсум, уруш қийинчиликларидан ҳамирдай юмшаган, меҳр, эъзозга тапша юракларимиз Ғафур Ғулом эркалашларини оби ҳаёт янглиғ шимирар эди. Ғафур Ғулом эса урушдан кейинги ҳар бир шеърда бизни қуёшга барабар қуйиб улуғлар, ёрқин бир ҳашам билан улутвор падар сингари эркаларди.

*Сиз қанча донороқ, голиб бўлсангиз,  
Айни муддаомиз — шу муддаодир.*

Еки:

*Халқу ватанимиз қуёш бўлсалар,  
Биз шу кенг осмонда қуёшчаларимиз...*

Мен кетма-кет бу мисолларни келтираётганимнинг боиси, уларсиз уз фикримни тушунтиролмайдигандек буламан. Ростдан ҳам, Ғафур Ғулом жонбахш маҳрам ҳам беҳад оқил падар оҳангли барча шеърларида замон кишисининг бир идсаи яратилган эдики, бу идеал бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган, биз шу идеалга таассуб қилар, шу идеалдай бўлишга уринар, узимизни кам деганда шоир айтмоқчи, қуёшчалардай тасаввур қилишни севардик. Ҳолбуки, ҳаёт тамомила бошқа эди, миллатга қарши зуравонлик шу эллингинчи йилларнинг бошларида ҳам зурайдандан-зурайиб борар, маддоҳлик, маҳдиябозлик ҳеч қандай меъёр ва чегарани ҳам тан олмай қуйган, шоир буламан деганларнинг илк машқлари, албатта, Ленинни улуғлаш-



дан, уни «отам»лашдан бошланарди. Фикри миллат дардини англашга, очиқ суйлаш, талаб қилишгача етилганлар эса дарҳол қамалар, сургун қилинарди. Лекин биз буни билмасдик. Биз Фафур Гулом ва Ойбек шеърларини баралла ёд уқиб юрар, у шеърлардаги сузларга қараб келажгимизни чамалардик.

*Яшаймиз ҳаётдан олиб бусалар,  
Умрнинг найини бизлар чаламиз.*

Қанчалар осмон билан тенг куркам серҳаво сузлар! Лекин боя айтганимдай асил ҳаёт тамомила бошқача эди. Биз унинг тамоман бошқачалигини қайдан билибмиз! Рост! Том маънода ҳаётдан бусалар олиб яшаш, умрнинг гузал найини чалиш, аълочи фарзанд булиш, ет юлдузлар, ет санамларга сизгинишга олатландик. Тадқиқотчилар Эркин Воҳидовнинг уша пайтдаги шеърларида Фафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжоннинг оҳангларига эрганиш майли кучли деб қайд этганлар. Бунда, албатта, маълум бир ҳақиқат йўқ эмас.

Лекин билмадим, тугри тахмин қилишманми ё нотугрими, ҳар ҳолда шоиримизнинг илк даврида ҳаётдан буса олиб ёзиш, унинг найини чалиб ёзиш ва бир суз билан айтганда, «куёшча» булиб ёзиш устунлик қилади. Улар узини куёшча деб ҳис қилган ёш йигитча, бағри оламга кенг очилган, қулоғи Фафур Гуломнинг ҳузурбахш оҳанграбо аллаларига урганган зувалали бир шоирнинг шеърларидир. У Фафур Гулом илгари сурган идеаллардаги инсондек яшашга чоғланган. Ҳаётдан, оламдан фақат тиниқлик, сурур, мағрур юксалишни кузлайди. Эркин Воҳидов Фафур Гулом билан Ойбек қандай айтган булса, шундай илмлар тоғлари ва чуққиларини забт этмоқ иштиёқи билан ҳаётга отланади. Кукси кенг, кунгли беғубор бу шоир йигит тирикликнинг боғларида фақат баҳорий илиқлик ва наҳорий тиниқликларни кашф этади. Эркин Воҳидов узоқ вақтлар Фафур Гулом оҳанглари ва идеалларига асирликдан қутулиб кетолмади. Маълум бир вақтлар у бунга интилгани ҳам йўқ. Нега десангиз, куёшча булиб шеър ёзиш унинг узига ҳам жуда ёқар эди-да! Олам чаман. У шу чаманда мангу қолиш ва ундаги ҳар бир чечакни куйга солишни истайди. Дунё ҳам унинг қузларига нурга чулганган ҳолда намоён булади.

Хуп, Эркин Воҳидов Фафур Гулом идеалини уз идеали деб қабул қилибди ва шу идеал атрофида суз юрита бошлабди. Лекин шунинг узи билангина у замондошлари юракларини забт эта олмасди-ку! Замондошларга яна бир кичкина Фафур Гулом қанчалар оригинал туюлиши мумкин эди. Ҳамма гап шундаки, куёшча Фафур Гулом оҳангларида асир булди. Бу асирлик эҳтимол бир умрга сақланиб ҳам қолди. Лекин унинг шахсининг

узида оригиналлик майли жуда кучли эди. У асир булдию лекин бир зум ҳам асоратда қолмади. Қалбида бошқа оҳанглар жилланди. Жиддий фарқ нимала? Фафур Гуломнинг идеали ута мафкуравийлашган ва мафкуравийлашмиш натижасида ҳаддан ортиқ важоҳат касб этган идеал эди. Эркин Воҳидовнинг идеали эса, мафкуравийлашмоқликдан холи була бошлаган, инсонийлик, табиийлик, самимийлик томонга юзини бура бошлаган ва жиндак булса-да, шахсга сизгинишлар фош булиб эркинлик туйғуси уйғона бошлаган идеал эди.

Воҳидовнинг шеърлари мафкуравийликдан қутулиш сари бир дадил қадам булди ва шу жиҳати билан Фафур Гулом ва унинг катта авлоди йўлидан жиддий фарқланиб турди. Замондошлар унинг шеърларидаги ана шу самимий инсоний оҳангни дарров илғаб олдилар. Шеър дунёсига янги бир овоз кириб келганлигини сездилар. Унинг ҳар бир сатрини чанқоқлик билан кутиб оладиган, уқийдиган, тинглайдиган булдилар. Замондошлари унинг ёшлик руҳи акс этиб турган беғубор шеърларини ёд олиб давраларда айта бошладилар. У олтмишинчи йилларнинг биринчи ярмида чиққан илк беш китоби биланоқ танилган, тан олинган, ўзбекнинг барча хонадонларига кириб борган ва уларда мафкуралардан чарчаган ва ҳаддан ортиқ безган кунгулларни ишғол қилди. Эл шоирига айланди.

Унинг «Тонг нафаси», «Қушиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Нидо», «Палаткада ёзилган дoston», «Ёшлик девони» сингари китоблари чин маънода миллий ҳолисага айланди.

Уларда заковатли бир ўзбек намоён булди. У закий, зеҳни уткир, ҳар дамда шарқона ажиб зарофатта мойил, ҳар дамда оғзидан эски зиёлилар каби шеър ва ҳикмат тўкилиб турадиган зариф ўзбек тимсоли эди. Эркин Воҳидов шундай зариф ўзбек образини кашф қилди. Ва кейинги барча санъаткорона ёзилган асарларида бу образни мукаммаллаштиришга интилди. Ҳозир тула ишонч билан айта оламизки, шоир бунга тула муяссар булди. У узини тинмай ушиб мукаммалликка интилиб борадиган динамик ижодкор ва динамик инсон сифатида тула намоён этди. Ҳар бир китобида суз ва шеърятнинг янги бир юксалигига қутарилди.

Куёшча замонамизнинг илғор фикрли, халқим, ватаним деб ёниб-қуядиган, зиёли, баркамол маданиятли оқил кишиси, халқининг чин уғли булиб етилди.

Эркин Воҳидов

## ФАРҒОНАНИНГ ЙЎЛЛАРИДА

Дейдиларки, эр кишининг  
Уялгани — ўлгани.  
Фарғонанинг йўлларида  
Қувиб утдик «Волга»ни.

Довон ошиб, шамол бўлиб  
Учар бизнинг «Жигули»,  
«Жигули»мас, нақд «Бойчибор»,  
«Ҳавопаймо» дегули.

«Жигули»да биз — тўрт улфат,  
Дунё билан иши йўқ.  
Ўзимиздан жуда мағрур,  
Бизга етар киши йўқ.

Кечқурунги базми жамшид —  
Туйга шошиб борамиз.  
Кўринган ҳар гилдиракни  
Қувиб ошиб борамиз.

Бир пайт бизнинг жайрон тойни  
Билолмадик не сабаб,  
Пачоққина «Запорожец»  
Қувиб қолди, вожаб.

Ўзмоқ бўлиб йўлни гоҳ сўл,  
Гоҳи уннга солиди.  
Тумов булган хўроз каби  
Бибилдогин чалади.

Бизлар эса бўш келмаймиз,  
Мингга қуйиб босамиз.  
Қий-қийлашиб, тил кўрсатиб,  
Масхаралаб қочамиз.

«Запорожец» нима бўпти,  
Қувиб утдик «Волга»ни.  
Бос, дер Парпи, эр кишининг  
Уялгани — улгани.

Рихситилло қичқиради:  
«Тоғорангни нари ол!»  
Эгамберди қаҳқаҳ урар:  
«Эски қумғон, яхши қол!»

«Запорожец» чидамайди,  
Турт улфатни гангитиб,  
Шартта йўлни қирга солди,  
Ҳаммаёқни чангитиб.

Тариллади, вариллади  
Қувиб утди, воҳ, қаранг!  
Қувиб ўтиб машинани  
Йулга қўйди кўндаланг.

Биз тўхтадик. Йул беркилган.  
Утишга ҳеч имкон йўқ.  
Туртов ҳайрон ултирибмиз,  
Тиззаларда дармон йўқ.

«Запорож»дан чиқиб келди  
Фарғоналик барзанги.  
Барзангининг ҳар елкаси  
Нақд Чотқолнинг харсанги.

Белбоғига осиб олган  
Пичоғи ҳам бир қулоқ.  
Қалтираймиз, олдга йўл йўқ,  
Қайтишга ҳам йўқ илож.

Машинани ташлаб қочсак  
Қаерга ҳам кетармиз?!  
Битта-битта ушлаб олиб  
Чавақласа нетармиз?!

Ана, қаддин ростлади у,  
Сунг атрофга аланглаб —  
Бизга қараб аста юрди  
Кинг-Конг мисол лапанглаб.

Шу пайт илож булса эди  
Биз турт аканг қарагай,  
Тошкентгача қочар эдик  
Орқамизга қарамай.

Яқин келди, салом берди,  
Эртақларда дейдилар:  
Девлар аввал салом бериб,  
Кейин тутиб ейдилар.

Деразадан қўлни тикди.  
Улкан, жундор, даҳшат қўл.  
«Сурашайлик» демаганда  
Додлар эдик, энгил ҳўл.

Гулдираган овоз билан  
Гап бошлади. Минг узур.  
Йўлингизни тўсиб сизни  
Қилган бўлсам беҳузур.

Машинангиз гилдираги  
Бушаётир, акалар.  
Мотордан ҳам мой кетганга  
Ухшаётир, акалар.

Шуни айтиш учун қувиб  
Йўлни тўсдим, кечиринг!  
Энди ўзим кўриб берай  
Мотор утин учиринг.

Шундай дея кириб кетди  
Машинанинг тагига.  
Сунгра чиқиб насос урди  
Орқа гилдирагига.

Сеҳрланган одамлардек  
Турар эдик биз ҳайрон.  
Қарашайлик десак қўймас:  
«Фарғонага сиз меҳмон».

Шу ораси латифалар  
Айтиб яна кулдирди.  
Хуллас, шу кун деҳқон йигит  
Бизни тирик ўлдирди.

Ишни созлаб, ариқчада  
Ювар экан қўлини,  
Сураб борар манзилимиз,  
Айтди яқин йўлини.

Сунг бор қараб машинага,  
Ён кузгунни тузатди.  
«Оқ йўл» — деди, ўзи кетмай  
Аввал бизни кузатди.

«Хайр, қамчи босинг, энди  
Тойчоғингиз ҳеч толмас.  
Бизнинг эски қумғон тугул  
Самолёт ҳам етолмас».

Йўлга чикдик изза бўлиб,  
Қип-қизариб, шарманда.  
Энг ёмони кейин бўлди —  
Туйхонага борганда.

Остонада ўша йигит  
Бизни кутиб турарди.  
Қўлда қумғон, елкасида  
Сочиқ тутиб турарди.

Қузи кулиб боқар эди,  
Сир бермасди у бироқ.  
Бундан кўра бизни тутиб  
Урса эди яхшироқ.

Ўзимизга аён шу кун  
Буларимиз бўлгани.  
Дейдиларки, эр кишининг  
Уялгани — улгани.

1996 йил



Зойир Мамажонов

## ГУЛХАН АТРОФИДАГИЛАР

Ҳикоя

Дарё буйида гулхан ёнади. Ловуллаб-ловуллаб, буралиб-буралиб самога урлайди. Теваракка чирсиллатиб учқун сочади. Гулхан атрофида утирганлар турт киши: Зебо, Ҳазрат Қораевич, Исмат ва Қорасоч эди. Улар юзларини бужмайтириб, учқундан олиб қочадилар. Кузларини кафтлари билан оловдан пана қиладилар. Тутундан ёшланган кузларини уқалаб, теваракка қарайдилар. Дарё ёйилиб оқяпти. Суви тиниқ ва мовий. Қирғоқдаги юлгунлар орасидан танга-танга бўлиб тушган офтоб нурларидан сув юзи шуъаланади. Ҳар замон-ҳар замонда сув остидан балиқлар салпчийди. Боши бир куринадию яна гойиб булади. Шунда, дарё сатҳида доиралар ёйилади.

Гулхан атрофидагилар бу манзарани паришонхотирлик билан томоша қиладилар. Бари ўз хаёллари огушида.

Сукунатни бехос Зебо бузди:

— Ия, Ҳазрат Қораевич, қаранг, бизда даволанган бола-ку!

*Зойир Мамажонов — сизларга таниш адиб. Унинг «Богбон» ҳикояси бундан уч йил бурунги «наср муҳокамаси»да «энг яхши ҳикоя!» деган баҳони олган эди.*

*Зойир оз ёзади, лекин уша — соз ёзади. Аммо адабиётдан жилла узоклашиш — унинг ақлига сиғмайди; адабиёт — унинг суянчиги, дарди-ҳасрати, шунинг учун мумкин қадар соддаликка интилади ва ҳастнинг «мағзини чақиб», ҳастнинг узидек жун, аммо теран шаклда қорғозга туширади.*

*Уттиз йилдан кўпроқ вақтдан бунга адабиётнинг «тупрогини ялаб» келатган бир адиб сифатида айта оламанки, Зойирнинг ёзиш усули бугунги кунда Лотин Амиқо-снью Япония адабиётига тақлид қилиб, афсона қобигида, гўё руҳни таҳлил эттишга бағишланган асарлар усулидай гоят қийиндир; бир хитой файласуфи айтган экан: «Йўқни ёзиш — осон, чунки у китобхонни дарҳол қизиқтиради. Борни ёзиш — қийин, чунки у — китобхон қуриб турган нарсадирки, унга қизиқроқ қилиб ста-киш — жуда мушкул». Бу гапда чуқур ҳақиқат бор.*

*Дарвоқе, Хемингуэй ҳам: «Ёзувчининг айтар гапи булса — дангал айта қолади, булмаса — чайналансади, чайналаверади...» деган экан.*

*Зойирнинг айтар гапи бор.*

*Ушбу ҳикояга мурожаат этсак, ажаб ҳолни қурамин: ҳикоя ичнда ривоят ҳам*

Гулхан атрофидагилар сергакланиб, Зебо курсатган тарафга қарашди. Дарё ёқалаб кетган чакалакзор суқмоғида бир отлиқ кел-япти. Яқин келганидагина уни танидилар. Бу касалхона боғида ўз-ўзича қироат билан шеър ўқиб юрадиган йигит эди. У кутилмаган бу учрашувдан бир оз анграйиб турди. Кейин ўзини тап этиб отдан ташлади. Жилловини қўйиб юбормай, қулочини кенг очганича жил-майиб гулхан атрофидагиларга қараб юрди. Исмат сакраб туриб бориб, уни қучоқлаб олди. Зебо ҳам туриб, қўл бериб қуришди. Йигит тиззаларини қучоқлаб утирган Ҳазрат Қораевичнинг олдига борди. Ҳазрат Қораевич бошини билинар-билимас силкиб қуришди. Йигит эгилиб, унинг бефарқ қўлини қўш қўллаб олди. Унинг ёнида утирган Қорасочни қуриб, алланечук бўлиб кетди. Табассуми суниб, юзига бир оз қизилик югурди. У билан бош ирғаб, саломлашган бўлди. Ерга қараб утирган Қорасоч унинг бош ирғашини кўрмадиям. Йигит нима қилишини — утиришиниям, кетишиниям билмай, тик туриб қолди. Унғайсизланиб, чаккасини қашлади. Унинг бу ҳолатини утирганлар тушунишди. Зебо ҳаммадан ҳам кўп ҳис этиб, уни ёнига чақирди:

— Э, кел, укажон, кел, манави ерга ўтир. Отинг нима эди?

Ҳазрат Қораевич унинг учун жавоб қилди:

— Оти Эшбоев.

— Яна эшитар эканмиз-да, — деди Зебо қувноқ.

Зебо йигитни қистамади. Ўзини босиб олсин, даврага сингиш-син, деб ўйлади.

Оловга осилган қумгон қайнаб, Зебо чой дамлади. Тутиб келган дастурхонини очиб, утирганларга манзират қилди.

— Машинамиз ботиб қолди-ку, укажон! — деди Зебо Исмат қуйган чойни олиб, йигитга узатаркан. — Қишлоқларингда тортади-ган бирон нарса топиладими?

— Топилади, — деди йигит ва ўрнидан туришга чоғланди. — Отам бульдозер ҳайдайди. Уз-у-ун тросиям бор.

*бор; ҳар иккисиди ҳам кимдир кимгадир ҳиснат қилади ва ривоятдаги қахрамон дорга тортилса, ҳикоядаги қахрамонга ҳеч нарса бўлмайди.*

*Мана муаммо.*

*Мен ҳикояни ўқиб чиққанимдан кейин «Инсонлар (Давлат таркибида) кашф этган жазо қонуллари нақадар нисбий, а?» дсб ўйладим.*

*Сунгра: «Ҳар кимнинг қалбида — уз қонунни бор-ку? Ўзига узи жазо берилиш мумкин-ку?» дсб тасалли тойдим.*

*Ундан сўнг эса: «Яхшиям Зойир ва Зойирлар бор, улар жазони китобхонга ҳавола қиладилар», деган ҳулосага келдим.*

*Илова:*

*Зойир Мамажонов — Денов шаҳар газетаси — «Чагоннен»нинг бош муҳаррири. Тагин бир оғиз гап: бундан ун йиллар муқаддам «Деновлик ёзувчи қамалибди», деган гапни эшитган бўлсангиз керак.*

*Уша ёзувчи Зойир Мамажонов эди; туҳмат билан саккиз йилга ҳукм этилган адиб икки йил етиб чиқди ва шу муддатнинг ҳақини ҳам ундириб олди, бош муҳаррирлигига ҳам тикланди.*

*Зойир — ҳалол, фидойи адиб, чунки у шундай инсондир.*

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.

Зебо йигитнинг елкасидан оҳиста босди.

— Ҳали шошма, укажон! Аввал бир эшитайлик.

Йигит Зебога безовта нигоҳ ташлади.

— Отам овга кетиб қолишям мумкин-да.

— Отанг овчиями? — ҳайрон булгандай қошларини чимирди Зебо. — Нима отади отанг?

— Тогдан ёввойи чучқа, каклик, товушқон<sup>1</sup> отиб келади. Яқинда иккита бурини отиб, чўпонлардан мукофот олди.

— Ие, зур экан-ку! У манави ерларда ҳам ов қиладими?

— Қилади. Тулки, шоқол отади.

Қорасоч «Айтмадимми, тулки, шоқол бор деб...» дегандай куз қирини Ҳазрат Қораевичга ташлади. Ҳазрат Қораевичга ўтириш ҳам, қайноқ чой ва қанд-қурс ҳам татимади.

— Айт, укажон, бирор нарса айт, — деди Зебо бетоқатланиб. — Отанг ҳам дарров овга кетиб қолмас. Кетиб қолса, кутамиз.

Йигит кулимсираб ерга қаради. Ҳаёлини бир жойга йиғиб, ёд биладиган яхши-яхши шеърларини эслади.

Шеър кутиб, атрофга қараб утирган Исмаот от устидаги хуржунда учи чиқиб турган думбирани кўриб қолди. Ажабланиб йигитга қаради.

— Ие, ҳали думбира чалишнйам биласанми? Зурсан-ку! Шошма, мен олиб келайин. Отинг индамайдим, ўзи?

Исмаот хуржундан думбирани олиб, ўзича тангиллатди. Сунг чеккасига бармогини нуқиб думбирани йигитга узатди:

— Бизда бундай ҳ-ҳ-ху-хунар йўқ, ука. С-с-сенда бор экан, қани бир чал. А? Ш-ш-шеърнйам шу д-д-думбирага солиб айт.

— Кимдан айтайин?

— А-а-Абдулла Ориповдан а-а-айт. Абдулла О-о-Ориповдан.

Йигит думбирасини тинг-тинглатиб созлаб, бош чайқади:

— Абдулла Орипов думбирага сигмайди, ака. Абдулла Орипов думбирани ёриб юборади, ишонаберинг. Кўч уринганман, бўлмаган.

— Унда, билганингни айт. Лекин думбирани ҳам сайраб турсин, ҳа.

Шунда йигит Қорасочга бир қараб қўйиб, кўнглига келганини айтди:

— Ака, яхшиши мен сизларга яқинда бир момодан эшитган ривоятни айтиб берақолай. Ривоят ўзиям худди мана шу еримизда, Бандихонда утган.

— Бундан чиқди, ўзимизнинг ота-боболаримиз экан-да.

— Ҳа-да, — деди йигит куз остидан Қорасочга алланечук қараб. — Лекин буни ҳали созга соломганим йўқ. Шундай бўлсаям думбирани тингиллаб туради. Иримига.

— Айт, айт.

— Айтганим бўлсин. — Йигит жойлашиб ўтириб, енглирини билагига шимарди. Олис-олисларга уйчан қараб, думбирани чала кетди. Сунг сўзини бошлади:

<sup>1</sup> Ёввойи қуен

— ...бир замонларда шу ерларда Азим савдогар деган утган. Бир куни у хотини Заррин оймга дейди:

— Ёшим бир жойга бориб қоляпти. Мисрга шу охири марта бориб келаман. Нақд-насиямни бир ёқли қилиб қайтаман.

Савдогар йўлга чиқди.

— Курасан, йўлни, одамларни таниб қайтасан, — деб меросхури Алимни ёнига олди.

Хотинига эса тайинлади:

— Увол-савобларингни ошнам мулла Журга топширдим. Нима деса, маслаҳатларига қулоқ солинглар. Таом пиширганларингда чиқариб туринглар.

Заррин ойм эрининг гапини қулогига осди. Овқатта мулла Журани қақирини учун ҳар гал қизи Сарвиғулни юборди. Қиз буй етган, ерга урса осмонга сапчийдиган, хушқомат, чиройли эди. Мулла Журанинги кўнгли бузилди. Бир куни қўлига сув қўйдириб турганида қизнинг билагидан ушлади. Сарвиғул қўлини силтаб тортиб олди. Мулла Журга ҳадиксираб юрди. Сарвиғул эса онасига ҳеч нарса демади. Мулла буни бошқача тушунди. «Кўнгли бор экан менга. Бўлмаса айтарди, тузукроқ ушлай».

Шундай қилиб, тағтилга айтгани келган Сарвиғулни мулла уйига қамаб олди. Қиз ўзини олиб қочди. Мулла жон-жаҳди билан ёпишди. Қиз мулага куч бермади. Чолни таталади, тирнади. У ёгидан келса тепади, бу ёгидан келса тишлади. Муллани итқитиб ташлайверди. Қараса, чол ҳали-вери ҳолдан тоймайдиган, шаштидан тушмайдиган. Қочиб кетай деса эшик маҳкам. Ниҳоят, бурчакдаги қумгон қўлига илашди. Чолни уриб ҳушидан кетказди.

Қиз бир аҳволда уйга қайтди. Онаси Заррин ойм сўради:

— Нима бўлди сенга?

— Мулла бобомнинг ити бир гириллаб тармашди... қорнига тепадим.

Шу кеча Сарвиғул чириллаб уйгонди. Она ҳам уйгонди.

— Нима бўлди сенга?

— Тушимда босриқдим. Кўп қарга учиб келиб тармашмоқчи бўлиб турибди. Кўзингни ўямиз, деб устимга ёпирилиб келяпти. Кейин бир бургут келиб айириб олди.

Онаси тасалли берди:

— Тушга ҳар нарса кираверади. Ажина, зиён кўпайган...

1

Эшик очилиб, остонада ҳамшира қиз пайдо бўлди.

— Анави дуудуқ бемор думбасини очмаяпти, — деди у энтикиб. — Қанча укол бўлса билагимга суқ, дейди. Қўлимдан шприцни тортиб олди.

Турдаги столда ялпайиб утирган Ҳазрат Қораевич сигаретни ютоқлаб сўрди. Тутун буруқситиб, қош-қовогини уйди. Бир ҳамшира қизга, бир диванда утирган Зебога куз ташлаб, писандали овозда гапирди:

— Айтмадингизми, у жойингга кўзим учиб тургани йўқ, деб?

Шприцни тортиб олармиш... Демак, дард ҳали жонидан утмабди. Умуман, унга уколни тўхтатинглар.

Ҳамшира қиз чиқиб кетди. Ҳазрат Қораевич ҳали ярмигача ҳам чекилмаган сигаретасини кулдонга эзгиларкан:

— Кеча денг, Зебо Самадовна, сахаргача утириб қолибмиз, — деди. — Арақни ўзи ким чиқарган-а?

Ҳазрат Қораевич хомуза тортди. Кузлари ёшланиб, қизарди.

— Уколни тўхтат деганингиз яхши бўлмади, Ҳазрат Қораевич! Бемор балки уялар, балки қўрқар...

Ҳазрат Қораевич лабларини қувача қилиб эснади. Юмилган кузлари гардишига сизиб чиққан ёшни даструмолчаси билан артди. Рация тугмасини босди. Ундан «Эшитаман, Ҳазрат Қораевич!» деган овоз эшитилди.

— Менга қаранг, ҳалиги беморнинг уколдан қочаётганлиги масаласини Зебо Самадовна билан ҳал қилинган! Умуман, ҳар қандай икир-чикир гаплар билан мени чагитманглар! Зебо Самадовна билан ҳал бўладиган масалаларда ҳам менинг ёнимга кираверманглар! У киши менинг забардаст ўринбосарим!

— Жудаям тезкорсиз, Ҳазрат Қораевич! — деди Зебо юзида маъсум кулги ифодаланиб. — Нимага эътироз билдирсам, узимга ёпиштирасиз.

— Нега энди шундай тушунасиз?

Ҳазрат Қораевич Зебога қараб керишиб, эснади. Зебонинг лабларида истеъзо уйнади.

— Одамга қараб керишмайдилар, Ҳазрат Қораевич!

— Агар керишишимиздан ҳам қийиқлик топаётган бўлсангиз, унда керишмадик, мана, Зебо Самадовна. — Ҳазрат Қораевич қўлларини чўнтақларига солди. — Ҳа, жудаям тезкорсиз дедингизми? Давом этинг Самадовна, қўлогим сизда! Тилнинг учига келган гап айтилмаса ўлдим-ўлдим, деб кетармиш. Ҳали мана бу курсиларга утирасиз. Улмасак кўрармиз, одамлар билан қандай муомала қилар экансиз.

Ҳазрат Қораевич жигилдони қайнаб, боши лўқиллаб огриб, афтани бужмайтирди. Ичида Зебони «Заҳар, алвасти», деди. Бир кеч мажлисдан кейин машинасида Зебони уйига кузатганини эслади. Ушанда нима хаёлларга бориб, Зебони бир упиб олмоқчи бўлди. Оқибат, бир тарсаки еди. Мана энди бошига бало ортириб олди. У тарсаки ҳали-ҳали Ҳазрат Қораевичнинг қулоғи тағида қизийди.

Кейин ҳам Зебони йўлга солмоқчи бўлди. Аммо, уринишларидан фойда чиқмади. Фақат Зебога сир олдиргани, унинг олдида обрўси тўкилгани қолди. Муомалалари кун сайин қалтислашди. Зебога ён беришдан ўзга иложи қолмади. Умуман, аёл зоти билан баробар келган эркакни ҳамма ерда ҳам маъқуллавермайдилар. Ҳазрат Қораевичнинг бунга ақли етиб тилини тишлайди.

Ҳазрат Қораевич шуларни уйлаб, гаш кайфиятда ўрнидан турди. Галстугини бўшатиш учун буйини шифтга чузди. Галстукнинг муштдек тугмаси ярим қаричча сирғалиб тушиб, беўхшов осилиб қолди. Парво қилмай, сўнгги бичимдаги кўйлагининг пистон тугмаларини қирсиллатиб бўшатди. Гурс-гурс қадам ташлаб, дераза ёни-

га борди. Дераза раҳида турган графинни кутариб, оғзига тутди. Сувни қулт-қулт ютиб, Зебога ўгирилади.

— Танқид қилаверинг, сира буш келманг! Танқид — келажакнинг меваси. Махсус палатани тугатиш керак, деб менга қарата айтган эдингиз-а? Айтган эдингиз! Хуш, уша «люкс» палатадан нима фойда кўрдим? Ё бирор қариндошимни жойладимми? Агар ҳалиги экспедиторни айтаётган булсангиз, у менга ҳеч ким бўлмайди. У экспедитор булганлиги учун эмас, сиз билан мендан зўр одамларга яқин булганлиги учун шу палатага жойлашди. Бунақаларга «люкс» жой ҳар ерда тайёр, ҳа! Сиз одамларни билмайсиз, ҳаётни билмайсиз. Душманларим кечаги гапларингиздан куп маънолар чиқаришди. Буни ҳам билмайсиз. Изимда юрганларнинг тегирмонига сув қўйдингиз... Ҳамдам Зариповичнинг ўзи мени кўра олмайди. Мендан жойимни олиб қўяди, деб ҳадиксирайди. Аслида район бош врачлиги вазифасига иккаламининг номзодимиз бир вақтда қўйилган эди. Зариповнинг оти олдин чопди. Устимдан ёзувлар ташкил қилиб, тегишли жойларга мени ёмон курсатди. Мен ҳақимда шубҳалар уйготди, Зарипов энди сиздан менга қарши қуроол сифатида фойдаланади. Зариповни билмайсиз, ўртоқ Самадовна! У муғомбир! Ўзи панада туриб, бировларнинг қўли билан иш қилади. «Қани, Ҳазрат Қораевич тўғрисида қўлингизда нима фактлар бор?» деб сураттиради. «Билгин-чи, яшил ГАЗ-24»ни ҳалол пулига олганмикан?» деб кавлаштиради.

Ниҳоят, Зебо тоқатсизланди. Ёноқлари таранглашиб, қошларини кутарди. Гаш бир нигоҳ билан Ҳазрат Қораевичга тикилди.

— «Люкс»... «Экспедитор»... «ГАЗ-24»... Ҳазрат Қораевич, тушунишимча, фидойиман, ҳалолман, одамлар мени кўролмайдилар, тушунайдилар демоқчисиз, шундайми? Мен бу фазилатларингизни тан оламан. Фақат баъзи икир-чикирларни ҳисобга олмаганда... Ҳазрат Қораевич, уша махсус палата калитини менга берсангиз.

Ҳазрат Қораевичнинг юзида ялтоқи табассум уйнади.

— Фақат шуми? Калит бўлса, масаласи ҳал. Утган паст-баланд гапларни олдимиздан олиб, орқамизга улоқтираемиз. Танқид аслида келажакнинг меваси! Хуш, калит нимага керак булиб қолди? Билсак бўладими, ўртоқ Самадовна?

— Касал қўймоқчиман.

— Касал?... Кимни?

— Уша уколдан қочаётган йигитни.

— Йўғ-а... бирор нозик бемор тушиб қолса... кейин нима қиламиз, Зебо Самадовна?

Зебо қошларини чимириб, оройиш бериб таралган сочларини силади. Хотиржам овозда гапирди:

— Менинг назаримда биз врачлар учун беморларнинг ҳаммаси нозик.

Ҳазрат Қораевич чайналди:

— Бемалолгина ётган одамни жойидан қўзгатасизми? Қўйинг, ётаверсин, палатаси ёмон эмас.

— Биласизми, Ҳазрат Қораевич? У беморни алоҳида шарт-шароитда даволаш керак. Операцияга тайёрлаш жараёнлари анча мураккаб.

— Мунча меҳрибон булмасангиз? Ҳзи тинчликми?

— Ҳз ихтиёримдаги бемор булгандан кейин...

— Ҳз ихтиёрингиздаги? — Ҳазрат Қораевич қувлик билан илжайди. — Илоийм бир умр ихтиёрингизга ўтсин-да. Анча мулойимлашиб қолармидингиз. Ҳзи буйдоқмикан?! Мана, калит. Биз у ўртоқнинг тезроқ соғайиши тарафдоримиз.

Зебо бу гапларни ўзига юқтирмаганликка олди. Чиқиб беморни махсус палатага жойлаштиришни тайинлади. Сўнг, Ҳазрат Қораевич билан ораларида ўтган гаплар таъсиридан димиқиб, ҳовлини гир айланиб, боғча тарафга ўтди. Хаёллари билан бўлиб, атрофда кишилар ўтирганлиги ва юрганлигига эътибор қилмади.

Кечаги ёмгирдан сўнг боғ қўлаб кетган, унга оралаб булмас, қадамни териб ва мўлжаллаб ташлашга тўғри келарди. Зебо кўп ичкариламади. Йўлакча бурумидаги гужум арча панасига ўтди. Скамейкага ўтириб, атрофга ўйчан ва маънос тикилди.

Қўёш чарақлаб, эрталабки салқинлик анча юмшаган, ёмгирда чўмилган дарахтлар ял-ял товланади. Гуж-гуж япроқлардан енгил ҳовур кўтарилади. Баҳорнинг мунавварлиги киши баҳри-дилини очади.

Зебо ноаниқ кулимсиради. Отини дуудуқ дейишадиган бемор кўз ўнгига келиб, нигоҳлари ўйчан тус олди. «Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деганлари шумикан? Тавба, одамнинг ишонгиси келмайди. Ушандан бери ўн йил ўтибди-я».

...Ушанда поездда бирга кетишди. У аввал Зебога «ҳамшаҳар» деб муомала қилди. Сўнг, синглим, деди. Сўнг, поездга умрида биринчи марта чиққан, узоқ йўлнинг нималигини ҳали тасаввур қилолмаган Зебонинг жўн гапларидан, ҳар вокзалда тўхтаганларида «Тошкентга етдикми? Тошкент шунча узоқми?» деб безовтала-нишларидан кулиб, «пучуқ қиз», деб атайдиган бўлди. Унинг ёнида бир кўхликкина қиз ҳам бўлиб, қўшилиб кўчди. Улар бир-бирларига ҳамоҳанг кулардилар. Қарашларида бир-бирларига нафис итоат-гўйлик кўриниб турарди.

Тошкент вокзалига тушгач, Исмаат Зебога:

— Э-э-энди қаяққа борасан, п-п-пучуқ қиз? — деди.

Зебонинг қўлида бир-иккита ҳамқишлоқларининг адреси бор эди. Лекин у жойларга қандай боришни билмасди. Шу сабабли, билмасам дегандай, елка қисди.

Исмаат Холбувишга маъноли қаради. Улар бир-бирларини дарров тушунишди: Қизча адашиб қолади. Холбувиш Зебонинг биллагидан ушлади.

— Юринг, биз билан.

Трамвайга чиқдилар. Трамвай Зебога поездни эслатди.

Ётоқхонада Холбувиш Зебони қизларга «Исмаат аканинг жияни», деб таништирди. Эртаси куниеқ қабул комиссиясига бирга боришди. Исмаат билан Холбувиш Зебонинг ҳужжатларини топширишга ёрдамлашиб, йўл курсатишди. Икки кун ўтгач, ТошМЙ яқиндан квартира топиб жойлашди.

Уша йили Исмаат ирригация институтини тамомлаётган экан. У Холбувиш билан бирга келиб, Зебодан хабарлашиб туришди.

— Г-г-гайрат қил, пучуқ қиз! — деди Исмаат қувноқ ва қайишган

оҳангда. — Қ-қ-қайтсанг, бу ёқларга қайта юборишмайди. Бошингни б-б-боглаб қўйишади.

Бир кун Исмаат Холбувиш билан келиб, Зебони Пушкин боғига олиб борди. Исмаат сингари диплом ишини ҳимоя қилган сурхондарёлик йигит-қизлар ош уюштиришган экан.

— М-м-мана бу синглизми таниб қўйинглар, — деди Исмаат Зебони уларга кўрсатиб. — Булажак врач! Ҳа, таниб қўйинглар, ўз-ўзимизнинг сурхондарёлик!

Ўтиришда Зебони шампан ичишга зўр бериб қистаётган жик-как йигитни Исмаат койиб берди:

— Нима қиласан, ичмаган к-к-кишини мажбур қилиб? Т-т-тўғри йўл кўрсат, қў-ўлингдан келса...

Бир пайт Холбувиш Зебонинг қўлоғи тагига келиб шивирлади:

— Акангиз дарси қолиб кетади, деяптилар. Туринг, кетдик!

Зебони кузатишар экан, Исмаат:

— Энди к-к-қўришмаймиз, пучуқ қиз, — деди. — Ҳзингга маҳкам бул.

Студентлик йиллари йигитлар унга кўп ҳушомадлар қилишди. Ишқ-муҳаббатдан сўз очишди. Булар, албатта, жамийки қизлар қатори Зебога ҳам хуш ёқарди. Улар орасида йигитмисан йигит дейдиганлари бор эди. Лекин... кўнгилнинг кўзи кўр экан. Зебо ёши элликларни қоралаган бир фан докторини севиб қолди.

Зебо домлага зимдан маънос ва ўйчан тикилар эди. Зебо ўз ҳуснидан нолимасдан ойнага тикилиб, сал чўзиқ, силлиқ иягини, момикдай оқ ёноқларини, андак ҳаё, андак ҳадик ва ўйчанлик балқиган кўзларини, қоп-қора ва узун киприкларини томоша қилганда, узидан кўнгли тўлиб мамнун бўлиб кетарди. Хаёлан узидан «Домлага севги изҳор қилсам, нима деркилар», деб сўрарди. Шунда узидан-ўзи кулиб юборарди. Кулгусининг сўнгида эса, бе-маъни умидворликка, ҳавойи хаёлга берилётганлигини фаҳмлаб, фикрлари чувалашиб кетарди. Хаёлига мана бу орзу келарди: «Шундай йигит булсаки, у билан гаплашаверсам, худди ўзим билан гаплашгандай қониб гаплашаверсам». У қиз болада иззат-нафс йўқ, юрак йўқ, деган оҳангда гаплашадиган, кўпроқ итоатгўйлик талаб қиладиган йигитлардан нафратланарди.

Зебо домланинг йигит ёшлигини ўзича тасаввур қиларди. Шунда кўз ўнгида юзи очиқ, одамга нигоҳлари мурвуват билан боқадиган йигит гавдаланарди. Зебо хаёлан унга жимгина эргашарди. Унинг ёнида қарийб ерга тикилганча, мунистгина бўлиб борарди. Шунда кўнгли узоқ-узоқ сайр қилишни истаб қоларди. Унга турна қатор тизилган Боботогнинг ўрқач-ўрқач чўққиларидан ошиб кетишса ҳам барибир эди. Анчайин нарсалардан кулиб, қувониб, яйраб, овуниб, йигитнинг костюминини гоҳ елкасига ташлаб, гоҳ кўкрагига босиб... кетаверарди.

У курсдошларидан бирини домласи ўрнига қўйиб кўрди. У ўтиришмади. Негадир... борлиққа ювош боқа олмасди. Кулгуси нимаси биландир кўнглини қитиқламас, ҳатто гашлик уйғотарди. Қисқаси, ундан бесас, беармон завқ эмиб булмасди. Жонгинаси эрқаланмасди.

Унинг кўнгли домладай бир йигитни қўмсади. Лекин тополма-

ди. Мана, Зебо орзуси ушалиб, врач ҳам булди. Зебо, қизим, уч ўғлим, деб бева яшаётган онаси олдига келди. Ҳазрат Қораевичнинг қули остида ишлаётганига ҳам тўрт йилча булиб қолди. Ҳамон боши очик. Она қизига дилкаш, мулоим, гирён боқади. Баъзан ораларида узоқ сониялар жимлик қотади. Шундай дамларда она қизига хавотирли бир нигоҳ билан яширинча тикилиб, зеҳн солиб олади. Бу онанинг қизига «Тоқ ўтасанми?» дегани. Зебо ҳам унсиз жавоб қилади: «Худо сақласин, онажон! Тоқ ўтмайман. Менинг ёрим ҳали йигитларнинг сараси булади. Шундай бир йигит буладики, тўйлар қилиб, алёрлар айтиб, элнинг олдидан бир ўтасизки... шунда... қизимнинг бахтига суқ кирмасин, деб кўзгуморлар ахтариб қолмасангиз бўлгани, онажон!»

Зебо маошини ойма-ой онасига топширади. Она қушиб-чатиб, утилларидан «юлиб» мол йигади. Ҳали Зебо студент экан, она алоҳида хонани қулф-калит қилиб олган эди. У уйнинг нарсалари тугилмайди. Янгалар ҳар ҳафта буюмларни шамоллатишади. Баъзан Зебо ҳам қараб туролмайди. Шунда янгалар шўх жилмайиб, бир-бирларига им қоқадилар. Атайин йўталиб томоқ қирадилар.

Зебо эса нозлаиб, қошларини чимиради. Ойнага қарайди. Ўзига ўзи ийманиб-жовдираб боқади.

...

Хабар эшитилди: Азим савдогар сафардан қайтибди. Икки кунлик йўлда эмиш.

Мулла Жўра отланиб пешвоз чиқди.

— Мол-мулкинг тус-тугал, ошна. Лекин қизинг... юзимизни ерга қаратди, жувонмарг. Бир куни овлоққа олиб насиҳат қилмоқчи эдим. Менга хўжайинчилик қилма, деб бетимга чопди. Қулогини чўзмоқчи бўлсам, обтова билан уриб бошимни ёрди, — деди.

Азим савдогар газабланиб, ўгли Алимга буюрди:

— Тез уйга ет! Мен боргунимча синглингни йўқот!

Алим уйга келди. Заррин ойим ўғлининг буйнига осилиб, йиглади. Соғлик-омонлик сўраб, бундай ўзига келиб қараса, ўгли ёлғиз.

— Отанг қани? — деди.

— Отам ёмон касал. Мени юборди. Сарвигулни олиб кел, бир кўриб қолайин, деди.

Ака-сингил отга мингашганча дашти-биебонда кетишяпти. Бир тоғни ичкарилаб, анча йўл тўхташди. Алим сингисини отдан тушуриб:

— Сен шу ерда тур, отам шу атрофда. Ҳозир келади, — деб ўзи жунаб юборди.

## II

Исматнинг опаси бир қоп ёнғоқ экан.

— Укагинамнинг бахти қайтди, — дея кўзига ёш олди. — Биринчи бахтидан ёлчимади.

— Ёлчимади? Нима, Холбувиш опам Исмат акадан айнаидими?

— Айнамади, духтиржон! Энди нон синдириб<sup>1</sup>, ижоб<sup>2</sup> қиламиз, боришли-келишли бўламиз деганимизда напойит<sup>3</sup> бўлди. Ўзи, бошидан касал экан. Укам шўрлик аламига машинада ичиб юрадиган бўлди. Гапга қулоқ солмади. Оқибатини кўриб турибсиз, машинасини уриб олиб, жонидан ажралайин деди. Кеча-кундуз худодан укагинам майиб бўлиб қолмасин, деб тилайман. Дунёга келиб, нима-ниям кўрди?

Зебо аёлнинг елкаларини силади.

— Исмат аканинг дардлари жуда енгил. Фақат ҳозирча жароҳат огрик бериб турибди. Икки-уч кунда ўтади. Ҳаммаси ўтиб кетади, опа.

Аёл хурсина-хурсина латтага уралган нарсани стол устига қўйди:

— Тагин кўнглингизга олманг, бу менинг сизга одамгарчилигим. Олиб қўйинг духтиржон, ҳали насиб бўлса, яна рози қиламан. Зебо бир нохуш нарсани сезгандай, кўзлари катта очилди.

— Нима бу?

— Уч юз сўмча. Ҳали насиб этса яна...

— Одамни шарманда қилманг-э, — Зебо ноқулайликдан қутулиш учун зўрма-зўраки кулди.

Аёл Зебога алланечук қаради.

— Менга ишонмаяпсизми? Олинг, кўнглимдан чиқарганим, духтиржон.

— Қизиқмисиз, биз сотилмаймиз.

— Азбаройи одамгарчилик, жон духтиржон, шугинани олинг.

— Менга қаранг, — деди Зебо жаҳли чиқа бошлаб, — яна бир марта шу тўғрида оғиз очсангиз, қорангизни кўрмайсиз бу ерда.

Аёл бушашиб, Зебога жавдираб тикилди.

— Тушунарли, духтиржон, тушунарли. Қораевич айтишгани учун...

Зебо аёлдан кўзини олиб қочди.

— Ким айтган бўлса, номаъқул гапни айтибди. Яна бирор жойда қўлга тушиб юрманг, тагин.

— Худо сақласин-э.

— Бунақада худо ҳам сақламайди. Сизга жавоб.

Аёл кетди. Зебо ич-ичидан уртаниб қолди: «Эҳ, Ҳазрат Қораевич! Ҳазрат Қораевич! Одамлар мана бундай лўнда-лўнда ташлар эканки, сиз босар-тусарингизни билмай қолган экансиз-да!»

Зебонинг хаёли тушдагидек чувалашди. Кўзлари тинди. Алланечук нарсадан сесканиб кўзини очганда дарахтлар ичидан овоз келарди.

Чақирган ҳамшира қиз Қорасоч экан.

— Хуш хизмат, тинчликми? — дея ҳамшира қизга қаради.

— Дудуқ беморни «люкс» палатага ўтказдик. Яна барибир укол қилдирмаяпти.

— Нима бу, дудуқ бемор-дудуқ бемор. Нима, унинг оти йўқми?

<sup>1</sup> Унаштириш.

<sup>2</sup> Никоҳ.

<sup>3</sup> Вафот этди маъносида.

— Бор...  
— Яхши эмас, синглим! Ё у беморнинг исмини билмайсизми?  
— Биладан, Зебо Самадовна! Исмлари Исмат, фамилиялари Шамсиддинов.

— Бўпти-да. Исмат Шамсиддинов денг. Дудуқ бемор деманг.  
— Уколни нима қилай? — деди хижолатдан қутулиш учун ҳамшира.

— Сиз билагига қилаверинг. У ёгини Ҳусановга айтамыз. Биладан сиз-а, Ҳусановни? — Зебо сирли жилмайди.

— Билмасам...  
— Курсангиз танийсиз, ёнимиздаги «Тез ёрдам» пунктида ишлайди.

Ҳамшира қиз қизариб, юзини бурди.

— Бошқа гапингиз булмаса, сизга рухсат, — деди Зебо ва телефон трубкасини кўтарди.

— Нарироқдан кўра берироқ, Малоҳат, яшаб юрибмиз, — Зебо бу овоздан ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Биладан, Ҳазрат Қораевич, биладан, — деди аёл киши эркаланиб. — Уша гавҳарни нима учун аяганлигингизни ҳам биламиз.

— Бу телефоннинг гаплари эмас, Малоҳатхон! Деворнинг қулоғи бор. Кеч ўн бирларда утаман. Бўпти.

— Кераги йўқ, Ҳазрат Қораевич, сизни келади деб кўзим учаётгани йўқ. Айтмоқчи, янгиси муборак. Эшитдим, «Ором»га бирам ярашибсизлар...

— Эсингизни йингиз, Малоҳатхон!

...Трубкадан қисқа-қисқа сигнал эшитилди.

Зебо телефондаги бу сирли гапларга қулоқ солганидан ўзидан ўзи ранжиди.

Инсоф билан айтганда, Ҳазрат Қораевич районда зўр врач. Фавқулодда жароҳатларни даволашда унга тенглашадигани йўқ.

Зебонинг у даражада жарроҳлик қилишига ҳали қанча бор. Зебо буни билади. У Ҳазрат Қораевичнинг мавқегию маҳоратига ҳасада қилмайди. Фақат тамагирликни ҳаддидан ошириб юбораётгани гашига тегяпти. Элда ҳам паст-баланд гаплар: «Қораевичнинг бир операцияси фалон сўмишиш...» «Иложи етганлар унинг ёнига яқинлашсин эмиш...»

Бу гапларда анча-мунча жон бор. Ҳазрат Қораевич беморларни жуда саралаб олади. Кўнглига утиришмаган беморларни Зебога ва шу йилгина институтни тамомлаб келган врач Баратовга оширади.

Ҳазрат Қораевич орқасидан сертакалуф одамлар кўп қатнайди. Сидирга эмас, тулиб-тошиб келадилар. Баъзан кабинетнинг ўзидаёқ ичкилик бошланиб кетади. Қаҳ-қаҳалари ҳатто палаталарга ча эшитилиб туради. Номдорлик шунақа бўлса керак-да.

Ҳазрат Қораевич узини мажолсиз сезиб эшикни идирди-да, келиб диванга ҳолсизгина чузилди. Юзларини сийпалаган кафтлари ҳам дағал туюлди ўзига. Тамаки ҳиди димогига урилиб, афтини бужмайтирди.

У Малоҳатнинг телефондаги жазавасини ўйлаб, ён-верига қа-

ради. Кучли лампочка хонани мунаввар қилиб турарди. Туқ қизил дераза пардаси бу нурда ловуллайтиди. Булар ҳам Ҳазрат Қораевичга нимаси биландир файзсиз кўринди. Уни тагин нохуш ва дилтанг ўйлар босди.

У етган куйи яна ён-верига мажруҳ нигоҳ ташлаб, панжасини куйдира бошлаган сигаретни хона бурчагига иргитди. Аммо, у берига, поёндоз устига тушди. Зарра учқунлар сачради. Сигарет чуғи бир яшнаб, зумда сўнди.

Ҳаёлига яна Малоҳатнинг жазаваси тушиб, ич-ичидан зил кетди. «Қайси суйинчихўр «Ором»га борганимизни етказибди экан?!»

Ҳазрат Қораевич Қорасоч билан кечган ўша бир кўнлик гаройиб саргузаштни кўнгли бир ёришиб, бир гаш бўлиб, хотирлай бошлади.

Кўн ботди, тонг отди ва яна кўн ботди. Сарвикул жавдираганича ҳали у арчанинг ортида, ҳали бу дарахтнинг панасида юрди. Шу алпозда уч кеча, уч кундуз утиб, сайрчиларга дуч келди. Улардан бири Ҳисор подшоси Ашурхон ўгли Сафархон, иккинчиси эса подшо вазири Шоҳсайидхон эди.

Шаҳзода бир кўришданоқ Сарвикулга ошиқу беқарор бўлиб қолди. Подшо руйхушлик бермади. Кўчадан топилган кимлиги нотайин қизни келин қилишни ор билди. Аммо Сафархон қарорида қаттиқ туриб олди. Подшо ноилож тўй қилди. Вазир Шоҳсайидхон Сарвикулга ота урнида ўтди. Қизнинг эвазига қалин олди. Қат-қат саруполар кийди.

Вақт ўтди. Сарвикул ўтил кўрди. Бола ёшига етмай қаттиқ огриди. Бир кеча Сарвикул нола қилиб йиғлади: «Мен-ку бахтиқаро бир шўрлик эдим. Сен норасидада нима гуноҳ?»

Сарвикулнинг йиги овозидан эри уйғонди. У хотинини эркалаб, юпатмоқчи бўлди.

— Сенга нима бўлди, Сарвижоним?

— Углингиз...

— Қуй, хафа бўлма! Худо берган дардани худонинг ўзи олади.

Банда ҳаммасига шукр қилиши керак. Банданинг иши сабр-тоқат.

— Отам-энамди соғиндим.

— Отам-энанг борми?

— Бор...

### III

Қорасочни автобус бекатидан машинасига утиргизди. Қиз қандайдир янги бичимдаги туфли дарагини эшитиб, Пахтаободнинг магазинига бораётган экан. Ҳазрат Қораевич йўлда қизни қизартирди:

— Юрасанми отанга ёстиқ бўлиб? Ё топиб берайинми? Бир йигит бўлса лойдан ҳам ясаб ташлайверамиз.

— Йигитни бошимга ураманми? — қиқирлаб кулди қиз.

— Бошимга ураманми эмиш...



Ҳазрат Қораевич олди-қочди гаплардан айтиб, Қорасочни кулдириб борди.

Магазинга бирга киришди, магазин эгаси қўлларини куксига қўйиб кутиб олди:

— Биз хизматларига тайёр, доктор бобо!

Ҳазрат Қораевич тантанавор қиёфада жилмайиб:

— Мана бу қизимизга оёқ кийим, — деди. — Яна бошқа нарсалар ҳам бераман, десангиз, у ёгини ҳимматингиз биледи.

Магазинчи савдо залидан ичкари залга, ундан яна бир хонага бошлади. Биринчи узатган туфлисиёқ Қорасочнинг оёгига қўйиб қўйгандек тугри келди. Бичими ҳам жуда утиришди.

Ҳазрат Қораевич магазинчига нимадир, деб шивирлади. У ҳалигиндай тавозе билан қўлини куксига қўйиб, яна бир ичкари хонага кириб кетди. Зум ўтмай ол атиргул нуска газмол ўрамини кўтариб чиқди. Қорасочнинг кўзлари ўйнаб кетганини Ҳазрат Қораевич кўрди. Мийигида кулиб:

— Қизнинг кўзи қизилда, — деди. — Шу қизимизга бир кийимли йиртинг.

Қорасоч ноқулайликка тушиб:

— Ҳой, Ҳазрат Қораевич, пулим етмайди-ку! — деди.

— Пули бир гап булар, — деди Ҳазрат Қораевич магазинчига ишора қилиб. — Бу оғамиз мард, бепул ҳам бериб юбораверади.

— Албатта, албатта, — қуллуқ қилди мудир. — Жонлари соғ бўлсин. Пул топилади, одам топилмайди.

Магазинчи билан Ҳазрат Қораевичнинг ўзи ҳисоблашди. Қорасоч туфлига яраша ва озорқ йўлқира пули борлиги учун ўзини четта тортиб тураверди. Бу нарсаларнинг пулини Ҳазрат Қораевичга касалхонага борганда қайтаришни кўнглига тугиб қўйди.

Машинага ўтиришаркан Ҳазрат Қораевич:

— Энди кўнгил жойига тушдими, Қорасочхон? — деди.

— Раҳмат.

— Бир ювамиз энди.

Қорасоч индамади. У Ҳазрат Қораевични фақат раҳбари ўрнида кўрар, гапларини эса шунчаки бир ҳазил-ҳузул, деб тушунар, кўнглига ҳеч қандай шубҳа келмас, ҳозир ҳам тортинар, айна пайтда ўзини итотатгүй ҳис этарди. Шунинг учун ҳам ресторанга индамай эргашиб бораверди.

Ниҳоят қайтишди. Ҳазрат Қораевич афандининг қандай уйланганлиги, қизини эрга бериши, бозордан олиб қайтаётган тарвузини шўх аёлга қандай қилиб ютқизиб қўйганлиги ҳақида сўзлади. Қорасоч орқа ўриндиқда ястаниб, яйраб ўтирарди. Бу латифаю ривоятлардан яйраб кўлди.

— Афандилари тушмасин, — дея қиқирлади.

Қизга Ҳазрат Қораевич энди раҳбар эмас, яқин дилкаш ва сўзамол суҳбатдош бўлиб туюлди.

Машина гизилаб учди. Радио қўйилди. Хоразмча шўх куй бошланди. Гоҳ-гоҳ йўловчи машиналарнинг чирोगи Ҳазрат Қораевичнинг елкасини, бўйин ва сочларини ёритарди. Шунда куй огушида тулқинланиб бораётган Қорасочнинг кўз олдига Ҳазрат Қораевичнинг барваста эркаклиги келди. Хаёл бир зум олиб қочди.

Кутилмаганда машина тезлиги пасайди. Силтанглаб юра бошлади. Мотор одатдан ташқари овоз чиқариб гуриллади. Энди олддан ҳам, ортдан ҳам йўловчи машиналар нури урмай қолди.

Қорасоч бироз сергакланди. Машина деразаси ёнига сурилди. Ой ёғдусида қандайдир яланглик ястаниб ётарди. Қизнинг нигоҳлари дераза ва сирли яланглик оша осмонга қадалди. Тулин ой машина билан басма-бас юриб борарди. Юлдузлар чамани кўзни қамаштиради.

Машина энди чамаси бир баландлиқка кўтарила борарди. Қорасочга бу йўл гуё ҳув юлдузлар чаманига чиқиб борадигандек туюлди. Машина тўхтади. Қорасоч беихтиёр эшикни очиб, машинадан тушди. Юзига намхуш шабада урилди. Эти ёқимли жимирлаб кетди.

Тун шабадаси гир-гир эсади. Димоққа хушбўй ут-уланлар ҳиди урилади.

Қорасоч кўзларини чирт юмиб, эснади. Жигидони жиз этди. Оғзида ачқимтил таъм туйиб, югинди. Ёнида сукут сақлаганча ўтирган Ҳазрат Қораевични энди пайқайди.

Чамаси, қандайдир бир баландлиқда эдилар. Пастда оламжаҳон жой ой шуъласида оқариб, йилтираб, жимирлаб кўринади. Бу юзида бутаналари ўйнаб, ўзини ҳар томонга уриб оқайтган Сурхон.

Ой булут орасига беркинди. Бирдан атрофда қорайиб кўринувчи нарсалар кўпайди. Уларнинг нималигини билиб бўлмасди. Қорасоч қоронгуликка тикилди. Узоқ-узоқларда сирли чироқлар мил-милт қилаётганлигини кўрди.

Ой булут орасидан чиқди. Машинанинг эгри-бугри сояси Қорасочнинг ёнига тушди. Қизнинг қўллари оқариб, ёқимли кўринди. Ҳазрат Қораевич нимадандир гап очар экан, қизнинг қўлларини оҳиста ушлаб қисди. Қиз титраб қўлларини тортиб олди. Баногоҳ панжасида нимадир йилтиллаб кетганини кўриб, тортиб олди.

— Вой, Ҳазрат Қораевич, бу нима, узукми?

— Қани, узукка ўхшайдими ўзи? — Ҳазрат Қораевич шундай деб Қорасочнинг узук тақилган панжасини алоҳида ажратиб ушлади.

— Ҳа, ростдан ҳам узукка ўхшайди. Бу сенга аталган. Тугилган кунинг ҳам яқин. Бу олдиндан менинг совгам.

— Нима қилардингиз...

Қиз энди бўшади. Агар яна панжасини тортиб олса, бу Ҳазрат Қораевичга ҳурматсизлик бўладигандек туюлди.

Ўтириш ва нафас олиш Ҳазрат Қораевичга энди анча енгил туюла бошлади. Тили бийронлашди. Ҳалиги магазинга Қорасоч учун ноёб пальто тайинлаб қўйганлигини, қўшни районда тиш доктори ошнаси борлиги, хоҳласа ҳозироқ олиб бориб оғзини тилла тишга тўлдириб бериши мумкинлигини, ўқийман деса институтга ҳам жойлаб қўйиши ва уни битиргунча қўллашга қуввати етишини... яна алланималарни айтиб бўлгач, дабдурустан:

— Ҳу, кетдик бўлмаса, — деди.

Машинага ёнма-ён ўтиришди. Ҳазрат Қораевич калитни бурар, педални шик-шиқ босар, мотор қир-қир қилар, аммо ёнмас эди.

— Ие, Қорасоч, йўлимизни мушук кесиб ўтмаганди-ку! — деди

Ҳазрат Қораевич педал тарафга энгашиб. — Бу сабил юрмайман, деяптими?

Ҳазрат Қораевич урунган булиб, алланималарни пайпаслади. Сунг, энтикиб нафас олиб кабина чироқчасини ёқди. Қорасочга қаради. Қорасоч кўзларини яшириб, бошини қўйи солди.

— Қурқмаяпсанми? — деб суради Ҳазрат Қораевич овози алла-нечук титраб.

Қорасочнинг овози титраган, айни вақтда ҳаяжонли эшитилди:

— Йу-уқ...

Ҳазрат Қораевич Қорасочнинг қулоғи олдига тушиб турган соч толаларини силади. Чигилларни панжалари билан ёя бошлади. Ҳазрат Қораевичнинг қалтирай бошлаган қўли сирғалиб тушиб Қорасочнинг кўкрагига тегиб ўтди. Қиз сесканиб тушди. Тез-тез нафас ола бошлади. Кифтлари дир-дир титради.

— Қурқма, — деди Ҳазрат Қораевич қизнинг юмшоқ билагидан ушлар экан.

Қорасоч ўзини тортиб машина эшигига тақалиб олди. Эшик ички ушлагич бандларининг тўмтоқ темир тугунлари қизнинг биқинига қаттиқ ботди. Беихтиёр эшикни очди ва пастга тушди.

Бунга Ҳазрат Қораевич ўзича маъно берди. Шошиб қолди. Лапанлаганча машина орқасига ўтди.

Ой, суддек ёруғ. Қорасоч машина орқа капотининг селтанглаб кўтарилганлигини кўрди. Нимадир тошга келиб урилиб жаранглади. Чамаси, капот ичидан тунука сатил отилиб кетган эди. Қиз чўчиб тушди.

Ҳазрат Қораевич капотни ёпди. Димоғида ниманидир хиргойи қилганча келиб, Қорасочни бағрига босди... Ёнма-ён ётдилар. Иккаласи ҳам сув бўлиб терга ботди.

Пастда азим Сурхон шовқин солиб оқди.

Бехосдан қандайдир қўл Ҳазрат Қораевичнинг елкасидан маҳкам ушлаб тортгандай бўлди. У бошини кўтариб, елкасига милтиқ ослан бир одамни кўрди. Донг қотиб қолди.

— Қани туринглар-чи! — деди милтиқли киши дўрилоқ овозда.

Ҳазрат Қораевич ҳушини йигиб, сапчиганча уридан туриб кетди.

— Кимсан? Нима керак сенга?

Нимадир димоғчи бўлди. Аммо милтиқли кишининг тисарилиб елкасидан милтиқни олаётганини кўриб, тили айланмай қолди. Милтиқли киши майна қилган оҳангда:

— Кимлигимни нима қиласан? — деди. Кўриб турибсан, икки қўли, икки оёғи бор ўзингдай одамман. Хуш, ўзинг кимсан? Бу ёқларга қандай қилиб итинг адашди?

— Ман... ман... врачман.

— Врач? Врач бу ерда... ейдими?

— Йўқ... мен...

Кечалари бу хилват жойларда безорилар пайдо бўлган, деган гап қардадир Ҳазрат Қораевичнинг қулоғига чалингандай эди. Милтиқли кишини шулардан деб ўйлаб чўчиди. Гаплар оҳангидан билдики, қароқчилардан эмас, ёши утиб қолган одам.

— Қурқма, отмайман, — деди у милтиқ қундоғини ерга тиради. — Бекорга қолган уқ йўқ. Хуш, бу бечорани нимага қийнаёпсан? Бор-йўғи қизинг тенги-ю? Сенга ухшаган бузуқоёқларнинг касридан сел кўзимизни очирмаяпти. Дарахтларимизда барг қолмади. Бор-йўғи кечаги жалада шилиниб тушди. Яхшидан шарофат, ёмондан касофат. Қанақанги галварссан? Бундай қараса қизинг тенги нарса экан. Тагин озгингни тўлдириб, врачман дейсан.

Қорасочнинг пиқ-пиқ йиғлагани эшитилди. Милтиқли киши унинг тепасига бориб, ушқириб деди:

— Тур, нимага йиғлаяпсан?! Пул қутуртирганларнинг домига учраганингни энди билдингми? Сени йўлдан қайтарадиган ота-онанг йўқми? Ҳе...

Ҳазрат Қораевич милтиқли кишининг ёнига борди. Тирсагидан ушлаб:

— Келинг, отахон, юз-юз қилайлик, — деди. — Бу дунёда бошқа гапнинг ҳаммаси бекор. Машинада ароқ бор.

— Ароқни ўзинг ич! Арогинга куним қолгани йўқ.

Ҳазрат Қораевич усал булганича тисарилди. Милтиқли киши гўё ганимидан ўч олаётган одамдек ушқирди:

— Мен билан ароқ ичармиш!.. Қани, марш бу ердан, қоранг учсин!

...Подшо Ашурхон амр қилди. Фойтун арава, етти нафар соқчи тайёр бўлди. Вазир Шоҳсайидхон отаси ўрнида Сарвиғулга ҳамроҳ бўлди. Жунаш олдидан подшо вазирга тайинлади:

— Майли, қайтамиз, деб куп қистама! Қариңдош-урутларнинг дийдорига тўйиб қайтсин. Сен келинимнинг зот-зурриётини билиб қайт!

Йўл юришди, йўл юришса ҳам мўл юришди. Қумқўрғон яқинидаги Жалойир тўқайда тўхташди. Шу ерда тунаб қолгач, йўлни эртага босадиган бўлишди. Вазир Шоҳсайидхон сизлар номаҳрам-сизлар, деб навкарларни холисроқ жойлаштирди. Ўзи кечанинг бе-маҳалида Сарвиғулнинг қўйнига кирди. Сарвиғул сапчиб ўйгонди. Жон ҳолатда ўзидан Шоҳсайидхонни нари итарди. Бўй бермади. Ёқалашдилар, тимдалашдилар. Тапир-тупурдан бола ўйгонди, чин-қираб йиғлади. Шоҳсайидхон талвасада боланинг бўғзига пичоқ тортиб юборди...

Сарвиғул сугрилиб қочиб ўзини тўқайга урди.

Шоҳсайидхон Хисорга қайтиб, подшо Ашурхонга маълум қилди:

— Тўқайда йўқотдик. Қочди... Ичимдагини топ, кашмири экан. Бошидаям рўйхушлик бермаганингизда ҳақ эдингиз. Даштда учраб, даштда гойиб бўлди. Болани ўзи бугизлади.

Подшо ишонди. Шаҳзода эса иккиланди. Отасига:

— Кўнглим сира ишонмаяпти! — деди. — Келинингиз кишлоғимнинг оти Қангижар, Шерободнинг яқинида. Бағдихон деган дашт билан туташ, отам Азим савдогар, деган. Изласам топаман. Бу гапнинг тағига етаман.

Сафархон ёнига вазирни олиб навкарлар билан йўлга чиқди.

Йул қувиб сўраган Маккаи-Мадинани топибди, деганларидай бир куни Азим савдогарнинг саройига кириб бордилар. Азим савдогар қуллуқ қилиб пешвоз чиқди. Шеробода Хисор подшолигидан меҳмонлар Азим савдогарни келибди, деган овоза тарқалди. Шеробод беги Туроб Иноқ зиёфатга таклиф қилинди. Китобхонлик қилмиз, гурунгни қизитади, деб мулла Жўрани ҳам чақиритди...

#### IV

Зебо ишдан келиб, уст-бошини алмаштирди. Бошига гарди румол ташлаб, ён хонага ўтди. Онаси йўқ. Энди ташқарига чиқмоқчи бўлиб турганида ҳовли тарафдан:

— Зебожон, ҳо Зебожон! — деган овоз эшитилди.

Зебо тарадудланиб чиқиб, Бибигул холати кўрди.

— Омонмисиз, холажон? — деди Зебо холати кучиб. — Онам қанилар?

— Уртақуриқка кетди. Янганнинг акаси нопадйит бўлибди.

Зебо паришон тортган кўзларини холага тикди.

— Нопадйит бўлибди?

— Ҳа. Акаларинг ҳам кетишди. Дунё деганлари шу болам. Бутун курганинг эртага йўқ. Бўлмаса қайси кунигина сингисини машинасига миндириб кетган эди.

Зебонинг юраги қисилди. Янғасининг аҳволини кўз олдига келтириб ич-ичидан ачинди, раҳми келиб кетди.

— Ҳе, улганларнинг имонини, тирикларнинг инсофини берсин, болам... Онанг тайинлаб кетди. Бу кеча қизимни кучоқлаб ёт, тагин биров олиб қочиб кетса, калланг билан жавоб берасан, деди.

Холанинг қув гапларидан Зебо очилиб жилмайди.

— Сиз нима дедингиз?

— Қизингни менга, мени худога ишонавер, лекин харидори чиқса сотиб юборишим нақд, дедим.

Зебо:

— Сотасиз-а, сотасиз, — деди ва холати қўлларидан ушлаб ичкарига бошлади. Кўрпача ёзиб чой қўйишга уринди.

Дастурхон тузади. Чой дамлаб келди. Кунгли тинчиб холатинг қаршисига утираркан, ҳазиллашиб:

— Гапиринг, кампирларнинг раиси, — деди.

— Ҳе, раисликдаям маза қолмаяпти. Мажлисларимиз тўхтаб қолди.

— Масала топилаётгандир-да.

Хола атрофини салқи ажинлар босган кўзи қирини Зебога ташлаб:

— Масаласи нима? — деди.

— Масалани билмаган раис холамдан-а! Масала — бу мажлисга бир баҳона.

— Ҳе, баҳонадан купи йўқ. Мана сени эрга бериш энг зур масала. Ҳа, ниманиям демоқчийдим... Масаланинг зўри... ўзингга маҳкаммисан?

Зебо дув қизарди.

— Нималар деяпсиз, хола? Одам тушунадиган қилиб гапиринг.

Бибигул хола қалқиб йўталди. Қизариб, ёшланган кўзларини артди.

— Ўзинг мени кампирларнинг раиси, деяпсан. Раислик осон эмас-да. Бировни сўраш керак, бировни тергаш керак. Раис одам пасти-балад гапларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиши керак. Шариятда шарм йўқ, болажон. Бирорга худодан қайтган йўлдан уриб қўйгани йўқми, деб сўраяпман-да.

Зебо уф тортди.

— Ҳаммангиз ўқиган қизларга ишонмайсиз, хола. Шаҳар кўрдими тамом, шубҳали ҳисоблайсиз. Бирор хотин қўйгангами, хотини ўлгангами раво кўрасиз. Беш қўл баробар эмас, хола. Бузилгиси келган қиз онасининг бағридаям бузилади.

Бибигул хола қўлини Зебонинг елкасига ташлаб, уни ранжитиб қўйганлигига афсусланди. Бошқа гапга утиб чолидан гап очди. Зебо гапни бўлди:

— Қилич бобомни хушлаб текканмисиз?

— Хушламасам тегармидим?

— Қайсингиз олдин севги изҳор қилгансизлар?

— Изҳори нимаси?

Зебо қиқираб кўлди.

— Эй, изҳорни билмаган холагинам-э. Изҳор дегани, ким олдин сўз очса — шуни кунгил изҳори дейди.

Холанинг салқи ёноқларига қизиллик югурди.

— Қилич бобонгнинг ўзи изҳор қилди-да. Бўлмаса мен изҳор қилармидим? Бир куни десанг, билагимдан ушлади...

Хола ёлғондан қошларини чимириб, бурнини жийирди.

— Индамай турарман ўзиям... қўлимни тортиб олдим, ҳа!

— Ёлгон айтасиз, тортиб олмагансиз.

— Жим тур, гапимни бўлмай. Нима деяётган эдим? Ҳа, кейин билагимдан ушлаб «Бибигулжон», деди. «Мен урушга кетаяпман, кўнглим сенда қолади», деди. Мақсад бобонг бор-ку, шу кўп совчи қўйди. Кўнмадим. Қўлга тушураман, деб хўп уриниб кўрди. Бригадир эди дегин. Қарасам, бир гапириб қўймайди, икки гапириб тинчимайди. Силтаб ташлайверувдим, бир куни аламидан нима қилишини билмай чопигимни брак қилиб ташлади. Ҳозир уруш, урушда туриш йўқ, кечаси тошдай қоронғуда бўлсам чопасан, деб дашти биёбонда бир ўзимни олиб қолмоқчи бўлди. Қизлар, агар Бибигул қолса, биттамит ҳам кетмаймиз, деб чувиллашди. Ишимни худо унгарди. Қаёқдандир тўриқ от миниб Раҳмонов пайдо бўлди. У чопиқ қилган еримни оралаб чиқди. Мақсад бобонгга ҳеч қаери брак эмас, ўзинг браксан, деди. Она қизларимга олайтирган мана бу кўзларингни ўйиб олайми деб, устига қамчи ўйнатиб борди. Энди Мақсад бобонгнинг тили калимага келмай қалтираганини кўрсанг... шу-шу менинг қорамни кўрса, бир тош йўлга қочадиган бўлди. Қилич бобонг урушдан омон қайтди. Билсанг, кунгли ҳалиям менда экан. Эй, қўй, шу гапларни. Кел, сенга бир фол очайин.

— Фол очасиз?

Бибигул хола юзлари хиёл олоҳий тус олиб, қироатли оҳангда:

— Қўлингни бер, — деб Зебонинг билагидан ушлади. — Отинг нима?

— Отим? Ўзингиз билмайсизми отимни?

— Уз тилинг билан айтишинг керак. Фол қондаси шундай.

Зебо холадан бирор ҳазил-ҳузул гап кутиб, исмини айтди. Бибигул хола сирли қиёфада бошларини сарак-сарак қилиб, фол очди:

— Фақат қулмай тур. Ҳо, Зебижоннинг фоли десамми, фоли десамми, ё эртанги иқболи десамми, иқболи десамми? Ҳо, Зебожон, бошинг очиқ кўринади, ризқ-рузинг сочиқ кўринади, лозинингнинг боғи маҳкам, бахтли-тахтли кўринасан, болам! Тушундингми, тушундингми, болам? Мен ёлгон айтмайман, ёлгон айтсам у дунёда нима жавобини бераман? Ҳеч гапни ичимдан тўқимайман... чилтонлар айтаяпти, пирлар айтаяпти, парилар хабар бераяпти, китоб юзидан сўзлаяпман, болам! Ҳо, Зебожон, фолнингда бир жарданми, бир чуқурданми, бир биебондан дейинми, қўрққан кўринасан, болам! Чинми, а чинми? Мен ичимдан тўқимайман, чилтонлар, парилар шундай деяпти. Ҳо, Зебожон болам, ушандан бери баданларинг жимирлайди. Сал уринсанг оёқ-қўлларинг ҳолсизланади. Бошингни ҳам, хаёлларингни ҳам жуда оғир сезасан, шу ростми, шу ростми? Бир товукнинг оқини айтсамми, қорасини айтсамми, чилтонлар қизилини айт, дейди... бир рузи сешанбами, бир рузи пайшанбами, чилтонлар йўлига, парилар йўлига, утган азиз-авлиёлар йўлига, қолаверса, Биби Фотима ҳақиқа бир қизил товукни сўйиб... қонидан баданнингга суртиб... уч хил чироқ ёқиб... мушкул-кушод утказсанг, яна боз боягидай, ҳеч нарса кўрмагандай енгил булиб кетасан. Маъқулми, а маъқулми, болам? Ҳо, Зебожон, фолнингда мартабали-мартабали ишларда ишлаган кўринасан. Мансабга учма болам, товба де, товба де! Фолнингда кўринганини айтсам, гадонинг душмани гадо бўлади, деганларидай ўзинг билан ишлайдиган, рўзгори бор, бола-чақаси бор, азза-мазза эркак сенга ола қарар экан, гийбатингни қилиб юрар экан. Оёғидан бир чалинса, назардан қолса, деб кеча-кундуз тилак қилар экан. Одамнинг ўзи билан ҳазил қилса ҳам, бахти билан ҳазил қилмасинлар болам, тушундингми? Ҳали бошингга бир ташвишлар тушади. Лекин ҳаммаси яхшиликка, тушундингми? Ҳо, Зебожон болам, олти ой десамми, парилар бир йиллар орасида деяпти, бир суқсурдай йигитга тегасан. Насиб бўлса, мартабанг бундан ҳам балаңд бўлади. Онанг, аканглр қудалар билан боришли-келишли булиб бир чеҳрдан чиқади. Уғилдан ўғил, қиздан қиз кўрасан, неварали-чеварали булиб, кўп давр-давронлар сурасан. Қани қўлингни оч! Яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришта омин, дер экан.

Зебо беихтиёр дуога қўл очди.

Холанинг ажойиб-гаройиб гапларидан Зебони хаёл чулғади. У тўқинланиб шивирлади:

— Фолга ишонасизми, хола?

— Сендай қизлигимда ишонардим. Қилич бобонг урушдаликларида бир жути<sup>1</sup> кампир менга «...ёринг узоқ-узоқларда... турсаям-юрсаям ёдинг билан... кўнглингни булма! Ёринг кўп немисни оёқ ости қилам, қучоғингга ойдаи булиб қайтади» деб фол очганида

<sup>1</sup>Лули.

чўккан кўнглим тоғдай кўтарилиб, танамга сигмай кетардим. Фол ҳақиқа жути кампирга биргина кийган кўйлагимни қандай берганимни билмай қолувдим.

— Фол ҳам интиқ кўнглига бир далда денг.

— Булмасам-чи? Одам ўзини баъзан алдаб-авраб тинчителиб олма-маса, гамада эзилиб кетади.

Сарвигул ўзини тўқайга ургандан сўнг йул юрди. Тонг оқарган пайт сой устидан чиқди. Сой ёқалаб кетаверди. Вақт туш бўлди. Сарвигул сойга энди. Ҳар ер-ҳар ерда юлгун гужум-гужум бўлиб ўсиб ётибди. Лойқа сув ожизгина жилга бўлиб оқаяпти. Сарвигул сувдан кафтига олиб хўплади. Шунда юраги оза бошлади. Ўзида ҳолсизлик сезди.

Яқингинадан «Ҳе, эгангни...» деган овоз эшитилди. Сарвигул шошиб юлгун панасига утди.

Чупон — сайроқи бир одам, эшак миниб келарди. У Сарвигулнинг рўпарасида тўхтади. Чупон эшакдан тушди. Халачўпни тўқимга қистирди. Ечинди. Қўйироқдаги гузаргача бориб ўзини сувга ташлади.

Сарвигул пайт пойлаб юлгун панасидан чиқди. Чўпоннинг кийимларини угирлаб қочди. Кўздан узоқлашгач, унинг кийимини кийиб олди. Бошига салла ўради. Жулдур кийимдаги эпсар қиёфага кирди. Сойликдан чиқиб Бойсунтоғ тараф юрди.

Оқ бет тепалик қаршисида бир зум нафас ростлади. Сўнг, тепаликнинг ёмғир ювавериб майин оқ тупроқ қилиб ташлаган, ўтулан кўкармаган юзидан кўтарилиди. Бир полвон келбат чўпоннинг рўпарасидан чиқди. У оёғини узаттанча ёнбошлаб ётган эди. Жулдур чўпон кийимдаги Сарвигулга кўз қирини ташлади. Назарга илмаган булиб юзини бурди. Сарвигул унинг қаршисига чўкди. Овозини ўзгартириб дардиҳол оҳангда деди:

— Одам ўлди-е, бир худо ёрлақагир бормикан-э.

— Нима қиб журибсан?

— Хисор тоғдан келяпман. Чўпонийдим. Эгам ўлиб, меросхўрлари сигдирмади.

— Гапнинг дангали — Далангбий чўпон, деган мен буламан. Нон бераман, ош бераман, қориннинг қайгуси нималигини билдирмайман. Қудуқдан сув тортасан. Обхонани сувга тўдириб турасан.

Сарвигул қудуқдан икки кун сув тортди. Зимдан Қангижарнинг йулини аниқлади. Пайтини топиб қочди. Қочиш олдидан чигириққа мунчоғини боғлади.

Далангбий чўпон қўй ҳайдаб келса обхонада сув йўқ. Қудуқ бошида Сарвигул ҳам йўқ.

— Эпсар, ҳо Эпсар!

Ҳеч ким овоз бермади. Далангбий ўзи сув тортмоқчи бўлди. Кўзи чигириқдаги мунчоққа тушди. «Зайфа экан-да, вой қургур муғомбир-э!»

Далангбий сирнинг тагига етгиси келди. Сарвигулнинг талмовсираб Қангижарнинг йулига қизиққанлигини, Азим савдогарнинг

номини тилга олганлигини эслаб фикрлади. Сарвигулнинг изидан йулга тушди.

## V

Машина дарё бўйидаги шагал йулдан борарди. Сув уйрум-уйрум булиб, купикланиб оқади.

Қорасоч унғ тараф ойнадан бошини чиқариб олган. Юзига салқин ҳаво урилади. Соч толалари кўзлари олдида биланглаб уйнайди. Ҳазрат Қораевич оғаетган қуёшга кўз ташлайди. Узича қоронгу тушгунча қанча вақт борлигини чамалайди. Кечга қолмасдан қайтишни мўлжаллайди.

Дарё юқорисида мажнун толлар тигиз ва чиройли новдаларини сувга эгиб, солланиб ўсиб ётган бир яланглик бор. У хилват гуша, яйраб ва бемалол ҳордиқ чиқаришга жуда қулай, холи. Мана бу дарё ёқаларида эса тасодифий қатновлар бўлади.

Ҳазрат Қораевич шу ялангликни мўлжаллаб боряпти.

Ана, ялангликка тушиладиган нишаб йўл кўриңди. Ҳазрат Қораевич сергакланиб тезликни пасайтирди. Рулни оҳиста бурди.

Тик қияликдан енгил қўшдай энган машина қумлоқ ерга тушиши биланоқ оғир тортди. Ҳеч қанча юрмасдан бир-икки қаттиқ силкиниб бирдан учиб қолди. Ҳазрат Қораевич эшикни очди. Уриндиқда утирган қўйи пастга бўйини чўзиб машинанинг олди-ортига қаради. Шунда орқа гилдирак остида қум уюми кўтарилиб қолганини кўрди.

Машинани ўт олдириб, бир орқага, бир олдинга юргизди. Мотор қаттиқ гувиллади. Қуюқ тутун буруқситди. Кузов селтанглаб силкинди. Орқа гилдираклар лой сачратиб, жойида гиз-гиз айланди. Гилдираклар қумлоққа ботиб қолди.

Ҳазрат Қораевич машинадан тушди.

— Вой, Ҳазрат Қораевич, машина келяпти, — деди Қорасоч.

Ҳазрат Қораевичнинг кўзлари бир зум қаровланди. Ҳеч нарса ни алгамади. Сунг, лўкиллаб келаетган машинани кўрди. Миясига нимадир фикр келиб, Қорасочга ўтирилди.

— Яширин!

— Вой, қаёққа яширинаман?

— Ҳув юлгун панасига чоп!

— Вой, Ҳазрат Қораевич, қандай чопаман? Қўрқаман! Бирор тулкими, шоқолми от қўйиб кетса.

— Булмаса ойнани ёп, ёт! Айтмагунимча бошингни кўтарма.

Машина шундай тўттирига, тик қия йўл лабига келиб тўхтади. Орқа эшик очилиб, машинадан аёл киши лип этиб тушди. Ҳазрат Қораевичнинг ранги бузариб, кўзлари қинидан чиққудай ола-кула булиб кетди. Узини қандай тутишини билмай силласи қотиб қолди. У Зебо эди.

Зебо қия йулдан знаёттиб, овоз берди:

— Ие, Ҳазрат Қораевич, бу ёқларда адашиб юрибсиз?

— Ботиб қолди.

— Ботиб қолди? — Зебо шу сўзни такрорлаб машинага етиб келди. Машина капотига кафтини тираб, орқа гилдиракларга қара-

ди. Ҳазрат Қораевичга нимадир таскин суз ахтариб машинанинг у ёқ-бу ёғига кўз югуртираркан, баногоҳ Қорасочни кўриб қолди. Кўзларига ишонмай қошларини чимирди: «Ишхонада юриш-туриши дуруст эди-ю, деб ўйлади. Гаплари ҳам анча-мунча маърифатли эди. Тавба, одамнинг оласи ичида, молнинг оласи сиртида, деганлари шу бўлса керак-да».

Ҳазрат Қораевич зўр бериб машинанинг қандай ботиб қолганлигини тушунтирмоқчи бўлди.

— Шундай эндириганимни биламан Самадовна, ҳеч бундай булмасди, Самадовна...

— Бўлади, Ҳазрат Қораевич, бўлади. Машина бўлгандан кейин ботади, қотади. Мана кўпчиликмиз, бирор нарса ўйлаб кўрармиз. Хаёлидан эса, «Малоҳат деган аёлнинг телефонда «Ором» ресторанига ишора қилган янги «таннозчаси» шу Қорасоч экан-да», деган гумон кечди.

Тик қия йулдан қўлтигига шолча қистириб, қўлида кумгон ушлаганча бир йигит тушиб келди. Зебо унинг истиқболига борди. Қўлидан кумгонни олди.

Қорасоч машина ойнасидан бошини чиқариб ич тортди.

— Вой, Ҳазрат Қораевич, ким у, дудуқ беморми?

— Ўчир овозингни! — Ҳазрат Қораевич ижирганиб, афтини буриштирди. — Энди нимага ўтирибсан?

Қорасоч титраб машинадан тушди. Эшикни кучининг борича қарсиллатиб ёпди.

— Мунча жеркийсиз, Ҳазрат Қораевич, — деб йиглаб юборди. — Нима, мен эшигингиздаги итингизманми? Нонингизда бўлмасам, ошингизда бўлмасам.

Ҳазрат Қораевич Қорасочнинг бузилган авзойидан қўрқиб:

— Ҳе-е, гўдакмисан? — деди. — Машинада ўтириб димиқиб қолдинг, очиқ ҳавога чиқ, оёгингни ёз, бир яйра деяпман-да! Аччигинг бунчалар бурнинг учида бўлмаса...

Ҳазрат Қораевич Исमत шундай ёнгинасидан ўтаётганлигини кўриб гапни тўхтатди. Исमत Ҳазрат Қораевичга салом берган маънода бош иргаб, Қорасочни кўрмаганликка олди. Юлгун-гулжумнинг офтобруёсидаги ям-яшил чимзорга шолча ёйди. У ёқ-бу ёққа юрабошлади.

Исमत кескин зарбли изтироб ва зўр ташвишлардан ёруғ кунларга етган бахтиёр одам қиёфасида, эркин, осойишта қадам ташларди. Теварак-атроф Исматга шўх-шодон туюлаётганлигини Зебо ёнида кечаётган ҳозирги топилмас ва сирли дақиқаларидан сархуш эканлигини бемалол англаш мумкин эди.

Дарвоқе, Исматнинг хаёлига дунёнинг иши чархпалак эканлиги келди. Поезда уша Зебо билан Тошкентга бирга кетишгани, уни квартирага жойлаймиз, ТошМИга ҳужжатларини топширамиз, деб Холбувиш билан уринган кунлари кўз унғидан ўтди. Холбувишнинг Улми Исматнинг бор-йўқ орзу-умидларини осмонга тутундай совуриб юборди. Тасодифий жароҳат билан касалхонага тушди. Зебо уни даволади. Оташ бир меҳр билан қараб, ер бўлган кўнглини осмон қилди. Соғайиб чиққандан сунг машинасида касалхонага бориб турадиган бўлди. Иш вақти тамом бўлишини мўлжаллаб ка-

салхона ёнидаги бекатда Зебони кутиб олишга одатланди. Уйгача кузатиб қўйди. Эрталаблари ишга ташлаб кетди. Мана, бугун эса бу ёққа келишди. Зебо итоатгўйлик билан жилмайиб келаверди...

Ҳазрат Қораевичнинг бошида ҳар хил фикр чувалашди: «Зебо бало. Ким билан айш қилишни билади. Барибир тенги эмас. Унга тегмайди». Яна иккиланди: «Тегишиям мумкин. Айтиб буладими, бу чархпалак дунёнинг ишларини».

Бир қўлида қумгон, бир қўлида қандайдир тугун ушлаган Зебо келди. Ҳазрат Қораевич назарида Зебонинг ҳозирги қиёфасида, ўзини тутиши-ю нигоҳларида беҳад бир гурур акс этган. Қоматидаги мосликлар бир-бирини тўлдириб, яшнаб турарди. Бўйнига сир-галиб тушган рўмолчаси оҳиста ҳилпирайди.

Ҳазрат Қораевич сигарета бурқситди. У қандай қилиб бўлмасин Зебони бирор гапга торғиб, шу билан ноқулайликни бартараф этишни, Қорасоч билан ораларида ҳеч қанақа шармсорлик бўлмаганини, шунчаки сайрга чиққан қилиб кўрсатишни ўйлади. Шу мудаода чакалакзор ичидан қуриган шох-шабба кутариб чиқаётган Исматни кўрсатиб:

— «Люкс» палатага талашганингизча бор экан-да, Зебохоним,— деди. — Суқсурдек йигит экан-у...

— Мен билан шилқим оҳангда гаплашманг, Ҳазрат Қораевич,— деди Зебо кескинлик билан. — Кейин... қанақа йигитлиги сиздан сўралмайди.

Ҳазрат Қораевич аянчли бўзарди.

— Наҳотки, мендан шунчалар жирканяпсиз?

...

Шундай қилиб, Далангбий чўпон Азим савдогарнинг саройига кириб келди. Сарвигулнинг эпсар кийимида хизмат қилиб юрганлигини кўрди.

Азим савдогарниқида зиёфат катталашганди. Мулла Жўра қизгин гурунг берарди. У кириб-чиқиб турган Сарвигулга гап ташлади:

— Сен ҳам бир чўпчак айтиб берсанг-чи? Кал куп чўпчакчи бўлгич эди.

— Соз билан айттайинми, сўз билан?

Мулла Жўра кулди.

— Гапингнинг тузи йўқ, кал. Қўлинггаги созинг қани?

Сарвигул қўлини кўксига қўйди.

— Мана бу ерда, муаллим.

Сарвигул ҳикоясини бошлади:

— Элда гап борки, бек аввало айтмайди, айтганидан сўнг эса қайтмайди. Ҳа, келинг қўймадингиз, муаллим, бу эпсар кал ҳам кўнглада борини бир бўшатиб олсин. Хўп десангиз, икки қўлингиз бўш десангиз, кўрганингиз ҳаминша туш десангиз, қизларни кўрганда жўш десангиз, яхшини ёмонга қўш десангиз, муаллим. Шерободнинг Қангижар деган гузарида бир савдогар утар экан. У бир куни Мисрга ошмоқчи бўлибди, ўглини ҳамроҳликка қўшмоқчи бўлибди. Мен сафардан қайтгунча болаларимнинг увол-савоби, мол-мулкимнинг келганимдан сўнг жавоби сеники, деб мулла ошнасига тайин-

лабди. Савдогар Мисрга кетса, мулланинг кўнгли ошнасининг қизига кетибди.

Мулла кўзгалиб олди.

— Қўй нари, тузи йўқ гапни.

Сарвигулнинг акиси Алим мулла Жўрани жеркиди:

— Нима қиласиз, индаманг, гапир, эпсаржон!

Сарвигул ҳикоясини давом эттирди:

— Қиз болага уят ўлимдан қаттиқ. Мулланинг босқинчилик қилмоқчи бўлганини, билагидан ушлаганини... онасидан яширибди. Мулла савдогарнинг йўлига чиқиб куп ушакларни тўқиган бўлса керак, савдогардан олдин ўгли келибди. Онасини алдаб, синглисини олиб кетибди-да, чўлда адаштирибди. Қиз икки сайрчига йўлиқибди. Бирини шаҳзода, бирини Хисоршоҳ вазири экан.

Шоҳсайидхон ўрнидан туриб гулдиради:

— Калнинг бу гурунги бўлмади... тузи йўқ, ётамиз.

Алим туриб Шоҳсайиднинг елкасидан босди:

— Узингизга олманг, тақсир! Бу кўҳна дунё. Қанча подшо, қанча вазир, қанча гадо утган. Айтавер, эпсаржон, айтавер, тухта-ма!

Сарвигул ҳамма саргузаштни ишга тизгандай айтиб берди. Сўнг ўрнидан туриб кийимини алмаштириб келди. Мулла Жўра ҳам, Шоҳсайид ҳам силлалари қотиб қолди. Гапнинг тагига етган Шерободбеги Туроб иноқ амрини баён қилди:

— Мулла Жўрани эртага дорга осамиз. — Бек подшо ўгли Сафархонга юзланди. — Агар рози бўлсалар, вазирни ҳам муллага қўшиб дорга тортамиз.

Сафархон узрини айтди.

— Бундан оёқ-қўлини боғлаб олиб кетамиз. Нима қилсак, Хисорда қиламиз.

Далангбий ҳайратдан ёқа ушлади. Сарвигул акасининг қулогига нимадир деб шивирлади. Алим:

— Синглимга берган тузингизга рози бўлинг, — деб Далангбийнинг олдига сарупо қўйди...

...

Бандихон афсонаси ниҳоясига етди. Йигит думбирани ёнига қўйиб, рўмолчаси билан гарқ терга буттан юзи, бўйинини артди. Куйлак ёқасини кутариб-кўтариб кўкрагини шамоллатди. Кайфияти хуш бўлиб, даврадагиларга бир-бир қараб олди. Зебо жилмайиб:

— Раҳмат, раҳмат, яша ука, — деди.

Исмаат чапак чалди. Қорасоч бошини қўйи эгиб, чўгта тикилиб утираверди. Афсона айтган йигит Қорасочга қараб қолди. Лекин Қорасоч бошини кўтармади. Йигит рўмолчаси билан юзини елпий-елпий ўрнидан турди.

— Ҳа-а, мен энди отамни айтиб келайин, қоронгу тушмасдан.

— Ш-шундай қил ука, ш-шундай қил. Д-дўхтирга бир ё-ё-ёрам берайлик.

Йигит думбирасини хуржунга солиб отланди. Яна келган йўлидан от йўртгириб кетди.

Гулхан энди ловулламай қолди. Чунки ҳеч ким унга ўтин таш-

ламай қўйди. Ҳамма ўз хаёллари гирдобида қолди. Исмат билан Зебо дарё бўйлаб кетди. Ҳазрат Қораевич машинаси томон юрди. Қорасоч кул қоплай бошлаган чўг уюмига маъюс, гамгин термулиб утираберди. Аҳён-аҳёнда эсаётган шабада чўгни ял-ял яшнатди. Қорасочнинг гаш кўнглига чўгнинг яшнаши ботмади. У чўг устига ҳовуч-ҳовуч қум сепди. Чўг энди Қорасочнинг кўнгли каби хира, кул бўлди...

Оламга оқшом ёйилди. Йигит кетган тарафдан трактор тирилади. Чангалзор ичидан осмонга тутун бурқсиб келаверди. Кўп утмай тракторнинг ўзи кўринди. Кўп утмай трактор кулга айланётган гулхан олдига келиб тўхтади. Унда дoston айтган йигит билан урта яшар бир одам бор эди. Тракторни кўрган Зебо билан Исмат изига қайтди. Ҳазрат Қораевич ҳам қайтиб келди. Урта яшар одам трактор орқасидаги уроглик симни олиб ёя бошлади. Шунда, яқин келган Ҳазрат Қораевични кўриб, унга тикилиб қолди. Тикилиб турди-турди-да, симни яна ўради. Жойига тахлаб қўйиб, қафтларини шимига артди.

— Машина шуникими? — деди.

Ёнида ҳайрон бўлиб турган йигит:

— Ҳа, ота, ҳа, — деди.

Бу вақт Зебо билан Исмат етиб келди. Тракторчи тракторига чиқиб утирди.

— Чиқ, тракторга, — деди ўғлига.

Ўғли ҳайрон бўлиб отасига, сўнг Зебо билан Исматта, Ҳазрат Қораевичга қаради. Кейин трактор олдига борди.

— Ота, бу одам катта дўхтир...

— Сендан яхши биламан уларнинг ким эканини. Чиқ-чиқ.

Ҳазрат Қораевич Қорасочнинг олдидан бир қадам бери келмади. Ерга қараб тураверди. Танидингми, дегандай кўз остидан Қорасочга қаради. Зебо билан Исмат нима гаплагига тушунмади. Зебо, бориб дардингизни айтмайсизми, дегандай Ҳазрат Қораевичга қаради. Сўнг, нима бўлди ўзи, дегандай Исматга тикилди. Исмат елка қисди.

Ўғли энди отасига ялинганнамо тушунтира бошлади:

— Ота, мени шу дўхтир даволаган...

— Агар шу даволашини билганимда умринг майибликда утсаям дўхтирхонага олиб бормас эдим. Ҳақиқа тоғаннинг олмишта шиферини шилиб олганлигини туновинда эшитдим. Бундай дўхтирнинг боридан йўти яхши.

Зебо билан Исмат трактор овозида ота ва ўғил яна нимани гаплашганини англамади. Ҳазрат Қораевичнинг жойидан қимирламаётганини кўриб эса, у одатича ўзини яна катта олаяпти деб ўйлади. Ҳазрат Қораевич учун Исмат келиб тракторчига салом берди. Куришиб саломлашди.

— И-и-илтимос, бо-о-ош врачимизнинг ма-а-шинаси...

Тракторчи қўл силтади:

— Э-э-э, бошлиқларинг шу бўлгандан кейин, сенлар ким булардинг...

Исмат нима дейишини билмай анграйиб, Зебонинг олдига кетди. Тракторчи энди ўғлига дўқ урди:

— Чиқасанми-йўқми? Чиқ дейман!

Ўғли бошқа гап қайтармай, тракторга чиқди. Трактор яна келган йўлидан кетди.

Зебо билан Исмат улар уртасида қачондир нималардир содир бўлганини англади. Лекин нималигини сўрашга ботина олмади. Чунки Ҳазрат Қораевич билан Қорасоч шундай бир гариб вазиятда, мунгли кайфиятда утирар эдики, бундай вақтда ҳатто улар олдига қаттиқроқ йўталиш ҳам ноқулай эди.

Ниҳоят, Зебо билан Исмат ўз машиналарида марказга бориб, бирор трактор ёки огир машина юборишларини айтди. Нарсаларини йигиштириб, машинасига қараб юрди.

Қорасоч учун, дoston эшитгандан буён мулзам бўлиб утирган Қорасоч учун бу воқеа ўлганнинг устига тепган бўлди. Зебо билан Исматнинг кетидан қараб қолди. Сўнг, бармогидаги узукни торта бошлади. Узук силжимай, бармоги эти бугинига йигилиб келаверди. Астойдил уриниб, узук қисган этни ёйди. Ниҳоят, узукни сугуриб олди. Уни Ҳазрат Қораевичнинг олдига олди. Ўрнидан туриб, Зебонинг йўлидан юрди. Ҳазрат Қораевич уни йўлдан қайтаришга уринмади. Билдики, Қорасоч энди қайтмайди. Зурлик билан ушлаб қолишга эса Зебодан ҳайиқди. Қорасоч Зеболарнинг машинасига чиқиб олди. Йўлда миқ этмади.

Улар марказга бориб, бир юк машинасини Ҳазрат Қораевичга юборишди.

Қорасоч шу кундан бошлаб касалхонага қадам босмади.



*Азиз Абдураazzoқ*

## ТҮРТ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

### ПАРВОНА ИШҚИ

*Парвонанинг ёқтиргани бир дона шам,  
Куйдиргани, ёндиргани бир дона шам.  
Ҳар ерда шу, уни нобуд этар фақат,  
Бир дона шам, бир дона шам, бир дона шам.*

### ЖОНАЖОНЛАР ВА БОШҚАЛАР

*Жонон бошқа, жонажон бошқа,  
Мангу бошқа, ногаҳон бошқа.  
Йўлдош бўлмас, йўлдан қўшилган,  
Ишонч бошқа, имтиҳон бошқа.*

### КУЗНИНГ ТАШВИШИ

*Баҳор эдим, ёз эдим олдин,  
Энди кузман, рангим заъфарон.  
Ҳосилимни тез териб олгин,  
Эртага қиш бўлмоғим осон.*

### БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

*Қандоқ яхши дейман бечора бўлмоқ,  
Нимадир етишмай тургани яхши.  
Купинча тўкилмоқ — демакдир тўлмоқ,  
Одамзод ризқ излаб юргани яхши.*

### ЖИДДИЙ ВА ҲАЗИЛ СЎЗ

*Сен нуқул қаридим дейсан, эй жувон,  
Соғлому ёш бўлиб нолишинг ёмон.  
Қирқ ёшда қариган бўлсанг сен агар,  
Оламдан ўтибман мен аллақачон.*

### ДОИМИЙ ДУО

*Топганинг туйларга буюрсин доим,  
Бемаҳал келмасин улим, илойим.  
Азага кетмасин туйга деганинг,  
Эл-юртим, доимо шулдир дуойим.*

### ҚАМИШ

*Қамиш деган унча кўркаммас,  
Бироқ, уни билганлар билур.  
Билмаганга у шунчаки хас,  
Моҳирона йунсанг най булур.*

### ҚАНИ?

*Ҳақни эртақ билан топмоқ буласан,  
Туқиган ҳақиқий эртагинг қани?  
Ойни этак билан ёпмоқ буласан,  
Қирқилмай қолган ул этагинг қани?*

### ОСМОН ЯҚИН, ЕР ЮМШОҚ

*Осмон йироқ, қаттиқмикан ер,  
Йўқ, ундоқмас, имонли қалб дер:  
Саждага бош куйганинг замон,  
Ер юмшоқдир, яқиндир осмон.*

### БИЗ, ЎЗБЕКЛАР

*Дарахтлардан олганмиз ибрат,  
Бахт ахтариб қилмаймиз ҳижрат.  
Дарахтлардай ер фидосимиз,  
Имондандир юртга садоқат.*

### ДЕҲҚОНИМНИНГ КЕТМОНИ

*Кетмонга суянди деҳқоним,  
Қувватин олган ҳам кетмони.  
Сўнг, қувват берган ҳам кетмони,  
Кетмонга суянар деҳқоним.*

### КИМ КИМНИ?

*Кўп кўрдик, соғларни кўрлар етаклар,  
Оқилу донишни гўрлар етаклар.  
Туғри етакламас, етакласа ҳам,  
Ҳақорат сўзлар-ла хурлаб етаклар.*

### ГУЛ КЕТДИ

*Боғимдаги гул кетди,  
Гул кетди, булбул кетди.*



Кетганида гул, булбул,  
Юраккинам зил кетди.

#### ТОР ХОНАМ

Хонам тор. Бир узим аранг сигамам,  
Бу — менинг ҳам уйим, ҳамда корхонам.  
Гоҳ-гоҳи танҳолик дардин сезаман,  
Сен келсанг кенгаяр эди тор хонам.



Чоршамъ

## НАЖОТ ҚАСРИ ФАЛАКНИНГ ТОҚИ БЎЛСИН

### Отойи газалига мухаммас

Умрда бўлса бир ону тириклик,  
Дилингда асра иймону тириклик,  
Саробдур ишқсиз шону тириклик,  
Керакмас сенсизин жону тириклик,  
Афаллоҳ дарди ҳижрону тириклик.

Жаҳонда топмайин токай жаҳонинг,  
Ниҳон эрдим, аён этди забонинг,  
Бўлиб охири ошиқи замонинг,  
Лаби лаълинг била сарви равонинг,  
Бағишлар оби ҳайвону тириклик.

Висолинга етишмоқ-ку, на хушдур,  
Кунгулда гар гумон бўлса, бу тушдур,  
Камол топгинг келибдур-эй, кел, эй тур,  
Рақиблар суҳбати жон завқин элтур,  
Хуш эрмас, оре, зиндону тириклик.

Учиблар хас каби саҳрою чўлда,  
Чучиблар бепаноҳ чақмоғу дўлда,  
Чукиблар бенажот дарёю кўлда,  
Улармен бўлмасанг бу шаҳру элда,  
Юсуфсиз, яъни, Канъону тириклик.

Нажот қасри фалакнинг тоқи бўлсин,  
Анга етмоққа ҳар ким роҳи бўлсин,  
Кетар чоғида Чоршамъ чоғи бўлсин,  
Отойи ўлди, сизга боқи бўлсин,  
Жаҳонда тоабд жону тириклик.

### Бобур газалига мухаммас

Ул давр ила даврон қани, эй ёр, не бўлди,  
Ул меҳр ила маст он қани, эй ёр, не бўлди,  
Ул ноз ила жавлон қани, эй ёр, не бўлди,  
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди,  
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Ишқинг умидида саргайиб ман саҳару кеч,  
Қасринг қулидай қотган эдим-у урубон печ,<sup>1</sup>  
«Жонимни олодур, дея, ҳажринг кишанин еч»,  
Кеттим мени ҳайрон эшигиндин, демадинг ҳеч, —  
Ул телбаи ҳайрон қани, эй ёр, не бўлди?

Ошиқ дилини ёрлақугучи ўзи Оллоҳ,  
Васлинг кўйида кулбаи вайрон менга боргоҳ,<sup>2</sup>  
Бемори замонанг бўлиб-эй, ургилайин моҳ,  
Жонимга даво сўзинг эди, сўзламадинг, оҳ,  
Жон дардига дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Тонг чоғи таманно қилиб-эй, қай сори ўттинг,  
Ё сайди жафога чиққан эрсанг анга еттинг,  
Чоршамъни висолинг чаманидин бадар эттинг,  
Мундоқми эди аҳдики, Бобурни унуттинг,  
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?

### Комрон Мирзо газалига мухаммас

Дайрида мастона бўлсам, не ажаб,  
Ошиқам, ҳайрона бўлсам, не ажаб,  
Ободу вайрона бўлсам, не ажаб,  
Ишқ аро девона бўлсам, не ажаб,  
Ақлдин бегона бўлсам, не ажаб?

Дилга ўт тушган, ахир, жаббордин,  
Не учун кунгул узай мен ёрдин,

<sup>1</sup> кунгул сиқилиши

<sup>2</sup> қаср, даргоҳ

Ҳар замон жон айрилиб озордин,  
Холи ўлмиш хилватим ағёрдин,  
Ёр ила ҳамхона бўлсам, не ажаб?

Маъшуқам маъшуқлар ичра навниҳол,  
Кулгичи ёнида ўйнар битта хол,  
Лабларидин бахш этиб гоҳ-гоҳи бол,  
Ёритур кулбамни ул шамъи жамол,  
Бошига парвона бўлсам, не ажаб?

Бор-ку бу дунёсида шайдолигим,  
Ярашиқ ўз-ўзима танҳолигим,  
Қанча пинҳон тутмайин ҳамролигим,  
Зоҳир ўлди куйида расволигим,  
Шаҳр аро афсона бўлсам, не ажаб?

Ҳарчи ишқ бошимга солгай минг бало,  
Ҳарчи тан озурда-ю, кўксим яро,  
Тобакай Чоршамъга келгунча қазо,  
Ул паривашга бўлубмен, ошно,  
Комрон, девона бўлсам, не ажаб?

## Машраб ғазалига мухаммас

Кўнгулни ишқ ўти куйдирмагунча шоҳ гадо бўлмас,  
Ўзини хок билган кимсада кибру ҳаво бўлмас,  
Синоат, сабру тоқатда бўлур ҳар не, хато бўлмас,  
Агар ҳар қайда бўлсам мен, кўнгул сендин жудо бўлмас,  
Магар минг йил наво қилсам, сенинг дардинг адо бўлмас.

Адо айлар овунчоқ кўп, кўниккай бандаи нодон,  
Дили поклар бўлур вайрон, аро йўлда қолур инсон,  
Нечун шундоқ, шуур ҳайрон, нажотга куз тикиб гирён,  
Тилармен васлини тинмай неча йиллар юриб сарсон,  
Бориб айтинг ушал ёрға, жудолигдек бало бўлмас.

Нидо қилдим садо йўқдир, ажаб, асли садо борму,  
Жаҳонга бир назар солгил, ки, бежабру-жафо борму,  
Бу фарқоб ичра азм айлаб, кетар чоғи ҳимо борму,  
Халойиқларки айтурлар, «Бу дардингга даво борму?»  
Ўзидин узга, эй дўстлар, менга ҳеч бир даво бўлмас.

Ғазал битсам радиф, вазну туроқ дардида йиғларман,  
Юракка жуфтлашиб қолган суроқ дардида йиғларман,  
Туни мубҳам ёқиб Чоршамъ маёқ дардида йиғларман,  
Манам Машраб, кеча-кундуз фироқ дардида йиғларман,  
Магар маъшуқ юзин кўрмоқ бу дунёда раво бўлмас.

## Муқимий ғазалига мухаммас

Дардинг ололсам эди, эй кўҳна Туроним менинг,  
Мақсудим битгай эди, бу умр ила шоним менинг,  
Бермайин қўлдан дея, ҳар лаҳзаю оним менинг,  
Боғ аро ҳар бир қизил гулдир тоза қоним менинг,  
Тонгда булбуллар фиғонидур дostonим менинг.

Ҳар жиҳоду интиқом бўзлайди бағримда мени,  
Бошла, вақтинг етти деб, кўзгайди қаҳрим-да мени,  
Бандага сўз уқтириб бўлмайди даҳримда мени,  
Қувла саҳрога рақиблар, қўйма шаҳримда мени,  
Майли, сигмас бўлса сигмас, улмаган жоним менинг.

Саҳв қилсам дилгамас. тилга йуйинг, эй дўстлар,  
Букчайиб қолсам-да денг: «тик тут бўйинг», эй дўстлар,  
Қабр тошимга бирор шеърим ўйинг, эй дўстлар,  
Мен агар ўлсам шаҳар ичра қуйинг, эй дўстлар,  
Бир куни бўлгай бу қабристон гулистоним менинг.

Ҳар тугул умримни мен ўтказмадим гурбат аро,  
Хизматин кўп қилди тан, руҳ тинмади хилқат аро,  
Ниятим — қолса эди Чоршамъ сўзи улфат аро,  
Халқлар бу шамъи ҳуснингни ёқар суҳбат аро,  
Учмагай сунгра Муқийм, шамъи шабистоним менинг.



*Мирза Карим*

## Турон султони

(Бадиа)

...Ниҳоят Соҳибқирон юришга амр этди. Унинг ботиқ кузларидаги хасталикнинг ўрни битиб, чеҳрасига билинар-билинемас табассум ёйилди, олдинда мушкул довлар борлигини бир қадар унутгандай бўлди. Самарқанддан йўлга отланишганида қор учқунлаб, бутун замин ун қоққандай оқара бошлаган палла эди. Сирдарё кўпригидан утилгач, Соҳибқирон аскарларига дам берди. Чиноз ила Пархин ораси лак-лак қўшинга тўлди. Одатда Амир Темур ҳар бир юриш олдидан азиз авлиёлар қабрини тавоф айлар, дилда уйғонган ниятлари бароридан келишини Оллоҳдан сўрарди. Бу гал Хўжанддаги шайх Маслаҳат мақбарасини тавоф айлаб келдию, безгак хуружи уни уч-тўрт ҳафта кўрпа-тушакка михлаб қўйди. Оёққа тургач эса ёстикдоши Чўлпон Ма-

Мирза Каримни эслаганимда Бузнинг бузтўрғайлари ёдимга тушаверади. Бузтўрғай дарахтга кўнмайди, кишилар гавжум жойларга яқин йуламайди, аммо юрт теграсида уз муножотларини куйлаб учиб юраверади. Одамларнинг шодлик пайтларида ҳам, гамгин паллаларида ҳам Ватанни тарк этмайди. Узини қўш деб аташларига ҳам муҳтож эмасдек, камсуқумгина парвона бўлаверади.

Мирза Карим ҳам на ёзувчиликка ва на журналистликка даъво қилган. Камтарин ижоди эса унча-мунча ёзувчиникидан, журналистникидан кам эмасди.

Унлаб болалар ва катталарга бағишланган китоблари, кўплаб муаммоли мақолалари, суҳбатлари ҳали-ҳануз ўқувчилар қалбини титратади. Айниқса, Мирза Каримнинг «Моҳларойим» рўмони наср бобидаги унинг сўнги ютуқларидан бири эди. Яқинда ёзувчи архивидан «Турон султони» номли бадиаси топилди. Ушбу асар улў соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига муносиб совға бўлади, деган умиддамиз.

Тулан НИЗОМ

лик оғанигина олиб қолиб, бошқа хотинлари ва маликаларини Самарқандга қайтариб юборди.

Чиноз ила Пархин орасидаги лак-лак қўшин Тошкент орқали Ўтрор томон силжиганда сафар ойи бошланганди. Соҳибқирон Чиноздан олислаётган маҳал ўзини бироз маънос тутди, сабаби, у бундан чорак аср муқаддам, йигитлик гурури ниш ура бошлаган пайтда худди шу ерда Амир Хўсайн билан бирга Жанги лойда энгилган ва бу шармандаи шармисорликни сира ўйидан соқит қилолмас эди. Нега шундай бўлганди ушанда? Амир Темур ҳар гал қўшинларининг унги ва сул қанотлар билан фланг қуриқ-чилигига эътибор берарди. Афсуски, Жанги лойда шундай қилмади ва қаттиқ панд еди.

Соҳибқирон Ўтрор остонасида вазиятни яна бир бор аниқлаш ва мустаҳкамлаш ниятида чодир тикишни буюрди. Икки кўнлик йўл уни хоритган бўлса-да, ўзини дадил ва сипо тутар, чайир кўллари, бургут нигоҳ кўзлари душманга астойдил ҳамла қилаётганидан далолат берарди. Амир Темур Эронга юриш қилган кезларда Тўхтамиш пайт пойлаб, Мовароуннаҳрга қўшин тортиб, уч-тўрт шаҳарни бўйсундиришга улгурган эди. Энди эса Соҳибқироннинг қўшин тортиб келаётганлигидан Тўхтамишнинг қўти учиб, жони ҳалак эди. Урушнинг олдини олиш ва Амир Темурга содиқлигини изҳор этиш мақсадида элчилар юборган ва улар Ўтрор остонасида Соҳибқирон Амир Темур ҳузурига киришга шай турарди. Тўхтамиш элчиларини уйладию Соҳибқирон Амир Хўсайн билан тинглаган афсонани эслади. Уша билаклари йўғон тортиб, иликлари кучга тўлиб бораётган пайтда эшикога Тўлавоё оқсоқол Далварзинтепа афсонасини ҳикоя қилган, демакки, ёқангдан кириб, этакингдан тушгувчи яқинингга ҳам ортиқ даражада ишонма деб ўқтирган эди.

...Қариган чоғида қиз кўрган Далварзинтепа подшоси пешанасига зурёд битганлиги, Оллоҳ таолога қилган илтижолари ижобат бўлганлигидан севиниб, қирқ кечаю қирқ кундуз юртга ош берибди. Сониян амир-умаро билан кенгашиб қирқ сарбоз ажаратишибди. Қирқ сарбознинг ягона юмуши подшоҳи оламнинг қизи Далойирга боғлиқ эмиш. Подшо кизим эл-улуснинг тўкинлигини, эртанинг бутунлигини таъминласин ва ақлу хўшнда ақто бўлсин, дея фақат илик билан боқибди. Далойирнинг жамоли кундан-кўн очилиб, овозаси Мағрибдан Машриққача етибди. Подшо эса эртанги кўнига ишонч билан қараб, «Хайрият, юртни кизим беками кўст бошқарадиган бўлди», дея фахрланаркан. Шундай бахтли кўнларнинг бирида юртга душман бостириб кирибди. Ҳар томондан ҳамла қилмасин, шаҳарга киришнинг иложини тополмабди. Душман аскарбошиси ҳам Далойир, ҳам юрт гамида афсус чекиб, бағрини ерга берганча ётаверибди. Шаҳарни олишга кўзи етмай, юртига қайтиб кетишга кўзи қиймай ўртанибди. Бир вақт соқчи аскарбоши ҳузурига кириб, қўлига мактуб тутқазибди. Аскарбоши ёзувга интиқлик билан кўз ташлабди.

*«Сени кутавериб кўзларим гирёндир, наҳотки шуни сезмасанг. Бир шаҳарни олиш шунчалик қийин бўптими? Оқуз<sup>1</sup> дарёсига икки кучоқ сомон ташлагин, у айланаб оққан жой шаҳарга сув қириш йўли бўлади. Сониян ихтиёрим қўлингда.*

Далойир».

Аскарбоши шу заҳоти Оқуз дарёсига сомон ташлаб, шаҳар сув йўлини аниқлабдию, ариқни кўмдирибди. Далварзинтепа секин-аста харобага айлана бошлабди. Ниҳоят, одамлар шаҳарни ташлаб чиқиб кетишибди. Ёв шаҳарни эгаллаб, Далойир хузурига кириб, подшони сурабди.

— Эй, йигит, — дебди Далойир, — сенинг кўзинг нуқул ярим жон одамларда бўлди. Наҳотки ит терисини ёпиниб, қўйлар орасида жон сақлаб қочган отамни кўрмаган булсанг!

Аскарбоши Далойирнинг зеҳнига тан берибди.

— У нобакорни қаердан топаман, гўзалим.

Далойир бир муддат ўйланиб жавоб қилибди.

— Оқўзнинг унг томонида ботқоқлик бор. Қамиш билан нафас олиб жон сақлапти. Қамишлар ёқилса қўлга тушиши тайин.

Аскарбоши подшони тутиб келтириб, тилка-пора қилибди. Сўнг яна Далойирга юзланибди.

— Мени ҳайратга солган бу ақлни қаердан олгансан, гўзалим.

Далойир ноз ила жавоб қайтарибди.

— Отам... Отам мени қўш илиги билан боққан!

Аскарбоши юрагидаги шуъла шу лаҳза сўнгандек бўлибди. «Қўш илиги билан тарбиялаган отасига вафо қилмаган қиз менга вафо қилармиди?» дебди-да, Далойирни от думига боғлаб, саҳрога ҳайдаб юборибди.

Тўхтамишнинг тақдири шунга ўхшаш эди.

Соҳибқирон Амир Темур Чу дарёси юқори оқимидаги Қучқорда жанг қилиб юрган кезлари Самарқандга шаҳзода Тўхтамиш мадад сураб келганлигини етказишди. Бу хабар Соҳибқирон ҳаёлидаги туманни шу лаҳза тарқатиб юборди. Оқ ўрданинг калити қўлга киргандек туюлди. Шаҳзода Тўхтамишни қўллашнинг ўзи қовжираган заминга ёмғир ёққан сингари эди. Оқ ўрда тахти Урусхонга ўтгач, у узини озод қўшдай енгил ҳис этди ва у борида шукрона қилиш ўрнига Олтин ўрдага ҳам кўз олайтира бошлади. Ҳожи Тархон<sup>2</sup>ни эгаллаб, Ҳожи Черкасни ҳайдаб чиқарди.

Урусхон узини ягона хон ҳисоблар ва бирор бир рақиб чиқилиши ҳаёлига келтирмасди. Аммо Мангқишлоқ ҳокими Тўйхужанинг ўғли Тўхтамиш жиддий хавф сола бошлашини ҳам унутмасди. Тўйхужанинг ўзи тўнг, қурултойдаги кенгашларда Урусхон

мақсадларига занжир бўла олиш нияти ҳам йўқ эмасди. Урусхон бунга билгач, Тўйхужани қатл этиб, рақибини орадан суриб ташлади. Аммо ёш ва гайратли шаҳзода Тўхтамиш омон эди. Бу Урусхонни бироз доводиратган бўлса-да, ички ҳадиғини узгаларга сездирмади. Отанинг қатлидан сўнг Тўхтамиш паноҳ излаб Амир Темур хузурига келди. Тўхтамиш Соҳибқирон хузурига кираркан, аввал бироз оёқлари чалишаётгандай доводиради, гўё ўрмон ҳокими йўлбарс ёнига қуён йўл олаётгандай туюлди, устига устак Урусхондан ҳайиқиб келганлигидан ўксинди, бунга юзимга солиб, дилимни оғригармикин деган ўй қақмоқдай кўнглини тилиб ўтди. Билакс, Соҳибқирон Амир Темурнинг очиқ чеҳраси Тўхтамиш кўнглини кўтарди, қўлини кўксига қўйганича саломлашди. Амир Темур ёш шаҳзода Тўхтамишга илтифот ила жой курсатаркан, сониян Олтин ўрдаю Оқ ўрда ташвишларидан сузлашни буюрди.

Тўхтамиш ўқ илдизи тобора мустаҳкам томир ёяётган чинор монанд эди; унинг сўзларидаги маъно, узини тута билиши, ҳамсуҳбатига нисбатан самимияти Соҳибқиронга манзур бўлди. Тўхтамиш учун тортиқлар ҳадя қилди, олтин, зеб-зийнатлар, чорва моллари, чодирлар, матолар, дўмбираю байроқлар, қурол-яроғу қўшин ажратди. Сигноқни инъом этди. Тўхтамиш Сигноқни жанг билан олиш зарурлигини билар, Урусхон Ёйиқ буйларида олишиб юрганлиги учун Оқ ўрдадаги ҳокимиятни ўғли Қўтлуг Бужа бошқарарди. Тўхтамиш зудлик билан Сигноқ томон йўл олди, дастлабки жанглардаёқ Қўтлуг Бугани ўлдирди. Афсуски, Оқ ўрдалиқлар Қўтлуг Бугасиз сочилиб кетмади. Тўхтамишни жанг майдонидан суриб чиқаришди. Олов бўлиб жангга кирган Тўхтамиш кулдай совурилиб, от бошини қаёққа буришини билолмай гарангсиди ва ниҳоят, яна Соҳибқирон Амир Темур паноҳидан жой топди. Соҳибқирон Амир Темур Тўхтамишни аввалгидай қаршилаб, яна истаган нарсасини муҳайё этди. Тўхтамиш яна Сигноқни тортиб олишга уринди, бу гал Урусхоннинг бошқа ўғли Тўхтакия голиб чиқди. Қозончи баҳодир аскарларсиз қолган Тўхтамишнинг ортидан қувишга тушди, камондан ўқ узиб қўлини яралади. Бу гал Тўхтамишнинг жонига Сирдарё оро кирди. У узини дарёга ташлаб не машаққатлар ила бериги қирғоққа сузиб ўтди. Шу лаҳза Соҳибқирон Амир Темур томонидан қўйилган ва Тўхтамишга ёрдам беришга юборилган Идикут Барлос инграган товушни эшитиб ёрдамга ошиқди. Тўхтамиш яна Соҳибқирон Амир Темур марҳаматидан фойдаланди. Орадан кўп ўтмай Урусхондан қочиб келган манғит Идикут ҳам Амир Темур хузурига бош уриб келди. Урусхон исёнкор Тўхтамишни тутиб бериш учун Соҳибқирон Амир Темур хузурига элчилар юборди, акс ҳолда уруш бошлашини билдириб дўқ урди. Соҳибқирон Амир Темур элчилар талабини рад этиб, урушга тайёргарлик кура бошлади. Аммо қиш чилласи жангга ҳалақит бериб, Оқ ўрдани бўйсундириш баҳорга қолдирилди. 1377 йилнинг баҳорида эса

<sup>1</sup> Оқуз — Амударё.

<sup>2</sup> Ҳожи Тархон — Астрахань

Оқ Урда хони Урусхон урушга чиқиш пайтида вафот этди. Тахтни Тухтакия эгаллади, аммо у ҳам узоққа бормади, сониян Темур Малик қўлига утди.

Соҳибқирон Амир Темур Тухтамишни қўмондон этиб тайинлади. Ва яна у мағлубият аламини тортиди. Темур Маликнинг хонлик давридаги ишратпарастлиги, майхўрлиги Амир Темурга ҳам маълум бўлган, бунинг устига Сигноқ атрофида Тухтамиш тарафдорлари борлиги овозаси қўлоққа чалинарди. Соҳибқирон Амир Темур тўртинчи бор Тухтамишни Сигноқ томон йўллади, бу сафар Тухтамиш голиб чиқиб, узини Оқ Урда хони деб эълон қилди.

Тухтамиш ниятига етган эди, энди у ниҳолдек томир ёйиб, ҳам заминдан мустаҳкам урин олиш, ҳам новдалари билан атрофни эгаллаш пайига тушди. Сигноқ, Саврон сингари қатор шаҳарларни ишғол этгач, ўзга юртларни ҳам кузлади, ҳозир қилчи кескирлик пайтида фақат олға босишни истар эди. Унинг кўз олдида Олтин Урда марварид янглиг пориллаб турар, Мамайни эса яқин орада таслим этиш иштиёқида эди. Икки Боҳор утиб, Тухтамиш Мамайни суриб чиқарди. 1382 йилда эса Москва босиб олди. Музаффариятдан талтайган Тухтамиш Хоразм остонасида пайдо бўлди, ҳатто Соҳибқирон Амир Темурга вассаллигини унутиб, бу ерда танга зарб эттиришга улгурди ва Мовароуннаҳр икки султон орасида уруш майдонига айланди.

...Соҳибқирон Амир Темур Тухтамишнинг Далоийр сингари қутлуғ туздониға туфлаганлигини ҳаёлиға келтирдию, ботиқ кўзларида ғазаб нигоҳ чақнади. Шу сония эшикоға қуриниш бериб элчилар муштоқ ила кутаётганлигини билдирди.

— Элчилар иззат-икром билан қарши олинганми?

— Сизнинг муборак сўзингизни икки қилармидик, онҳазратим!

— Чорланг!

Соҳибқирон Амир Темурнинг аъёнлари бирин-кетин чодирга кириб, ҳар галгидек ўринларини эгалладилар. Пири Саид Барака остонада пайдо бўлиши билан Соҳибқирон урнидан кўзгалди ва ўнг томонидаги уринга оҳиста ўтиришига ёрдамлашди. Кимхоб кийимлар билан безанган элчилар Соҳибқирон марҳаматларига содиқ эканликларини иншо айлаш асносида юкиндилар ва тилла лагандаги ноёб ҳадияларни Соҳибқирон олдиға омонат қўйдилар. Ташқарида эса Соҳибқирон кўнгилларига ҳамоҳанг йўрғалар боғлаб қўйилган, истаса онҳазратнинг ўзлари бир муддат сайр этар, хушламас муборак фарзандлари ёки амирларига инъом қилар эди. Элчи Соҳибқирон қаршисида яна бир юкиниб, қўлидаги лочинни узатди. Соҳибқирон Амир Темур расм-русумни бузмас, айна шу сонияда лочинни қўлга олмас ана шу анъанага зарб етиши шубҳасиз эди. Соҳибқирон билагиға қўнган лочинга эътибор бермаётганлигидан элчилар ташвиш чекишарди, ана шу ташвишдан холи қилиш мақсадида яна мулозимат

ила Тухтамиш номасини топширишди. Амир Темурга мана шу номадаги битик зарур эди, зудлик билан унга нигоҳ ташлади. Соҳибқирон номани ўқиркан, беихтиёр ҳаёлида «тентак» деган сўз пайдо бўлди, марҳаматимни унутмасмиш, Соҳибқирон Амир Темурдек буюк зотга билиб-билмай қўл кўтариб қўйганлигидан уятда эмиш, содиқ вассалим сифатида чизигимдан чўқмасмиш.

— Тентак!— Соҳибқирон Амир Темур бу иборани жаҳл билан айтди, элчилар ҳам, қабул маросимидаги аъёнлар ҳам гап нима ҳақда бораётганлигини шу заҳоти тушуниб етишди.— Кечирармишман тагин! Бундай ширин сўзингга ишонадиган лақма йўқ!

Амир Темурнинг важоҳати бузуқ эди, бильакс ҳозир бирор кишининг оғиз очиб, орага гап қўиши ортиқча эди. Соҳибқирон ҳаёлида Тухтамишнинг ярашиш ҳақидаги тақлифи беҳуда эканлигини яна бир бор қайтарди-да, расм-русум бўйича элчилар учун катта зиёфат беришга, совғалар тақдим этишга ундади. Унинг ҳаёлида бугун-эрта қилинадиган режалар аллақачон пишиб етилган эди, элчиларни ҳозир юртига қайтармай, йўл бошловчи сифатида олиб қолишни ўйларди. Сониян, қўшин амирлар, шаҳзодалар ва ўзига яқин одамлар иштирокида қурултой чақирди. Қурултой Соҳибқироннинг юришни тезроқ бошлаш ҳақидаги фикрини маъқуллади. Амир Темур қўшинлари Яса, Қорачуқ, Саврондан утиб даштликка чиқди. Бир ойлар чамаси юриб Сарикўзонда бир неча кун дам олиш буюрилди. Соҳибқирон Улуғ тоғ чўққиси томон бораркан, бепоён даштликда узидан бирор из қолдиришни кўнглига тугди. Ниҳоят, аскарларига харсанг тошларни ташиб, тўплашни буюрди.

Соҳибқирон сарой сингари уюлган харсангларни қуриб, кўнгли яйради-да, битикчига амр этди:

— Тухтамишга қилган яхшилигимиз эвази дашту-сахролар ошиб юрганлигимизни авлодларимиз билиб қўйишсин.

Битикчи бош эгиб шу сония харсанг тошни ўйиб ёза бошлади.

«Марҳаматли ва муруватли Худованди карим шарифга... Жумудул аввал. 23-кун. Мени Турон султони деб битинг. Қўшиннинг сони икки юз минг кишидан иборат эканлигини унутманг»<sup>1</sup>.

Соҳибқирон ёдгорликдаги битикка яна бир бор кўз ташлаб, янги маррани кузлади. Орадан тўрт ой ўтгач, Анақарқуюнга етишганда озиқ-овқатнинг таги қуриниб қолганлиги хабар қилинди. Амир Темур бундай пайтларда қўшин амирларини маҳкам ушлар, ортиқ харажат қилишларига йўл қўймас эди. Ҳозир ҳам у амирларни ҳузурига чақириб, нон, қулча ёпмаслик, угра оши ва чучвара қилмаслик, аталадан бошқа овқат пиширмаслик ҳақида тилхат ёздириб олди. Бу билан катта қўшинни тўйдириб бўлмас эди. Амир Темур ёввойи ҳайвонларни овлашга рухсат берди.

<sup>1</sup> Соҳибқирон Амир Темурнинг бу битиги ҳозир Эрмитажда сақланмоқда.

Ниҳоят, невараси Муҳаммад Султон баҳодир қумондонлигидаги бир гуруҳ навкарлар душман изларини аниқлаб келишга юборилди.

Амир Темур хаёлидаги ўйлар уни тобора зафар марраси сари етаклар, яқин уттиз йилдан буён суриб келаётган голиблик сурури унга тинчлик бермасди. У ўша тузлуққа туфурган Тухтамишни яксон этишни қўзлаётган эди.

Алалхусус Тухтамиш ҳам анойилардан эмас, ер остида илон қимирласа билгувчи маккорлардан, шарпанинг шабадасини олдиндан сезади, билаёкс, осонликча бўйин эгмайди, қолаверса, йул-йўлакай қўйилган айгоқчиларига инонади, шу сабаб руҳи тетик, узини бардам ҳис этади.

«Марҳаматли ва мурувватли Худованди карим, ҳар галгидек узингга топингайман, йулимни ойдин, дастимни узун қилгайсан...»

Соҳибқирон беихтиёр пичирлади. Шу кез Муҳаммад Султон баҳодир Тухтамиш изини излаб, бир ёғийни отга ўнгариб келди.

Муҳаммад Султон баҳодир Соҳибқирон ҳузурига тутқунни олиб кираркан, бу гал ҳам ишончни оқлаганидан юзларида табассум уйнади.

— Баракалло, ўғлим! — деди Соҳибқирон, алалхусус унинг нигоҳи тутқун кўзларига қадалган эди.

Заҳил юзли тутқун Соҳибқирон довруғини эшитган, ҳозир унинг оёқлари остига муборак боши қўйилганидан дир-дир титрарди.

— Тухтамишнинг қайси инга макон қилганидан хабардорми-сан!

Тутқуннинг тили шу сония тугилиб қолди-да, бош қимирла-тиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Гапир!

Соҳибқироннинг шаҳдам овози тутқунга юрагини ёриб юбор-гудай таъсир этди. У эмаклаган бўйи судралиб Соҳибқироннинг муборак оёқларига бош қўйди, зарҳал ковушини ўпди, сониян бирин-кетин сўзлашга тушди.

Амир Темур сезиб турарди. Олчоқ Тухтамишнинг аскари худди шу ерларда қўним топиши мумкин эди. Билъакс унинг изқуварлари Амир Темурнинг катта аскар билан ҳайқириб келаётганини етказишар, Тухтамиш сичқон янглиғ бирор ковакни излаб ўша ердан паноҳ топишни ўйларди. Бунда ҳам пинҳона кураш яширин эди. Даставвал узини иложи борича ичкарироққа уриш, сониян шу йул билан ёғий қудратини синдириш эди. Изқуварлар Амир Темур аскарлари кимсасиз саҳрода очликдан силласи тобора қуриб бораётганлиги ҳақидаги хабарни етказганда Тухтамиш хандон отиб кулар ва газаксиз шароб ичиб кайф-сафо қиларди. Соҳибқирон ҳозир тутқун сўзларидан Тухтамишнинг қўналга ва юриш жойларини аниқларкан жангчиларга асосий қўшиндан ажралмаслик ва тунлари гулхан ёқмасликни буюрди.

Ёзининг узун кунлари бошланган эди.

Соҳибқирон Ёйиқ дарёсининг юқори қисмидан айланиб ўтишни маъкул кўрди. Бу усул Тухтамишнинг пистирмадан туриб ҳужум қилиш ниятини пучга чиқарди.

Амир Темур қиргоққа ўтган, чодир тикишни буюрди. Бу жанг арафасидаги сўнги нафас ростлаш эканлигини сезар, қўшинни яна бир бор куриқдан ўтказиш зарурлигини ҳис қиларди. Соҳибқирон бу гал ўз қўшинини етти бўлакка — кулга ажратди. Жанг олдида қўшин марказ, ўнг, яъни баронгар ва чап, жавонгар қанотлардан таркиб топганди. Уларнинг ҳар бирида илғор — хировул, ҳар бир қанотда эса қанот муҳофазаси — канбул бўлак-лари шай турарди. Ўнг ва чап қанот амирлари — туманбегилар, мингбошилар, қўшинбошилар, пиёда ва отлик аскарлар ҳар бири ўз жойида ҳозир нозир туриши, шу билан баробар чериқдаги ҳар бир жангчи бир йилга етадиган озиқ-овқат заҳираси олиши, ҳар бир навкарда ёй, уттиз уқ, қалқон, ёй учун ғилоф бўлиши мажбурий эди. Ҳар икки одамнинг бирида дулдул от, ҳар ўн кишига бир чодир, икки белкурак, бир омоч, урок, арра, болта, бигиз, игна, чилвир ва қозон олиб юриш юклатилган эди. Амир Темур ҳолдан тойган аскарларга бирма-бир разм соларкан, совут ва қалқонларни тайёрлаб, қатъий интизом сақлаб, ҳушёр туришни буюрди. Шу билан уларнинг руҳиятини кўтариш мақсадида аскарларига инъом улашишни ихтиёр этди. Соҳибқирон мана шундай онларда ёнида муҳтарам ва азиз пири ҳисобланмиш Саид Барака бўлишини истарди ва шу заҳоти улғу зотни таклиф этишни буюрди.

Пир Саид Барака бир неча муридлар етагида Соҳибқирон Амир Темур ҳузурига одим қўйди-да, Оллоҳдан қут ва барака, бўлажак оғир жангда зафар тилади.

— Пирим... — Соҳибқироннинг янгроқ овози бепоён даштлараро ёйилиб, уфқ қадар эшитилгандай бўлди. — Қўшинимга узингиз инъом тортиқ қилсангиз.

— Бош устига, Соҳибқирон.

Амир Темур пири Саид Бараканинг бир оғиз сўзи қўшинга мададкор бўлишини, гуё полапон янглиғ қанот чиқариб, учишга шай туражагини ҳис этар, баъзан суяк томоқда қилтиллаб турган маҳалда бир сиқим тупроқ олиб «Ёв қочди» дея ёғий томон сегиб юборганда аскарлар арслон каби ўкириб ташланганлигини сезмай қоларди. Шу топда аскарларнинг чеҳралари тандирда сингдириб пиширилган патир нондай қип-қизил, эрта-индин бошланадиган жангу жадалга шай эканлиги аён эди.

Қоровул гуруҳи олисда от чоптириб ўтаётган душман лашкарини сезиб, Соҳибқиронга етказиш тадоригига тушди. Соҳибқирон ёғийга етиб олиш ва тутиб келишни буюрди. Қоровул йўл-йўлакай пакана ёғийни тутиб келтирди. Тутқун қатл этилиши олдида Амир Темурга:

— Тухтамишхон барибир музаффарият шаробини сипқориш

умиди ила ёнаётир, — деди. — Сизнинг озиқ-овқатингиз таги куришиб қолганлигидан хабардор. Шу мақсадда у сизни янаям ичкари юришга чорляпти.

Тутқуннинг боши шу сония кундага қўйилди.

Соҳибқирон асирнинг гапларига эътибор бермади, ёғий шу атрофда пусиб ётганига ишонарди. Бу уни хотиржамликка ундамасди, шундай бўлса-да, Мубоширни кичик қўшин билан айғоқчиликка жўнатди. Соҳибқирон Мубоширга ишонарди. У Сунжок баҳодир ва Аргуношоҳ баҳодир сингари икки бармоғини бурнига тикиб қайтмасди.

Мубошир айтганини қилди, йигитлари билан қирқ ёғийни асирга туширди. Соҳибқирон Тўхтамиш ўз аскарларини Қуруққулда тўпланишга буйруқ берганлигини сезди. Алалхусус, Соҳибқирон учун Тўхтамишнинг асосий кучлари зарур эди. Шунча ой душман изини қидириши етарли эди, шу сония ёғий билан олишувни кўзларди.

Амир Ики Темур бош бўлган қоровул қисм Тўхтамиш қўшинининг ботқоқзорда куч тўплаётганлигини сезиб, жанг бошлади. Ҳолдан тойган қоровул қисм узини унглаб олганича йўқ эди, бунинг устига бир неча ойлик ҳорғинлик қаддини букиб қўйганди. Ики Темур аёвсиз жангда шаҳид ўлди, бу эса Соҳибқирон учун манзилни тўғри аглай олиш имконини тўғдирди.

Соҳибқирон қоровул қисм дастлабки зарбаданок мағлуб бўлганига ачинди, энди шу ҳолича ташлаб қўйиш одобдан эмас, темирни қизигида босишни хаёлига тугди. Амир Сайфиддин билан амир Жаҳоншоҳ Қундузча дарёсидан ўтишга киришишди. Кечув оғир, машаққатли эди, алалхусус уни ортга суриш ҳам мағлубиятнинг ўзи эди. Соҳибқирон қўшинлари Тўхтамишнинг аждаҳо сингари олов пуркашига қарамай кечувдан ўтиб, ёғий томон ташланишарди.

Тўхтамиш тобора пусиб борар, шу орада пайт пойлаб Соҳибқирон аскарларини чангал остига олишга интиларди.

Соҳибқирон пири Саид Барака билан яна кенгашишни маъқул кўрди. Энди у қўл узатса ёғийга етадиган бир пайтда ортдан қуваверишни ўзига лозим топмади. Пир Саид Барака Соҳибқироннинг ўғли Мирзо Умаршайх бошчилигидаги қоровул қисмини ёғий ҳузурига ташлашдек ниятини маъқуллади. Йигирма минг аскари билан Андижондан келган Мирзо Умаршайх фармони олийдан сунг ёғий ортидан от чоптириб кетди.

Ёз қувёши чарақлаган, тунлари осуда ва ёруғ эди. Қундузча Соҳибқирон Амир Темур ва Тўхтамиш аскарининг сарагини саракка, пучагини пучакка айирадиган жойга айланди. Олис масофа босиб, муродига етай деган Соҳибқирон жангу жадал арафасида етти ўлчаб бир кесарди. Унинг хаёлидан Далойир бекач ўтди, ўтдию шу сония томоғини аччиқ данак тилиб ўтгандек бўлди. Бу сафар Далойир бекач ўрнида Тўхтамиш тиржайиб тургандай эди. «Олчоқ Тўхтамишхон...» Соҳибқирон шу сўзни тилга

олди-ю, бу сафарги жангда янгича усул қўллаш зарурлигини тушуниб етди. Қўшинини етти мустақил қўлга ажратди. Уғиллари Мирзо Мироншоҳ, Мирзо Умаршайх қанотдаги, набираси Мирзо Мухаммад Султон эса марказдаги мустақкам тиргаклардан бири эди.

Тўхтамиш аввалгидек мўгул тартибидан воз кечмаганди. У дастлабки ҳамладаёқ Соҳибқирон кучини майиб қилишга аҳд қиларди.

Ҳар икки тарафдан ноғоралар чалина бошланди.

— Сурон! — дея қичқирарди Тўхтамиш аскарлари.

— Сурон! Сурон!!! — Соҳибқирон Амир Турон томондагилар наъра тортишди.

Соҳибқирон душман овозини эшитмаётгандек, отдан тушди-да, майса устига жойнамоз ёзиб, икки ракат намоз ўқиди. Сониян жаҳл ила отга миниб олдинги марра томон юрди.

Амир Сайфиддин Ҳожи қўмондонлигидаги аскарлар ўнг қанот бўйлаб жангга кирдию, дўсту душман аралаш бўлиб кетди. Алалхусус қўмондон аскарлари ёғий зарбасига дош беролмай қайси ёнга қочишни билолмасди. Соҳибқирон Амир Темур аскарларининг жанг бошланмаёқ сичқон ини минг танга бўлганлигидан ранг-рўйи дув оқарди. Унинг бу ҳолатини пири Саид Барака сезиб турарди.

— Пирим! — Соҳибқирон Саид Баракага юзландию, бошқа гапирмади.

Саид Барака муридлари етагида отдан тушди-да, бир сиқим тупроқ олиб ёғий томон сочди.

— Ёғийнинг юзи қора бўлсин! Сизга ғалаба ёр бўлғусидир, Соҳибқирон!

Саид Бараканинг фотиҳаси ижобат булдими, Мирзо Мухаммад Султоннинг марказдан қилган ҳамласи узилиб қолган қўшин занжирини бир-бирига маҳкам боғлагандек туюлди. Тўхтамишнинг устакорлик билан ҳали ён, ҳали орқа томондан берган зарбаси ила инобатга утмади. Соҳибқироннинг асосий қўшини ва заҳира кучларидан исканжага тушиб, тузоққа илинганлигини тушуниб етди. Энди Тўхтамишнинг жон асраб қочишидан ўзга йўл қолмаган эди.

Соҳибқирон Амир Темур илкис кулиб қўйди. Назарида Тўхтамиш от думига боғланган Далойирдек кўздан олислаб борарди. Соҳибқирон пири Саид Барака, қўмондону аскарлари томон меҳр ила нигоҳ ташлади. Улар Соҳибқирон Амир Темурни — «Турон султони»ни ғалаба билан қутлашар эди.



*Маъруф Жаали*

## УНИНГ МЕҲРИ БИЛАН ЯШАЙИН...

### Мустақиллик кўшиғи

*Неча замон куллик оғусин ичдинг,  
Қанча-қанча армон дарёсин кечдинг,  
Гоҳ чуқдинг, гоҳ қалқиб юзага чиқдинг,  
Муродга етганинг муборак бўлсин!*

*Гофиллик туфайли алдандинг кўп бор,  
Кўзларинг очилди, алданма такрор,  
Бепарво бўлмагин, душман кўп маккор,  
Муродга етганинг муборак бўлсин!*

Маъруф Жаали ўзбек адабиётининг фидойи, заҳматқан ижодкорларидан бири. Унинг сўзи ҳам, ёзгани ҳам, сўхбати ҳам самимий. Шоирнинг «Мен сизни севардим», «Сени ўйлаб», «Нотанин йўллар», «Қўшиқ интиёқ», «Мен сув ичган дарёлар», «Паризодим», «Дарёни излар шамол», «Бахтимга сен борсан» сингари китобларига кирган битиклари чуқур самимият билан шеър ихлосмандларининг қадрдонига айланган. Буюк бобомиз Амир Темуру хусусида сўз юритгувчи «Соҳибқирон» драмаси шоир салоҳиятининг иккони кенглигидан далолат беради.

Маъруф Жаали ҳасасе шоир бўлиш баробарида моҳир таржимон ҳамдир. Бу борада, унинг таржимасида сайқал тошган Кристофер Марлоунинг «Буюк Темуру» драмасини, Явадат Нисовнинг «Сўғдиёна» романини, Евгений Евтушенконинг «Оқ қорлар» тўпламига кирган асарият асарларини яшаш кифоя.

Айни кунларда Маъруф Жаали 60 ёшига тўлди. Биз, ижодкорни таҳририят ҳамда журналхоҳлар номидан қўлаб, шеърларидан намуналар эълон этаётимиз.

ТАҲРИРИЯТ

*Дарахт гуллаганда ёққан қор мисол,  
Ҳар баҳор насибанг этдилар поймол.  
Адолат бор экан ёруғ дунёда,  
Муродга етганинг муборак бўлсин!*

*Амир Темуру келди Туронга қайтиб,  
Ўксиган дилларга тасалли айтиб.  
Қаддини ростлагай поймол булган урф,  
Мақсадга етганинг муборак бўлсин!*

*Қара, олам қандай мунаввар бугун,  
Ҳаётинг осуда, насибанг бутун.  
Бу дамга кўп йиллар интизор эдинг,  
Энди мустақиллик муборак бўлсин!*

### Бунча узоқ

(эски кўшиқ)

*Бунча узоқ йўлларингиз, бунча узоқ —  
Йўлим унмас, оёғимда бордай тузоқ,  
Нигоҳ етган жойга қачон етар оёқ,  
Бунча узоқ йўлларингиз, бунча узоқ?!*

*Зора йўлим қисқарса деб кўшиқ айта,  
«Топмадим»ни такрорлайман қайта-қайта,  
Оёғимга тикон кирар қумлоқ жойда,  
Бунча узоқ йўлларингиз, бунча узоқ?!*

*Қушдай парвоз қилай десам, қанотим йўқ,  
Авазхондай елай десам, Гиротим йўқ,  
Учоқ миниб учай десам, иложим йўқ,  
Бунча узоқ йўлларингиз, бунча узоқ?!*

*Зоғ учмаган жимжит дала, дилгир дала,  
Онда-сонда юлғун учар гала-гала,  
Бунда қанча хаёл сурсанг қолмас чала,  
Бунча узоқ йўлларингиз, бунча узоқ?!*

*Йўл юрса ҳам, мул юрибди алпон-талпон,  
Хаёл қуши орқасидан боқиб хайрон,  
Уйламангиз бўлибди деб Маъруф пушмон,  
Бунча узоқ йўлларингиз, бунча узоқ?!*

### Паризодим

*Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,  
Айтолмадим юракдаги саволларимни.*



Аммо, топиб юпансин деб, қўйиб юбордим —  
Тоғ бургути каби уjar хаёлларимни.

Ўзим жавоб беролсайдим,  
Бошимни эгиб,  
Шамол каби югурмасдим, кўним билмасдан.  
Шивирламас эдим ҳар бир дарахтга тегиб,  
Ҳатто тоғлар сўзлар эди сукут қилмасдан.

Пишқиради ювош бўлиб қолган дарёлар,  
Хазон булган лола қайта кутарарди бош.  
Эски йўлда янграр эди янги наволар,  
Кучга тўлиб нур сочарди кузда ҳам қуёш.

Ҳар бир мева тугилади куртак ва гулдан,  
Аммо озми атиргулдай мевасиз гуллар.  
Йўқ, мен қийиқ қидирмадим бу ерда қилдан,  
Манзил сари элтмас экан дуч келган йўллар.

Мен танлаган йўл ҳаётта бегона эмас,  
Муъжизалар учрамайди унда эҳтимол.  
Балки ҳеч ким тақдиримни қилмайди ҳавас,  
Сенга атаб эколмасман битта ҳам ниҳол.

Қоронғуда йўқотарман, балки йўлимни,  
Балки бир тош йиқитади адашганимда.  
Балки биров мадад берар куриб ҳолимни,  
Балки куним битар сенга етишганимда.

Аммо сенга қилмагайман зарра хиёнат,  
Қасам ичиб бермаганман гарчи қатъий сўз.  
Сен мангусан бу дунёда, мен — бир омонат,  
Эзгу ҳислар ичра лекин ёнурман ҳануз.

Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,  
Айтолмадим юракдаги саволларимни.  
Аммо, топиб юпансин деб, қўйиб юбордим —  
Тоғ бургути каби уjar хаёлларимни.

## Насиҳат

Ҳеч қачон, ҳеч ерда шаштинг қайтмаган,  
Бир киши «ўпкангни бос», деб айтмаган.  
Истасанг битта сўзинг тошни ёрар,  
Гар қаҳр қилса кўзинг бошни ёрар.  
Кўжда учган қушни гар қилсанг ҳавас,  
Қоврилиб ёнингга келган шул нафас.  
Кундузи кун, тунда ой бошинг силаб,  
Хизматинг қилган мудом бахтинг тилаб.

Сен утар йўлда девор булса агар,  
Чекилиб, четроқ қочарди ҳар сафар.  
У девор андиша эрди аслида,  
Бор эди инсофли инсон наслида.  
Сен уни қурқоқ деддинг, таҳқир этиб,  
Кўзи очилди қиём вақти етиб.  
У метин бўлди. Нечун ечмоқчисан?  
Сен уни бошинг уриб тешмоқчисан.  
Эй биродар, булса гар бошингда хуш,  
Туш кибр тулпоридан, тупроққа туш.

## Дам-бадам

Интизор, маъюс бўлиб йўлга қарайди дам-бадам,  
Ойнага уйчан боқиб, сочин тарайди дам-бадам.

Дам-бадам титраб лаби, оқ юзлари раъноланиб,  
Лоладан ибo билан соат сурайди дам-бадам.

Дам-бадам уз кўнглунинг кўзгусида ёрин куриб,  
Рози дил айтиб, меҳр бирлан ўрайди дам-бадам.

Дам-бадам гуллар териб сидқу садоқат богидан,  
Гоҳ совуқ шубҳа-гумон қорин курайди дам-бадам.

Дам-бадам ўйлар: «Нечун мунча узоқдир лаҳзалар?»  
Соғиниб дилгир бўлиб лаҳза санайди дам-бадам.

Дам-бадам кўз олдига келгай висол неъматлари,  
Бахтиёр дам яхтагин йўрмаб курайди дам-бадам.

Дам-бадам Маъруф каби ёр васлига зор бўлмаса,  
Ёр эмас ул, соғинишга арзимайди дам-бадам.

\* \* \*

Агар ишончимга булсанг сазовор  
Ва ювиб юборсанг дилдан губорни,  
Менинг ҳаётимга кирарсан, дилдор,  
Ҳамда гуллатарсан битта рўзгорни.

Бу рўзгор Турон деб аталмиш диёр,  
Унинг иқболидир менинг иқболим.  
Умрим ҳар баҳорда булмаса тақрор,  
Табиат, табиат, бергил заволим.

Мен унинг доғини кўрмайин токи,  
Токи бирга бўлай доим курашда.  
Унинг меҳри билан яшайин ёки,  
Ёки ёниб кетай ўша оташда.

Шоҳир Қаҳҳор

## МУҲАММАД БИЛАН СУҲБАТ

Наът йулидаги жоннинг  
янгилиниш достони<sup>1</sup>

БИРИНЧИ БОБ

### Пайғамбарни улуғлаш

1

*Эй Аллоҳнинг алқиши,  
Бол сўзларнинг балқиши,  
Исломият қалқиши —  
Сен, яловоч Муҳаммад!*

*Сен — руҳ қушин учмоғи,  
Икки дунё учмоғи,  
Қучоғимнинг қучмоғи —  
Нурсан, нур соч, Муҳаммад!*

*Кел, ҳалимлар ҳилими,  
Билгинларнинг билими,  
Тошдай қотган элими  
Уйқусин оч, Муҳаммад!*

*Йўлсизларга йўл — сенсан,  
Қўлсизларга қўл — сенсан,  
Тилсизларга тил — сенсан,  
Мангу тилмоч Муҳаммад!*

*Юрса-да тирик бутлар,  
Юртда бор кўнгул бутлар,  
Туркистон сени қўтлар,  
Қучоғинг оч, Муҳаммад!*

*Яссавийлар улқаси  
Булмас кофир булқаси,  
Бошда булут кўлқаси,  
Йулга тушғоч Муҳаммад!*

2

*Инсонда иймон булмас, гар унда сен булмасанг,  
Инсонда инсоф булмас, гар унда сен булмасанг.*

*Ҳар суврат сийратсиздир, ҳар миллат гайратсиздир,  
Ҳар давлат қувватсиздир, гар унда сен булмасанг.*

*Ҳар замон сен замонсан, жаҳонда бир жаҳонсан,  
Жаҳонда жаҳон булмас, гар унда сен булмасанг.*

3

*Тангрининг севимли, сўнги элқиси,  
Дунёларга инган илк нур — Муҳаммад!  
Исмидан таралар жаннатлар иси,  
Ҳузунли кўнгулга ҳузур Муҳаммад!*

*Кечаю кундузда, денгизда, қўлда  
У бизга йўлдошдир, абадий йўлда,  
Маҳшару мангулик санжоғи қўлда,  
Кўклардан-кўкларга сузур Муҳаммад!*

*Ҳар замон инсонга ибрату ўрнак,  
«Қуръон»у, «Ҳадис»ни ташиган юрак,  
Юраклар ичида юксалган фалак —  
Илоҳий суруру ғурур Муҳаммад!*

*Биз киммиз? Аслида йўқмиз, йўқлимиз,  
Аввалда отилган ўқмиз, ўқлимиз,  
Елғиз тавба қилмоқ учун ҳақлимиз —  
Тавба, эй Тангримиз! Узр, Муҳаммад!*

*Минг тўрт юз йилдирки, «Ҳадис»лар айтар,  
«Қуръон»ни англа деб, ҳар қалбга қайтар,  
Қайтару гўё ул ҳижратли пайтлар —  
Бузилган дунёни тузур Муҳаммад!*

4

*Ҳар тонг нурин уйғотган ҳар қўшлиқнинг қўшисан,  
Дунё мезанасинда азончи товушисан,*

<sup>1</sup> Журнал нусхаси.

Ҳар намозда обиднинг ёруғ ақлу ҳушисан,  
Тунлар энг яхшиларнинг хаёлисан, тушисан.

Дунёда миллиард-миллиард инсонларнинг тилидан  
Суйла, чунки муъминдир ҳар бир одам дилидан,  
Чунки ҳар бир вужудда Муҳаммадий нуринг бор,  
Шу нур ҳаққи сузлашиб, сенга арз этай изҳор.

ИККИНЧИ БОБ

## Туркистон асоратидан ҳасратлашув

Яҳудий «Равви» деб, «Таврот» тутмасдан,  
Насроний Исодан нафас кутмасдан,  
Арабларга юз-юз бутлар бутмасдан,  
Аввал ҳам Туркэли — эски Туркистон  
Булса-да буддага илк учоқ, макон,  
Инончда бор эди бир Оллоҳ — Угон.

Юз йилдир жомелар азонсиз турди,  
Кофирлар не курса, қорин деб қурди,  
Одамлар тиригу кунгуллар ўлди,  
Мадраса, масжидлар сукутга тулди,  
Шунча куп ўлик қалб қай чоғ, қай замон  
Бағрингда эзилган,  
Эзган, Туркистон?!

## 1890-1950 йиллар суҳбати

Ё Муҳаммад, тингла арзу додимиз,  
Боқ, Сибирда бир шамол фарёдимиз...  
Йитди сургунда неча милёнимиз,  
Кон қазиб, музлаб, чиқибдир жонимиз...

Ул Сибир ёмғирлари — ғассолимиз,  
Қор кафан бичди — билур қор ҳолимиз...  
Муз эриб, чиққайму ерга жисмимиз,  
Эл келиб, билгайму бизнинг исмимиз?!

## Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши суҳбати

Душманнинг душмани билан урушиб,  
Силоҳсиз олдинги сафда туришиб,  
Ўлди эл, узига гурини қазди,  
Қолганлар байроққа шу сўзни ёзди:  
«Туркистон бир бутун! Оллоҳ биз билан!»

Душман! Бил, бу сўзни учириб бўлмас,  
Одам, эл ўлару сўз, фикр ўлмас.  
Яшаган, яшаюр, яшар Туркистон,  
Уни яшатажак ҳур турк-мусулмон —  
«Туркистон бир бутун! Оллоҳ биз билан!»

## Суҳбатдан фахр ва қаноат туйиш

Қай юракка кирсанг, у жаннат бўлур,  
Кирмасанг, жисман яшар, руҳан улур.

Қай жамиятда сўзинг — байроқ-аълам.  
Унда жонлар тортмагай дарду алам.

## Суҳбатдаги байроқ бир оят

Жаброил фаришта — Номуси Акбар,  
Оллоҳдан сенга ҳам келтирди хабар:  
«Боқийдир Нуҳ насли қиёмат қадар», —  
Демак, мангу яшар дунёда турклар.

## Тангритоғдаги суҳбатлар 1850-1990 йиллар

Ё Муҳаммад, сарвари олам ўзинг,  
Муждалар бер, Тангридан келгай сўзинг!  
Ҳур яшашга ҳақли Туркистон, ахир,  
Тангритоғдан бизни хурликка чақир!  
Сен бугун ҳам бизга айт имконларин,  
Курсатиб қўй Тангрининг душманларин —  
Ҳур туғилганларни кул қилган элат,  
То қиёмат Тангрига душман фақат!  
Бир замон келди — кетиб биздан замон,  
Сунди Туркистон, йиқилди тахту хон.  
Ё Муҳаммад, Тангрисиз, сенсиз қолиб,  
Қайга борсинлар бу эл бошни олиб?!  
Бошчисиз, динсиз эгилди бошимиз,  
Ёвга қуллуқ қилди кекса-ёшимиз,  
Бизга биз хоин чиқиб, ўлдик у кун,  
Биз Ватанни парчалаб бўлдик у кун —  
Бор гуноҳ душмандамас, бизлардадир —  
Биздан ўзга бизга душман йўқ, ахир!..  
Бизки элда эл билан бирлашмадик,  
Дилда Тангри — ёр билан сирлашмадик.  
Босди кўзларни жаҳолат доғлари,  
Босди ўзларни сафоҳат тоғлари.  
Кел, Муҳаммад, қалбимизга кир ўзинг,  
Жонни зулматдан қутултиргай сўзинг.

Шубҳасиз, ёдингдадир Абдулкарим —  
 Ул Сотуқ Бугро — буюк турк аскарим,  
 Кунчиқарда илк мусулмон хон бўлиб,  
 Утди исломга улуг хизмат қилиб:  
 Қашқару Фарғонадан Қафқаз, Хазар,  
 Муслимон турклар яшаб, от сурдилар;  
 Илму динли салтанатлар қурдилар,  
 «Тангрининг турк лашкари!» деб турдилар.  
 Мингта олим, Қошғарий, Хос Ҳожибинг —  
 Суннатинг ҳар бир ишинда вожибинг,  
 Турклигу исломга хизмат айлади,  
 Шу учун тақдир уларни сийлади.  
 Сен билурсан барчадин ҳам яхшироқ,  
 Бари утди, учди бу юртда чироқ,  
 «Икра!»ни эл тингламас бўлди бу кун,  
 Зулму ҳақсизликка ер тулди бу кун:  
 Динлию динсизлар ичра бор нифоқ,  
 Йуқ ҳалол луқма ўтувчи бир томоқ, —  
 Балки шунданми бузилмишдир замон,  
 Бўлди миллатлар талончи беомон?..  
 Боқ, бутун дунёга машҳур Туркэли —  
 Бўлди дунёга ёпиқ, бир берк эли:  
 Неча юз йил рус ва чинлар босдилар,  
 Илму динни ваҳшият-ла осдилар!..  
 Русга инсоф кирди, торти панжасин,  
 Неча юртдан олди у исканжасин. —  
 Эски Турон ерларинда қанча турк  
 Мустақил давлат бўлиб, олмишлар эрк...  
 Ё Муҳаммад, сарвари олам ўзинг,  
 Муждалар бер, Тангридан келгай сўзинг.  
 Ҳур яшашга ҳақли Туркистон, ахир, —  
 Тангритоғдан бизни ҳурликка чақир!..

Каъба сафаридаги суҳбат  
 1994 йил

Каъбага жисмим эмас, жоним билан  
 Боргамен ҳар дамда ҳар оним билан.  
 Ё Муҳаммад, деб ҳаяжоним билан  
 Суйлагум, сузларда Туроним билан.  
 Дилда Оллоҳимга иймоним билан,  
 Тилда, қўлда қутли «Қуръон»им билан,  
 Йулдаман Одам Ато қоним билан,  
 Нуҳу Ёфас, Турк, Уғузхоним билан.  
 Утмишим — бут, Будда, Шомоним билан,  
 Бор ёқилган тарих — урмоним билан.  
 Йулдаман — ёнган оломоним билан,  
 «Алғиёс»им ҳам «альямон»им билан.  
 Мингга киргач Зардушт, исёним билан,

Қалқди Эрон номусулмоним билан,  
 Шунда исломликни қалқоним билан,  
 Сақлади турк Бугро хоқоним билан,  
 Давлату дин, ганжу эҳсоним билан,  
 Уртага чиқди Қорахоним билан.  
 Беш муҳаддис борди турк шоним билан,  
 Ахтариб сўзинг биебоним билан.  
 Ул «Ҳадис»у, «Фикҳ»у ирфоним билан,  
 «Ал-Ҳидоя» йўлда Бурҳоним билан.  
 Ибн Сино «Тибб»и дармоним билан,  
 Ал-Беруний кашфи армоним билан.  
 Ҳикмат айтиб туркча девоним билан,  
 Хужа Аҳмад Ясса — султоним билан.  
 Йулдаман, Ҳинду Хуросоним билан,  
 Садди Чин, Қофқозу Эроним билан.  
 Ул Темурбек даври-давроним билан,  
 Йулдаман, «Зижи Қурагон»им билан.  
 Бобурим — Ҳинду Покистоним билан,  
 Йулдаман, чоғларки қурбоним билан.  
 Бирлигу куч кетди Шайбоним билан,  
 Қолди Туркистон бу зиндоним билан.  
 Кел, Муҳаммад, «Уйгон! Уйгон»им билан,  
 Уйғонай Турону Турфоним билан.  
 Шу хаёлу сирру суроним билан,  
 Дарду оташ, қалби урёним билан,  
 Каъбага жисмим эмас, жоним билан,  
 Боргамен ҳар дамда ҳар оним билан...

Бу суҳбатнинг охири ва мангу  
 суҳбатларнинг бошланғичи

Кел, Аллоҳнинг алқиши,  
 Бол сузларнинг балқиши,  
 Исломият қалқиши —  
 Кел, яловоч Муҳаммад...

Январь, 1994 й.



Жамила Эрашева

## ЗУБАЙДА

### Қисса

Ушбу маҳзун қиссани улуг бобола-  
римнинг руҳи покларига бағиш-  
лайман.

Бу дунёда ҳамма нарса уткинчи. Давронлар ҳам уткинчи-  
дир...

Осмоннинг қоп-қора булут қоплаган кўксига чақин утли хан-  
жарини санчди. Оғриқданми, аламданми, осмон «дод!» деб  
юборди. Сўнг юм-юм йиғлади, сим-сим йиғлади. Узоқ йиғлади.

Котибасига «Мен бошқармага кетдим. Биров-ярим сўраса,  
пешиндан сўнг буламан», деган Уташбек остонада бирдан қал-  
қиб кетди. Сал нарида турган хизмат машинасига етгунча, қора  
терга тушди. «Қайси томонга ҳайдай?» дегандек савол назари  
билан қараган Мўминга «Бирпас шошмай тур» деди-ю, инграб  
олдинги уриндикнинг суюнчиғига ёпишди. Кутилмаганда елкаси-  
да пайдо бўлган оғриқ бутун аъзойи баданига тарқалиб борарди.  
Унинг аҳволини кўриб, Мўмин саросимага тушиб қолди:

— Ҳа, Уташ ака, сизга нима бўлди?

— Билмайман...

— Нима қилай, касалхонага ҳайдайми?

— Шошмай тур-чи, утиб кетар. Соат ўнда йиғилиш бор эди.

Дам утмай касалхона томон ишора қилди:

— Ҳайда тезроқ. Бўлмади...

Касалхонада эса, уни машинадан кўтариб туширишди.

\*\*\*

...Айвон тоқчасида турган хорижий телефон эрмакнамо ҳуш-  
так чалиб, соҳибасини чорлаганда, Зубайда сочларининг қора  
рангига қониқмай, қизғиш жило орзусида бошини хинолаб утир-  
ган эди. Гушақдан Мўминнинг торушини эшитиб ҳайрон бўлди:

— Ҳа, Мўминжон, Термизга кетмадиларингизми?

Мўмин тўғри мақсадга кўчди:

— Янга, Уташ аканинг мазаси бўлмай қолди. Катта касалхо-  
надамиз, Бектош акага хабар қилинг, тез етиб келсин. Узингиз  
ҳам келинг.

— А?! Нега?! — гушақдан алоқа узилганини англаувчи овоз  
келди: «Бип, бип, бип...»

У бир муддат анқайиб турди-да, зарсимли румолини ураб,  
хиноли қўллариниям ювмай, икки уй нарида яшайдиган қайноға-  
си — Бектош аканикига югурди.

Уташ ота руҳсорини бошмалдоқдан сал каттароқ суратда  
кўрган, уни онасининг, ака-опаларининг ҳикояларидангина би-  
лар, отаси вафот этганда она вужудида етти ойлик қолган эди. У  
туғилгач, момоси армон билан «Даври-давронларинг ўтгач, дунё-  
га келди. Бунинг оти Уташ бўлсин» деб исм қўйган.

Онаси мактабни битирган йили вафот этди. Бектошбой би-  
лан унинг аёли Фотима янга Уташни ўз фарзандларидек ўқитиб,  
уйлантириб, ҳатто бир болали бўлишгач, икки ҳовли нарида эга-  
лари кучиб кетаётган уйни ҳам олиб беришди. Шунинг учун  
Зубайда уларни ҳақиқий қайнота-қайнона ўрнида кўрар, алоҳида  
яшашса ҳам улардан бемаслаҳат иш тутмас эди.

Чошгоҳ пайти ишли одам уйда бўлмаслигини яхши билар  
эди. Аммо аёли уйда-ку, айтса, дунёнинг нариги бурчидан бўлса  
ҳам излаб толади. Узининг эса шу топда қайси бир идораларга  
кўнғироқ қилиб, қайноғасини топишга сира ҳоли йўқ эди.

Мўминнинг кўнғироғидан сўнг қандай гангиган бўлса, овси-  
нини ҳам шундай ҳолга солиб, изига югурди. Хинони сочида  
кечгача сақлаб, бўёқ яхши синггач, юваман, деб ҳаммомни ҳам  
иситмаган эди. Муздай сувда ювиб, наридан-бери артиб, намини  
кеткизган бўлди-ю, жиққа ҳўл сочни тараб ҳам утирмади. Тур-  
маклаб, устидан рўмол ўради-да, кучага югурди. Муюлишга ет-  
ганда дарвозасини қулфламаганини, ҳеч бўлмаса бешиқдаги  
боласини овсинига тайинламаганини эслади. Яна «Аҳволимни  
билди, хабар олгани келар. Узимам бораман-у, қайтаман.  
Ишқилиб, жони соғ бўлсин-а!..» дея Яратганга илтижолар қилиб  
борарди.

Кучанинг бошида таниш машина кўринди. Зубайда енгил  
нафас олди. Орқа уриндикда Уташбекнинг йўқлигига ҳам, маши-  
на ортидан изма-из келаётган қизил белбоғли оқ машинага ҳам  
эътибор бермади. Негадир машина тўхтамай ўтган бўлса-да, Мў-  
мин унинг кўнглини тинчитувчи бир хабар олиб келганлигига  
умид қилиб ортига қайтди.

Иккала машина ҳам дарвозалари олдида кетма-кет тўхтаб, оқ  
белбоғли машинадан Бектош ака бўкириб йиғлаб тушди. Унинг  
юраги «шув» этиб кетди. Фожиани англаб етгунча, машинадан оқ  
чойшаб ёпилган замбилни олиб тушдилар-да, унинг уйига кириб  
кетишди.

У бўлса, боягина супириб-сидирган ҳовлисининг уртасида  
телбанамо серрайиб тураберди. Эркакларнинг изидан кириб,  
«Нима бўлди? Бу... ким?!» деб сўрашдан, тўғрироғи эшитишдан  
кўрқиб турарди.

Эркаклар бирин-кетин ташқарига чиқишди. Ҳаммаси тик тур-

ган ҳолда ҳушини йўқотаёзган Зубайдадан кузларини олиб қочиб, четга қараб утишди. Қайноғаси келиб, елкасидан тутди:

— Бор, уйга кир...

Унинг илтижоли кузларига қараб, аламлари ошиб кетди. Хунграб юборди. Зубайда боядан бери англамаётган ҳақиқатни айтиб-айтиб, шу топда ўзига зиёда булиб куринаётган бошларини чайқаб-чайқаб, ёқаларини йиртгудай тортиб-тортиб йиғлади:

— Во-о, жигаримдан айрилиб қолдим-а!.. Во-о, воя... Уйимиз куйиб қолди-ку, келин!..

Кимлардир юзига сув сепди. Сунг қултигидан суяб, ичкарига киргиздилар.

— Юзини очиб курсатинглар. Юраги совуйди.

У бўлса ёниб кетди. Бахмал кўрпанинг устида уйқуга кетгандек кузларини юмиб, чалқанча ётган Уташбекнинг устига ўзини ташлади:

— Ишонмай-ма-а-ан!..

Бу азада ҳеч ким ўз дардини айтиб йиғламади. Кўнгил учун келган бегоналар ҳам Уташбекнинг гул умрига куйиб йиғладилар.

\*\*\*

«Насиб этса, келар Шому Ироқдин, насиб этмаса, кетар қошу қабоқдин» деганлари шумикин? Зубайда илк бор Уташнинг утли нигоҳларига дуч келган кундан узининг толеига ишонмай яшарди. Пуриб кийинадиган, қадди-басти келишган, «Кимсан, Бектош Алибоевнинг укаси» булган Уташбекнинг шунча олифта қизлар қолиб, унинг атрофида айланиши галати туюлганди. «Шунчаки гапирди-да... Бошқа қизга ҳам шундай дерди. Шунчаки...» кўнглида барг ёзаётган умид чечакларини юлиб ташлашга зур бериб ҳаракат қиларди.

Уташбек кўп утмай уни кинога таклиф қилди. Қувончдан энтикиб кетди. Аммо бирга борганига афсусланди: «Мен ким-у, у ким? Ўзи хоҳлаганда ҳам акаси билан янгаси мендек камбағалнинг қизини олиб берармиди? Бекор бордим... Энди келса, вақтим йўқ, дейман».

Аммо, Уташбек узалганда бандидан узар эди. Гаплашмаганига қўймади. Кейин совчилар... Дангиллама туй... Уғиллари туғилди. Кейин худди орзу қилганларидай... қизалоқ! Бу орада акаси бир кичик корхона очиб, Уташбекни унга раҳбар қилиб қўйди.

Зубайда балоғат ёшида ҳам орзу қилиб кўрмаган бу бахтдан масрур ва маст эди. Онаси шўрлик ҳар келганда, эр-хотиннинг беадад меҳр-муҳаббатини, бекаму кўст турмушини куриб, Парвардигорга шукроналар келтирар, кузларига ёш олиб, куёвини дуо қилар эди:

— Дунёда менинг боламни менчалик суйиб, авайлаган инсон бўлмаса керак, деб юрардим. Умридан барака топсин, илойим...

Энди уша инсон йўқ. Қошу қабоғига эмас, қорачуғига жойлашиб, дунёни нурафшон қилиб турган одам йўқ.

— Йўқ? Йўқ?! Йўқ!..

Ҳамма нарсанинг чеки-чегараси бўлгани маъқул экан. Куз ёш

тукавериб, ўзи беҳолу бемор бўлди. Тасалли бераётган одамларга узоқ касалликдан турган одамдай хоргин, баъзан ҳайрон тикиларди. «Бугун Термизда катта йигин бор. Мени соғиниб утиринглар» деб янги костюм-шимларини кийиб, чиқиб кетган эрининг, йиғилишдан чиқиб, яна қаёққадир кетган-у, ҳали замон одатдагидай «Яхши утирибсизларми?» деб кириб келадигандай кутар эди. Тушларида тубсиз дараларда ётар, тепадан кафанга ўралган жасад солинган тобут тушиб келар, жасаддан гўштлар аста-секин ажралаётганда эрини таниб, «Дод!» деб қичқирар, овозидан ўзи ҳам, болалари ҳам уйғониб кетар эди. Кейин тонг отгунча бир қўли билан бешик тебратиб, иккинчи қўли билан ўглининг елкасига қоқиб, бедор утираверарди.

Бир куни онасига ёрилди: «Куёвингиз ҳеч тушимдан чиқмайди. Мени чақираётганга ўхшайди». Онаси кўрқиб кетди: «Нафасингни ел учирсин-а, болам. Ўлганнинг изидан кетган борми? Болаларингни ўйласанг-чи? Садақа бер. Эринг тушингга кирса, «Энди мендан рози бўлинг, ортингизга қараманг, болаларни кимга ташлаб кетаман?» деб жеркиб ташла. Сендан кўнглини узсин», деди.

Жеркий олмади. Илтижо қилди, ялинди. Садақалар берди. Хатми Куръон ўқитди. Сунг онаси айтгандай кўрқинчли тушлар кўрмай қўйди.

\*\*\*

Эрининг вафотига уч ойлар булган эди. Бир куни кечаси нафаси қайтиб уйғониб кетди, аммо елкаларидан босиб турган икки қўл ўрнидан туришга қўймади:

— Янга, жим! Болалар уйғониб кетади...

— Нормурод?! Сиз?..

— Ҳа, мен. Менман янга, кўрқманг, — у хансираб, ўпмоққа уринарди. Оғзидан саримсоқ, тамаки, ароқнинг бадбўй ҳиди гупириб турарди.

Шу оқшом Нормуродни омбор мудирини меҳмондорчиликка чақирган эди. Савил қолгур, ичкилик ҳам роса бўлди-да...

Қайтишда, Зубайданинг уйи кўзига оловдай кўриниб кетди. Тўйдан сунг ҳовлида хизмат қилиб юрган келинчақни куриб, Уташбекнинг дидига қойил қолганди. Уташбек вафот этгач, то қирқи ўтгунча ҳовлиларини ёлғизлатмади. Ҳамма куйганда, жон инисига Нормурод куймайдими? Эрта-оқшом янгасидан, жиянларидан хабар олиб турди. Ушанда ичкари уйдаги сервантнинг токчасида турган иккита калитни олиб, секин чунтагига солиб қўйганди. Бугун уша калитлар билан...

Зубайданинг нафаси қайтиб кетди.

— Аҳмоқ, ифлос! — у катта-катта давраларда соврин олиб юрган полвонни елкасидан ошириб ташлашга зур бериб уринар эди. — Виждонсиз!

— Зубайда, жоним, жонгинам!.. Булди қилсангиз-чи? Жим бўлинг, болалар уйғониб кетади...

— Ифлос! Ҳали акангнинг тупроғи совумасдан туриб...

Нормуроднинг аҳди янада қатъийлашди:

— Акамни бир сиз эмас, менам яхши кураар эдим. Аммо улган улиб кетди. Сиз жуда чиройли аёлсиз.

— Тур-ей, ифлос! Куним сенга қолган эмас. Қоч, қоч деяпман. Ҳозир дод солиб, одамларни чақираман.

Аммо унинг фарёди фақат болаларни уйғотиши мумкин эди, холос.

— Зубайда, тушунинг, мен сизни яхши кўраман. Мени биласиз, кунглим кетган гулни, кимники булишидан қатъий назар, узиб юрган йигитман.

— Юзинг курсин, аҳмоқ! — Зубайда ўрнидан даст туриб, кутарилиб қолган этакларини тортиди. Бошига румолини ўради. — Акангнинг арвоҳига топширдим сени. Худодан топгин, илоё!

Нормурод зор қақшаб қарғанаётган Зубайдага қаради. У ба-тамом хушёр эди:

— Мен нима қилаётганимни яхши биламан. Агар бировларга хор-зор қилмай акамнинг рўзғорига эгалик қилсам, арвоҳи ҳам мендан мингдан минг рози бўлади. Шунга ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг.

Ҳовлидан темир дарвозанинг қулфи «шарақ» этиб буралгани, қопқанинг инграб очилиб-ёпилгани ва яна қулфнинг буралгани эшитилди.

\*\*\*

Уташбекнинг қутилмаган ўлими Мўминни ҳам ҳангу манг қилиб қўйди. У нафаси бўғзига текилиб, гоҳ Бектош акага, гоҳ Зубайдага кўнғироқ қилиб ётганда, Уташбек аллақачон жон таслим қилиб қўйган эди. Аллақердан кўнундай бўлиб Бектош ака ҳам этиб келди. Аввалига устига чойшаб ёпиб қўйилган жасадни кўриб, ҳеч нарсасга тушунмади. Воқеанинг моҳиятини англагач, айблари бўлса-бўлмаса гуноҳкоруна бош эгиб турган дўхтирларга ёпишди:

— Укамни нима қилиб қўйдиларинг?! Одамхўрлар!

Сўнг жасад ёнида қалтираб турган Мўминга ёпишиб кетди:

— Ҳой аҳмоқ, сен нима қилиб юргандинг лаллайиб?! Эрта-роқ хабар қилсанг, ўлармидинг?!

Дўхтирларнинг орасида ёши улўғроғи Бектош аканинг елка-сидан тутиб, четга чиқарди:

— Худо сабр берсин, Бектошбой, — салкам ўзига тенгдош одамни боласидай қилиб бағрига босди. — Ажалнинг давоси йўқ. Инфаркт.

— Улғуничаям хабар бермайсизларми? Шунчаём ноинсоф бўласизларми, ахир?! Бир оғиз бир нима демай улиб кетаверадими одам?

— Уйлашга вақтимиз ҳам бўлгани йўқ. Машинадан тушириб, каравотга ётқизишимиз билан жони узилди...

Мўмин садоқатли итдек етти кун остонадан жилмади. Онаси Қулфин хола ҳам «Бор, болам, шу ёқда бўл. Бечора тўғишган акадек меҳрибон эди. Шўрлик Бибигул вақтида улиб кетган экан. Бу куйикни кўтара олмас эди. Эсиз-а...» деб эртаю кеч гоҳ Уташбекни, гоҳ унинг онасини эслаб, Қуръон тиловат қилар эди.

Етти берилган кун келди-кетди узилгач, кечки пайт яқин оғайнилар билан эзилиб ўтирган Бектош ака уни чақиртирди. Мўмин даврага яқин боргач, Бектош ака бошини кўтариб, гуноҳкоруна жовдираб турган йигитга қаради-да, кўзи яна ёшга тўлди:

— Ке, Мўмин, бир коса овқат ич. Савоби аканга тегсин. Утир... — Бектош аканинг овози титраб кетди.

Мўмин итоаткорлик билан дастурхон чеккасига чўккалади. Мулла қироат билан фотиҳа ўқиди.

— Илоё, ётган жойлари жаннатда бўлсин.

Мўмин овқатни ича олмади. Бектош ака оғир бош чайқаб, унга жавоб берди:

— Бор энди, боравер, Мўмин. Раҳмат сенга. Бирон хизмат бўлса, тортинмай айтавер.

Уйда юриб ҳам неча кун ўзига кела олмади. Кўзини юмса, ўша кадрдон бўлиб қолган ҳовлидаги фарёдлар эшитилаверади. Ишхонага ҳам номига бориб келиб юрди.

Ҳаммадан ҳам Қулфин холанинг алами ичида қолиб кетди. Шу ой ичи келин туширишни мўлжаллаганди. Мўминдан катта яна икки ўгли бўлса ҳам, бор умиди Уташбекдан эди. Табиатан камгап ўғлининг кечки пайтлар бир айланиб келиш одатини ҳам йиғиштирганини кўриб яна синди: «Болам бечоранинг кўнглига қаллиқ ҳам сиғмай қолди...»

Уташбекнинг вафотига уч ойдан ошиб, жойига янги одам тайин бўлгач, бир кун келиннинг онаси келди. Октябрўяда қуви пишиб ўтирган Қулфин хола каловланиб қолди:

— Келинг, қудагай, келинг, — қатиқ юқи қўлларини сочиққа чала-чулпа артиб, қудасининг елкасидан олди. — Ассалому алайкум. Қани, ичкарига кириңг...

Омонгул хола Қулфин холанинг қизлик дугонаси, улар бир гузарда катта бўлишган. Лекин қуда-анда бўлишгач, ораларида кўзга қуринмас бир девор пайдо бўлди. Илгарилари юрак-юракдан гаплашишар эди. Омонгул хола эридан, Қулфин хола ҳамиша ҳам қадрига етавермайдиган келинларидан ҳасрат қилиб, яна бир-бирларига далда беришар эди. Энди эса манзиратлар ҳам, мулозиматлар ҳам тил учиди, баъзан сохтадек кўриниб кетарди.

Қулфин хола тўшоғли курпача устига янгисини олиб тушадди:

— Қани, утинг қудагай. Бир ҳорманг қилиб келай десам, ҳеч вақт топа олмайман денг...

Омонгул хола дугонасининг узрига жавобан мийиғида қулиб қўйди-да, фотиҳага қўл очди:

— Қани, овмин, тўйхона-муродхона бўлсин. Ҳамиша бориш-келишли бўлиб юрайлик.

Изма-из ичкарига кириб, ёнига утириб олган неварасини турғизиб юборди.

— Бор, онанга айт, чой-пой олиб келсин. Меҳмон келди, де.

— Овора қилманг, қудагай, шу ердан утиб кетаётган эдим, йўл усти бир кўрай деб бурилгандим.

— Бинойи-да. Бу дунёда одам одамга ганимат, бугун бор

одам эртага йўқ. Уташжондай йигитни биров улади деса, ким ишонар эди?

— Ҳа-а, бечора, куни кам экан. На илож...

— Бектошбой шунинг камини билдирмайман деб, қанча қилди. Худо ўзи кам қилиб яратган бўлса, бандаси ожиз экан.

— Ҳа-а, — оғир нафас олди Омонгул хола, — кўп маъқул бола эди. Узим уқитганман-ку уларни. Акасининг орқасидан кутарилса ҳам, асли ақли-билими билан элнинг эътиборига тушиб бораётган эди. Опалари ўт бўлиб ёниб ётибди.

— Жигарларини нариёққа қўйинг, мана Мўминингиз неча кун туз тотмай, бировга гап қўшмай юрди. Энди-энди сал узига кел-япти. Шунинг учун тўйга ҳам шошилмай турган эдик. Эшитса, хафа бўлади, деб...

Омонгул холанинг ингичка қошлари чимирилиб, пешонаси тиришди. Бир муддат жим қолиб, сўнг оғир бир сўлиш олиб, гап бошлади:

— Майли-куя, бош эгаси маълум, эшикдан чиқиб кетаётган қизимиз йўқ. Узингиз билган ўша Қурбонгул, билгани китоб. Унинг одам билан ҳам, куча билан ҳам иши йўқ. Лекин, дугон; эрта-индин мактаби очилади, кейин келин бўлиб уйда ўтира олмайди.

— Биламан, айланай, биламан. Ишли бўлса, ишини қилаверади. Уйнинг иши бўлса, ана қизлар, келинлар бор. Энди... Уташжоннинг иззатини қилмасак бўлмас эди-да...

Кулфин хола ер остидан разм солиб, қудасига гаплари унчаллик маъқул тушмаганини сезди.

— Кеча Маматқулга айтган эдим, — қудагайининг кўнгли учун ёлгон сўзлади. — Бир бориб Бектошбойнинг олдидан утинлар, яхши ишни қаратиб утирмайлик, дегандим.

Омонгул холанинг биров чиройи очилди. Аммо кўнглидаги рутубат тарқамади. Қизи эшигидан чиқиб кетаётган бўлмаса-да, кўз унгида қуриб, чўп-устихон бўлиб бораётган эди. Омонгул хола адабиёт муаллимаси эмасми, нима гапирса, тўн кийгизиб гапирар, қизини «Сарви-санобарим» деб эркалашни хуш қўрарди. Эркалаб бўлиб, оғзига қараб ўтирган қўшниларга изоҳ берарди: «Мен буни сарв десам, санобарнинг ҳаққи кетади. Дундиққина қизларни санобар дейишади, аслида. Бунинг эти-сўлига қараб, санобар десам, қадди қомати сарвнинг ўзи».

Қурбонгул қиз бўлиб қошига усма қўйиб қўрмаган, кўзига сурма тортмаган, аммо сийрақина қошу киприк, кийик кўзлар, гунчадек лаблар тип-тиник кулча юзларига шу қадар жозиба бағишлар эдики, унга бир қараган одам чиройли деб айтарли жойини топа олмаса-да, лекин «Юлдузи иссиқ қиз экан» деб қўяди.

Шундай қиз буй етганда, совчилар жаладай ёғилмасинми? Банги эрнинг азобида бир умр рўзғор юки билан эзилиб кетган онаизорнинг кўкрагига бир шамол теккандай бўлди. Аммо Қурбонгул тўнини тескари кийиб олди: унгаям «йўқ», бунгаям «йўқ». Ахийри «Мен умуман эрга тегмайман» деб туриб олди. Мактабда не бир қайсар қизларни қўлга олиб, йўлга солиб юрган муалли-

манинг ўз қизига қолганда сузи ўтмади. «Одаминг бўлса, айт. Мен розиман. Лекин бундай юрма», деб ҳам кўрди. Бунга жавобан қиз: «Сизга нима, оғирлигим тушяптими? Ишлаётган бўлсам, сиз қатори ойлик топаётган бўлсам», деб гапни шартта бўлиб, ичкари уйга кириб кетар эди. Бора-бора, бирин-бирин келадиган совчиларнинг ҳам оёғи узилди. Утган йили Кулфин дугонаси оғиз солганда, онанинг юраги зир этиб кетди. Бу аёл унинг кўп дардларидан бохабар эди. Кулфин ҳам кўнглига келган андишасини кўзларидан сездим, тўғрисини айтиб қўя қолди:

— Мўминжонининг ўзи гаплашган экан. Онам билади, дебди.

Омонгул хола ҳайрон бўлди. «Не бир бадавлат жойларга, қарчиғайдек келишган, уддабуррон йигитларга кўнмай, бир шопир болага...»

— Ҳа, майли, — бўшашибгина жавоб қилди Омонгул хола. — Узи билан гаплашиб кўрай-чи, рози бўлса, сиздан аяйдиган қизим борми?

Қурбонгул ҳаёлчан ер сузди. Онасига солди:

— Узингиз биласиз, — деди.

Нон ушатилиб, қалин-қада олингач бирдан ўзгариб қолди. Бир оғиз гапга ёниб кетади. Баъзан ярим тунлар оғир-оғир хўрсинганини, бурнини тортиб, йиғлаётганини сезиб қолади.

Бир куни она-бола дастурхон бошида ёлғиз қолишганда, утириб-утириб дабдурустдан:

— Она, мен ўлсам, қаттиқ қуясизми? — деб қолди.

Омонгул хола ёқасига туфлади. Қизининг ҳаракатларидан шундай бир ёмон ниятнинг шарпларини сезиб юрарди:

— Одамнинг танасидан олдин онаси қуяди, тентак қиз. Шуни билмайсанми? Қаёқдаги гапларни гапирасан-а?

Қурбонгул кўзларини ҳовли адоғидаги дарахтлардан олмай, худди ўзига ўзи гапирётгандай, тиш орасида сўзланди:

— Менинг бўлса, ўлгим келаятир. Жудаям ўлгим келаяпти...

Юраги така-пука бўлиб қолган онаизор қанча уринмасин, қизининг оғзидан бошқа бирон гап ололмади. Қурбонгул одатдагидай тиззаларини кучиб утирди-утирди-да, сўнг жеркиниб туриб кетди:

— Э-э, тек қуясизми-йўқми? Айтдим-қўйдим-да! Жонга тегдингиз-ку!

Омонгул хола қизидан қўрқади. Қиз бўлиб онасига дардини айтмаса, бир сирдош дугона тутмаса!..

Эсон-омон эгасига топширса, кўнгли бир ёқли бўлар эди. Мўминжон ҳам дурустгина йигит. Балки кўёвининг меҳри-эътибори кўнглидаги гўборларни тарқатиб юборар...

Кулфин хола неча йиллик дугонаси бўлса ҳам, харидор бўлиб турган қизининг устидан қандай ҳасрат қилади? Узи тушунмаган бу синоатни унга қандай тушунтиради? «Эй худо! Ишқилиб шарманда қилма!..»

\*\*\*

Чошгоҳ маҳали Фотима опа келди:



— Ё, товба, ҳалиям дарвозани очмай утирибсизларми? Онам раҳматли кечқурун дарвозани эртароқ ёпиб қўйинглар, шайтон киради; эрталаб эртароқ очинглар, фаришта киради, дер эди. — дея Зубайда ташлаган кўрпачанинг устига утириб, юзига фотиҳа тортди.

Зубайда гижинди: «Бир гапни тутиб олса, ҳеч қўймайди. Ке- чаги воқеадан кейин дарвоза очишга юраги қолдими унинг?»

— Фотиҳали жой, биров-ярим келиши бор, «ху-ув» деб дар- воза тақиллатиб юрадими келганлар?

Зубайда индамай ерга қаради. Унинг итоаткорона бош эгга- нини куриб, кўнгли таскин топди. Гапни уйдаги келинларига буриб юборди:

— Айтар оғизга қўш келиннинг қайнонасиман. Мен туриб, мол-ҳолга қараб юрганда чумчуқ ҳам чирилламаган эди. Шундан бери тинганим йўқ, чошгоҳ бўлиб қолибди, билмайман. Келин- ларнинг бири болам ухлатмади деб, чошгоҳда турса, иккинчиси, менга нима оғироёқ ҳолимга, деб ётаверади. Бу овсин деганла- ри кундошдан ҳам баттар бўлар экан. Кунда бир жанжал. Икки ўртада бир-бирисиз туролмайдиган ака-укалар ит билан мушук- дай бўлиб қолди.

— Дастурхонга қаранг, — Зубайда чой қўйиб узатди. Нон ушатиб қўйди. Пинжига тикилган ўглининг бошини силади. У нима ҳам дейди? Келин ўзиники, бугун ёмонлайди, эртага мақ- тайди.

— Зубайда, менга қаранг, эрталаб акангиз билан бир масла- хат қилдик. Тагин сиз кўнглингизга қаттиқ олманг. Худо бир, мана юзим қиблага қараб турибди, ёлгон гапирмайман, бу ҳов- ли-жой сизники, Отабекники. Қандайлар иним бор эди! Жонига балоғардон бўлса, яшаб турган ҳовлимни ҳам садақа қилиб юборардик. Анави икки келин бир-бирининг гўштини еб бўлди. Икковининг ўртасида икки ака-ука, бу ёқда биз эру хотиннинг юзи қора денг. Еган-ичганим ичимга тушмайди.

Овсини ҳовли-жой ҳақида гап бошлаганида бир сергак торт- ган эди. Гапни келинларга бургандан кейин сал энгил тортди. «Бу бечорагаям қийин. Куча-қуйда, туй-томошаларда ҳеч кимга гап бермайдиган кайвони, кимсан, Бектошбойнинг аёли, тили оғзига сигмайди».

— Биласиз, Нормурод укангизга уй қўряпмиз. Шу уйи бит- гунча бир йилми, икки йилми, сизникида туриб турса. Келин мен билан овсинга қилади бор хўнарини, лекин сизни яши қуради. Узингиз ҳам катта ҳовлида хувиллаб утиргандан кура, гангур-гунгур, одам захрини одам олади. Вақтинча-да, айланай...

Зубайданинг ранги узғариб, ерга тикилиб қолганини куриб, аввал хижолат тортди, чайналди. Айтмайман, деган андишалари- ни ҳам айтиб юборди:

— Холмуродни чиқарсак ҳам булар эди. Аммо акангиз қари- ганимда шу ўғлим билан яшай, деяпти. Ҳаммасиям бир бола деймиз-у, барибир фарқи булар экан. Нормуроднинг ўзи ҳам, хотини ҳам сал энгилроқ. Ҳеч гап кўтармайди. Агар ҳозир Хол- муродни сизникига чиқариб қўйса, Нормурод қайтиб уни ҳовли-

га киргизмайди. Янги уй қуриб яшайверсин, дейди. Биз улиб кетсак, болаларимизнинг айланишиб йигиладиган жойи шу ҳов- ли бўлади. Нормурод «Ўзларингиз биласизлар, янгам кўнса, менга барибор, у ҳовли нима, бу ҳовли нима», деяпти. Энди унга «Сизлардан қутулиш учун шу ёққа чиқаряпмиз» демадим.

Ярим тунда Зубайданинг кўкрагидан босган юк энди юз ба- робар бўлиб, елкасига ортилган эди. Нима десин? Йўқ деса, «Сизники» деган бу ҳовли уларники. Хўп деса, Нормурод!..

— Сиз тагин ўйламанг, ҳовлини олиб қўйиш учун шундай қилияпти, деб. Бу ҳовли, яна қайтариб айтаман, сизларники. Фа- қат, бир-икки йил...

Зубайда овсини айтолмаётган андишани тушунди: «Пулини тўлаганимизни инобатга олиб бўлса-да, бизни келинлару ака- укаларнинг жанжалидан қўтқариб бер!».

«Майли, бош устига. Аммо Нормурод!.. Нима қилсам экан? Нима десам экан? Уф!.. Яшаш мунчалар қийин бўлмаса?! Туйиб кетдим-ку дунёсидан ҳам!..»

У ниҳоят бошини кўтариб, овсининг кўзларига қаради.

— Янгажон! — кўнглида дафъатан пайдо бўлган шижоатдан ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Энди унга ҳамма нарса барибир эди. — Мен адоий тамом бўлган одамман. Узимга ўзим ошиқча юкман. Шу болалар учун, онам учун судралиб, ўлмай юрсам юрибман- да. Агар, хўп десаларингиз, инингизнинг йилини бергунча, шу ҳовлида чироқларини ёқиб утирай. Ҳозир ҳам кет, десаларин- гиз кетавераман-у, аммо борадиган жойим, жой излашга ҳолим йўқ ҳозир. Онамнинг шароитини ўзингиз биласиз, сизникидай қўш келини бор... Борсам, кўкрагимдан итаришмас, кейин би- рон жой топармиз, ишга ҳам чиқаман...

Фотима кайвони аввалига ҳангу манг бўлиб қолди. Шунча йилдан бери бирон гапни икки қилиб кўрмаган Зубайдадан бундай жавобни кутмаган эди. Туриб-туриб қаҳри келди. У фа- қат бу ҳовлини эмас, Ўташбекни ҳам, Зубайдани ҳам ўзларига тегишли мулк деб ҳисоблар эди.

— Ие, нима деяпсиз? Бу нима деганингиз? Сизни бу ҳовли- дан ким ҳайдаяпти? Сиз ўзингизни бегона деб ҳисобласангиз ҳам, мана бу икки бола бизники. Акангиз тирик турса, ҳеч қачон буларни бировнинг бўсағасида хору зор қилиб қўймайди. Нор- мурод билан Бибинорни сизга боғлаб қўймаймиз, — Фотима кайвони гапирган сайин қизишиб, жазаваси тутиб борарди. — Эртага уйи битса, кучиб кетадиган одам. Яшаса, сизнинг елкан- гизда яшамайди. Ҳайҳотдай ҳовли! Бу ҳовлида Тошгул хола уч келин, бир этак неvara билан яшаган. Бунчаям ёввойи бўл- майди-да одам деган. Ё тавба...

У хайр-маъзур ҳам қилмасдан, гапириб-гапириб чиқиб кетди:

— Уйи битгунча Нормурод билан Бибинор шу ерда туради!

Пешиндан сўнг сақич чайнаб, Бибинор келди:

— Мени Фармончиби юборди, ёнбошдаги уч хонали уйнинг калитини олиб, йиғиштириб кел, эртага энгил-елпи юкларингни олиб, кучиб ўтасизлар дедилар, — деди.

Бибинор Зубайдадан етти-саккиз ёш кичик бўлса-да, ўзига

жуда пишиқ жувон эди. Ҳозир ҳам қайнонасининг гапини айтиб, Зубайдага ошқора синчковлик билан разм солди.

«Бупти, келишса, келишсин. Жуда бўлмаса, ҳовлини ташлаб чиқиб кетаман. Шундай йигит йўқ бўлганда, бир ҳовли кетса нима бупти?...»

— Мен айтдим, янгам норози бўлса, бормайман, дедим, — ахийри Зубайдадан садо чиқмагач, яна ўзи гап бошлади у. — Сигмай қолган бўлсак, отамга айтаман, бир ҳовли олиб беради, дедим...

Унинг отаси бир хўжаликнинг раиси эди. Бир раиснинг эрка қизи бўлгач, Фотима опа ундан кучириб қутулмаса, гап билан эгиб ололмади-да.

— Э, бировнинг миннатли оши керакмас, дейди. Худо билади, уша уйлари қачон битади? Яна сизни гапиришларига ўлайми? Қисмати ҳам қилиқ-қилмишига яраша. Унга азал-абад одам ёқмайди. Шунинг учун ҳам шўрлик иним пешонасига сигмади, дейди. Худди ўзига одам ёқадигандай. Узлари синглим икки кун устма-уст келса, қовоқ-тумшугини осиб олади-ю...

Зубайда галадондан калитларни олиб берди. Раҳматли эри «Отабекни уйлантирсак, бу уйни келин-куёвга берамиз-да, ўзимиз шунга кучиб ўтамиз» деб юрарди.

— Мана олинг! — чуқур хурсинди у. — Фақат илтимос, сиз ақли қизсиз, менинг қошу қабогимга ҳеч эътибор қилманг. Мен бир дақиқанинг ичиде бор дунёсидан ажралиб, телбадай гаранг бўлиб қолган одамман. Тўғри, эридан ажралган бир мен эмас, аммо менинг тошим енгилроқ экан, ҳеч ғамни кўтара олмаяман. Устига мазам йўқ, ишонинг, касалман. Агар, феълим ёқмаса, ҳовлини шундай бериб кетавераман. Бизга ҳам худо бир нарса деб қўйгандир...

Минг оқбилак танноз бўлса ҳам, Бибинор унинг самимий сўзларини эшитиб, эзилиб кетди: «Балки, ростданам шу шўрликнинг ҳовлисини тортиб олиб, унга беришмоқчидир булар?»

— Нималар деяпсиз, янга? Уташ акамни мен ўз акамдай яхши курардим. Кўчада қолиб кетсак ҳам, сизнинг бошпанангиз бизга керакмас.

— Энди-и, нафсаламбрини айтаяпман-да. Умуман бу гаплар сизга тааллуқли эмас. Ўзим шунчаки...

Бибинор баттар хижолат тортиди:

— Агар йўқ десангиз, кетавераман, янга. Отамни биласиз-ку, бизнинг бир оғиз сўзимиз улар учун қонун. Арзимаган истак-хоҳишимиз учун жонларини бериб юборадиган одам. Менинг ўнта болам йўқ, дейди доим. Бўлмаса, бир оғиз гап. Колхозга қурилаётган уйларнинг биттасини оламан деса бўлди. Фақат... қудаси ҳовли олиб берибди, деган гапдан қўрқади.

Бибинор уйларни бир-бир айланиб чиққач, энсаси қотиб жавради:

— Бор-е, йигиштирмайман. Олдин оқлаб, гуллаб, одам яшайдиган бир қиёфага киритсин. Рангининг бўғиқлигини қаранг, одамнинг дарди-дунёсини қоп-қора қилиб ташлайди.

Танлаб-танлаб кийим киядиган, катта-кичик демай, чертиб-

чертиб уйлаган сўзини айтадиган Бибинорнинг қошу кўзлари попуқдай, чўзинчоқ юзи сутга чайиб олгандай оппоқ бўлса-да, ияги олдинга чиққанлиги учунми, пастки лабининг бироз осилиброқ туриши бор чиройини бузиб турарди. Шу нуқсонли, аммо тантик жувонга Зубайданинг ҳаваси келиб кетди...

\*\*\*

Орадан бир ҳафта ўтиб, Қурбонгулларникига Мўминнинг катта акаси Маматқулбой келди:

— Бектош ака билан гаплашиш қийин бўлди. Муртига болта утмайдиган шундай одам икки букилиб қолибди. Укам эмас, ўғлим эди, ўғилларимнинг тўнғичи, энг қобили, энг доноси эди, дейди бечора. Бир-икки бориб, гап очолмадик. Ахийри бетнинг терисини шилиб ташлаб, бор гапни айтдик. Эрта-индин пахта йигим-терими бошланиб қолса, тўй қилдирмайди, дедим. Э-э, ўтказавермайсанларми? Тўйни тўхтатган билан укам тирилиб келиб, тўйларингга қатнашса экан, дейди. Мўминбойни укам жуда яхши кўргич эди, нима камчилик бўлса, айтинглар, қарашай, укамнинг арвоҳи шод бўлади, дейди. Оғайнилар билан келишиб, келаси ҳафтанинг пайшанбасида ўтказсак, деб турибмиз.

Булар рози бўлишди. Ҳар замон-ҳар замонда бир гап ташлаб қўядиган ота бош ирғаб қўя қолди, гапириб, меҳмонлар келишидан олдинроқ тилининг тагига ташлаб қўйган «дори»нинг кайфини бузгиси келмади: «Пайшанба бўлса, пайшанба-да».

Қурбонгул бир келин бўлди, кўрган одамнинг кузи тегиб, суқи киргудай. Чимирилган нозик қошлар, ерга қадалган нигоҳлар, нақш олмадек юзлар... Келди-кетди ташвишлар, тўй ваҳимаси билан чарчаб қолган Қулфин хола ҳам келинини кўриб, яшнаб кетди:

— Ўзимизнинг Қурбонгулмисан? — деб ўғлига ҳазил қилди. — Адашиб, бошқа бировни етаклаб келган бўлма тагин. — Сўнг иккаласини ҳам бағрига босиб ўпди. Зўрга бошию елкасини ёпиб турган ҳарир ёпинчикни келинининг юзи томон суриш чорасини излади. Тополмади. Ўғлининг масрур қарашлари, келинининг ибод билан бош эгиб туришлари кўнглини тўлдирди. — Илоё, узларингдан кўпайиб юринглар.

Базмдан сўнг яқин журналари билан ширакайф ҳолда келин туширилган уйга томоқ қириб кирганда, чимилдиқ ортидан бир жувон шошиб чиқиб, у билан сурашди:

— Келинг, куёв, чарчамадингизми?

Унинг ишвали нигоҳларида нозик бир қочиримни кўриб, уялиш урнига завқи келди:

— Ҳа-а, йу-ўқ...

— Қизимизни сизга, сизни худога топширдик, куёв, — жувон лабининг бир чеккасида нимкулгу билан хонадан чиқиб кетди.

Мўмин чимилдиқ ортида келиндан бўлак биров-ярим бўлмасин деган хавотирда яна томоқ қириб, уйнинг тўрига утди. Аста гушанга ортига мўралади:

Базмдаги серҳашам оппоқ либосларини атлас кўйлак-лозимга алмаштириб, бошига қадимий оқ гижим рўмол ташлаб олган

Қурбонгул чимилдиқли уйга орқа ўгириб, дераза ёнида тик турарди. Мўмин жўралари билан ичган шаробу ҳалиги жувоннинг «чарчамадингизми ўзи?» деган қочиримидан қолган завқ таъсирида унинг шамшоддай қоматига тикилиб турди-да, қайрилиб қарайвермагач, «тортиняпти» деган ҳаёлда изига қайтиб, эшикни зичлаб ёпди. Бежавотир бўлсин деб, тўйдан олдин ясашиб қўйган илгакни туширди. Чироқни учириб, деворга қоқилган тунчироқни ёқди. Сўнг эгнидаги зарбоб тўнни ечиб, чимилдиқ ортига ўтди:

Қурбонгул ҳамон дераза ёнида музлаб қолгандай қотиб турарди. Мўмин бун жўралари билан ўтириб қолганлиги учун «араз» деб тушунди.

— Қуттириб қўйдимми? — хонани эҳтиросли шивирга тўлдириб, қулоқлари остида сўради Мўмин. Шу топда ундан бахтли одам дунёда йўқ эди: не бир йигитлар совчи қўйдириб, йўлини тўсириб, домига илдира олмаган гузал бугун уники. Фақат уники!

Қурбонгул лом-мим демади.

Мўмин уни бағрига тортмоқчи бўлиб, атлас кўйлак ортидаги нозик белларга қўл узатди. Шу пайт...

Ҳатто тунчироқнинг гира-шира ёруғида ҳам Мўминнинг сархуш нигоҳлари бир силтаниб, ўзини нари олган Қурбонгулнинг кўзларидаги ғазабни аниқ-тиниқ курди:

— Тегманг менга!

— Ие, тинчликми? Мен... — Мўмин ҳеч қутилмаганда иштиёқ сўнганидан бузилган кайфиятини яшириш учун кулиб, гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди. Ҳарқалай, биринчи кеча... — Ие, мен тегмасам, сизга нега уйландим?

Қурбонгул орқага тисарилиб, деворга қапишиб олди:

— Менга аллақачон тегиниб бўлишган, — у бу гапни шу қадар совуқ оҳангда айтдики, шу топда унинг нафрат тўлиб турган кўзларига қараган одам бор фожианинг сабабчиси — ҳайратдан кўзлари катта-катта бўлиб турган мана шу йигит бўлса керак, деб ўйлаши аниқ эди.

— Нима? — Мўминнинг кайфи бутунлай тарқаб кетди. У бир дақиқада бор дунёсини бой берган қиморбоздай каловланиб қолди.

Қурбонгул пастки лабини тишлаб, ерга қаради:

— Эшитганингиз!..

Мўмин қўлочкашлаб бир тарсаки туширди. Қурбонгулнинг нозиккина гавдаси бир чайқалди-ю, йиқилмади. Деворга қапишганча, дағ-дағ қалтираб тураверди:

— Боринг, ташқарига чиқиб, одамларга айтинг. Қурбонгул... шундай экан, денг.

Мўмин тобора бўғилиб борарди.

— Нега, нега тегдинг бўлмаса? Шунча ташвиш, шунча ҳаракат нимага керак эди? Шарманда бўлиш, шарманда қилиш учунми?

— Йўқ, — юзини бурди Қурбонгул.

— Нега? Нега аҳмоқ қилдинг бўлмаса? Ифлос, қанжиқ!

— Ҳа,— оғир хўрсинди Қурбонгул,— ҳозир нима десангиз, кўтаришим керак. Сизни алдамоқчи эдим, бокираман деб. Ундай қилмадим. Қолаверса, сизни бундай алдовга тенгситмадим. Нега сизни алдашим керак?— Энди у ўзини тутиб олган, хотиржам овозда сўзларди. — Бу виждонсизликнинг ажрини тартадиган одамлар бор, ушалар тортсин азобини. Сиз эмас! Боринг, айтаверинг. Ҳозир десангиз, ҳозир уйингиздан чиқиб кетаман.

Мўмин ҳушини йўқотиш даражасига етган эди.

— Сени ҳайдамайман.

Қурбонгул ўзининг жўмардлиги Мўминга шу қадар қимматга тушишини уйламаган эди. Хиёнат, шармандаликлар олдида тўй харажатлари кўзига қуринмаган ҳам эди. У иложсиз ерга қаради:

— Ким... у?

Қурбонгул кафти ила юзларини тўсиб, силкиниб-силкиниб йиғлай бошлади:

— Ким эди у аблаҳ?!

— ...

— Қачон?.. — ингранди у.

— ...

— Қачон?.. Айт!..

— Жуда олдин, ун турт ёшлигимда...

Мўминнинг бўғзига нимадир тиқилди.

«Шармандачилик! Эртага одамларнинг юзига қандай қарайди?! Эҳ, Қурбонгул, Қурбонгул! Шундан кура алдаганинг яхши эмасмиди?»

Иккови келин-куёвга атаб янгалар солган тушакнинг икки бурчиди ўтириб тонг оттирди. Тонг гуноҳ иш қилиб қўйган боладай бўзариб, чимилдиқли уйга мўралаганда, Мўмин бир сўз демай, ташқарига чиқиб кетди.

Бир пайт Мўминнинг кенжа синглиси кирди:

— Янга, ташқарига чиқмайсизми?

Қурбонгул беихтиёр ўрнидан турди.

\*\*\*

Бибинор бир ҳафта ҳаммани оёққа турғизди. Усталарнинг бошида ўзи туриб, ўзи буюқ танлади, ўзи нақш танлади. Сўнг энгил-елпи кўч-кўронини келтирди.

Нормурод ошхонани озиқ-овқатга тўлдириб ташлади.

Бибинор онасию янгалари қилган тайёр овқатни еб ўрганган эрка қиз эмасми, қозон-товоққа унчаям ҳуши йўқ эди.

— Янга, ошхона битта, ўзимиз уччовгинамиз. Қозон-товоқни бўлак қилиб ўтирмайлик, майлими?

Зубайда чайналди. Унинг хавотири бошқа ёқдан эди:

— Майлику-я. Мен... овқат қилишдан қочмайман. Икки коса сувни ошиқ солсам ҳаммамизга етади. Лекин менинг қовоғимга қараб, сизларнинг сиқилиб ўтиришларингизни сира истамайман. Менинг тайёрлаганимдан кунглингиз тўлса, овқатни ўзим қилавераман. Лекин дастурхонимиз булак-бўлак бўлсин.

— Вой, майли, янга, — Зубайда қозон-товоқни тўлиқ буйнига

олганидан суюниб кетди. — Ширинлик, пишириқлар тайёрлаш менинг буйнимда. Иккаламиз бир иноқ опа-сингил булиб яшайлик, анови Фармонбиби билан суяр келини кўриб, куйиб ўлсин.

Зубайда индамай мийиғида кулиб қўя қолди.

— Янга, биласизми нима, кейинги ҳафта онамларникига борамиз. Боғимиз жуда чиройли, ҳозир ҳамма нарса пишган... Болаларингиз билан бир мазза қилиб келасиз. Бўптими?

Зубайда бош чайқади:

— Мени кўйинг, Бибинор. Устимнинг кўки билан қишлоқ оралаб юрсам, бўлмас.

— Отам машина юборадилар.

— Шундай булсаям, кучага чиқишга ўзимнинг юзим бўлмайди.

— Тавба, шуям гап бўлди-ю, ким сизга нима дейди? Тўрт ой бўлди. Одамлар беш ойда йил беради. Ана, Ҳаким полвоннинг аёли! Нима етмаяпти унга? Икки ой ўтирмай, бозорга чиқиб кетди.

— Акангиз... Акангиз бошқача одам эдилар. Одамларнинг эрига ўхшаб ичиб келиб, уриб-сўкиб, кўнглимни қолдириб юрган-ида, шунчалар эзилмасмидим, тезроқ кўникармидим?

— Э-э, янга, бир айтарга яхшиликдан тез унут бўладиган нарса йўқ, ёмонлик ҳеч эсдан чиқмайди, дейишади. Яхши кўрган одамнинг берган озорлари яхшиликларидан тезроқ унутилар экан. Утган йили, уч ой отамнинг уйига кетиб қолганим эсингиз-дами?

— Ҳа...

— Нимага кетганимни ҳам эшитгандирсиз?

Зубайда бу ҳақда узук-юлуқ кўп гапларни эшитган, бепарвогина тинглагани учунми, уша пайтларда эсидан чиқариб юборган эди.

— Ҳеч эслаёлмаяпман.

— Менинг бўлса, сира эсимдан чиқмайди. Эру хотиннинг муносабатларига хиёнат аралашса, биров келиб чақиши шарт эмас, кўнглига аён бўлади ўзи. Юрагим нималарнидир сезиб, гашланиб юрибман, аммо бир нарса деб жанжал қилишга ҳеч қандай асос йўқ. Ҳўжайиним эл қатори ишга кетади, эл қатори қайтади. Кечаси билан уйда. Қайнанам буйингда бўлмаяпти деб гапирсаям, у бир оғиз гапирмайди. Бир куни ичкари уйда телевизор кўриб ўтириб, зерикдим, кўшни хонага ўтиб, Дилбар опам билан тўртта гурунғ қилай деб, телефоннинг гўшагини кутарсам, укангиз бир ўрис аёл билан гаплашяпти. «Эртага ўн икки яримларда кел, бозорлик қилиш эсингдан чиқмасин. Уйда ҳеч нарса қолмаган» дейди. Бу бўлса, иккинчи томондан гушак кўтарилганини сезди, шекилли, «Бўпти, бўпти» деб гапни қисқа қилди. Уқдай учиб айвонга чиқдим. Остонада оёқ кийимини кияётган жойда тутдим. Бориб, ёқасидан олдим: «Ким эди у қанжиқ, топиб берасан!» деб туриб олдим. Орага онаси, сингиллари тушиб, ажратиб олди. Узи миқ этмайди. Бақариб-бақариб, йиғлаб-йиғлаб отамникига кетиб қолдим. Изимдан қанча ялиниб-ёлвориб борса ҳам, ярашмайман, деб туриб олдим. Кутилмаган хиё-

натдан ҳеч узимга кела олмас эдим. Бир куни отаси борди. Ишга отам аралашди. Менга ҳеч нарса демади-ю, онамни уришибди: «Қизи эрдан чиқибди, деган гапни кўтаргунча, бундай қизни чопиб ташлайман!»

Кечаси билан йиғлаб чиқдим. Уйда тургим келмай қолди. Онамнинг насиҳат-у, далил-исботлари ҳеч ёқмайди. Нормурод улгурни яхши кураман. Аммо, узим-узимга «Уни кечир. Нима бўпти, эри хиёнат қилган бир сенми?» деб айта олмайётган эдим.

Автобуста қиқиб, тўғри темир йўл вокзалига бордим. Ҳақ-ноҳақ хаёлларимни тарозуга солиб, узимни «бир ёқли» қилиб келмоқчи эдим. Бирон хилват боққа борсанг, ҳаммининг эътиборини тортасан.

Ўтиравердим, ўтиравердим. Бир пайт қаршимдаги уриндиқнинг бир четига ўрта ёшлардаги бир аёл келиб ўтирди. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамай, катта рўмолга ураниб олган, аммо рўмолнинг четларидан оппоқ оқариб кетган буйни кўзга ташланиб турарди. Беихтиёр кўлларига кўзим тушди: кўллари ҳам пес эди. Аёлга раҳмим келиб кетди. Узимча унга нажот йўлларини излай бошладим. Рўмолини жағи билан зичроқ қилиб ураса... шундай энги узун куйлак кийиб, кўлларини чўнтакка солиб юрса... Барибир, тасаввуримдаги суратнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида оқ доғлар кўзга ташланиб, тинкамни кўритди. Рўмол улгурни елим билан ёпиштириб қуйиб бўлмайди, кўлни ҳам бир умр чўнтакда сақлаш мумкин эмас. Беихтиёр ўзимнинг кўлларимга қарадим. Тавба, шундай бўлганимда нима қилардим. Изимдан бало-қазо кувлаётгандай тақси ушлаб, уйга қайтдим. Шу кеча отамнинг машинаси билан қайтаман деб, кийимларимни йиғиштира бошладим. Худо, денг, гуруримни оёқ ости қилишга йўл қўймади. Нормуроднинг узи келиб қолди. Индамай олдига тушиб, уйга қайтавердим...

Ҳа, янга, шукр қилишни ҳам ўрганиш керак экан. Худога шукр, қилинг, бири-бирдан ширин болаларингиз бор, шундай хуснингиз бор, касбингиз бор. Сизча бўла олмаганлар қанча?..

Ўзича ҳали гудак санаб юрган жувоннинг насиҳатлари жуда жўяли эди. Шунча ақли билан нега қайнона ва овсинга ёқа олмаганига ҳайрон бўлди. Рағбат ўрнига шу саволини айтди:

— Вой, доно овсинимдан айланай-ей. Шундай доно келинни қайнанаси билан овсини сиғдирмаганига ҳайронман. Ё кичкина келин фирибгарми?

Бибинор тутаб кетди:

— Э, сўраманг. Унта алвастига дарс беради. Эшиқдан кириб келишлари билан бошқоронғу бўлдилар. У кишимга ёғнинг ҳиди ёқмайди, молнинг тагига кира олмайди. Ҳоли йўқ, силласи кўриган. Шуринг қургур Бибинор ҳам овқатга югуради, ҳам молга қарайди. Итдай чарчайман. Яна анови Фармонбиби, ушанинг олдидан чиқмайди. Алам қиладимми сизга? Бир кун гапирсам, сенам тўғ-да, оёғингни узатиб ётавер, ҳамма ишни ўзим қиламан, деди. Узим тулиб юргандим. Қўлимга учраган нарсани уриб синдирдим, роса бақирдим. Келин-қайнана иккаласининг сочини олишга тайёр эдим. Олдимга яқинлашишга кўрқибди. Узингиз

уйланг, янга, агар менинг қулимда булса, туғмасмидим? Уйнинг ишидан қутулиш учун эмас, ўзим учун, эрим учун туғар эдим-ку?

Эшик очилиб, бахмал дарпарданинг орасидан Нормуроднинг боши кўринди. Зубайданинг лабидаги ярим табассум жойида қотиб қолди.

— Кани, ойпошшалар, бу уйда ким менга чой қилиб беради? У ичкарига кириб, ёнбошдаги кўрпачага чордона қуриб ўтириб олди.

Бибинор бор ҳасратларини тўкиб, енгил тортганиданми, сапчиб ўрнидан турди:

— Бугун икковларингга ҳам ўзим хизмат қиламан.

Нормурод Зубайданинг кўзларига қараб, маъноли кулимсиради. Зубайда баданига муздек илон урмалагандек, сесканиб кетди. Бешикнинг ёпинчигини оҳиста тушириб қуйиб, Бибинорга эргашди.

— Қуяверинг, битта чой булса, ўзи қилиб келади. Сизнинг хизматларингизни қилиб юрсин деб, кўчириб келдим.

Зубайда индамади. У Нормурод билан бир хонада ёлғиз қолишдан қўрқар эди.

\*\*\*

Иккинчи оқшом меҳмонлар аллақачон тарқаб бўлган бўлсада, Мўмин телевизорнинг ёнидан турай демасди. Қулфин хола ҳам ўғлининг тунд қиёфасига қараб, бир хаёли қочди-ю, яна «аввал оқшомдан келиннинг ёнига кириб кетишдан тортинаяпти» деб ўйлаб, ўзи ҳайдаб солди:

— Телевизорни энди кўргандай кўзингни ололмай қолдинг. Бор, келиннинг олдига кир, чиллали уйда ўзи ўтирмасин...

Қурбонгул ёлғиз эмас экан. У кириши билан кенжа синглиси чиқиб кетди. Қурбонгул юраклари зирқираб, Мўминга қаради.

Мўмин қирқ йиллик аёлига иш буюраётгандек, унга қарамасдан сузланди:

— Бор, чой олиб кел.

Қурбонгул итоаткорлик билан чой тула чойнакни олиб, ташқарига чиқди. Ошхонада Қулфин хола унинг кўзларига жовдираб қаради:

— Мўминжонга биров бир нарса дептими?

Қурбонгул елка қисди:

— Билмасам...

Ўзи эса, чой қайнагунча, ошхонада тураберди.

Дастурхонни ёзиб, бир зум иккиланиб қолди: «Чойни ўзим қайтариб узатсам, ичармикин? Ё чойнакни олдига қуйиб қуяверганим маъқулмикан?»

Ўйлаб-ўйлаб, чойни қайтаришга тутинди.

Мўмин у узатган чойни олди-ю, лекин ичмади. Пиёлани дастурхоннинг бир четига қуйиб, унга юзланди:

— Қурбонгул, ким эди у?

— ...

— Яхши кўрармидинг?

Қурбонгул яна индамади. Мўминнинг миясига қон тоғди:

— Гапирсанг-чи, ахир! Ҳеч бўлмаса, кимнинг олдида елка қисиб юришимиз кераклигини билиб қўяйлик!

— Ўн тўрт ёшида яхши қўриб шу ишни қиладими одам?

Мўмин унинг тобора эгилиб бораётган бошига бир қаради-ю, яна узоқ жим қолди.

— Ҳе, онасини... шу дунёсининг ҳам! Бойга билқилдоқ, шўр-га шўрқилдоқ. Ё... ҳазиллашяясанми?

Мўмин Қурбонгулнинг ҳиқиллаб йиғлай бошлаганини қуриб, дастурхоннинг четини қайириб ташлади:

— Жой сол!..

Атлас кўйлак билан ийманибгина ёнбошига чўзилган Қурбонгулни кўйнига тортаётган дам бош устида барзангидай бир эркак мийғида масхараомуз қулиб тургандай бўлиб кетди. Бир энтикиб, итоаткорлик билан бағрига кираётган Қурбонгулни итариб юборди:

— Ҳеч бўлмаса кимлигини айтсанг-чи?! Ким?! Ким эди?!

Қурбонгул юзтубан ётиб, йиғлай бошлади.

— Сенга йиғлаш булса!

Мўмин девор тарафга ўгирилиб олди.

Тонгга яқин уйғониб кетди. Ёнида беозоргина қунишиб, ухлаб ётган Қурбонгулга қараб, беихтиёр раҳми келиб кетди: «Қурбонгул... шундай экан деса, ҳеч ким ишонмаса керак. Ўн тўрт ёшимда... деяпти-ку. Одамлар нечов билан юриб, бола олдириб, кейин йўлини қилиб, эрга тегиб ётибди. Шунча аҳли аёл билган йўлни бу билмасмиди? Алдагиси, виждонсизлик қилгиси келмаган. Худодан қўрққан. Мен бўлса...» Тўшак билан битта бўлиб ётган қалин сочларини меҳр билан қўлига олиб, дудоқларига лабини қўйди.

Қурбонгул уйғониб, унга ҳайрон бўлиб қаради:

— Атлас кўйлак билан ётиб қолибсан-ку. Гижим бўлиб қолмайдимми? Кел, ечиб қўяйлик...

Кўзларини ердан олмай, итоаткорлик билан ечинаётган Қурбонгул ҳақиқатан ҳам гузал эди. Нозик елкаларини қисиб, қимтинибгина турган қайноқ вужудни бағрига олди: бағри тўлиб кетди!

\*\*\*

Бектош ака ун бир ой деганда укасига йил берди.

Зубайдага ҳеч кимнинг насиҳати қор қилмади. Онаси билан опаси «аза очар» қуни учун атайлаб тикиб келган кўйлак одмигина булса ҳам, устидаги қукига алмаштирмади. Онаси хафа бўлди:

— Кийим кетганини қайтариб келадими? Ёшгина оғаларинг бор, шуларнинг олдида кўк кийиб юришингни ирим қиламан. Худонинг қаҳри келади, бундай қайсарликка.

— Онажон, ундай деманг. Акаларимни қушиб нима қиласиз? Илоё, умрлари узоқ бўлсин. Маърака ўтсин, келди-кетди узилсин. Кейин устимни алмаштираман, — деб онасини зўрға тинчитди.

Лекин кейин ҳам устини алмаштирмади. Келиннинг бу хокисор садоқатидан Бектош аканинг кўнгли ўсди. «Ишлайман деса,

уйда сиқилиб утирмай, ишлайверсин. Каттасига ўзим тайинлаб қўяман. Бирон тинчроқ вазифа беради» деб ишлашига изн берди.

Отабеги туғилгунча, беш-олти ой ишлаган бошқармага ишга чиқди-ю, бироз енгил нафас олди. Энди кун бўйи ишда бўлар, кечкурун овқат қилаётганда, болаларини ошхонадан чиқармас, сунг наридан-бери овқатланишар эди-да, эшикни қулфлаб, калитини иккинчи томондан калит кирмайдиган қилиб, кўндаланг қўярди.

Бир сафар изидан ошхонага кириб, мих-болғачалар турадиган токчадан ниманидир ахтарган киши бўлиб, «Сабр-тоқат учун ҳайкал қўйса, менга энг катта ҳайкални қўядилар», деди.

Уша куни тушлиқдан аввал Нормуродга Бибинор кўнғироқ қилди:

— Онам келди. Бир қишлоққа бориб келай. Зерикиб кетдим.

— Қачон қайтасан?

— Отам ишдан эртароқ келса, кечга қайтаман. Бўлмаса, қоламан. Синглим ҳам келган экан. Бир кеча ётиб, гурунглашай дегандим. Майлими?

— Узинг биласан.

У Бибинорга шунчаки жавоб берган бўлса-да, телефон дастагини жойига қўйгач, кўнглига бир шумлик оралади. «Бундай лаллайиб юраверса, Зубайдани эртага биров илиб кетиши аниқ».

Ҳамкасбларига «зарур ишим бор эди» деб пешиндан нари уйга қайтди. Бибинорнинг кетганлигига ишонч ҳосил қилгач, дарвозани ҳам, ўзлари яшайдиган уйни ҳам қулфлаб, дераза тагидаги кўрпачага чўзилди. Бирпас кўзи илинибди. Темир дарвозанинг тақир-туқуридан уйғониб кетди. «Бибинор эмасмикин?» деган ҳадик билан аста бошини кўтариб, парданинг тирқишидан ҳовлига мўралади: «Зубайда!.. Бибинор синглиси келган бўлса, бугун қайтмайди».

Зубайда қизчасининг аравачасини Отабекка тутқазиб, дарвозани қулфлади.

«Мунча эҳтиёткор бўлмаса!?»

Кейин нимадандир хавотирлангандай, у ётган хонага бир назар ташлаб, аравачадан тушишга ошиқайётган Зулфияни ҳовлига қўйиб юборди-да, аравачани суриб, ўзлари яшайдиган уй томон ўтди.

Бироздан сунг кўчаллик кийимни алмаштириб, ҳовлига чиқди. Ичкаридан бир-икки уйинчоқ чиқариб, Отабекка берди:

— Ма болам, укангни уйнат. Мен овқат қилиб олай.

Ошхонадан жаз-жуз овозлари эшитила бошлади.

У энди шошилиши керак эди. Овқати тайёр бўлса, болаларини олиб, уйга кириб кетади. Кейин унинг эшигини ҳеч ким оча олмайди.

Бахтга қарши болалар ҳам ошхонанинг рупарасида уйнаётган эди. Уларга қараб, Нормуроднинг юраги сиқилиб кетди. «Бола деган ҳам шундай елим бўладими? Ҳовли катта, бундайроқ утиб уйнамайсанларми?»

Бир пайт Отабекнинг коптокчаси улар томон думалаб кетди-ю, ака-сингил коптокнинг изидан чоғиб, ошхонанинг эшигини ҳоли қолдиришди. Нормурод ўрнидан сакраб туриб, аста эшикни очди. Бибинор ўзининг угилчасига атаб олиб қўйган каттакон уйинчоқ машинани кўрсатиб, Отабекни имлаб чақирди.

Ял-янги машинани кўрган болалар қўлидаги уйинчоқларини ташлаб, амакиларининг олдига югуришди.

Нормурод Отабекни кўтариб олиб, машинани унга тутқазди:

— Ма, фақат уйга кириб уйнайсан. Уйда бундан ҳам чиройлиларини бераман.

Эшикка орқа қилиб, хона тўридаги кичкинагина столда ҳамир ёяётган Зубайда унинг кирганини сезмади ҳам.

Нормурод кун бўйи миясида пишитган режасини бир дам унутиб, остонада туриб қолди. Нозик белларини чирмаб олган пешбанднинг богичлари хаёлини жойига келтирди: «Болалар чиқиб қолиши мумкин. Шошилиш керак».

Эшикни ёпди.

— Ёпманлар-е, — деб ортига бурилган Зубайданинг кўзлари даҳшатга тўлиб кетди.

— Сиз?!

— Ҳа, мен, Зубайда...

Нормурод айтмоқчи бўлган гапларини эсдан чиқариб қўйди.

— Яқинлашманг, — орқага тисарилди Зубайда.

— Зубайда, нега тушунмайсиз? Мен сизни яхши кўраман, ахир.

— Яқинлашманг, — хамирнинг устидаги ўқлогни кўлига олди.

— Майли, уринг, ўлдинг. Шунча қийналиб юргандан кўра...

— Эшикни очинг, чиқиб кетинг! Ҳозир дод соламан. Шарманда буласиз.

— Майли, мен ҳамма гап-сўзларни буйнимга оламан. Сизга уйнаш бўлинг, деяётганим йўқ-ку. Бугун сиз билан гаплашиб олмоқчи эдим. Тўғри туриб, гапларимга қулоқ солинг. Ишонинг, қулимни ҳам теккизмайман.

— Кетинг, кетинг деяпман, сизга!

Юрак-бағри эзилиб айтаётган илтижолари Зубайданинг кўнгида заррача рағбат топмаётгани унга алам қилиб кетди. Шаҳд билан олдинга ўтиб, ўқлог ўқталаётган нозиккина вужудни бағрига олди.

— Мен, сени яхши кўраман, аҳмоқ қиз, эшитяпсанми?

Дам бошига, дам елкаларига қарсиллаб тушаётган ўқлогни олиб ташлашга ҳам урунмай, эҳтирос билан, ёниб-қақшаб Зубайданинг лабларини сўра бошлади.

...Аввалига Бибинорнинг шангиллаган овозини хаёлида булса керак, деб ўйлади, эътибор ҳам бермади. Унинг чақчайган кўзлари рупарасида пайдо бўлиб, «Вўй ифлослар!» деб юзига чанг солгач, ҳуши узига келди. Зубайдани қўйиб юборди.

— Ифлос! Мараз! Мени жунатиб ўзларинг шундай ифлослик қилаяпсанми? Ифлос! Мен сенинг кўзларингни ўйиб олмасам,

отимни бошқа кўяман, — у эрининг кўкрагига муштлай кетди. — Уйнашаман десанг, акангнинг хотинидан бошқа ёшроқ хотин қуриб кетганми сенга?

У бирдан ортига бурилиб, Зубайдага бақира кетди:

— Буни курганда нимага тумтайиб олади десам, мен анқовни чалғитиш учун артистлик қилиб юрган экансиз-да. Уятсиз!

Зубайданинг қулоқлари ҳеч нарсани эшитмай қолди. Кўзларини юмиб олди. Бибинор оёғи остидаги ўқлогни бир тепиб ташқарига чиқиб кетди:

— Мен аҳмоқ, шунга бир нарса бўлиб қолган бўлмасин деб, кўнглим хижил бўлди, деб энтикиб, чопиб келибман. Бу ифлос бўлса! Кўккинангни кийиб, мен ҳам укангга уйнаш бўлай!

Нормурод Зубайданинг кўзларига гуноҳқорона қаради:

— Мени кечиринг. Шунинг гапларига эътибор қилманг. Чидаса шу, чидамаса, ана катта кўча. Мен сизга уйланаман.

Зубайданинг қаҳри келиб кетди:

— Нега ўзига айтмадингиз, шундай деб.

— Айтаман ҳам.

Аммо у айтишга улгурмади. Ошхонадан чиқиб, токнинг тагидаги супачанинг бир четида луқиллаб оғриётган бошини чангаллаб ўтирган Бибинор қарганиб-қарганиб бир тугун кийим-кечак билан боласини олиб ҳовлидан чиқиб кетди.

Анчадан сўнг ранглари қув ўчган Фотима опа келганда Нормурод хонасига кириб кетган, Зубайда даг-даг қалтираганча, йиғлаб-йиғлаб, бошлаган овқатини давом эттираётган эди.

«Демак, Бибинор бор захрини аввал қайнонасига тукиб, кейин отасиникига кетган. Бу аёл бор ҳақиқатни унинг ўз оғзидан эшитиш учун келган. Начора...»

Зубайда қозоннинг оловини пасайтириб, Фотима опани ичкарига бошлади.

— Нима бўлди?

У савол-жавоб шу сўзлардан бошланишини билар эди. Аммо онасининг кўзларидаги норозиликни, шубҳага ухшаш бир нарса унга малол келиб кетди. «Ие, ўғли шилқимлик қилса, келини ҳақорат қилса, онаси шубҳаланса, у индамай ўтириши керакми?»

— Бориб ўглингиздан сўранг!

— Ундан нимани сўрайман? Эркак киши осилаверади-да.

Зубайда ўрнидан туриб кетди:

— Ҳай, менга қаранг! Бу нима деганингиз? Ошхонада эдим, хамир ёяётган эдим... Ифлос! Шулар билан бир ҳовлида турмайман, дедим. Кўймадингиз, одамови дедингиз. Керак бўлса, ўша ўглингиз акасининг калитини ўғирлаб олиб, устимга бостириб келганда, ҳали уларни кучириш ҳақида гап ҳам бўлмаган эди. Бир йилдан бери мушукдан қочган сичқондек юрак ҳовучлаб яшайман. Олдин ўглингизга тарбия беринг, кейин менга гапиринг. Эркак киши осилаверади эмиш. Нимага осилади? Мен кўчада қолганманми? Бу ҳовлида турган бўлсам, аввало сизларнинг иззатларингиз учун турибман. — У хунграб йиғлаб юборди. — Э, худо, шу кунларни кургунча, ўлиб кетсам яхши эмасмиди?

Фотима опа савол-жавоб ортиқча эканлигини тушунди:

— Мен шўрга шу ташвиш ҳам бормиди? — деб ўзича гапириб, ташқарига чиқиб кетди.

Зубайда яна аламини кўзларидан олди. Қорни очиб, ичкарига кирган болаларини кургандан кейин кўзларини артиб, ўрнидан турди:

— Боринглар, қўлларингни ювиб келинглар, — онасининг йиғисидан юрак олдириб қўйган Отабекнинг жавдираб турган кўзларига қарашга уялди.

Дастурхон ёзиб, болаларига овқат сузиб келди.

— Сиз овқат емайсизми? — меҳрибонлик қилди Отабек.

Зубайда яна тулиб кетди — «Шулардан бўлак кими бор унинг?»

— Мени тўйдиришди, болам... — беихтиёр арз-ҳол қилди у.

Қош қорайганда, эшик қоқиб яна Фотима опа келди. У ўғли билан гаплашган, ўтириб-туриб, танасига уйлаб курган, яна ўзича нималарнингдир режасини тузиб келган эди.

— Бошим қотиб қолди, — ҳақиқатан у жуда ҳорғин эди, — онани яратмасин экан. Болалигида бола, деб қуясан. Катта бўлгач, орзу-ҳаваслари куйдиради. Менга бир оғиз сездирсангиз, шу ерга кўчирамидим? — бирданига ялинишга тушди. — Зубайдажон, сиздан илтимос, бу гапни акангизга айтманг, Нормуродни уриб ўлдиради.

Қовоқ-тумшугини уйиб ўтирган Зубайда баттар тумтайиб олди:

— Мен айтмаган билан Бибинор ютиб кетади, дейсизми?

— Э-э, билмайман. Қандай йўл тутишним билмай қолдим. Нима бўлсаям, сиздан чиқмасин. Бибинорни ўзим тинчитаман.

«Тулки хотин. Ўғли билан ўзининг айбини яшириш учун ялиняпти».

— Ҳамманинг гуноҳини ўзингга ол. Келиним қайтиб келсин, ўғлим таёқ емасин, деяпсиз-да.

Фотима опа кўзини қаёққа олишни билмай қолди.

— Мен уларга шу ҳовлини бушатиб бериб кетаман. Биламан, бу ҳовлида мен турсам, Бибинор қайтиб келмайди. Қарасам, мен шу ерда жуда ошиқча юк бўлиб турибман. Бунинг учун бошингиз қотмасин, мен кетаман, лекин, билиб қўйинг, юзи қора бўлиб кетмайман. Ҳеч кимга айтмасам ҳам, Бектош акага айтиб кетаман. Чунки, хужайним учун, биз учун ҳеч ким шу кишичалик куймайди. Кўчада қолсам ҳам, гуноҳкор бўлиб қолишни истамайман.

Фотима опанинг ранги гезарди. Гулдираб, нима дейишни ҳам билмай қолди:

— Майли, айтаверинг, ихтиёр ўзингизда.

Зубайда Нормуродлар кучиб келган кундан буён зимдан ўзига бошпана излаб юрарди. Яқинда институтда бирга ўқиган дугонасининг эри Эронга таржимон бўлиб кетаётганини эшитиб, суюниб кетди. Дугонасидан сўраган эди, дарров кўнди.

Икки уртадаги жарликни на юмшоқ тушак, на қайноқ бағир кумиб юбора олмади. Кун утган сайин уларнинг бор ҳаловатларини ютиб юбораётган бу жарлик тобора кенгайиб борарди. Мўмин Қурбонгулнинг ҳар бир қадамини ошқора таъқиб қилар, ҳисобидан беш дақиқа адашса, беҳурмат бир тарзда сўроққа тутар, ҳар бир ҳаракатидан шубҳаланар эди. Қурбонгул ҳар қанча мағрур ва гузал бўлмасин, ҳеч оғринмасдан унга ҳисоб берар, шубҳага сабаб бўлган ҳаракатларини ипидан игнасиғача изоҳлар, гарчи бир вақтлари алданган эрса-да, ўзи аслан покиза, номусли, садоқатли аёл эканлигини кўрсатишга, исботлашга, шу йул билан эрининг ишончи-эйтиборини, муҳаббатини қозонишга зур бериб уринар эди.

Ҳомиладор бўлган, ўғил туғиш орзусида яшай бошлади: «Ўғил яхши-да! Хотининг нима туғди дейишганда, оғиз тўлдириб, «Ўғил!» деб айтиш қаёқда-ю, кўзини қаёққа қўйишни билмай, «Қиз...» деган қаёқда! Унинг ўғли, илоим, отасига ухшасин. Хунукроқ бўлса ҳам майли. Ўғил боланинг чиройли бўлиши шарт эмас. Нима бўлганда ҳам отасига, фақат отасига ухшасин. Баъзи болалар отасига ухшаса, буни отаси туққанми, деб кулиб юришади. Унинг боласининг устидан ҳам шундай деб кулсинлар!»

... Ўғил эканини эшитиб, бор оғриқлари, наинки оғриқлари, курган-кечирган бор хурликлари эсидан чиқиб кетгандай бўлди.

— Ўғил!.. — кўзларидан тирқираб ёшлар оқди. — Худога шукр...

Аммо орадан уч кун ўтиб, эмизгани беришган болани кўрганда ҳайрон қолди. Боланинг сочлари сап-сарик, кўзлари мовий эди!

— Бу менинг болам эмас. Адаштириб олиб келибсизлар.

Уша куни доялик қилган духтирнинг олдига борди. Доя кампир кулди:

— Узимам билган эдим, шундай деб келишингизни. Ёнимдаги қизлар ҳам кулишди, отаси қоп-қора, онаси бугдойранг, боласи ўрисга ўхшайди деб. Лекин сиз сира хавотирланманг. Болангиз сира алмашгани йўқ. Уша куни туққиз аёл туғди. Саккизтасиники қиз, фақат сизнинг кўккўзингиз ўғил экан.

Энг ёмони уйда бўлди. Қулфин хола болани ечиб, қайта йургаклаётиб, ёқасига туфлади:

— Нима бало, ўрис билан бирга туққанмидинг? Болангни алмаштириб беришибди-ку!

Радио кавлаб ўтирган Мўмин ялт этиб болага қаради. Унинг ранги ўзгариб кетганини ҳамма сездди.

Қурбонгул гуноҳордай дудуқланиб-дудуқланиб бўлган воқеани, доя кампир айтган гапларни айтиб берди. Қулфин хола кулди:

— Қайнотангнинг бобосини ҳам одамлар отини айтмай, «кўккўз бобо» дейишар экан. Қайнотанг раҳматли, бизнинг томири-мизда уриснинг қони бўлса керак, деб юрарди доим. Мана сенга ўрис! Салим қайнимизнинг бир боласи ҳам худди шундай, кўккўз, сарик соч. Ё тавба, ё қудратингдан, худойим...

Мўмин ўзини қўйгани жой топа олмади:

«Ўша бобокалонининг аёли ҳам, Салим амакисининг аёли ҳам эрига хиёнат қилган. Минг лаънат аёл зотиға!»

Ёлғиз қолишгач, Қурбонгулга захрини сочди:

— Хотиннинг инсофини ўзига бермаса қийин экан. Тўғри юриб, тўғри турибман-ку, деганиннга мен аҳмоқ ишониб юрибман.

Қурбонгул жигарпорасининг мовий нигоҳларига туқинган кундан-буён шу таънани кутиб, шу гапдан кўрқиб яшаётган эди. Суяк-суякларигача сирқираб кетди:

— Э, худо, сизни ишонтириш учун нималар қилайин? Шу норасида гудакни уртага қўйиб қасам ичайми? Агар сизга заррача хиёнат қилган бўлсам, шу боладан яхшилик кўрмай! Кўккинасини кияй...

Унинг шундай оғир қасамга раво бўлганидан юраклари эзилиб кетди. Мўминнинг бамайлихотир газета варақлаб утирганини кўриб, баттар хурлиги келди. Бориб, қўлларига ёпишиб, илтижо қила бошлади. — Ҳой, менга қаранг, ишондингизми энди? Кўнглингиз жойига тушдими?

— Тур-эй, аҳмоқ, — Мўмин уни силтаб ташлаб, яна газетасига тутинди. — Кўкини киймасанг, оқини кий!

Қурбонгул боласини бағрига босиб, зор қақшаб йиғлай бошлади.

— Ҳой, менга қаранг! Ҳозир шу болани чавақлаб ташлайман, — деди анчадан сўнг тишларини жигирлатиб.

— Чавақлайвер, бола сеники.

— Кейин сизни чавақлайман.

Мўмин ётган жойида масхараомуз кулди:

— Мени нега чавақлайсан? Айбингни яшириб уйланганим учунми? Ўн тўрт ёшимда алдашган, деган латифангга ишонганим учунми? Ўн тўрт ёшидаки шу ишни қилган аёл кейин ҳам жим юрмаслигига ақлим етгани учунми?

— Йўқ, ўша кеча мени қайтариб юбормаганингиз учун чавақлайман сизни!

— Ўзингни чавақла, ҳамма бош оғриқдан қутулади. — Мўмин сарғиш тишларини кўрсатиб тиржайди. — Пичоқни уткирроғини олгин.

Яна баҳор келиб, она заминнинг ярадор кўкси умид чечаклари билан қопланди. Шоиртабиат Садафгина томорқасига беш туپ бодом эккан экан. Томорқанинг адоғидаги молхонаю, уйқ-ёриқ деволларини кўздан пана қилиб, оппоқ бўлиб гуллади.

Зубайдани онаси қаттиқ уришди:

— Сенинг устингдаги кўк менинг юрагимга тушиб кетди. Онам ҳам бир нарса билар, бекорга жаврамас, демайсан-а...

— Онажон, унинг мендан бошқа кими бор? Азасини тутадиган онаси бўлмаса? Ана, момом раҳматли, тоғам ўлганидан кейин то ўзлари улгунча, йигирма бир йил аза тутди-ку.

— Ҳа, болам-а, — онаси тутаб кетди, — келиб-келиб момонг-



га баҳс урасанми? Дунёда иккита қайсар одам бўлса, биттаси шу момонг эди. Худо пешонага солганига бандаси кўниши керак. Ҳолдан тойиб, сулайиб қолмагунча, ҳеч ким у кишини қабрдан ажратиб уйга олиб кела олмас эди. Бир куни тушида қабрнинг бир чети ўйилиб, тоғанг чиқиб келибди-да, «Энажон, кўз ёшларингиз ҳамма жойимни шалаббо қилиб ташлади. Ёнимдагилар мазза қилиб жаннат боғларини айланиб юрибди. Мен сизнинг кўз ёшларингиздан бино бўлган дарёда гарқ булаялман. Жон эна, кетинг, бу ерга келманг, йиғламанг», дебди. Момонг ўрнидан туриб, ортига тисарилиб кета бошлаган экан, тоғанг майдамайда тошларни олиб, изидан отибди: «Кетинг, энажон, тезроқ кетинг». Момонг шўрлик эрта билан туриб, мозорга чопибди. Бориб, не кўз билан курсинки, қабрнинг бир чети худди тушида кургандек, ўйилиб турган эмиш. Худди ўзига отилган тошлардек тошлар чор тарафда сочилиб ётганмиш. Шу-шу қабристонга эл борганда борадиган бўлди. Лекин улғунича қизил-яшил киймади. Қайсар эди раҳматли, билганидан қолмас эди. — Жангил хола уф тортди. — Боланинг кўйиги ёмон-да, болам. Эрники кийимда, оғайниники елкада, боланинг азаси юракда бўлар эмиш. Сен ўзингни момонгга тенглаштирма.

Жангил хола кета-кета тайинлаб кетди:

— Пайшанба куни бир ош қилиб, қайин опаларинг билан Бектошбойнинг аёлини чақир. Уташжонга ис чиқарайлик. Янганга айтиб, кўйлак тиктириб келаман. Шуларнинг олдида, энди азасини очсин, деб елканга ташлайман.

Зубайда энди онасини қайтариб бўлмаслигини билди:

— Фақат одмироқ нарсадан тиктиринг...

Пайшанба куни кўйлак тиккан биров, зурлаб ечинтираётган иккинчи биров бўлса-да, Зубайдага кийим алмаштириш жуда қийин бўлди. У қисниб-қимтиниб янги кўйлакни эгнига олаётганда дафъатан шундай азиз одамани йўқотгани учун эмас, одамлардан уялгани учун кўк кийиб юрганини кашф этди. Қизариб кетди. Буни ҳар ким ўзича тушунди. Катта қайин опаси узундан-узоқ дуо қилди:

— Тақдир экан, нима қиламиз, айланай. Шунча иззатини қилдингиз, барака топинг. Илойим шу икки гудакнинг яхшиликларини кўринг.

Кетар чоғи ҳаммалари чақ-чақлашиб хайрлашишди. Меҳмонлар бир-бир хайрлашиб, дарвоза томонга юришди.

... Зубайда тонгда туриб, кафтдай ҳовлисига сув сепди. Болаларига нонушта тайёрлаб, онаси олиб келган кўйлакни кийди. Эри совға қилган зиракни қулоғига тақди. Иккчи йилдан бери бошидан тушмайдиган оқ рўмолни ушлаб, ойна олдида узоқ туриб қолди. Силлиққина таралган қоп-қора сочлари ҳеч қандай зеб-зийнатсиз ҳам жуда чиройли эди. Зубайда ойнанинг олдида туриб, қийналиб кетди. Барибир, ялангбош чиқишнинг иложини топа олмади. Ойнадаги аксига қараб кўнгли бир кетди-ю, бирпасда яна ўзига қайтди. «Менга ким кўйибди ялангбош юришни! Кимга чиройли куринаман?» Оқ рўмолни авайлабгина тахлаб бир четга қуйди-да, тахмондан кеча қайинопаси олиб келган қалам-

пир нусха гулли рўмолни олди. Нонушта қилиб бўлган Отабек келиб оёқларини қучди:

— Онажон, бугун тўйга борасизми?

— Йўқ, болам, ишга бораман.

— Чиройли бўпсиз. Энди ҳар доим шундай бўп юринг, хўпми?

Ўғлининг кўзларидаги завқни ҳамкасбларининг қарашларида ҳам курди. Кўшни бўлимда ишлайдиган Ҳикматилло деган йигит, нимадир сураб ёнига кирди-да, бир чуқур нафас олиб, «Маъқул иш қилибсиз. Одамзод ўзи учун ҳам яшаши, кийиниши керак», деди.

Зубайда хижолат тортиб, дув этиб қизарди. Зубайда Ҳикматиллонинг ортидан ёпилган эшикдан нигоҳини олиб, деразага қаради. Дераза ортидаги мажнунтолнинг маҳзун шоҳларини қоплаган кўнғир куртаклар лаби ним яшил хандалар билан безанган, тулиқ япроқ ёзиб улгурмаган дарахтларнинг туни на яшилга ўтар, на кўнғирга ўтар, лекин жуда чиройли эди.

\* \* \*

Қурбонгулнинг иккинчи фарзанди қиз бўлди. Ўсиқ қоп-қора сочлари қошларига етиб турган қизалоқ онасининг ўзгинаси эди. Мумин туғруқхонага ҳам бормади. Уйга келганда ҳам болани кўлига олмади.

Келинига қараб Қулфин холанинг юраги ачишди. Ҳоли вақт топиб, ўғлини уришди:

— Нимага бунча тумтаясан? Хотининг қаторлаштириб туққизта қиз туққани йўқ-ку!

— Э-э, менга шунингизнинг ўғлиям керак эмас, қизиям!

— Ие, бу нима деганинг? Нега фақат уники бўлар экан?

— Уни бориб узидан суранг!

Қулфин хола бошига таёқ еб, қаёққа боришни билмай қолган кўйдаи не дейишини билмай қолди.

Она-боланинг мунозарасини даҳлизга тасофифан кириб қолган Қурбонгул ҳам эшитиб ўтирган эди. Гарчи, қайнонаси ҳеч нарса-демаган бўлса ҳам, чап кўкрагида санчиқ пайдо бўлди. Тахлай бошлаган кийимларни жойида қолдириб, ҳовлига чиқиб кетди.

«Қани энди, иложи бўлса, шу болани бешик-мешиги билан чопиб ташласа-ю, Муминнинг тунд башарасига улоқтирса! Шундай эрли бўлгандан кўра, сўққабош ўтгани маъқул эмасми? Нимани умид қилиб, турмушга чиқишга розилик берган эди ўшанда? Кўнғил деганлари, одамни мана шундай девона қилар экан-да! Ҳеч бўлмаса, ўз сирини ўзи фош қилмаса бўлар эди-ку! Мумин эса, на ишонди, на ҳайдаб солди.

Анча утиб, ичкаридан бола йиғиси, сўнг қайнонасининг алласи эшитилди. Бола кўнавермади шекилли, Қулфин хола уни чақира бошлади:

— Қурбонгул-ув, Қурбонгул-а! Бизнинг қорнимиз очиб кетди-ку! Ҳаққимизни бермайсизми?

Йигилишда дам олиш кунлари ҳашарга чиқиш лозимлиги айтилди:

— Далаларда сочилиб ётган пахталар ризқ-рузимиз. Ундай эди, бундай эди, деб баҳона қилиб, бир четда турсак, виждонсизлик қилган бўламиз, — деди бошлиқ.

«Дам олиш кунлари боғча ишламайди, болаларимни нима қиламан?» деб ўтирган Зубайда бу гаплардан кейин, ҳеч нарса демай қўя қолди. Кечқурун онасига қўнғироқ қилди: «Икки кун бизнига келиб тулинг».

Далага жўнаётган автобусда Ҳикматилло ёнидан жой олиб қўйган экан. Зубайда ғалати бўлиб кетди. Бир Ҳикматиллонинг ёнидаги жойга, бир одамларга қаради. Курсатилган жойга ўтирмай деса, бошқа бўш жой йўқ, ўтирай деса, атрофдаги синовчан нигоҳлар «Ҳа-а, тушунарли...» дейдигандай бўлаверади. Бир зум иккиланиб турди-да, ўтирмаса, одамларнинг кўнглидаги шубҳани тасдиқлайдигандай кўринди. Ҳеч нарсани сезмагандай, «Раҳмат» деди-да, Ҳикматиллонинг ёнига ўтирди.

Ҳикматилло теримда ҳам ёнма-ён эгатга тушди. Қутилмаганда пахта заводининг директори ҳақида сўз очди:

— Шу кишининг келини ўлган эди. Шўрликнинг уч қизи бор экан. Духтирлар сариқ касал бўлгансан, жигаринг тамом бўлган, сенга туғиш мумкин эмас, дейишган бўлса ҳам, ўғил туғиб, эрини хурсанд қилмоқчи бўлган экан. Тугруқни кутара олмапти. Эр нима қипти денг, 35 кунда қирқини бериб, ўйланиб олибди.

— Бечора!.. — Зубайда ўлган келинчакни яхши танир эди.

— Нимасини айтасиз. Эрини айтаман-да, йилини кутмасанг ҳам, бирон олти ой сабр қил. Чин бўлмаса, ҳай, тирик жон... яширинча юр! Мана сизнинг хўжайинингиз ўлганига турт йил бўлибди, кеча аёллар айтишяпти, чидаясиз-ку!

— Ҳамма ўзи билади-да.

— Лекин бундай юришингиз ҳам тўғри эмас. Одамзод дунёга бир марта келади. Биров-ярим кўнглингизга маъқул келса, турмушга чиқишингиз керак. Эртага ўғил уйлантирасиз, қиз чиқарасиз. Шунда ёнбошингизда, яхшими-ёмонми, эрингиз бўлса, кукрагингиз кўтарилиб туради.

— Э-э... шу гапларни қўйинг...

— Бундай насиҳатларни кўп эшитгансиз, биламан. Лекин, оила қуришга қодир бўла туриб, ёлғиз яшашликни пайғамбаримиз ҳам катта гуноҳ ҳисоблаган эканлар.

— Йўқ, мен турмушга чиқа олмасам керак...

— Ие, нега?

— Мен ҳаётда жуда кўп қийинчиликларни кўрганман, юрагим адоий тамом бўлган. Бўёғи икки бола...

— Гаму ташвишларингизга шерик бўлмаса, ундай эрининг нима кераги бор?

— Йўқ! — қатъий бош чайқади Зубайда. — Мен энди турмушга чиқмайман.

Аммо унинг қатъияти Ҳикматиллога кўнглидаги гапни охиригача айтишга тўсқинлик қила олмади:

— Зубайда!.. — У Зубайданинг қаршисига келиб тўхтади. — Менга қаранг, нима десангиз деяверинг, аммо мен сизни яхши кўраман. Буни ҳамма билади, ўзингиз ҳам биласиз.

Зубайданинг энтикиб, нимадир демоққа чоғланаётганини кўриб, гапиришга қўймади:

— Фақат йўқ деманг, илтимос, ўйлаб кўринг. Ахир, дунёдан тоқ ўтмайсиз-ку! Ишонинг, бир умр бошимга кутариб юраман.

Бир оқшом Ҳикматилло янги гап айтиб қолди:

— Мени вилоят бошқармасига ишга таклиф қилишяпти.

Унинг юраги шув этиб кетди:

— Ие, нега?

Яхшиямки, бу суҳбат телефонда бўлаётган эди. Йўқса, ранги ўчиб кетгани учун Ҳикматиллодан жуда хижолат бўлар эди.

— Нега бўлар эди? Ҳозир ҳамма жойда компьютерда ишлайдиган мутахассислар етишмайди. Анчадан буён бизга утинг деб юришган эди. Энди, сиз нима десангиз шу. Нима қилай?

— Узингиз биласиз? — ҳақиқатдан нима деб жавоб беришни билмай қолди.

— Мен ўзимча хомчўт қилдим. Бу ерда, анави оғайниларнинг олдида мен билан етаклашиб юришга тортинасиз, биламан. Ниқоҳ ўқитсақ-да, Термизга кетсак. Куздан ҳоли, яна вилоят марказида яшаш, ишлаш яхши-да.

— Билмасам...

— Нимасини билмайсиз? Эртага онангизнинг олдига одам юбораман. Гаплашишади. Катта қалин сўрамасалар бўлгани.

— Э-э, гап қалиндами? Онам шурлик, қизим шундай бева қолсин-у, мен қайта сотай деб ният қилмаганлар. Мен тайинламасам ҳам, ҳеч нарса сўрамасалар керак. Фақат, ҳайрон бўлиб қолсалар керак...

— Нега ҳайрон бўлади? Ўн олти яшар қизалоқ эмассиз-ку? Боши очик аёлни сўрайди-да. Қалин ҳақида гапирганимнинг боиси, хабарингиз бор, узи яқинда укамни уйлантирдик. Менинг ярим ойлигим алиментга кетади, уларга ҳеч фойда тегаётгани ҳам йўқ. Уйланмоқчиман, қалин тўланглар, дейиш менга ноқулай.

Зубайда шу топда қалинни эмас, болаларини уйлаётган эди. Опасининг уйига борса, болалари билан қандай сиғади?

— Майлику-я, лекин... опангизнинг уйи сал ноқулайроқ эмасмикин? Болалар билан...

— Эҳ-ҳе!.. Ҳали болаларни ҳам олиб бораман, деяпсизми? Шунча пайтдан бери ҳажрингизда куйиб юрган ошиқ энди етдим, деган жойда дарёнинг бўйига олиб бориб, икки томонидан иккита гулмихга боғлаб қўймоқчимисиз? Йўқ, йўқ, бўлмайди. Олдин мен сизнинг васлингизга тўйиб олай, унғача алоҳида уй оламиз, кейин болаларингизни олиб бораверинг. Ҳеч қаршилигим йўқ. Ҳозирча онангиз қараб туради.

Шу пайтгача ҳам бир-икки жойдан одам чиққан бўлса-да, онаси тиш ёриб Зубайдага бир нарса дейишга журъат қила олмаган эди. Совчи Зубайданинг розилиги билан келганлигини эшитиб, ўзини йўқотиб қўйди. Сўраб-суриштириб ҳам ўтирмади.

Қизи эсли-хушли, оқ-қорани ажрата оладиган, уқиган қиз, ҳар кимни онасининг, акаларининг олдига юбораверармиди? Иккинчи келишларидаёқ никоҳ кунини белгилашди. Никоҳ куни куёвнинг буйи бастини куриб, яна суюнди: «Муйловлари ярашганини!..»

\* \* \*

Уша куни Санжар мактабдан янги гап топиб келди:

— Малимимиз, эртага ота-оналар йиғилиши эмас, оталар йиғилиши булади, деди. Эртага соат тўртда борасиз экан. — У отасининг миқ этмай телевизор кўриб утирганини кўриб, яна такрорлади: — Ота, борасизми?

Мўмин телевизордан кўзини олмай буюрди:

— Онангга айт!

— Йу-уқ, оталаринг келсин, деди.

— Онангга айт, деяпман-ку сенга! Бор, нарироқ бор, бошим-ни огритма.

Қурбонгулнинг ранги оқариб кетди. У эрининг гапини «Онангга айт, отангни топиб беради» деб тушунди.

Бола яна «Ота...» деб гингший бошлаган эди, у урнидан сакраб туриб, бор аламини кафтига жойлаб, қулочкашлаб бир тарсаки туширди:

— Мена сенга ота!..

Эрини уни қайтармасдан индамай ётгани, боланинг кўркүв ва ҳайрат билан катта-катта бўлиб кетган кум-кук кўзлари буткул қутуртириб юборди:

— Сенга ота керакми? Мана!.. Мана сенга ота!..

Бола юз-кўзига, елкаларига кетма-кет тушаётган аёвсиз зарбалардан узини ҳимоя қилиш учун бошини нозик қўллари билан беркитиб олди. Боласининг ҳимоясиз ва бушанг эканлиги, унинг тобора авжга чиқаётганини кўрган эрининг «Менга десанг, пишириб емайсанми?» деб хонадан чиқиб кетиши яна аламини оширди. Энди у гўжанак бўлиб утириб қолган болани тепа бошлади. «Онажон, онажон!..» деб илтижо қилаётган бола ҳолдан тойиб, товуши чиқмай қолган, ичкарига кириб, девор юзига илинган қалин гилам четига осиглиқ турган қайнотасидан қолган пичоқни олди. Тахмондан болаларига ҳалинчак солганда ишлатиладиган узун арқонни излаб топди. Уларни бозорхалтага жойлади-да, қуюндай учиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Дарвозахонада қизини куриб, истиқболига югурган онаси унинг рангига қараб кўрқиб кетди:

— Ҳа, болам, тинчликми?

Ҳаяжондан Қурбонгулнинг нафаси бугзига текилиб қолган, танглайи қотиб, тили оғзида айланмас эди. Ниҳоят бир ютиниб, томоғини ҳуллаган булди-да, йул буйи уйлаб келган гапини онасига айтди:

— Онажон, Санжар ўлиб қолади, тез чопинг. Мен дори топиб, изингиздан етиб оламан.

— Ё тавба, нима булди унга?

— Билмайман, она, билмайман, тез булинг!

Онаси унга бир қаради-да, бошидаги ранги униққанроқ руمولини қайта ураб, кучага ошиқди.

... Уша воқеадан кейин у беозор Қурбонгулни унутиб ҳам юборганди. Хотин, бола-чақасиз бир ўзи яшар, топса наша чекар, бўлмаса уззукун телевизорга термилиб, кунни кеч қилар эди. Вақти келиб Қурбонгулнинг уч олиши Матлаб бангининг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Бир пайт кўкраги устидан икки қават арқон ип айланиб утганини куриб ҳайрон булди. Нима гаплигини англаб етгунча, илмоқ қилиб боғланган арқон қаттикроқ тортилиб, утирган оромкурсиси билан яна бир бор айланиб утди. Кўз очиб юмгунча банги оромкурсига тамоман банди қилиб ташланди.

Қурбонгулнинг тишлари сингудай гижирлар эди:

— Ифлос! Ифлос! Мараз! Нашаванд-банги! Нега сени олдинроқ улдирмадим. Санжаримдан олдинроқ улдирганимда, у улмай қолган бўларди!

Матлаб тушундики, ундан шафқат тилаш ортиқча, ҳовлига қараб бақирди:

— Ҳой, ҳой, ким бор?

Қурбонгул кўлига учраган латтани олиб, унинг оғзига тикди:

— Учир товушингни, виждонсиз! Сенга ким керак! Сен кимнинг кунига ярагансан? Сенга ўзингнинг кайф-сафонгдан бошқа ҳеч нарса керак бўлмаган, — кўрқаниданми, ҳаво етишмаётганиданми, кўзлари катта-катта бўлиб кетган бангига қараб, тобора жазаваси кўзиб борарди. — Биласанми, сени нима қиламан? Уради, уриб-уриб, ташлаб кетади, деб ўйлапсанми? Йуқ, уриб овора бўлиб утирмоқчи эмасман. Мен сени ейман! Қонингни ичаман! Шунча йилдан бери менинг юрагим йиринг билан зардобга тулиб кетди. Қани, сенинг юрагингда нима бор экан? — У пичоқни отди, пичоқ қадалган жойдан тирқираб қон чиқди.

— Қон! Ҳа, ана қон! Сенда йиринг нима қилсин? Сенда виждон бўлганда, қонинг йирингга айланиб кетарди. Шу қиз бадном бўлиб, қандай яшаётган экан деб ўйлаганингда қонинг қон бўлиб турмас эди.

Қурбонгул ўкириб ҳовлига чиқиб кетди.

\* \* \*

Уч хонали уйда ёлғизгина қизчаси билан яшайдиган опаси Ҳикматиллони узоқ вақт бағридан қўймай куришган бўлса-да, уларнинг қарорини эшитгач, меҳр чақнаб турган кўзлари пирпираб қолди:

— Майли, ўзларинг биласизлар. Қизимнинг хонасини сизларга бўшатиб бераман-да, бўлмаса. Лекин каравот биттагина, — гап орасида хижолатдан ерга кириб кетгудай бўлиб утирган Зубайдага синовчан нигоҳ ташлади. — Сиз... болаларингизни нима қиласиз?

— Онам олиб қолдилар. Уй олгунларингча қараб тураман, дедилар.

Зубайда опани тинчитиб учун шундай деди-ю, аммо унинг

кўзларида «Болаларингни қандай қилиб ташлаб келдинг, шу болаларни узинг туққанмидинг?» деган бир таънани кўриб, янада мулзам тортди.

Уй эгаси бир шода калитни олиб, хоналарни навбати билан кўрсатар экан:

— Туй қилишдан олдин бир қатор ремонт қилдирган эдим, буёқнинг узига қанча қизларнинг қалини кетган. Мих қоқманглар, деразаларни очиқ қолдирманглар, — деди.

Уч-тўрт кун утиб, Зубайданинг хаёлга толиб қолаётганини кўрган Ҳикматилло меҳрибонлик қилган бўлди:

— Болаларингизни соғиндингизми?

Зубайда тулиб турган эди, бирдан кўзларига ёш қалқди. Лекин негадир хижолат тортди. Узича жилмайишга уринди:

— Ҳа...

— Шундай бўлишини олдиндан билган эдим. Эҳ, болалар, болалар...

Ҳикматилло кўзларини бир нуқтага тикканича, анча пайтгача жим қолди.

— Ҳа, айтмоқчи, ҳов олдин... яшаган ҳовли кимники эди? — деди тусатдан.

— Узимизники эди, — юрагини эзаётган соғинчга у ҳовлининг нима даҳли борлигига тушунмади.

— Қандай... узингизники эди? Ҳужжатлар кимнинг номида эди, деяпман, — гижингандай сўради Ҳикматилло.

— Ҳ... хужайинининг номида эди, — у шу топда Уташбекни ким деб аташни билмай қолди. Хужайиним деб айтишга айтди-ю, Ҳикматиллонинг кунглига тегиб қўймадимми, деган ҳадик билан унинг кўзларига жовдираб қаради. Тумтайиб утирганини кўриб, гапича давом этди. — Энди менинг номимга утган бўлса керак. Қонун буйича мендан бошқа меросхўри йўқ-ку.

— Шунча йилдан бери шуни суриштириб, расмийлаштириб қўймадингизми? — Ҳикматилло энди очиқчасига ўтди.

Зубайда ҳайрон эди:

— Мен билан мерос талашадиган одам борми? Қонун мен тарафда бўлса, икки болам бор...

— Мен ҳам шу болаларни ўйлаяпман-да. Уларни соғиниб сиз буёқда утирибсиз, уйингизда эса бировлар мазза қилиб яшаб юрибди.

— Энди... Уларни чиқарганим билан у ерда яшашга на сизнинг юзингиз бўлади, на менинг... Қўяверинг, туришибди-да...

— Нима деяпсиз? Мен у ҳовлига қадам ҳам босмайман. Кераги ҳам йўқ. Раз, уша ҳовли сизники экан, бирор кунингизга яраши керак-да, демоқчиман. Мана, ҳозир болаларингизни соғиниб, қийналиб утирибсиз. Шу ҳовлини сотиб, пулига гижингланган машина олсак бўлмайдимми?

Зубайда бир зум узини йўқотиб қўйди. Болаларининг соғинчини қондирмоқ учун бошпанасини машинага айлантириш... Бу меҳрибонликми, хиёнатми?

— Ҳа, бўлмайдимми?

Зубайда узини йўқотиб, чайналди:

— Биласизми, ҳужжатлар менинг номимда бўлса-да, пулини Бектош ака тўлаган. Сотишга қўйишмаса керак.

Ҳикматилло масхараомуз кулди:

— Нега?! Нима ҳақлари бор? Ҳужжатлар сизнинг номингизда бўлса, ягона меросхўр сиз булсангиз, улар яна нима дейди? Ё... узингизни кўзингиз қиймаептими?

Унинг киноялари Зубайданинг аъзои-баданини илма-тешик қилиб юборди:

— Кўйсангиз-чи, ахир мен қандай қилиб бориб, уларга... уйни сотиб, машина олмақчиман, деб айтаман?

— Биринчидан, уларга ҳисоб беришингизнинг кераги йўқ. Иккинчидан, ҳай борингки, бирон баҳона айтишингиз ҳам керакдир. Машина олмақчимиз, деманг. Улар мендан шубҳаланишадди. Уй оламан, бировнинг уйида ижарада турганим учун болаларимни олиб кета олмапман, денг. Хўш, буладими?

— Йўқ, — Зубайда кўзлари номаълум нуқтага тикилиб, телбанамо бош чайқади. — Йўқ, мен ундай қила олмайман.

Ҳикматилло дам ёйиб, дам тахлаб утирган қўлсочиқни юма-лоқлаб отиб юборди-да, ўрнидан турди:

— Шу битта ҳовлини мендан устун қўясиз, деб ўйламаган эдим. Топган-тутганимиз, бор-йўгимиз ўртада бўлади, эру хотинликнинг тартиби шундай бўлади, деган эдим. Янглишган эканман.

Ҳикматилло эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Шу кетганича қоронгу тушиб, вақт алламаҳал бўлганда, тунд бир қиёфада қайтиб келди. Кўзларига жовдираб термилиб, «Овқат сузайми?» деган Зубайдага қарамай, қовоғини уйганча «Йўқ!» деб, ичкари хонага утиб ечинди. Сунг тахмондан кўрпа олиб, Зубайда солиб қўйган ўридан анча берига, алоҳида жой солди. Анқайиб турган Зубайдага бир қараб қўйди-да, чироқни учуриб, уринга кирди. Кўп утмай пишиллаб нафас олганча, уйқуга кетди.

Ҳикматилло эрталаб туриб, ичкари хонанинг турида турган сариқ жомадонини олиб, уй юзида турган нарсаларини жойлай бошлаганини куриб, Зубайданинг кўзлари чиқиб кетай деди. Кеча жойини алоҳида қилиб олгани учун узича аразлаб, гап қўшмоқчи эмас эди, чидай олмади:

— Бу нима қилганингиз?

— Мен ўйлаб кўрдим, — Ҳикматилло бемалол ишини давом эттираверди унинг юзига қарамасдан. — Бизники барибир бўлмас экан. Бир-бировингга ишонмасдан яшаб буладими? Сиз учун оиламдан кечиб утирибман-а.

— Фақат ундай деманг, илтимос. Ун йил бирга яшаб, ун кун тинч яшай олмадик, деб узингиз айтган эдингиз-ку. Энди мени айбдор қиласизми? Мен ишга чиққунимча, ажралган экансизлар-ку.

— Агар сиз булмаганингизда, ярашиб кетардик. Эру хотин уруши — дока румол қуриши. Болалар бор, ярашиб кетардик. Ҳалиям кеч эмас...

Зубайда йиғлаб юборди:

— Нима гуноҳ қилиб қўйдимки, мени шунчалар шарманда

қилиб қетмоқчи буаяпсиз? Сизга ҳеч нарса эмас, бир жомадонингизни олиб кетаверасиз. Аммо мен одамларга нима дейман? Садафнинг уйига аллақачон одам қуйилган. Эрга тегди, деган отим бор, сиз сот деяётган ҳовлига, ҳозир сотиш уёқда турсин, яшаш учун борсам ҳам киргизишмайди. Э, художон, шарманда бўлдим-а, шарманда!

Ҳикматилло зор қақшаб йиғлаётган Зубайданинг ёнига чўкди. Мурсосага чақиргандек, қўлларидан тутди. Унинг кафтлари жуда иссиқ эди. Қўрқувдан ўзича совқотиб, даг-даг қалтираётган Зубайдага Ҳикматиллонинг бутун вужудидан иссиқ бир ҳовур таралаётгандай туюлди. Беихтиёр унинг бағрига интилди:

— Мени шарманда қилманг. Ҳовли нима, сиз учун жонимни беришга тайёрман, биласиз-ку. Фақат у ҳовли...

Ҳикматилло унинг елкасидан тутиб, ёшларини артди:

— Биламан, яхши кўришингизни. Лекин шу ҳовлини гум қилайлик. Шу ҳовли турса, турмушимиз омонатдай туюлаверади, эртага бир гап бўлса, шу ҳовли сизни чорлаб тургандай кўнглимга гашлик солаверади. Олдин машина оламиз, кейин аста-секин пул йиғиб уй қурамиз. Ҳаммаси бўлади. Шу пулга машина олинса, мен уни гуримга орқалаб кетмайман, биласиз. Бирга минамиз. Эрта-индин бўйингизда булса, бозор-учарингизни қилиб бераман. Бошқа хотинларга ўхшаб тўрхалта кўтариб бозорда юрмайсиз. Бундайроқ уйлаб курсангиз, машина мендан ҳам кўпроқ сизга керак.

Зубайда юз бериши мумкин бўлган шармандачиликдан қўриқиб, омонат ёлгоннинг панасига беркинди: «Сотаман, деб айтаверай. Эртага бир гап бўлар. Вақти билан тушунтираман. Бир етимнинг отамерос мулкига куз олайтириш қанчалар пасткашлик эканлигини ҳозир тушунмаяпти, секин тушунтирсам, тушунар...»

Ҳикматилло масалани қатъий қўйди:

— Бугун жума. Кечқурун ишдан чиқиб, уйга кетамиз. Сиз болаларингизнинг олдига, мен бобойларникига бораман. Эртага эрта билан туриб, Бектош аканинг олдига кириб. Ҳаммасини мен айтгандай қилиб тушунтиринг. Улар учун бу ҳовли бир қўти гугуртдай гап.

\* \* \*

Зубайда «Бупти» деб йўлга чикди-ю, кун бўйи болалари билан онасиникида ўтирди-да, кечга яқин «Бектош ака Тошкентга кетган экан, учрата олмадим» деб қайтди.

— Янаги шанба машина бозорига чиқмоқчи эдим. Ҳа, бупти, кейингисидан чиқамиз.

Зубайда ҳайрон бўлди: «Ҳовли дарахтда турган олмамидики, бир силкиб, қоқиб олсанг-у, бозорга чиқариб, сотиб, пулига кўнглинг тусаган нарсани сотиб олсанг... Ҳовли Зубайданинг номида булса ҳам, унда ҳовлининг пулини тўлаган одамлар яшаб турибди. Уларнинг бир оғиз гап билан чиқиб кетиши ҳали даргумон. Чиқиб кетгандан кейин ҳам сотилгунча, қанча гап, қанча сўз... Бу кишим булса...» Лекин индамади.

— Майли, янаги шанба учратарман, — деб қўйди.

Аммо Зубайда янаги шанбада ҳам, кейингисидан ҳам кўзиқориндай бир-бирига ўхшаш баҳоналарни қўлтиқлаб келаверди. Бу баҳоналар уч-тўрт марта такрорлангач, Ҳикматилло ҳам уларнинг турмушига ёлгон аралашаётганини сезиб қолган эди. Аммо Зубайда билан бирга бориб, Бектош аканинг уйда бор-йўқлигини аниқлашнинг иложи бўлмади. У нима қиларини билмай, арзимаган нарсаларни баҳона қилиб жанжал чиқарар, ҳар жанжалдан кейин урин-тушагини алоҳида қилиб олар, аччиғи келса, жомадонига нарсаларини жойлаб, кетиш тараддудига тушар эди.

Бир куни Бектош аканинг қизи келиб, Зубайданинг онасига «Янгам ҳовлини сотиб, эримга машина олиб бераман» деб юрган эмиш. Вақти келиб, Отабек уйланса, ҳовлини фақат унга беришимиз мумкин, бўлмаса қизингиз бу ҳовлидан умидини батамом узсин», дебди. Зубайда «Янги куёв билан қайнонанинг орасини бузмай» деб, бўлган гап-сўзларни онасига айтмаган эди. Бечора Жангил хола ҳайрон бўлиб «Йўғ-е, бу гап қаердан чиқди? Ҳовлини сотиб, Зубайда эсини еганми?» деса, «Қизингиз теккан жувормагининг катта хотини ўз оғзи билан айтибди. У жувормаг, онасига «Нози кўп экан, машина олиб олай, жавобини бериб юбораман» дебди. Онаси «Келин, кўнглингизни булманг, уч боласи бор, сиздан ажралиб қаёққа боради? От айланиб қозигини топар экан. Бугун бўлмаса, эртага кириб келади», деб тинчитган эмиш» дебди.

Зубайда бу гапларни эшитиб, ҳангу манг бўлиб қолди. Онаси кетгач, узини ухлаганга солиб, кузатишга ҳам чиқмаган Ҳикматиллонинг ёнига кирди. У журнал варақларди. Зубайдани кўриб, бир дақиқа хижолат тортди. Эндигина уйғонган киши бўлиб, киришди:

— Ҳа, хола кетдимми?

— Кетди.

Зубайданинг ёрилмаган ярадай тумтайиб, бир сўз демай туриши уни баттар аччиғлантирди:

— Ҳа, онангиз ичингизни тулдириб кетдимми?

Зубайда бир сесканди.

— Йўғ-е, узим...

— Йўқ, узингиз эмас. Қачон онангиз келса, бир узгарасиз.

Айтаверинг кўнглингиздагини!..

Айтди. Онаси топиб келган гапларга ҳам, неча пайтдан бери тинчлик бермай келаётган кўнглидаги шубҳаларга ҳам ишонмай, тўғрироғи, ишонгиси келмай айтди:

— Мен ҳовлини сотмайман! — у шундай деб, «Қани, нима дер экан?» деган уйда эрининг кўзларига қаради. Кўзлар қаҳрли бир ҳайрат билан тулди.

— Нега?

— Улар сотгани қўймайди.

— Сотгани қўймаса, судга беринг. Биз сиз билан келишган эдик-ку.

— Судга ҳам бермайман, — бирдан қайсарлиги тутди Зубайданинг. — Чунки у ўғлимга отамерос мулк.

— Эҳ-ҳа-а! Шундай денг. Онангиз шундай дедими? Узимам

билгандим, бу кампирнинг кўзлари бежо эди кириб келганда. Демак, сиз учун ўглингиз ҳамма нарсадан, мендан ҳам азиз. Шу пайтгача мени лақиллатиб юрмасдан, тўғрисини айтиб қўявермайсизми? Агар мен сиз учун ҳеч нарсага арзимасам, бу ёқда нима қилиб юрибман, юртдан, рўзгоримдан кечиб? Ана боринг, ўша ўглингизни олиб келиб, яшанг. Шу бола сизга эр бўлса, менга барибир.

Зубайда надомат билан бош чайқади:

— Ҳай, ҳай... Тилингиздан кофир булманг. Қандай қилиб бир парча норасида гудакни онага тенг қиласиз?

— Э-э, билганингизни қилинг.

Ҳикматилло урнидан сакраб туриб, яна йиғиштирина бошлади. Дастурхондаги пичоқни ҳам, тортмадаги қайчини ҳам, опаси берган икки пиёлани ҳам, яқиндагина «Сизга совға» деб олиб келиб, деворга урнатган тунчироқни ҳам, хуллас шу уйда унга тегишли неки нарса бўлса, ҳаммасини сариқ жомадонга жойлаштирди.

Зубайда на хонадан чиқиб кетди, на уни тўхтатди, қотиб утираверди.

Ҳикматилло батамом йиғиштириниб бўлгач, кўчалик кийимларни кийиб, жомадонини қўлига олди-да, «ҳеч нарса эсдан чиқмадимикин?» дегандай хонага бир қўр кўз ташлади. Сунг Зубайдага бир қараб, ташқарига йўналди. Зубайда шунда ҳам урнидан қўзғалмади. У останага етганда тўхтаб, ортига қаради. Чуқур нафас олди.

— Бўпти, орадан яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса, узр. Биз кетдик.

Зубайда бир сўз демай, юзини девор тарафга бурди.

— Қутулолмай юрган экансиз-да, — Ҳикматиллонинг овозида уқинчгами, гинагами ўхшаш нимадир бор эди.

Зубайда қайрилиб ҳам қарамади.

— Менга қаранг. Кейин минг пушаймон булсангиз ҳам, фойдаси бўлмайдди. Фишт қолипдан кўча, жойига тушмайди.

«Тентак!..»

Зубайданинг Ҳикматилло ҳақида уйлаб-уйлаб чиқарган ягона хулосаси шу бўлди.

«Кетсин, кетаверсин. Керак эмас!»

У эса қайтди. Останадан қайтди.

— Шу ният билан турмуш қурганмидик?

«Кетолмаяпти...»

У бир сўз демай, урнидан туриб, дераза томонга ўтди. Шармандалик юки остида сирқираб турган елкалари билан айтди:

— Кетинг!

Лекин, боплаб, ҳеч унганмайдиган қилиб устидан кулди.

Беихтиёр кўнглида ваҳший бир истак пайдо бўлди. Хона уртасида қаққайиб турган Ҳикматиллони тилка-пора қилиб ташлагиси келаётганини ҳис этди.

«Бу нега қайтди? Охир бир кун шу ҳовлини соттираман деб умид қиляпти. Мендан эмас, ҳовлидан кеча олмаяпти. Пасткаш! Имонсиз!»

Бирдан жазаваси тутиб кетди:

— Кетинг! Нега турибсиз, кетинг! — ортига бурилиб қичқира бошлади у. — Кетинг, кетинг деяпман сизга!

Ҳикматилло зарда билан: «Э-э, бор-э, давлатинг ҳам, чиройинг ҳам бошингдан қолсин!» — деди-ю, аммо зўрға остана-ни ҳатлади.

Зубайда ҳамма эшикларни қулфлаб, тўшакка кирди. Бадани жунжикди, сўнг хунграб йиғлаб юборди.

Йиғлаб-йиғлаб, эртанинг режасини тузди: «Тонг отса, бориб болаларини олиб келади. Уйнинг хўжайини ҳам инсон-ку. Айтса, тушунар».

\* \* \*

Қишнинг бир тутам кунда бош прокурорга киргунча, кун кеч бўлиб кетди. У ердан буткул эзилиб, нақ юз йилга хориб-қариб чиқди. Автобус бекатида қаршисига келиб сўрашган аёлни олдин қаерда учратганини эслай олмай, қийналди.

— Муминжон, яхши юрибсизми? Болалар яхшими?

— Яхши, яхши... Узингиз тузукмисиз?

Аёл унинг журъатсизланиб сўрашганидан танимаётганлигини сезди.

— Муминжон, мени танимадингизми? Мен Зубайдаман.

— Э-э, ҳа-а... Янга, яхшимисиз? Отабекжон яхшими?

Зубайда яйраб кулди:

— Сизни кўрмаганимга ҳам саккиз йил бўлибди, ҳеч ўзгармагансиз. Мен шунча ўзгарибманми, танимадингиз?

— А-а.. Йўқ, мени узим шундай, ҳардамхаёл бўлиб қолганман, — ерга қаради Мумин.

Шундан кейин у Муминнинг овозидаги шикасталикни, кўзларидаги мунгн пайқади. «Танимадингиз-а» деб кулганидан хижолат тортди.

— Узр, Муминжон, ҳаммасини эшитган эдим. Сизга жабр бўпти-да... — Улар чеккароққа ўтишди. — Мен Қурбонгулни яхши танир эдим. Шундай ишлар қўлидан келадиган қиз эмас эди у. Уни шайтон йулдан урган, хаёли чалғиган бўлса керак, дедим.

— Э-э, нимасини айтасиз, — Муминнинг кўзларига ёш қалқди. — Ҳамма Қурбонгулни айблади. Мен ҳам саккиз йил қонини ичдим. У шўрлик алдамай тўғрисини айтди. Ҳайдаб юборинг, деди. Мен аҳмоқ пулни ўйлабман. Онам бева ҳолига мени қайта уйлантира олмайди, деб ҳайдамадим. Аммо саккиз йил эширт мушукка қарагандай гижиниб яшадим. «Қим?» десам, ҳеч айтмас эди. Энди билсам, ўша аблаҳ банги номусини бузган экан.

Зубайда Қурбонгул қилган ваҳшийликларни эшитиб, аввалига ишонмаган эди.

— Қамалганидан кейин айттириб юборибди. Бордим. Оқлов-чиси тушунган йигит экан, чиқиб турди. Ҳаммасини гапириб берди. Онаси кичкина укаси билан касалхонага тушганда, ноинсоф банги... Шундайларни ер қандай қилиб кўтарди-а? Эшитиб, юракларим ёниб кетди, ўзини сўқдим. «Аҳмоқ, бу гапни энди нима кераги бор?» дедим. У булса, «Мен улиб кетсам, болала-

рим кўчада қолиб кетмасин, деб айтаяпман. Мен сизга ҳеч қачон хиёнат қилган эмасман. Болалар ўзингизники. Шуни билиб қуйсин, деб чақиртирдим» дейди. Эсим оғиб, тентак булиб қолай дедим. Дам ўлган Матлабни, дам ўзимни, дам Қурбонгулни сукаман. Бугун прокурорга учрашдим. «Айтаман, чуқурроқ урга-нишади, адолат қиламиз. Ҳақиқатни юзага чиқарамиз», деди.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Суд булгач, болаларимни олиб, олисроқ юртларга кўчиб кетмоқчиман.

— Нега?

— Болаларимни уйлаяпман. Онаси бундай булгач, букилиб қолишди. Бунинг устига ўртоқлари «Модаркушнинг боласи» деб масхара қилишар экан, умуман кўчага чиқмай қўйишди. Қай куни кўча томондаги деворимизга ҳам шундай деб ёзиб кетишибди. Келсам, углим йиғлаб-йиғлаб учуриб ётибди. Шулар хурланмасдан, бирон жойларга кўчиб кетайлик.

— Қурбонгул-чи? У нима қилади?

— Оқловчи «Буткул оқлаб юборишларини талаб қиламан», деяпти, лекин оқлай олмас керак. Яна билмадим. Худодан сўраб ётибмиз.

Зубайда бу ҳиммат ўзига қилинаётгандай миннатдор булиб кетди:

— Барака топинг, илоё, Муминжон. Кеч бўлиб қолди. Энди қишлоққа автобус ҳам бўлмаса керак. Уйга киринг. Жиянларингизни куриб кетасиз. Бугун онам ҳам келган.

— Раҳмат, амакимникига бораман. Эртага яна оқловчига учрашим керак.

Зубайда автобусдан тушганда борлиқ аллақачон қоронгулик қўйнига чўмган эди. Эрталаб ишга кузатиб қолган болаларини кечгача жуда соғиниб қолганини юракдан ҳис қилди. Беихтиёр қадамини тезлатди.

У йўлакка кириши билан момақалди роқ гумбурлади. Осмоннинг қоп-қора булут қоплаган кўксига чақин ўтли ханжарини санчди. Оғриқданми, аламданми, осмон «дод!» деб юборди. Сунг узоқ йиғлади.

Кўзларига қўнган бор гардлар, юрагига тошдек ботиб ётган дардлар, кенгликда қиёси йўқ кўксини қоплаган гала-гала қора булутлар — ҳаммаси ёш булиб, ёмғир булиб оқди, оқаверди. Эрта тонгда тип-тиниқ зангори осмонни куриб, куёшнинг кўзлари ёниб кетди. Янги, ёруғ бир кун дунёга келди...



*Ширинбой Адамбоев*

## ҚАДРДОНЛАР ҚАДРИ

### Нарвон Ҳангомаси

*Қудрат Ҳикмат уй қурди,  
Дуст-ёронлар қўллашиб,  
Ҳашар қилиб қўшнилари,  
«Қани, булға-буллашиб».*

*Бу участка дегани  
Пулни хўппа ютаркан.  
Яхшиямки, кўп қисмин  
Устоз Ойбек кутарган.  
Гоҳо оғриб буйраги  
Қалбин уяр, пармалар.  
Бир тарафда Қўшжонов  
«Қудратвой», — деб*

*«ҳорма»лар.*

*Ва ниҳоят, уй битиб,  
Ҳовли туйин ўтказди.  
Ўзи суйган галвирак,  
Бодомлардан ўтказди.  
Сотиволди Йўлдошев  
Совға қилди бир нарвон.  
Қудрат Ҳикмат боладай  
Қўвнаб кетди беармон.  
Бу буюм ҳам ҳаётда  
Ўз бурчини утайди.*

*Том қурасанг асқотар,  
Богбон дарахт бутайди.  
Шоир калта — иштончан  
Томга суяб шотини,  
Тепадан пастга қараб  
Бўяр «ёғоч отини»...*

*Қия ураб румолин,  
Чойга уннар хотини.  
Томоқ қириб, ён қўшни  
Кириб келар ботиниб:  
— Ҳорманг, ҳорманг,  
Қудратвой!*

*— Бор бўлинг, — дейди шоир.  
Қўшни берар маслаҳат,  
Нарвон буюшга доир:  
— Биз томонда шотини  
Ерга аста йўлайди.  
Кейин уни бир четдан,  
Ошиқмасдан буюйди.  
Икков роса кулишди,  
— Узр, Улуғ, қаранг-га...  
Мен ҳам бергум маслаҳат  
Бу ҳақда ёш-ялангга...*

### «Шкатулшиқ» ва «шкатуршиқ»

*Турсунали Ўрмонов деган,  
Бир укам бор, қувалик асли.  
Дулвор йигит, «Чўлпон»да ишлар,  
Уддабурон — ношир эмасми?!  
Баъзан шеър-пер ёзиб туради,  
(Тижоратдан бўшаган пайти).*

*Яқинда бир Ҳангома бўлди,  
Лундасини берайин айтиб...  
Тушлик вақти, суҳбат авжида,  
Турсунали сузлар турмай тек:  
— Қайда ишлар Азиз Маҳмамов?  
— «Усто»да-ку, — дейди Авазбек.*





...Кўзи ёриб кетди тунларнинг,  
Мен бир фалак тўлгогин сездим.  
Юрак, сенинг куртакларингда  
Очилмаган титроқни кездим...  
Сархуш тонглар кўксин пичоқлаб,  
Бир кун ўздан ҳам қайтмоғим бор!

Баҳор, сени тарк этмоғим бор...

\* \* \*

Тунн-тими. Тимм-тунн.  
Томчилаётир очун.  
Менинг қатра қалбимда  
Томчилар уюм-уюм.  
Тун-тун-тунн.

Тун. Тун.  
Шаффоф бир ун.  
Кетиб борадур маҳ-зу-ун  
Ту-у-у-унн...

\* \* \*

Мен сизни тарк этдим,  
Тарк этилмаган  
Ҳисларим устидан кулаяпсиз жим.  
Тушунинг, мен бахтни ҳис этмоқ учун,  
Унинг қучоғидан бош олиб кетдим.

Алвидо!..  
Видолар кўксимни четнаб,  
Ҳайқирғи мангу бўғзимда қотди.  
У кунлар ва тунлар сурури  
Қувончдан сизни ва мени йўқотди.

\* \* \*

Менга нафрат керак,  
сокин бир нафрат.  
Ундан гунчаласин  
кунларим саси.  
Дилга офат керак,  
сокин бир офат.  
Пойимдан тўкилсин  
унинг нафаси.

\* \* \*

«Ишқ» сўзини айтолмайман,  
тилим кесик.  
«Севги» дея аталгандан  
хунук севдим.  
Қайтай десам, қайтолмайман,

йўлим тўсиқ.  
Кесиккина тилим билан нима девдим?  
Ботқоғимда нилуфардай очиласиз,  
соҳилида тентирайди кўнгул кезик.

\* \* \*

Инграган гўрларни бир зум эшитиб...  
Оқиб келаверар гулга санолар.  
Тизлаб узил магар манглайинг ўпса,  
Бу хоки фанолар... хоки фанолар...  
Сен кўйдинг,  
ҳажрнинг кулгуларини,

Улар кесиб ўтди ҳавони майин.  
Кесилган  
масофа оралиғида,  
Мен оқиб ётибман беҳуд, бетайин.  
Нега эриб қолдинг,  
Бағримда ўлим?!

\* \* \*

Сен борсан... Бизлар эса йўқмиз.  
Алвидо, гулхайри кўзидаги ёш!  
Тупроқ сингиб борар бизларга,  
Хуш қол, ҳазон бўлиб синалган бардош!  
Се-е-е-н бо-о-р-с-а-н!!!  
Сокин руҳафзодан ўтдим шивирлаб,  
Нигоҳларим тўғди рангин капалак.  
Ёмғир бўлиб ёғдим сенинг меҳрингдан,  
Камалак дорига осилган руҳим.  
Мен сендан чизгиман, осилган чизги —  
Мангудан томчи.

**Мухтасар Тожимаматова — Фарғонадан. Учкўприк туманининг Катта Қўштепа қишлоғида туғилган. Фарғона Давлат дорилфунуни ўзбек филологияси куллиётида сиртдан ўқиб билан бирга, «Саодат» журналида ишлайди. Шейрлари 1992 йилдан бошлаб республика матбуотида эълон қилина бошлаган. «Шарқ юлдузи»да биринчи марта «Талабалар дафтарида» рукнида чиққан.**



Матекуб Қўшжонов

## ЁШЛИК ДАФТАРИ

### Эгалик туйғуси

Бу йил баҳор ҳар йилгидан эртароқ келди. Баъзи бир дала ишларини бажариш пайти эди.

Қўлимизда бел, қўлтигимизда жийда қаламчалари, укам Отамурод билан отизлар оралаб бораяпмиз.

— Ҳовв! Оновву не?!

Мен укам курсатган томонга қарадим. Солма ёқасида бир нарса чўзилиб ётарди. Яқинроқ бордик.

— Одам-ғў! — деди Отамурод.

Яна ҳам яқинроқ бордик. Қарасак, Элтивар бувам солма

#### Таҳририятдан

Ҳозир — катта узғаришлар даври. Адабиёт бу даврнинг маъносига етиб, нафас ростлаш олдидан бироз хаёлга чўмиб, тараддулланиб тургандек! Янги шаронгда ёзувчининг урни яхши белгиланган эмас. Қўп асар ёзилаётгани йўқ.

Лекин адабиёт барибир илдам босаяпти. Турли авлод ёзувчилари жиддий бир асарлар бунед қилишяпти. Муҳим, шундай узғаришлар даври бўлмаса, бу асарларни ёзиш ҳам, бостириш ҳам мумкин эмас эди. Адабиётда тафаккур қўламини кенгайтиди. Ижод масъулияти усди.

Матекуб Қўшжоновнинг «Ёшлик дафтари» асарини ўқиганда шундай фикрлар хаёлга келади.

Матекуб Қўшжонов таниқли адабиётшунос олим. Ўзбек адабиётидаги ҳозирги қўпгина ёзувчиларга таълим берган, ижод сирларини урганишда меҳрибонлик курсатган.

Олимнинг илмий асарларида қўзга ташланадиган белгилардан бири — аниқ ҳаёт кузатишларини асарга қисслаб, теран фикрларни ҳаётга, содда услубда ифодалаш эканлигини ўқувчилар билишади. Шу бондан, Матекуб Қўшжоновнинг сунгги йилларда ёзган ҳаёт тўғрисидаги асарлари уша илм бобида қилинган ишнинг табиий давоми кабилдир.

«Ёшлик дафтари»да муаллиф болалик кўнларидан уруш бошланган пайтгача ўзи курган-кечирган воқеаларни тасвирлайди. Буни фақат хотира эмас, бадний асар билан хотира орасидаги бир услубда ёзилган, дейиш тўғрироқ бўлади. Ўзбек насри, наср мактаби борасидаги билим Матекуб акага асарни жозибали, рангин қилишда қўл келган.

бўйидаги қовжираган ўт-ўланнинг қалинроқ жойини танлаб, букри белини офтобга угириб ухлаб ётибди. Хуррак ҳам жойида. Бир оз томоша қилиб турдик.

— Ҳов! — деди Отамурод таажжубланиб. — Муновни қара, бошининг тийинда наҳаллар.

Разм солиб курсам Элтизар бувамнинг боши остида қаламчалар дастаси. Иккаламиз ҳам безовталандик. Аммо йўлимиздан боравердик. Тўрт кун аввал экиб кетган кўчатларимиз жойидами-йўқми, текшириб кўрмоқчи бўлдик.

Икки йил давом этган очарчилик халқнинг тинкасини қуритган эди. Учинчи йилнинг баҳорида халқ орасида уйғонишга ухшаш ҳолат пайдо бўлди. Эрта баҳордан бошлаб, одамларда ерсувга қараш, экин-тикин билан машғул бўлиш кайфияти тугилди. Баҳорнинг охирларига келиб, экин экилмаган бир парча ер қолмади. Ариқлар лабига жийда, терак қаламчалари қадалди. Кейин уйлаб курсам, бу икки йиллик қаҳатчиликдан кейинги уйғониш баҳори бўлган экан.

Илгари бизга тегишли бўлган ер адоғига етиб бордик. Не кўз билан кўрайликки, биз экиб кетган ниҳоллар йўқ. Қаламчаларнинг бирортасини топиб бўлмайди. Укам менга қарайди, мен — укамга. Ҳар хил хаёлларга бордик. Мол-ҳол еган дейиш уринсиз, ҳали барги чиқмаган ниҳолларга мол қарамайди. Таваккал қилиб, қўлимиздаги қаламчаларни такроран экишга киришдик.

Иш кўпга чўзилмади. Қайтишда яна уша Элтизар бувам ухлаб ётган ердан ўтдик. Мўйсафид ҳамон хуррак отиб ухлаб ётибди.

— Ҳов! — деди Отамурод. — Бу бизар эккан наҳаллар-ғў! — унинг кузи чолнинг боши остидаги қаламчаларда эди.

Нима қилиш керак маъносида бир-биримизга қарадик. Мўйсафидни дарҳол уйғотиб «Нега бундай қилдингиз?!» деб сўраш ноқулай эди. Анча иккиланишлардан кейин мен секин унинг елкасини туртдим.

— Бува, бува, Новбар опам чақирвотир.

Чол «ҳа, ҳа» деганича кўзини очди. Уридан туриб утириб, нима керак бўлиб қолди, дегандек менга тикилди. Мен дафъатан бир нарса дейишга журъат қилолмай, бироз иккиланиб тургач:

— Наҳаллар... наҳаллар... — дедим дудуқланиб.

Чол нима демоқчи эканимни дарров тушунди.

— Ҳовва, ерга зарар, эгин яхши битмийди.

Эътирозга урин йўқ эди. Элтизар бувам гаплари маъносини кейинроқ тўла англаб етдим.

Биз кўчат эккан солма Элтизар бувамнинг собиқ ери билан бизнинг собиқ ер орасидан ўтар эди. Уртада усган жийданинг Элтизар бувам ери томонга зарари бўларди. Бироқ беш йил бўлибдики, ер-сувга, мол-мулкка эгалик тугатилган. Ҳаммаси колхоз ихтиёрига ўтган. Аммо ҳамон ҳамма ўз ери атрофида гиргиттон. Иложи борича ҳар ким ўз ерини қўриқлаш, авайлаш учун ҳаракат қиларди.

Кечқурунги овқатдан кейин қисқача оила «машварати» бўлди. Рўй берган воқеадан отам хабардор бўлгач деди:

— Элтизар бахил! Унинг феъли шу.

Кейин бир муддат жим бўлиб, уйланиб утирди-да, гапини давом эттирди:

— Балки уники туғридир. Шўронинг умри қанча, билиб бўлмайди. Эртанг-биргун ери ўзига қайтадогун бўлса, сизлар эккан жийдалар катта дарахт бўлиб, ерига соя ташлайди, ҳосилга зарар етказди...

Отам вали одам эмас эди. Уни бугунги кунларни кўра олган, дея олмайман. Аммо «Шўронинг умри қисқа» деган фикр ўша даврда купчиликнинг хаёлида бўлганини биламан. Бу кайфият урушдан сўнг, шўронинг нақадар қудратли кучга айлангани маълум бўлгандан кейин сусайди. Авлодларнинг алмашуви ҳам тақдирга тан бериш кайфиятини кучайтирган эди.

Отам қулини ёзги эшик томон чўзди-да:

— Мунов ёпнинг орёгиндоғи солма ёғосига эгағойинглар жийдани, уларнинг ерга зарари кам бўлади, — деди.

Эртасига биз отамнинг айтганини қилдик.

## «Ўқиш керак экан-да!»

Мактаб директори хонасининг адоғида тик турибман. Директор — Тоғам Бегжонов. Директорнинг юзига қараёлмайман. У эса столни уриб, бақиради:

— Кузингни туртта қиламан. Эсангнан ҳам икки кўз очаман!..

Директор ута баджаҳл одам эди. Унинг кўзлари борган сари йириклашиб, косасидан чиқиб кетаётгандек қуринди менга. Чап қули билан столнинг бир чеккасида турган, эзилган, титилган дуппиларга қулини чузиб курсатди-да:

— Буларни сенинг отанг олиб берибдими! Қараб тур, ҳали терингни шилдираман! — деди.

Унинг оғзидан отилиб чиққан сўлак томчилари юзимга сачради.

Узимни айбдор билсам ҳам, дадилроқ туришга интилардим. Бироқ директорнинг вазоҳати бора-бора мени кўрқувга сола бошлади. Аммо бирор нарса деб жавоб қайтаришга ўзимни ҳақсиз ҳисоблардим.

Бўлган воқеа хаёлимдан ўтди.

Бундан анчагина йиллар олдин отам эски ҳовлининг бир қисмини бузиб, янги уй қурган эди. Кунларнинг бирида қушларга тузоқ қўйиш мақсадида эски уйнинг томига чиқдим. Неча йиллар давомида офтобда қовжираб ётган утинларни у ёқ-бу ёққа сурдим. Бир маҳал утинларнинг тагида ётган, эскириб, увадаси чиқиб кетган урамга кўзим тушди. Уни ечиб қарасам, тўппонча экан. Мен жуда суюндим.

Тўппонча анча салмоғдор, оғир эди. Унинг нили — стволи қалин. Дид билан безатилган, қундоғи ярим доира шаклида бўлиб, худди ёш қўчқорнинг шохига ўхшарди.

Эски овчилардан ялиниб-ёлвориб ўқ-дори сўраб олдим ва

хилват жойларда тўппончани бир неча бор нишонга отиб қурдим. Биноийдай қурол қуринди у менга.

Тўппонча феъл-атворимга ҳам таъсир қила бошлади. Мен энди халта кўтариб мактабга қатнайдиган, уй ишларида дастёрликдан бошқа нарсага ярамайдиган бола эмас, балки қўлтиғимга илиғлиқ тўппончанинг эғасиман. Бу билан мен тенгқурларимдан фарқ қиламан.

Хаёлим шу ерга келганда жаҳлдор директоримизнинг овози янада кучлироқ янгради. Столга урилган мушт зарблари бошимга келиб тегаётгандек эди.

— Мен сенга айтаётирман, нега лолсан?! — деди-да, стол чеккасида турган пачақ дуппиларга қули билан ишора қилди: — Биласанми, буларни сенинг энанг тикиб берганмас, пулга олинган, кўп пулга олинган!

Менинг жим турганим уни яна ҳам даргазаб қилди шекилли, пачақланган, тешилган дуппиларни бирин-кетин мен томонга итқитди. Дуппилар ҳавода қалқиб-қалқиб учиб, атрофимга туша бошлади. Мен эса ҳамон жим эдим. Директорнинг баттар тажанглиги тутиб:

— Гапир! Оғзинга талқон солдингма?! — деди.

— Боғаларнинг ўзлари от дедилар. Мен отдим, — дедим мен.

— Нерда?!

— Жуман маймунларнинг кўйна жойида.

Директор жим қолди. Хаёлим яна бўлиб ўтган воқеаларга кўчди. Катта танаффус пайтида косиблар ҳовлисида жойлашган мактабдан чиқиб, қулоқ сифатида Сибирга сургун қилинган Жуман маймунларнинг чор деворига бордик. Қўлтиғимда тўппонча. Тенгдошларим тўппонча отилишини жуда кўргилари келаётган эди. Мен бирон нишон кераклигини айтдим. Улардан бири эски дупписини бошидан олди-да, таёқчага илдириб чор девор қавадига жойлади. Мен отдим. Унинг кетидан янги дуппилар қўйилад бошлади. Қизиқиш авжига чиқиб, уларни мўлжалга олаверибман.

Қулоғим тагида яна директорнинг овози янгради:

— Бор, чиқ, кўзима кўринма! Тўппонча отгунча ўқишингни яхшиласанг бўларди.

Синфим томон борар эканман, директорнинг кейинги сузлари ҳақида ўйлаб қолдим. Ҳақиқатан ҳам ўқишим мақтанарли эмас эди. Ҳамон янги ўқиш мен учун ўқиш эмас, мактабга шунчаки келиб-кетардим. Кўпроқ эски халқ китоблари — дostonлар, диний руҳдаги ҳикояту ривоятларга қизиқардим. Фикр-уйларим ҳам уша китоблардаги воқеалар, ривоятлар билан банд эди. Руза тутиш, намоз ўқишни биринчи бурчим ҳисоблардим.

Директорнинг дашномлари бекорга утиб кетмаслигига кўзим етарди. Унинг дашномларидан кейин ўша кунни безовталиқ билан ўтказдим. Дам қариндош-уруғлар йиғилишиб, қилмишларимни муҳока қилаётгандек, дам шаҳардан қуролли кишилар келиб мени олиб кетаётгандек туюлаверди.

Эртасига катта танаффусда болаларни мактаб ҳовлисининг

энг кенг хонасига йиғишди. Мен беҳад безовталандим, дилим хиралашди.

Урта қаторда утирибман. Ён-веримга назар ташлайман, тенгдошларим орасида ҳар курганимда юрагимда ажиб бир ҳис уйғотадиган қиз ҳам бор. Унинг шаҳло кўзлари, оппоқ юзлари хиёл ҳузиқ, сочлари йўғон ва майин.

Мен шу қизни доим кўргим келаварарди. Унинг рўпара келиб қолишини ёқтираман. Бироқ у доим бепарво... Шунда бирдан ўқувчилар олдида директор пайдо бўлиб, хаёлим бўлинди.

Яна тўппонча воқеаси тилга олинди. Директор бор гапни ипидан игнасиғача айтди. Ундан сўнг бошқа муаллимлар сўзлашиб, директорнинг фикр ва хулосаларини қувватлаб, гап орасида ўқишим ҳам яхши эмаслигини таъкидлаб ўтишди. Директор менга нисбатан қаттиқ чора кўражagini айтди-да, мажлисни ёпди. Эндигина бир-иккита ўқувчи ўрнидан қимирлаган ҳам эдики, мен маъшуқамга назар ташладим. У менга қаттиқ тикилди-да:

— Бундан улган яхшимасми?! — деди.

Мен ўрнимдан туришга чоғланаётган эдим, қайтиб утирганимни сезмай қолдим.

Ҳаммадан кейин ўрнимдан туриб, бемажол юриб синфимга кирдим. Энг орқадаги ўриндиқлардан биттасига чўқдим. Уйладим: «Бундан улган яхшимасми?!» Директорнинг дашномларини ҳам, муаллимларнинг танбеҳларини ҳам унутарман. Бироқ менда сеҳрли ҳис уйғотиб юрган қизнинг бу сўзларини унутармиканман?!»

Одатда ҳар кун дарс машғулоти тугагач, қизлар, болалар уй-уйларига тўп-тўп бўлиб, ола-говур, шовқин-сурон билан қайтишарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бироқ бугун шаҳло кўзли қиз узини мендан четга оларди. Табиийки, менинг кайфиятим ҳам аввалгидек эмас. Хаёлимга яшин тезлигида бир фикр келиб, яна яшин тезлигида учарди: «Ўқиш керак экан-да!»

Отамнинг танбеҳидан қўрқардим. Назаримда, уйимиздан икки кўлимни боғлаб олиб кетишгаётгандек туюла бошлади.

Бу ҳодисанинг ниҳояси шу бўлдики, бир неча кун ўтгандан кейин отам мени ҳузурига чақиртирди-да, тўппончани сўради. Мен тўппончани унга бериб, жиддий танбеҳни кутиб турдим. Бироқ отам ортиқча бирор нарса демади. Антиқа бир нарсани томоша қилаётгандек тўппончани кўздан кечирди-да, деди:

— Бу ишинг бўмийди! Тез чой-нонингни е-да, қўйларингни чигар, болам.

Сўнг тўппончани олиб ичкари уйга кириб кетди. Мен узимни хиёл енгил ҳис қилгандай бўлдим. Кейин билишимча, шаҳардан кимлардир келиб, отамдан тўппончани олиб кетибди.

## Бир дунё ёруғлик

Опам дарвоза томон қулоқ тутди-да:

— Матёқуб! Бор, отанг келди, дарвозани оч, — деди.

Дарвозани очиб, отамни ва эшак аравада утирган Исмоил дойимни кўрдим. Дарров салом бердим.

Отам эшак аравани дарвозадан киритиб, ҳовлида айлантди-да, орқа томонини айвонга тўғрилади. Кейин аравада утирган одамни ёш боладай авайлаб кўтариб олди ва айвон учогининг юқори томонига обориб ўтқазиб қўйди. Опам уша заҳотиёқ икки-та-учта ёстиқни меҳмоннинг атрофига қўйиб чиқди.

Исмоил дойимни мен яхши биламан. Опамдан тортиб биз ҳаммамиз унга алоҳида ҳурмат билдирамиз. Ортидан фахр билан Исмоил дойим деймиз.

Исмоил дойим ўқимишли одам. Аксарият ҳолларда уни элда Исмоил эшон дейишади. Бухорода бир неча йиллар Айний домла билан бир пайтда ўқиган ва инқилоб рўй бериб, мадрасани битказа олмай қайтган.

Исмоил дойим ҳаммамизни жиянларим дерди. Ҳар келганда ҳаммамиз билан қуоқ сўрашар, ҳол-аҳволимизни суриштирар ва қилаётган ишларимиздан бохабар бўлишни истарди. Илмли одамларга хос алоҳида илиқлик бор эди бу одамнинг муомаласида.

Опам ҳам Исмоил дойимни беҳад ҳурмат қиларди. Бу гал ҳам унинг келишига анча тараддуд кўрди. Бир паловлик шolini офтобда қуриб, келида туйиб оқлади. Паловга етарли сариеғ йиғиб қўйди. Уйларни супуриб-сидириб саранжом қилди. Чойнак-пиёлаларни тозалади.

Отам Исмоил дойим билан қарийб тенгдош эдилар. Бундан ташқари гаплари-гапларига тўғри келар, шу боис узоқ-узоқ вақт, баъзан кеч хуфтонгача утириб суҳбатлашаварар эдилар. Уларнинг суҳбатини тинглаш мен учун ҳам мароқли эди. Бирор юмуш — чой дамлашми, қўл ювдиришми чиқиб қолса, дарров ўрнимдан туриб, бу ишларни ихлос билан бажарардим.

Исмоил дойимнинг қисматиға тегишли айрим маълумотларни ўша пайтларда эшитганман, тафсилотини кейинроқ аниқладим.

Исмоил дойим Бухородан 1925 йилнинг ёз ойларида қайтган. Сабаби, Фрунзе қўшинлари бу шаҳарни босиб олгач, мадрасаларнинг аксарияти, жумладан, Исмоил дойим ўқиётган мадраса ҳам ёпилган. Ҳатто шундай булган эканки, ҳукуматнинг буйруғи билан мадраса талабалари уз жойларига қайтарилган ва саводсизликни тугатиш мактабларида муаллим бўлиб ишлай бошлаган. Бу хусусда ҳар бир талабанинг қўлиға ҳужжатнома ҳам берилган. Бироқ бу талабаларнинг қисмати ҳар жойда ҳар хил бўлган. Исмоил дойим умрининг катта қисми қамоқхоналарда ўтган. У ГПУ — Давлат Сиёсий Бошқармаси томонидан бир йил-ярим йил қамоқда сақланиб, гуноҳи аниқланмагач, шартли равишда чиқариб юборилган. Яна бирор ваз билан қамоққа олинган.

У қамоқда ётганида кўп азоб-ўқубатлар чеккан. Оқибатда оёқлари шол бўлиб, юролмай қолган.

Исмоил дойимнинг уй-жойлари ҳам мусодара қилиниб, бола-чақаси билан бошпанасиз қолган. Ҳар хил тазйиқлар уни эл-

дан узоқлаштирган. У қишлоғимизнинг чеккасидаги катта тўқайнинг этагига қулба қуриб олган эди. Кейинчалик бу ер таниш-билиш, қариндош-уруғлар бориб турадиган зиёратгоҳдай жой бўлиб қолди. Мен ҳам у ерга кўп борганман.

Бир оз вақт ўтгач, палов тайёр бўлди.

Исмоил дойим толиқишдан сақланиш учун чўзиб утирган оёқларини қўли билан тортиб йиғиб олди. Мен обдаста билан дастжў келтириб қўл ювдирдим. Опам иззатли меҳмонларга мўлжалланган, сирланган бадиёга палов сузиб, Исмоил дойим билан отамнинг олдига қўйди. Биз қолганларимиз ёғоч товоқ атрофига йиғилдик. Овқатдан кейин Исмоил дойим қироат билан қуръон тиловат қилди. У оёқларини қўллари билан яна чўзиб қўйди-да, унғайроқ ҳолатга келиб, бемалолроқ ўтириб олди.

Сўхбат яна қуюқлашди. Исмоил дойим Бухорода қурган-кечирганлари хусусида гапирар, баъзан одоб, ақида ҳақидаги ривоятларни гапириб берарди. Шулардан баъзилари ҳали ҳам эсимда.

Исмоил дойим чўзилган оёқларини уқалаб, деди:

— Бухорода бир одам ўтган экан. У узига тўқ одам бўлган. Ушур-зақотларини вақтида бериб, садақалариниям жойига қўйган. Савоб ишларни ҳам анча қилган. Кунлардан бирида у оламдан ўтибди. Оллоҳтаоло уни тўғри жаннатга йўллабди. Бу одам Оллоҳ илтифотининг сабабини билмоқчи бўлиб, фаришта-ларга мурожаат қилибди:

— Мен қайси бир савоб ишим учун жаннати бўлдим экан?

Исмоил дойим оёқларини уқалашни бир зум тўхтатиб, гапим тушунарли бўляптимики, деган маънода бўлса керак, ҳаммамизни бир қатор куздан ўтказди. Кейин яна оёқларини уқалашни бошлаб, гапини давом эттирди:

— Фаришталар Оллоҳга унинг истагини етказибдилар. Оллоҳ шунда жавоб қилган экан:

— Бу банданинг савоб ишлари кўп: садақалар берди, етим-есирларнинг бошини силади. Куприклар қурди, қудуқлар қазиди. Бу ишларнинг ҳаммасини мен инъом қилган давлат ҳисобига бажарган. Булар яхши. Лекин уни бесўров жаннатга йўллаганимнинг сабаби бор. Кечаларнинг бирида у қўлида чироқ, йўлда кетаётиб, ердан ярми чиқиб турган бир гишт бўлагини қуриб қолди. Ер қаттиқ экан. Кўп уринишлар билан гишт бўлагини йўлдан олиб ташлади. Шу билан унга қоқиниб йиқилиши мумкин бўлган одамларни азобдан қўтқарди. Уни бесўров тўғри жаннатга йўллаганимнинг асл сабаби шудир.

Исмоил дойим Бухоро мадрасаларида тез-тез пайдо бўлиб турадиган бир донишманд одамнинг номини тилга олди. Афсуски, бу зотнинг исми эсимда қолмаган. Унинг айтишича, бу донишманд узун бўйли, барваста, салобатли одам бўлган экан. Амириликда катта лавозимда бўлишига қарамасдан мударрису талабалар билан доим учрашиб туришни ва шариат ақидалари, ҳаёт сабоқлари, илму урфон ҳақида сўхбатлар қуришни яхши қураб экан.

Мен Исмоил дойим муҳаббат билан эслаган бу зотнинг Аҳ-

мад Дониш бўлиши мумкин эканлигини кейинчалик тахмин қилдим.

Отам эски мактабларнинг ёпилиб, янги мактабларнинг очилиши ва уларда шариат ақидаларига тўғри келмайдиган дарслар ўтилаётгани, шундай булаверса мусулмончиликка зарар етиб, ҳамманинг кофир бўлиб кетиши мумкинлиги хусусида фикр билдирди. Отам, бу гаплар сенга тегишли, дегандек бир-икки менга ҳам қараб қўйди. Бироқ Исмоил дойим отамга ўзига хос донолик билан жавоб қилди:

— Ўқийнинг ёмони бўмийди! Кишининг дили тоза бўлса, Тангрини тан олса бас!

Исмоил дойим билан отам орасидаги бу сўхбат мени бир дунёдан иккинчи бир дунёга олиб чиққандек бўлди. Ҳар бир босган қадамимнинг маъносини тушуниб олаётгандек сездим узимни. Яна ўзим-ўзимга хулоса қилдим: «Ўқий керак экан!»

Икки кун меҳмондорчиликдан кейин отам Исмоил дойимни яна кўтариб эшак аравага чиқарди. Елкасидаги катта пўстинга яхшилаб ураб, тўқай чеккасидаги қулбасига олиб кетди.

Исмоил дойимнинг бу галги келиб-кетиши уйимизга бир дунё ёруғлик олиб киргандек бўлди.

## Узилган бармоқлар

Қўшнимиз Юсуф бобонинг ери бизнинг уйимиздан шимолда, Оқтиш уқариги билан катта сув — Ғарровнинг оралигида бўлиб, тахминан икки танобча келарди.

Юсуф бобо баланд бўйли, қоқ чакка ва қотма одам эди. Ўзига ярашган сийрак, узун соқоли куксига тушиб турарди. Орқаворотдан уни Юсуф кал ҳам дейишарди.

Бугун мен Юсуф бобонинг ерида ғўза култивациясидаман. Оддий тилда бу ишни «оқучка» деб ҳам айтишарди. Ўша пайтларда ғўза култивациясига мўлжалланган бу мослама эндиликда музейлардагина учрайди, холос. У кўринишидан кунда — омонга ухшаб кетади. Фақат битта фарқи шуки, олдида гилдираги, орқасида иккита тутқичи бор. Мосламани от ҳаракатга келтиради. Бир одам отни етаклайди, иккинчиси орқада култиваторнинг тутқичларидан тутиб, жўяк бўйлаб юргизади. Мосламанинг тишлари жўякдаги бегона ўтларни илдизи билан кесади-да, юмшоқ, нам тупроқни ағдариб, ғўза тубларига жойлайди.

Ғўза навлари ҳам ўша пайтлари бошқача эди. У вақтдаги ғўза яйраб ўсар, ҳар томонга шох отиб жўякни бекитиб қўярди. Шу сабабдан жўяк оралаб юриш ҳам осон иш ҳисобланмасди. Бироқ Юсуф бобо учун бу қийинчиликлар ҳеч гап эмасди. Иш эса қарийиб тинимсиз давом этарди. Фақат от ўта чарчаганда унга дам берардик. Юсуф бобо отни уловидан бўшатиб, уватдаги ўтларга қўйиб юборарди. Узимиз ҳам бир чеккада ўтириб ҳордиқ чиқарардик. Култивациядаги от жамоалаштиришдан олдин Юсуф бобога тегишли эди.

Табиатан мўсафидлар билан сўхбатни яхши қурганлигим-

дан, дам олиб утиганимизда Юсуф бобога ҳар хил саволлар бериб, уни гапга солардим. Бир гал унга:

— Нега ишлайверасиз, қариб қолмайсизми? Ёшлар ишласа бўмийдими?— деб хайрихоҳлик билдирган бўлдим. Юсуф бобо кичкина кузларини менга тикиб, қараб қолди... «Айтсам сен тушунармикансан?» деган маъно бор эди унинг бу қарашида. Бироз унғайсизландим. У ҳолатимни сезди шекилли, жавоб қилди:

— Бу отни ҳаммаям мендек етаклайвермийди. Бир одамча ақли бор мунинг. Жиловига бошқа одамнинг қўли тегдими, бўлди — ҳар хил қилиқлар чиқаради. У одамга-ғу барибир, отимга ачинаман, отимга қийин. Шунчун ўзим етаклаганим маъқул.

От уватдаги ўтларни бир чеккадан еб, биз утирган жойга яқинлашди-да, қаттиқ пишқирди. Ундан мен чўчигандек бўлдим. Юсуф бобо хурсанд бир ҳолатда менга назар ташлади. Кейин отига қараб:

— Яхши, яхши!.. — деди ва бироз жим қолгач, паст овозда қўшиб қўйди. — Сов от шундай пишқиради.

Кўп утмасдан яна ишга тушдик. Тушлик пайтда мен уйга бориб, тамадди қилиб келиш истагини билдирдим. Юсуф бобо рухсат бермади.

— Шу ерда чой ичамиз! — деди.

Илгари Юсуф бобони мен шу ерда кўрганларим хаёлимда тиклана бошлади. Бобонинг бу ерни сув билан таъмин қиладиган битта чигириги — чархпалаги бўларди. Унинг ёнида чортак, эрта баҳордан то кеч кузгача бобонинг ҳаёти шу ерда утарди. Ёзнинг аксарият кунларида чигир сув шопириб турар, Юсуф бобо чигир ўқини айлантираётган отнинг оғзига беда тутиб ўтирган буларди ёки солма ёқалаб сувнинг оқимини тўғрилаб юрган бўларди. Ҳордиқ чиқараётган пайтлари отини бирор дарахтга боғларди-да, олдига ўт солиб, ўзи эски наматын ташлаб, дам оларди.

Бугун уйлаб кўрсам, Юсуф бобо бамисоли чумолининг ўзи эди. Доим ҳаракатда, нима биландир банд. Хуллас, шу икки таноб ернинг нимаики иши бўлса, унинг бўйнида. Бирор марта кимнидир кўмакка чақириб, кимдандир мадад сўраганини эслай олмайман. Ўзи экади, ўзи теради...

Юсуф бобо чой ўчоқда қайнатилган тунчага бир чимдим қуруқ чой ташлади-да, чортакнинг устунига илиб қуйилган тугунчани олиб, ўртага қўйди. Ундаги иккита зоғорани баҳам кўрдик. Яна гурунг бошланди.

— Сен ёшсан, бу ерларда униб-ўсиб ўтганларни билмийсан. Бу ер, — деди-да, боши билан имо қилиб, ўша икки таноб ерни кўрсатди, — менинг куз очиб кўрган ерим. Хива хони васиқаси билан берилган менга. Мен унинг ҳар пойини биламан. Неринда кичик ўт усажогиниям, неринда не экин нечалли ҳосил беради, униям биламан. Ўзимни парзандимдай, энамдай яқин кўраман шу еримни. Гаҳ вақтлар турпоғини олиб кўзимга суртаман. Шу сабабли пахтани менга хайри бўлавермаса-да, ҳамма ишини ўзим этгим келади — тўгинини ўзим тўқдим, сувини ўзим тутдим. Экишда ҳам ўзим бошинда бўлдим. Ина, бугун сенминан ишлаб юрибман.

Гап айланиб, яна отга тақалди. Кўп отларнинг қисматини яхши билардим. Жамоалаштиришдан кейин кўписи от қадрини билмаганлар қўлига тегиб хор-зор бўлди.

Юсуф бобо эсидан чиққан муҳим бир нарсани эслагандек жонланиб олди.

— Ҳозирча бу отнинг бахти унғ. Уғлим Жуман ҳосилот бошлиғи. У миниб юради бу отни. Шундан бу отга бошқалар дахл қилавермайди. Қистовли вақтлардагина ишга чиқарилади. Унда ҳам ўзим олиб чиқаман.

Чигир устунига боғланган от олдидаги ўтни еб бўлган эди. Худди гап ўзи ҳақида бораётганини сезгандек депсиниб қўйди. Юсуф бобо ялт этиб отга қаради.

— Туёқларини қара мунинг, — деди бир отга, бир менга назар ташлаб. — Отбоқишни ҳам билиш керак. Уни ювиб-тарашдан ташқари, туёқларига ҳам қараб туриш керак. Туёқлари нотўғри усса, отнинг юриши қийинлашади. Ина, қара отнинг туёқларига, яқинда Тошовузга обориб отни сейсларга кўрсатдим. Туёқларини йундирдим. Қара, ҳаммаси текис, юришига унғай...

Тушлик тугагач, яна ишга киришдик. Аввалгидек отни Юсуф бобо етаклади. «Мен етаклий қолий» деганимда бир сўз билан жавоб берди:

— Унғоролмийсан!

Кечга қараб, ишимиз суръати бироз сусайгандек бўлди. Даланинг адоқ томонига Юсуф бобонинг қўли етиб боравермайдиган бўлса керак, ернинг бу қисмини ажриқ босган эди. Бунинг устига Гарров буйида осмонўпар оқ теракларнинг илдизлари атрофга кенг ёйилган бўлиб, култиваторнинг юришини қийинлаштиради. Бироқ Юсуф бобо учун булар писанд эмас. У ҳамон отни етаклар, от ҳам унинг амрига бўйсунган ҳолда кучаниб бўлса ҳам култиваторни тортиб борарди. Ернинг муюлиши анча торайди. Отнинг айланиши қийинлашди. Бир маҳал жўяк охирида Юсуф бобо отнинг жиловини бурди-ю:

— Воҳҳ! — деди.

Мен бобога ишончим катта бўлгани учун унинг «воҳҳ» деганига кўп ҳам эътибор қилмадим.

— Ҳароми! — деди-да, ўтириб олди ва оёқ панжасини қисмлади. Унинг оёгидан сирқираб қон оқаётганини кўриб қолдим. Чўзиқ юзлари буришиб, узун соқоли кўкрагига босилган эди.

Табиий, мен бу ҳолатдан сескандим. Йилнинг уч фасли — баҳор, ёз, куз ойлари бобонинг оёғида оёқ кийими кўрмаганим хаёлимдан ўтди. Юсуф бобо бир оздан кейин, бошини хиёл тиклади-да, терисида осилиб турган иккита бармоғини бир зарб билан юлиб олди ва бир чеккага қўйди. Урнидан туриб, чортак томон хиёл оқсаганча тез юриб кетди.

Мен отни култиватордан бўшатдим, тераклардан бирига боғладим ва Юсуф бобо кетидан чопдим.

Бобо шошилган ҳолда чўп-чорни йиғиб ўт ёқиб юборди ва ўзи ўтирадиган наматын бир парча кесиб олди. Уни ўтда куйдирди. Оёгидан ҳамон қон оқарди. Бобо наматын куйганини

олиб, совигач, оёғига босди ва белбоғидан йиртиб олиб маҳкам боғлади.

Ярим соатлар чамаси утар-утмас, Юсуф бобонинг юз-күзлари аввалги ҳолатига келди. Чортакнинг бир чеккасида турган чориқ-ни оёқларига илди-да:

— Кетдик, ишни куториб қуяли, — деди. Чортак бурчагида турган белкуракка ишора қилди. — Олиб юр.

Иш жойимизга қайтиб борганимизда от худди ўзини айбдор ҳисоблагандек, жим турарди. Ён-веридаги утларга ҳам буйнини чўзавермасди. Бобо отга қараб:

— Зонғор! — деди. Бироқ унинг юзида отга нисбатан оғир койиниш аломатлари йўқ эди.

Юсуф бобо кўлимдаги белкуракни олди. От боғланган те-ракзор орасида оёқ босавермайдиган бир жойни танлади-да, кичкина чуқурча қазиди. Узилган иккита бармоғини олиб келди-да, чуқурчага кўмди. Тиззаларини букиб ерга утирди-да, қуръон тиловат қилди.

Бобо отни ечиб олиб, яна култиваторга қўшди.

Биз ишни тугатганда қуёшнинг қизил гардиши ер қаърига чуқаётган эди. Бобо оти билан чортакда қолди. Мен уйга кетдим.

Эртасига қуй боқиб юриб Юсуф бобонинг ери адоғига бориб қолдим. У буён уриб юрган эди. Менга кузи тушди-да:

— Бай ишладик-да, сен минан-а ҳў куни, — деб қўйди.

## Она фиғони

Шаҳар шифохонаси. Қабулхонадаман. Оқ халатли икки жу-вон олдида турибман. Мен уларга бемор олиб келганлигимни айтдим.

Саккиз чақирим йўлни эшак аравада босиб ўтиш осон бўлма-ди. Эшак жуда секин юрар, «их-их»лаган билан қадамини тез-лаштиравермасди. Эшак аравада ётган Ражаббой акам дам-бадам инграр, сўлгин юзларида мунчоқ-мунчоқ тер томчилари пайдо буларди. Шаҳар шифохонасига биринчи келишим, шу боис уни суриштира-суриштира зўрга топдим.

Оқ халатли аёллардан бири:

— Беморни олиб кириб, — деди.

Мен Ражаббой акамнинг кўлтиғидан кўтариб, суяб секин ич-карига олиб кирдим.

— Ҳозир дўхтир келади, — деди ҳалиги аёл.

Ҳамширалар тилидан «Яшков, Яшков» деган сўзларни эшит-дим. Шундан англадимки, келадиган дўхтирнинг фамилияси Яш-ков. Бу фамилия таниш эди. Халқ орасида «Яшков фалончининг қорнини ёрганмиш», «Фалончининг синган кўлини тўғрилаган-миш», деган гаплар қўлоғимга чалинган.

Бир оз вақтдан кейин хонага оқ халат кийган, бурнининг тагида кўнғиз сифат мўйлови бор, жиккаккина рус киши кириб келди. У аёлларга қараб ўз тилида нималардир деди. Мен унинг

муомаласидан «Нима гап?» деяётганлигини англадим. Аёллардан бири курсида букилганча ҳамон тер босиб утирган Ражаббой акамга ишора қилди-да:

— Большая... — деди.

Яшков Ражаббой акамнинг олдига келиб, унинг қош-қовоқ-ларини кўтариб, кўзига тикилди. Томоғини, тилини кўрди. Кейин ўрисчалаб нимадир деди. Аёллардан бири таржима қилди:

— Қаеринг оғрияпти, деб сураяпти.

Ражаббой акам кўлини секин ҳаракатга келтириб, бошини, унги биқинини курсатди. Яшков Ражаббой акамнинг уст-бошига разм солиб, ниманидир пайқагандек булди-да, деди:

— Сеники не работа?

Мен Ражаббой акамнинг жавобини кутмасдан:

— Ғузага дори сепдик! — дедим.

— А, ха, понятно!

Ражаббой акамни ичкарига олиб кириб кетишди. Бир оздан кейин унинг кийимларини чиқариб беришди. Мен эшак аравани миниб қишлоққа қайтдим. Йўлда кетарканман, Ражаббой акам-нинг бутун қиёфаси, унинг хулқ-атвори кўз олдимда гавдаланар-ди. У безори ўқидан учган амакимдан қолган уч ўғилнинг ўртан-часи бўлиб, энди йигит бўлиб, кучга тўлган пайти эди.

Ражаббой акам ўта содда эди. Ер ҳайдаш, аравада гунг та-шиш ишларида отам билан баробар ишларди. Шу боисдан бўл-са керак, отам Ражаббой акамга беҳад меҳрибон эди.

Эшак бир маромда қадам босади. Фақат йўлнинг нотекис ерларига келганда арава галт-ғулт қилиб ҳаёлимни булади. Ат-роф-тўқайларга, экинзорларга, эски ёп — сув оқмайдиган ариқ-ларга назар ташлайман. Яна ҳаёлим Ражаббой акамга кетади.

Унинг учун ишнинг яхши-ёмони йўқ эди. Бригадир нима юмуш буюрса, йўқ демас, шайланиб ишга тушаверарди. Кунлар-нинг бири у мени олдига чақириб:

— Юр! Колхоз омборига бориб келамиз. Дори олиш ке-рак, — деди.

Мен унга эргашдим. Колхоз омборчиси бир чеккада турган иккита уюмни курсатди-да, бепарвогина оҳангда:

— Мана шуннан оласизлар, — деди.

Ражаббой акам оқ дори уюмидан ярим қопча, сариқ дори уюмидан ярим қопча олиб бир жойга тўқди-да, бақувват панжа-лари билан иккаласини обдон аралаштирди ва яна қопга солди. Қопни энгилгина елкасига олди-да, уйга обкелиб, эшик олдида деворга суяб қўйди. Кейин бригадир келтириб берган антиқа мосламага бир қисмини жойлади.

Бу мосламан мени биринчи куришим эди. Мослама ёнида кичкина халтачада яна нималардир бор эди.

— Юр, кетдик! — деди Ражаббой акам.

Ёз эшигимиз олдида «орқа ер» деб аталадиган еримиз бў-ларди. Ражаббой акам унинг бир чеккасига борди-да, кўк бўёққа бўялган бу мосламан икки томондан боғланган мато қайишлари билан елкасига ўтқазди.

— Буни пургакич дейдилар, — деди у қайишларни икки киф-

тидан кесасига утказиб, мосламанинг пастки томонига боғлаётиб. — Мана энди ишни бошлайверсак бўлади.

Мосламанинг чап томонида ҳозирги чанг ютгичнинг қатлам-қатлам брезент қувурини эслатадиган тутқичи ҳам буларди. Унинг учиди металл қувури. Қувурни тутиб, керак жойга тўғриларди-да, унг томондаги дастак бир-икки марта пастга-юқорига ҳаракатга келтириларди. Натижада қувурнинг учидан пуркалиб дори сочиларди.

Ражаббой акам уч-турт жуякка дори пуркади-да, ўзи озгина дам олиш учун менга навбат берди. Мени аяганидан бўлса керак, бир жуяк бориб келганимдан кейин мосламан яна ўзи елкасига илиб олди. Шу йўсинда иш кечгача давом этди. Ражаббой акам бир неча кунлаб шу иш билан банд бўлди.

Бир кун утиб, иккинчи кун мен шаҳар шиfoxонасига бордим. Ражаббой акамга емишлар олиб келдим. У ётган хонага кирдим. Кўрдимки, унинг аҳволи анча оғир. Хонадан чиқиб равоқда туриб қолдим. Шу пайт кўнғиз мўйловли дўхтир — Яшков йулақдан ута туриб, олдимга келиб тўхтади ва бармоғини чўч-чайтириб қўлини ҳавода бир неча бор такрор-такрор чайқади. Менга танбеҳ бераётгандек:

— Дуст, дуст, — деди. Тушунмаганимни англади шекилли, «бурга дори» деб изоҳлади-да, унг биқинини кўрсатиб «шу ерда» деди ва тез юриб утиб кетди.

Равоқдаги курсилардан бирида анча вақт утириб қолдим. Уйлаб шу хулосага келдимки, дўхтир айтган «дуст» деган дори халқ орасида «бурга дори» деб аталиб, уни бемалол хоналарга, тушалган кигизларнинг тағларига сепиларди. У сепилгандан кейин уйда на бурга қолар, на суварак, на чумоли.

Яшковнинг қарови бекор кетмади шекилли, Ражаббой акам бир ярим ой чамаси ётгач, бир оз ўзига келди. У энди илгаригидек барваста, тоғни талқон қиламан дейдиган йигитлардан эмас эди. Дўхтир ҳам унга «Энди сен кучли овқат ема, оғир иш қилма», қабилида маслаҳатлар берибди.

Мен Ражаббой акамни эшак аравада қишлоққа олиб кетдим.

\*\*\*

Мен фронтда юрган пайтларимда Ражаббой акамни бетоблигига қарамасдан ишчи батальонига сафарбар қилишибди. Урушдан қайтиб келганимда у ҳам қисқа муддатга таътилга келибди. У ҳамон озгин, нимжон эди. Таътилга келди-ю, яна аввалгидек ётиб олди. Яна ўша касал. Мен уни аввалгидек яна ўша шиfoxонага олиб бордим. Уша Яшков билан учрашдим. У Ражаббой акамни кўздан кечирди-да:

— Сени ким юборди рабoчий батальонга? — деди ва бироз уйланиб тургач: — Бу — преступление! — деди.

Дўхтирнинг юз-кўзларида ғазаб ўйнади. Қабулхонада утирган оқ халатлилардан бирига ишора қилиб: «Буни дарров фалон палатага ётқизинглар», деди.

Бир ойлар чамаси ўтар-ўтмас мен яна ўша эшак аравада Ражаббой акамни қишлоққа олиб кетдим. У ҳаётдан кўз юмган эди.

Кийишжон момоннинг фиғони фалакка чиқди. Катта ўгли Эрка акам фронтдан ногирон бўлиб қайтган эди. Кичик ўгли Жумабой урушда дом-дараксиз кетди. Бугун Ражаббой акамдан ажралди. Она учун бундан ҳам даҳшатлироқ йўқотиш бўлмас керак.

## Оппоқ кийинган тенгдошим

Ёз эшик олдидаги бостирма соясида утирибман. Тагимда увадаси чиққан эски намат. Олдимда ранги ўчган матодан тикилган дастурхон. Дастурхонда иккита зогора. Бир меъёрда чой хўплайман. Чойни энам келишимга дамлаб қўйган. У одатдагидек кичкина наматчада ҳассасини олдига қўйиб, деворга орқасини бериб утирибди. Ҳар вақт-ҳар вақт менинг нима ишларни бажарганим ҳақида қизиқиб сўрайди-да, яна жим бўлади. Орасира:

— Худойим, ўзинг панойингда сақла! — деб ҳам қўяди.

Кун иссиқ. Шунга қарамасдан чой жуда ёқимли сезилади. Зогора ҳам ҳар доимдагига нисбатан мазалидек. Теварак-атроф кўзга бошқача бўлиб кўринади. Рўпарамда, тахминан ярим чақиримча келадиган жойда гарров (анҳор), ҳўкки пояпул. Икки қишлоқ орасидаги қатнов бир одам сифадиған мана шу пояпул орқали эди. Бир маҳал пояпул устидан ўтиб келаётган оқ кийимли кишини кўрдим. Йўлнинг эшигимиз олдидан бурилиб кетадиган жойига келганда унинг кимлигини сездим. У — болаликдан бирга ўйнаб, бирга ўсган, мактабга бирга қатнаган тенгдошим Жумабой Бобониёзов эди. У билан қуришмаганимизга анча булган. Энди биз томон айланиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, хоразмча ибора билан айтганда, ноннинг тузини татиб, бир пиёла чой ичиб кетиши лозим эди. Бироқ у айланмади. Ҳол-аҳвол сўрашишни ҳам лозим кўрмади. Қандай келаётган бўлса, шундай бир маромда қадам босиб ўтиб кетди. Ғалати ҳолат пайдо бўлди менда. Устибошимга назар ташладим. Оёғимда эски йиртиқ калиш, устимда у ер-бу ерига ямоқ солинган камзул, бошимда акаларимнинг қайси биридир кийиб эскиртган папоқ.

Мени турли хил ўй-хаёллар чулғаб олди. Ичаётган чойим ёқимсиздек сезилди. Атрофга яна назар ташлайман. Бостирма тагининг бир чеккасида гумбазсифат қурилган ва атрофлари тутун билан қорайган чой-уочқ хунук бўлиб кўринди кўзимга. Орқа ернинг нарёғидаги ҳар бир чўпи менга таниш булган тўқай ҳам сўё ёт эди. Бостирма чўплари орасида полапонларига емиш ташиб, учиб-қўниб юрган чумчуқларнинг чирқ-чирқлари ҳам асабимни кўзгатаётгандек.

Ўрнимдан турдим. Энам ҳолатимни пайқайди шекилли, олдида ётган ҳассасини бир кўзгаб қўйди-да:

— Нега чойингни охиригача ичмадинг, болам? — деди.

— Ҳеч, узим, — дедим-да, ҳовлининг адоқ томонига йўл олдим. У ерда ичкари меҳмонхонадан эшик очилиб, Эрка акамлар бостирма қуришган. Улар ўша жойда истиқомат қилишарди. Кийишжон момон нима биландир банд эди. Унинг кенжаси —



Жумабой патефонни айлантриб, ашула эшитиб утирибди. Менга бу ҳам татимади.

Жумабой кайфиятимни сизди шекилли, патефонни йиғиштириб куйди-да, мени гапга солмоқчи бўлди.

— Бир гап бор, эшитдингми?

— Нима гап экан?

— Боғолар ухувго кетвотир эканлар, улар Андрейда еттинчиси куториб кеганлар-ғу; биласан-ғу.

Андрей уша даврдаги Тошхөвүз районининг маркази эди. Район буйича биринчи интернат шу марказда очилган, тенгдошларим шу интернатни тугатишган эди.

Уқишга кетаётганлар кимлар экани билан қизиқдим. Жумабой уқишга кетаётганларни номма-ном санаб берди. Бу номлар орасида ҳозиргина менга салом бермай утган оппоқ кийинган тенгдошим Жумабой Бобониезов ҳам бор эди.

Жумабой гапларини тугатар-тугатмас, қизиқ бир ҳолатга тушдим. Кузларим тиниб кетаётгандек бўлди. Бошим умуман фикр қилишдан холи бўлиб, борган сари оғирлашаётгандек туюлди. Жумабойнинг навбатдаги гапи миямга урилди:

— Сен кетолмийсан, ухувдан қолиб кетгансан. Менинг-ғу бормоқ ниятимам йуқ.

Гапиришга айланмай турган тилимдан садо чиқди:

— Нерга кетар эканлар?

— Чоржуйга педтехникумга! — деди.

— Нишетиб кетар эканлар?

— Обкетмага одам кепти, Чоржуйдан.

Қишлоғимиздаги тўлиқсиз ўрта мактаб ёпилганди. Тенгдошларимнинг аксарияти бошқа қишлоққа интернатга ўтиб кетишган эди. Мен эса улардан бир синф орқада бўлганим учун уқишдан қолиб кетган эдим. Ҳозир колхозда ишлаётган эдим.

Жумабойнинг гапидан сунг бир зум уйга толдим. Гуё тенгдошларим эрта-индин саф тортиб, Чоржуйга жўнаб кетади-ю, қишлоқда фақат бир ўзим қоламан. Ҳамма менга таъна қилади: «Тенгларинг ўқишга кетади, сен, мана, юрибсан». Бирданига миямга янги фикр келди.

— Ким экан у, обкетадиган одам?

Жумабой кулимсиради:

— Нега керак у сенга?

— Ҳеч, узим.

— Районда экан. Кўпроқ бозорда юрар экан. Аскар кийимда экан.

Шундан кейин миям хиёл тиниққандек бўлди. Дарров қандайдир режалар хаёлимни чулғаб олди.

— Эртанг бозор-а? — дедим.

— Ҳа. Бозорда ишинг борми?

— Ховва!

Уша кун кечани қандай утказганимни билмайман. Эрталаб бор кийимларимни янгилаган бўлдим. Энамдан пул олдим-да, бозорга жўнадим.

Тошхөвүз бозори уша вақтларда анча гавжум эди. Қўлда ки-

йим сотадиган жойни топиб, битта оқ қўйлак, битта шимга ухшаган кийимни харид қилдим. Кейин бозор айландим. Гилам сотиладиган дўконнинг турида ким биландир суҳбатлашиб, чой ичиб ўтирган ҳарбий кийимдаги одамга кўзим тушди. Унинг устида зобит гимнастёркаси ва галифей, оёғида ялтироқ кавказ этиги. Икки ёқасида тўртбурчак шаклидаги учтадан қизил ялтироқ белги. Дўкон олдида туриб, бир оз кузатдим. Унинг талаффузи хивача эди. Бир оз тутилиб-тутилиб гапирарди. Дўкончидан руҳсат сураб, турга ўтдим. Уша одамга яқин бордим-да, салом бериб:

— Сиз Чоржуйдан келганмидингиз? — деб мурожаат қилдим.

— Ховва, Чоржуйданман! — деди у.

Тахминим тўғри чиққанидан хурсанд эдим.

— Менам ухувго борожоқ эдим.

— Дм яхши, ҳужжатлар борми?

Мен лол қолдим. Менда ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Тўлиқсиз ўрта мактабнинг ёпилиши муносабати билан мен ўқиётган синф ҳам тарқатилган. Ҳамма синфдошларим қатори ўқишсиз қолганман. Бир оз ўйлаганимдан кейин:

— Ҳужжат обкеаламан, — дедим.

Эртаси, бозордан олган оқ кийимларимни кийиб кучага чиққанимда, уша пайтлари қишлоқнинг ҳар бир нуқта, ҳар бир белгисини қоғозга тушириб, масофаларни дурбин билан ўлчаб юрадиган ёш урис йигит билан учрашиб қолдим. Унинг менга кўзи тушди-ю, кулимсиради.

— Сеники белий бугун, — деди у кўйлагимнинг энгини ушлаб куриб. Кейин шимга ухшаган кийимимга разм солди-да, яна кулимсиради.

— Бу — колцон.

Колцон сўзини тушунмаганимни пайқади шекилли, шолворини кўрсатиб, ичидан кийиладиган кийим эканлигини аңглатди.

Олдин мен бу гапларга бепарво бўлдим. Бироқ кейинроқ таъсир қилди-да, кўйлакни ҳам, шимсифат кийимни ҳам ечдим.

\*\*\*

Чоржуй педтехникумидан ўқувчи олиб кетиш учун келган ҳарбий кийимли одам Исмоилов эди. У асли хивалик бўлиб, техникумда ҳарбий ишларни бошқарар экан. Кейинчалик у бизга ҳарбий ишлар буйича дарс берди. Мен бу одам билан урушдан кейин ҳам учрашдим. У Тошкентда 110-мактабда ўқитувчилик қилар экан.

Оппоқ кийиниб, менинг кўнглимга гўлгула солган Бобониезов Жумабой техникумнинг учинчи курсидан армияга сафарбар қилинди. Афсуски, у урушдан қайтиб келмади. Эшитишимча, унинг урушда бедарак йўқолгани ҳақида хат келган экан.

## Жой кўмак

Қўлимда капча. Пишитилган лойга капчани ботираман-да, оқорида пеш қўйиб турган кишига отиб узатаман. У тахминан ярим пудча келадиган лойни ҳавода қопчиб — илиб олади-да, мўлжалидаги жойга салдам билан уриб ёпиштиради. Сиртки томонида холи бўлиб кўринган жойни мушти билан уриб-уриб ёпиштириб ҳам қўяди. Унгача шеригимнинг лойи ҳам етиб боради. Шу тарзда иш соатлаб давом этади. Тайёрланган лой охирагач, яна сал нарида тайёрланган лойга утилади. Лой отувчи-ю, пеш қўювчилар чарчаганларида қисқа муддатли ҳордиқ чиқариш учун чой дамлоғлик дастурхон олдига утадилар. Янги лой отувчилар ва янги пеш қўювчи ишга тушади...

Бугун мен нимагадир чарчашни билмайман. Тангри менга куч-қувват бериб тургандек. Баъзи ҳолларда мен билан лой отаётган шеригим чарчаб, ҳордиқ чиқаришга кетади. Унинг ўрнига бошқа йигит келади. Мен у билан ҳам ишни давом қилдиравераман. Қўлларим обдон ишга пишган. Шунга қарамасдан чап қўлимнинг икки жойида қабарик пайдо булди. Чунтагимдан дастурмолни чиқариб, қўлимга маҳкам боғлаб, яна лой отишни давом эттиравердим.

Хоразм воҳасида бу вақтларда хашар сўзи ишлатилмасди. Унинг ўрнига ҳар бир ишнинг номи айтилиб, кўмак сўзи қўшилди: «ўроқ кўмак», «туяк кўмак», «чигир кўмак» каби... Булар орасида энг машҳури «жой кўмак» эди. Ҳамқишлоқлардан кимдир қишлоқда уйма-уй юриб, «фалончиникига фалон куни жой кўмаккаау!» деб чақириб чиқарди. Кимнинг имконияти бўлса, баъзан бошқа ишларини йиғиштирган ҳолда жой кўмакка боришни лозим қўришарди. Халқ орасидаги бу анъана ҳанузгача давом этади.

Бугун мен бу ерга Сопорвой акамнинг велосипедини миниб, эрталабдан келганман. Жой кўмак бўлаётганлигидан асло хабарим йўқ эди. Чунки бу ер бизга қўшни қишлоқ ҳисобланиб, уни «Ёрмиш буйи» деб атадилар. Масофа жиҳатидан ҳам бу ер бизнинг уйдан олти-етти чакирим чамаси эди. Келиб кўрдимки, жой кўмак бошланаётган экан. Дарҳол ишга тушдим. Гуё мен ҳам уша чақирилганлар қаторидаман. Мени пайдо бўлишим ҳеч кимни ажаблантирмади ҳам.

Кўмак эгаси менга қадрдон одам. Уни Беким Войисов ёки Беким муаллим деб аташарди. Унинг шахсиятида одамни ўзига жалб қиладиган қандайдир жозиба бор эди. Уқувчиларга нисбатан юмшоқ муомалада бўларди. Қаттиқ танбеҳ беришлар, уришиб-суқишлар унга ёт эди. Уқувчилар ҳам уни яхши кўришарди.

Беким муаллим «Ёрмиш буйи»дан беш-олти чакирим масофани утиб келиб, бизга дарс бериб, яна қайтиб кетарди. Аксарият ҳолларда у эшак миниб келарди.

Шахсан менга нисбатан ҳам Беким муаллимнинг муносабати илиқ эди. У келган пайтларда мабодо мактаб олдида дуч келиб қолса:

— Ҳа, жиян, ничиксан, энанг яхшими, отанг яхшими? — деб сўрашарди.

Кунларнинг бирида мен оила даврасида «Бизни Беким Войисов ўқитяпти» деганимда отамнинг:

— Яхши бўпти, мусулмон одам, — дегани эсимда бор. Энам эса гапга қўшилиб:

— Беким бизарга қариндош бўлади, сен унга Беким дойим де, у мусулмонча китобларни яхши ўқийди, — деган эди.

Бугунги кўмак одатдагидек бир пахса лой қўйиш билан кечга бориб тугалланди. Кўмакчилар овқатни еб, чойни ичиб, хайрмаъзур қилишди. Бироқ мен кетишга шошилавермадим. Беким муаллим таажжубланди шекилли, бир менга, бир дарахт тагида турган велосипедимга назар ташлади-да:

— Тангри ёрли қолсин, жиян, по яхши ишладинг-да бугун. Энангга, отангга салом айт, — деди. Мен атрофга бир алангладим-да, бошимни қуйи эгдим. У сезгирлик қилди-да:

— Бирор гапинг борга ухшайди, — деб қолди.

Мен дарров жавоб беролмадим. У одати бўйича қўлимсирарди-да:

— Айтавур, бирор ишинг булса, тортинма, — деди.

— Менга, менга... — деб гапимни нима билан бошлашни биллолмай турдим.

— Айтавур, айтавур.

— Справка керак, ўқувго кетишга, Чоржуйга.

— Вой-буйи, шуни айтолмай турибсама, — деди-да, дарахт тагидаги кўмакчилардан бўшаган кигизга таклиф қилди. Тезлик билан ярми йиқитилган эски уйга кириб кетди. Бир зумда сиёҳдон билан ручка олиб чиқди. Қўлидаги оддий ўқувчилар дафтари-нинг бир варағини йиртиб олди-да, тўхтамасдан ёзди.

— Ина сенга справка, — деб қўлимга тутқазди, — Шурога муҳр қўйдир, булмаса бу қоғозга биров ишонмайди, — деб қўшиб қўйди.

Мен муҳим бир улжани қўлга киритгандек, хурсанд бир ҳолда велосипедимни етаклаб йўлга чиқдим-да, миниб уйга қайтдим.

Бир оз юргач, велосипеддан тушиб, шом қоронғиси бўлишига қарамасдан справкани ўқидим. Унда менинг исм-фамилиямдан кейин «б-синфни аъло битказди, еттинчига ўтди» деган сўзларни ўқидим. Мен беҳад хурсанд эдим. Велосипедда эмас, гуё осмонда учиб бораётгандек эдим.

Эртасига қишлоқ шўросининг ҳузурига бордим. У идорасида йўқ экан, уйга йўл олдим. Шўрони мен яхши танир эдим. У кўзлари хиёл қисик, чувак юзли, хушмуомала одам эди. Шўро эшигининг олдидаги бостирма тагида пашшахонага кўзим тушди. Оёқ товушимни эшитди шекилли, «кимсан» деган овоз чиқди пашшахона ичидан.

— Мен! — дедим ва отимни айтдим.

— Ке, не ишинг бор? — деди шўро. Мен муддаомни билдирдим.

У пашшахонанинг бир чеккасидан бошини чиқарди. Курдим-

ки, икки кўзи бир қушиб боғланган. У пайтларда ҳозиргидек хил-хил дорилар булавермасди. Кўзи огриганлар одатда чой ша масини кўзига боғлашарди. Шу тарзда кўз огригининг тузалиши- гача уч-тўрт кун қоронғи жой қилиб ётиб олиш кифоя эди.

Шуро чунтагидан нос халтани эслатадиган тугунчани олиб ечди-да:

— Ма, узинг босиб олоғой, — деди.

Мен уни олиб обдон «ух»ладим ва қўлимдаги ҳужжатни шуро узатган дафтарча устига қўйдим-да, муҳрни қаттиқ босдим. Ёзув- ларнинг ўқилиш-ўқилмаслигини кўздан ўтказдим-да, «Тангри ёр- ли қолсин» айтиб, жўнаб кетдим.

Ишим битган ҳисоби эди. Бироқ уни яна ҳам мустаҳкамлаш учун эртасига шаҳар кучаларидан излаб-излаб РайОНОни топ- дим. РайОНО мудирини ҳам танирдим. Уни Бўстон соқов дерди- лар. Гапирганда дудуқланар, баъзи сузларни икки-уч марта так- рорларди.

Мен кирган пайтда хонасида ким биландир баланд овозда сузлашаётган экан. Бир оз кузатиб турдим. Бироқ менга тез навбат келмаслигини англағач, иккисининг орасидаги стол усти- га қўлимдаги ҳужжатни қўйдим.

— Бу, бу ни? — деди мудир.

— Справка, шунга муҳр қилиш керак.

Мудир қўли билан котибасига ишора қилди-да:

— Обор, обор! — деди.

Бу ҳолни кузатиб турган котиба чаққонлик билан справкага муҳр босди.

Шундай қилиб мен ўқишга кетиш учун зарур бўлган ҳужжат- га эга булдим. Энди мен гуё арши-аълода эдим.

## Жайхун тўлқинлари

Пароход бир неча марта узун-узун гудок берди-да, ўрнидан қўзғалди ва Шарқ томон йўл олди.

Кўз олдимда ажиб бир манзара — кенглиги тахминан бир- бир ярим чақирим келадиган сув намоён бўлди. Бу — кўп ри- воятларга, баъзан даҳшатли воқеаларга сабабчи бўлган Жайхун!

Ёзининг иссиқ кунлари эди. Қуёш ботаётган пайт. Унинг охири- ги нурлари дарё сатҳи, сув тўлқинларида жилоланади. Ҳаётим- нинг бир босқичи тугаб, иккинчи босқичи бошланаётганини ҳис қиламан. Уясидан янгигина чиқиб, шохдан-шоҳга сакрашни машқ қилаётган қуш боласи ҳолатида эдим шу кез. Кейинги ярим ой ичида уйимизда бўлиб ўтган воқеаларни ўйлардим. Оиламизда менин сафарга чиқишимга бирор кимса рози бўлмади. Энам баъзан ўйга толиб:

— Худойим сени панойинда сақласин! — деб кўярди.

Онам:

— Ҳеч ким этмаган ишни этаётирсан, обада қайси бир одам бошқа жойларга бориб ўқиб кепти. Мен қўл-оёқсиз қоламан сенсиз, — дерди. Сафарга чиқишимдан уч кун олдин отам фер-

ма қуйини боқиш учун Қорақумга жўнаб кетди. Менга ҳеч гап айтмади. Ҳаммамизга бир-бир назар ташлади-да:

— Яхши, мен кетдим, — деди.

Отаниннг менга бўлган муҳаббатини яхши билардим. Наза- римда у киши «Бунинг кетганини кўрмай ҳам, куймай ҳам», деб шундай қилди. Мениннг Чоржуйга боришимнинг тарафдорлари Норжон опам билан Сопорвой поччам эди. Йўл харажати учун маблағни ҳам ушалар беришди.

Тасодифан тўғри келиб қолган юк машинасига чиққанимда Сопорвой поччам кузатиб қўйди. Опам ҳам поччам билан бирга эди. Ташхувоз ҳақрасининг кунботар тубидаги тупроғи тиззадан келадиган йўлдан машина газ бериб ўрнидан жилганда опам ортимдан йиғлаб қолди.

Урганч шаҳрининг ҳозирги универмагининг шимолида катта кунгурали ҳовли буларди. Шу ерда «Туркмантранс» идораси жойлашган экан. Юк машинаси бизни шу ерга туширди. Бироқ бу ердан Чоржуйга борадиган автомобиль топилмади. Ёғоч чама- донларимизни кучадан ушланган эшак аравага юклаб, тахминан ўн чақирим масофада бўлган дарё пристанига томон йўл олдик. Бу ерда ишимиз ўнг келди. Чамамда икки-уч соат утар-утмас пароходга чиқиб олдик.

Мана, «Пионер» пароходи ҳам биринчи чақиримларни босиб утаяпти. Оқимга қарши булгани учун пароходнинг юриши анча секин. Икки тарафдаги итаргич гилдиракларнинг шапир-шупири кучли. Пароход палубасининг тебранишидан пастдаги мотор қат- тиқ ишлаётганини сезиш мумкин.

Қош қорайиб бораётган бўлса ҳам дарё манзараси кўз қувна- тади. Унинг баъзи жойларида сув буралиб-тўлғониб дарё остида- ги лойқаларни юзага чиқаради. Баъзи жойларда эса сув хиёл тиниқ, оқим ҳам кучли эмас. Дарёнинг у ер-бу ерида тўронгил ва жигилдаклар усган оролчалар кўзга ташланади.

Пароходнинг ичига юк ортилган, биз ўн нафарга яқин тенг- дошлар палубага жойлашгандик.

Тахминан вақт хуфтондан ошганда пароход хизматчиларидан бири бизнинг ёнимизга келиб:

— Энди сизлар ётиб дам олинглар, пароход тонггача шу ерда туради! — деди.

Биз сафар кўрмаган ёшлар ёзги кийимда йўлга чиқиб нотўғ- ри қилганимизни англадик. Кечки шабада эсиб, баданимизни ялай бошлади. Этлар жунжукди, шу боис яланг тахта устида бир- биримизга ёпишгандек ётдик.

Эрта тонгда яна пароход хизматчиларининг гупур-гупур юри- ши, сўзлашувлари қулоққа чалинди. Пароходнинг мотори ишга тушиб, ўрнидан қўзғалди. Дарё шабадаси таъсирида дийдираб ўрнимиздан туриб, ўзимизни қиздириш учун ҳар хил ҳаракатлар қилдик. Атрофдаги манзара кечагига ухшамасди. Хуфтонда паро- ходнинг тўхтаганини эълон қилган хизматчи бизнинг ажабла- наётганимизни сезиб:

— Пароход орқага кетиб қопти, Урганчданам пастга утиб ке- тибди, — деди.

Хизматчининг гапларидан маълум булдики, кечаси пароход қайирга — дарёда пайдо буладиган қум уюмига урилиб, тўхтаб қолган экан. Тунда сув пароходнинг атрофини қовлаб, қайирдан бушатибди ва оқим билан орқага олиб кетибди.

— Саратон мавсуми дарё кутуради, бугун бу ердан оқса, эртага у ердан оқади. Пароходчиларга ҳам қийин, атрофдаги халққа ҳам, — деди хизматчи.

Пароход яна анча юрди. Вақт чошгоҳга етганда хизматчилардан бири:

— Ана, Тўрткулга келдик! — деди.

Тўрткул — воҳанинг катта ва гўзал шаҳарларидан бири экани билар эдик. Қизиқиб хизматчи курсатган томонга назар ташладик. Бироқ кўзимизга шаҳар кўринавермади.

— Ух-хуу, — деди хизматчилардан бири, — Тўрткул кўторибди, дагиш, дагиш.

У қошларини чимириб, атрофни кўздан ўтказди. Бир оз жимликдан кейин:

— Бутун бир шаҳар кетдов, — деб қушиб қўйди.

Пароход капитани синчковлик билан атрофга назар ташлаб, пароходни тўхтатишга жой изларди. Шу пайт гир-атрофга шох таратиб ўсган салобатли гужум дарё томон эгила бошлади. Бир лаҳзадан кейин шалоплаб сувга қулади. Лойқали сув тўлқинлари уни ямлаб ютгандек бўлди. Яна бир лаҳзадан кейин муъжаз қалъадек жой — ҳовлининг бир бурчагидаги кичикроқ минорани эслатадиган кунгура гўмбурлаб сувга қулади. Еру иморатлар қадам-бақадам шу ҳолда дарё қаърига нураб кета бошладилар.

Пароход Тўрткулда куп турмади. Кун оғиб, кеч кираётган пайтда «тошсоқа, тошсоқа» деган сўзлар қулоққа чалинди. Бу сўзни биз ҳам илгари эшитиб юрган бўлсак-да, маъносини англамасдик. Пароход капитани Собир ака изоҳ берди:

— Бутун Хоразм шу тошсоқадан сув ичади. Бу ерда ҳам дагиш бор. Ота-буваларимиз аҳолига сувнинг узлуксиз етиб боришини кўзлаб, шу тошлоқ ердан соға ёрғонлар.

Атрофини қоронғилик ўраб олаётган пайтда ҳаммамизни ҳайратга солган жойга етиб келдик. «Тўямуйин», «Дулдул ҳатлаган жой» деган сўзлар эшитила бошлади. Бу сўзларни ҳам илгари эшитгандик. Ҳатто бу ҳақдаги баъзи афсоналарни ҳам билардик.

Ҳазрат Али Шоҳимардон кофирлари билан қаттиқ жангга кирган экан. Дулдулини суриб душман изидан қувиб борар экан, дарёга дуч келиб қолибди. Дулдул бир сакраб оёқларини дарёнинг нариги қиргоғигача етказибди. Айтадиларки, уша жойда дулдулнинг излари ҳанузгача сақланган.

Кенг дарёнинг суви бу ерда икки тоғнинг орасидан сиқилиб ўтади. Оқимини кузатган одам ажиб бир ҳолатни куради. Сув бу ерда тўлгоқ тутаётгандек буралади, товланади, кўпиради. Баъзи уринларда сув тагидаги куч билан қабариб чиқади-да, яна пастга шунғийди. Бу жойдан пароходнинг ўтиши ўта хатарли. Капитаннинг зиғирча хатоси билан пароход тошга урилиб, чил-парчин

булиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боисдан капитан бу ерда узини ўта сергак тутлади.

Олти кун давомида Жайхун узра юқори томон суздик. Ниҳоят, дарё устида сирли тасма пайдо бўлди.

— Ана, кўпир, дарё кўпири, — деган овозлар эшитилди.

Шундай қилиб, биз уша даврдаги билим юртларидан бири жойлашган шаҳар — Чоржўйга етиб келдик.

## «Ўқийверса, ўқийверса...»

Чоржўй темирйўл бекати.

Поезд бир неча бор гуп-гуплаб, ўрnidан қўзғалди ва аста-секин тезликни ошира кетди. Вагон ичи иссиқ, дим. Кексароқ йўловчилар нафас олишдан қийналиб, тез-тез терларини артадилар.

Ўриндикнинг эшикка яқин бурчагида ўтирибман. Бироздан кейин йўловчилар тинчлангандек булдилар. Вагон эшигидан эса бошлаган энгил шабада баданни хиёл совитди. Йўловчилар ўзларини бироз энгил ҳис этдилар. Бир-бирлари билан ким қаерга бораётгани, қаердан келаётгани хусусида узук-юлуқ савол-жавоблар бошланди. Навбат менга ҳам етди. Менинг жавобим тайёр эди:

— Тошкентга, ўқишга!

Бу жавобимда ўзига хос қаноат ва гурур бор эди. Биз дўстим Жуманиёз билан Чоржўй бекатидан одатдаги ур-сур, тўс-тўполон билан вагонга чиқиб олдик. Иккимиз битта чипта билан чиққанмиз. Иккинчи чиптани олишга пулимиз етмади. Шу боис Жуманиёз қаерда, қайси бир бурчакка текилиб утирганини билолмайман. Бирон томондан кўриниб қолармикан деб вагон йўлагига қарайман.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтар-ўтмас дўстим йўлакда пайдо бўлди. Секин қулоғимга шивирлаб:

— Текшириб юрибдилар, мен вагоннинг устина чиқиб олам, — деди-да, ғойиб бўлди.

У пайтларда ҳозиргидек вагон бошқарувчиси чипталарни йиғиб олиб, ўзида сақламас эди. Ҳар кимнинг чиптаси ўзида буларди. Чипта текширувчилар ҳам куп булиб, қарийб ҳар бекатда поездга чиқар ва ҳар бир йўловчининг чиптасини махсус мослама билан тешиб берарди. Шундай қилиб, манзилга етгунча чипталар бир неча жойидан тешилган буларди.

Поезд бир маромда шиддат билан олға кетарди.

— Тақ-туқ, тақ-туқ, тақ-туқ...

Бурчакда қисилиб утирарканман, Чоржўйда ўқишда юрган пайтларим бир-бир хаёлимдан ўта бошлади.

Пароходдан тушгач, Чоржўйнинг ғарб томонида жойлашган педтехникумга кириб бордик. Атроф-муҳит мен учун мутлақо нотаниш. Куча томон Г ҳарфи шаклидаги бир қаватли иморат бўлиб, унинг ичкарасида ётоқхона жойлашган. Уртада ихчамгина хиёбон, унинг ёнида спорт майдони. Ўқишлар бошланди. Ўқи-

тувчилар мактаб муаллимларидан фарқли, қандайдир салобатли эдилар. Мактабдаги муаллимларга нисбатан билимдон, ҳам ўз ишларига масъулият билан қарардилар.

Ўқининг биринчи чорагида мен тенгдошларимдан анча орқада эканлигимни сездим. Ҳатто, деворга осиглиқ чорак ўқиш якунига бағишланган жадвалда фамилиям тўғрисида иккита қора бўёқли доира пайдо бўлди. Бу — мен икки фандан қаноатланарсиз баҳо олганимни билдирарди. Иккинчи чоракда қора бўёқли доиралардан халос бўлдим. Учинчи, тўртинчи чоракларда баҳоларим кўпроқ жигарранг ва қизил бўёқлар билан белгиланган бўлди. Демак, мен яхши ўқийдиган тенгдошларимга етиб олдим.

Техникумда ўқиш менинг дунёқарашимни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Илгари халқ китобларидаги жангу жадаллар, ошқ-маъшукларнинг саргузаштлари, афсоналар ўрнини моддий борлиқ хусусидаги илмий ихтиролар ва аксиомага айланган мушоҳадалар эгаллади.

Поезд ҳамон йўл босарди. Атроф манзаралар мен учун янги. Бекатлар кетидан бекатлар келади. Ҳар бекатда йуловчиларнинг бири тушиб, бири чиқади. Анча вақт ўтгандан кейин яна дўстим Жуманиёз пайдо бўлди.

— Вагоннинг устиннан тушиб келдим, — деди у.

Паровознинг тугуни унинг уст-бошини, юзларини қорайтирганди. Чунтагимдаги чиптани бериб, ўрнимни унга топширдим. Ўзим эса текширувчилар назарига тушмаслик учун секин бориб, вагон эшигини очдим-да, зинасида утириб олдим.

Поезд тезлигидан пайдо бўлган шамол юзларимни тимдалар, ўзимни учириб юборадигандек эди. Бир қўлим доим зина тутқичида. Поезд тезликни ошираётган пайтларда паровоздан чиққан аччиқ тутун бетимга уриларди. Поезд тезлиги бир маромга тушиб олганда анча тинчланардим. Ва ҳаёл дарёси мени ўз оқимига тортарди.

Техникумда дарс берган ўқитувчиларим бирин-кетин кўз олдимдан ута бошлади. Тўрақулов деган ўқитувчимиз бўларди. Табиатшунослик ва химиядан дарс берарди. Синфга кирганда унинг қўлида китоб тугул бирор қоғознинг парчасини ҳам кўрмасдик. Барча илмни ёддан ва эҳтирос билан тушунтирарди. Биз унинг сабоқларига жуда қизиқардик. Синфимиздаги талабаларнинг аксарияти ўзини биолог ёки кимёгар бўлишга мулжаллагани ҳам шу домла номи билан боғлиқ эди. Мен ҳам ўзимни биолог бўлишга чоғлаган эдим. Алиакбарова деган ўқитувчимиз ҳам бўларди. У математикадан дарс берарди. Менинг математикага қобилиятим паст эди. Бироқ Алиакбарованинг математика формулаларини куйиниб, жону дили билан тушунтирганлари боисидан менда бу фанга ҳам қизиқиш уйғонди. Муаллимларимиздан «фалон профессор бизга сабоқ берган», деган сузларни эшитганда, «профессорларнинг шогирдлари шу даражада бўлса, ўзлари қай даражада экан» деб уйлаб қолардим.

Кунларнинг бирида дарс тугади-да, талабалар йулакка чи-

қашди. Шу пайт Алиакбаровага кузим тушди. Менда у билан икки оғиз гаплашиш истаги тугилди.

— Уртоқ муаллим, — дедим унга, — ўқийверса, ўқийверса, профессор бўлиш мумкинми?

— Йўқ, — деди шунда Алиакбарова, — профессор бўлиш учун истеъдод керак.

Алиакбарованинг суз оҳанги жиддий, ҳатто саволнинг ноўринлигига ишора қилгандек беписанд эди. Мен уялиб нари кетдим. Муаллим ҳам йўлида давом этди.

Алиакбарованинг жавобидан кейин менда қандайдир ҳафсаласизлик пайдо бўлди. Ҳаёлимни банд қилган орзу-умидлар чилпарчин бўлгандек эди. Ўзимдан ўзим шубҳалана бошладим. Борди-ю, менда қобилият бўлмаса, истеъдод бўлмаса, келажак ҳаётим беҳуда утадигандек туюларди назаримда.

Мен ўз уйларим билан шу даражада банд эдимки, қаёққа кетаётганим, қандай аҳволда кетаётганимни ҳам унутгандек эдим. Паровоз чинқириги ҳаёлимни бўлди.

Тошкентга етиб келгунча дўстим Жуманиёз билан ўрин алмашувлар бир неча бор такрорланди. Ниҳоят, биз манзилимизга етиб келдик. Тошкент — катта шаҳар, Ўзбекистоннинг пойтахти, маданият маркази, кўп улуғлар ишлайдиган, яшайдиган жой деб эшитардик. Мана энди шу шаҳарда ўқиш ва яшаш бизга ҳам насиб қилаётир.

Эртасига дўстим Жуманиёз билан Туркменистоннинг Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш институти директори Абдуллаев ҳузурига бордик. Навбатимиз етиб, у бизни қабул қилди. Ўрнидан туриб, очиқ чехра билан кутиб олди. Одатдан ташқари мулозимат билан:

— Келинлар, келинлар, — деди. Биз ҳам узоқ вақтлар кўришмаган яқинимиздек сурашдик. Бунга ҳақли ҳам эдик. Абдуллаев илгари биз ўқиган Чоржўй педтехникумининг директори эди. Тошкентга яқиндагина ишга утган эди. Кутилмаганда ўзига яқин кишиларга дуч келганидан у хурсанд бўлди. Хужжатларимизни бир-бир кўздан утказди-да, аризамизнинг бурчагига қўл қўйди ва ўрнидан туриб бизга яхши истаklar билдирди:

— Қишлоқлар ўқитувчиларга зор. Тошкентда ўқиб, илм олиб, ёш авлодни тарбиялайдиган педагог буласизлар. Сизларга ўқишда муваффақиятлар тилайман.

Сентябрь ойининг бошларида ўқиш бошланди. Илгари фақат орзуимизда юрган доцент ва профессорлардан дарс ола бошладик. Айниқса тилшунос доцент Фаттоҳ Абдуллаев, йирик психолог, профессор Ивановнинг сабоқларини тинглаш биз учун мароқли эди.

Абдуллаев эллигинчи-олтмишинчи йилларда республика миқёсидаги масъул ишларда хизмат қилди. Узоқ вақтлар Ўзбекистон Олий Совети раисининг котиби вазифасини адо этди. Кейинги қисмати менга маълум эмас.

## «Тур, уруш бошланди!»

Самарқанд. Эндигина поезддан тушдик. У пайтларда темир йул вокзали билан шаҳар орасида на трамвай бор, на автобус. Аҳён-аҳёнда кўнгизсифат қора рангли енгил автомобиль — ЭМКА учраб қолади. Улар асосан давлат хизматидаги автомобиллар бўлиб, йуловчи олишга одатланмаган эди. Тахминан ун чақирим-ча масофани яёв ўтиш керак.

Китоб, курс ишлари ва опам ёпиб берган хоразмча нонлар билан тўлган жомадонларимизни кўтариб йўлга тушдик. Кейинги бир йил ичида бошим сафардан чиқмади. Шу йилнинг ўзида Самарқандга иккинчи марта келишим. Бугун ҳам Чоржўй темир йул бекатидан чиқиб, бу ерга келдик. Чошгоҳ маҳали эди, чала йўлдан эканман, дўстим Рузмат Каримов кифтимга турта-турта уйғотди:

— Тур! Уруш бошланибди. Каттақўрғондамиз, — деди.

Рузмат Каримов урта буйли, юзлари чутир йигит эди. У саводли ва тажрибали ўқитувчилардан ҳисобланарди. Дўстимнинг дафъатан айтган бу гаплари аввалига менга кўп ҳам таъсир қилмади. «Уруш булса бунти-да, Қизил Армия душманларни бирпас-да янчиб ташлайди», деб ўйладим. Бироқ темир йул бекатига ўрнатилган катта карнайдан ваҳимали овоз тараларди.

— Говорит Москва! Говорит Москва!.. Немецкие фашисты...

Вагон ичидаги кексалар, пастга тушиб яна вагонга чиқаётган катта ёшдаги одамлар саросимада эди.

Қулимизда жомадон, ҳамон йўлда давом этаяпмиз. Дусларим чурқ этишмайди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. Баъзан мен орқада қолиб кетаман. Кейинги бир йил ичида булиб ўтган воқеалар жумбоғи ечилаётгандек кўринади назаримда.

Дўстим Жуманиёз билан Тошкент туркман ўқитувчилар институтига кириб ўқиётганимиздан хурсанд эдик. Кўнгилда тугилган орзулар ушалаётгандек кўринарди бизга. Кутилмаганда орзу-умидларимизни барбод қилган бир воқеа рўй берди. Ҳукуматнинг олий ўқув юртлирида ўқиш учун ҳақ тўлаш керак, деган қарори эълон қилинди. Пули борлар пул тўлайдиган, пули йўқлар ҳужжатларини сиртқи билим юртлирига ўтказадиган бўлди. Биз ўқийдиган жойда сиртқи бўлим бўлмаганидан ҳужжатларимиз Самарқандга жўнатилган эди. Мана энди биз Самарқанд ўқитувчилар институтига сессияга келяпмиз.

Ниҳоят, институтга етиб келдик. Ётоқхоналарга жойлашдик. Эртасига сессия бошланиши керак. Бироқ, унинг ўрнига туши-ниш қийин бўлган гала-говурлар рўй берди. Ҳамма талабалар буйруқ билан институт ҳовлисига йиғилишди. Ўртада стол. Стол устига қулида газета тутган бир йигит кўтарилди. «Домла Абдуллаев», «Домла Абдуллаев» деган сўзлар қулгоимга чалинди. Унинг қиёфаси ҳанузгача кўз олдимда. У урта буйли, тўладан келган, юзлари луппи, тим қора кузли ёш йигит эди. Шу даражада ёш эдики, ҳатто «домла, домла» деган сўзлар унга ярашавермайдигандек кўринарди.

Ҳамма жим. Қандайдир хавотирли хабарни кутаяпти. Воҳид Абдуллаев қулидаги газетани очди-да, баланд овоз билан ўқий бошлади. Уруш бошланиши муносабати билан ҳукуматнинг совет халқига мурожаати эди бу. «Ватан хавф остида, душман муқаддас Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирди, битимни бузди. Иттифоқнинг барча куч ва қудрати ёвуз душманни янчиб ташлашга сафарбар қилиниши керак», деган сўзлар бор эди мурожаатномада. Воҳид Абдуллаевнинг баланд ва ургули овози уни яна ҳам ваҳималироқ қилиб юборди.

Уша куни деярли ўқиш бўлмади. Ҳамма — ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам саросимада, қиёфаларида нотинч бир асабийлик кўзга ташланарди. Амир Темур қабрининг очилиши саросима устига саросима туғдирди. Самарқанд бамисоли арининг бузилган уясига ўхшаб қолди. Ҳамма кучада. Одамлар қаёққадир шовилгандек, ниманидир йўқотгандек эдилар.

— Тинч ётган Амирнинг қабри очилди, шунинг учун уруш бошланди, — дейишарди кексалар.

Ун беш кунлик сессия кўнгилдагидек утмади. Баъзи домлар жангга сафарбар қилинди.

Сессия тугар-туғамас биз ҳам қайта йўлга чиқдик.

## ХОТИМА

Менинг ёшлигим қай тарзда ўтиши ижтимоий ҳаётда рўй бераётган кескин ўзгаришларга боғлиқ бўлди. Асрлар оша бир текис тараққий этиб келаётган ҳаёт тарзи инқилоб натижасида ўзгарди. «Янги» изга тушди. Бу ўзгаришлар халқ ҳаётида рўй берган кўп қийинчиликларга сабаб бўлди. Хусусий мулкни умумлаштириш деҳқоннинг сараси бўлмиш «муштумзур»ларнинг синф сифатида тугатилиши, жамоа ҳўжаликларининг тузилиши, бошқача қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётнинг бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиши халқ бошига кўпгина кўргиликларни солди. Қишлоқда умумлашган ҳўжалик тузуми — колхозга энди кўни-килганда иккинчи жаҳон урушининг бошланиши меҳнаткаш халқ бошига тушган навбатдаги офат бўлди.

Менинг ёшлигим ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги мана шу ўзгаришларга тўғри келди. Ҳар бир катта одам сингари менинг тенгдошларим ҳам бу кўргуликларни бошидан ўтказиши муқаррар эди. Бу китобда шу хилдаги кўргиликлар тарихи баҳоли кўдрат ҳикоя қилинган.

Кўраяпсизки, танланган мавзу беҳад кенг. Бу даврдаги воқеа ва ҳодисаларни тула равишда акс эттириш биргина китобнинг вазифаси эмас. Шу маънода мазкур китобда келтирилган воқеа ва ҳодисаларни денгиздан бир томчи деб ҳисоблайман. Бу мавзуда ҳали кўплар китоблар ёзилар: тарихчилар бу даврни тарих нуқтаи назаридан таҳлил қилар; файласуфлар фалсафий сирларини очиб берад; иқтисодчилар моддий ҳаётга тегишли емирилишларнинг сабабларига назар ташлар; ёзувчилар эса бадияят қонуниятлари асосида халқ маънавий ҳаётининг сир-асрорларини тўлароқ тадқиқ қиларлар. Шундагина келажақ авлод бу давр ҳаётига мансуб алғов-далговларнинг сир-асрорини тула англаяжак.

*Ўбайдулла Содинков*

## Гала қушлар парвози

Ҳикоя

У бир ўмбалоқ ошиб, афсона-эртақлардагидай қушга айланди. Яна бир ўмбалоқ ошиб, анорга, яна бир ўмбалоқ ошиб, самолётта, яна бир ўмбалоқ ошиб... уйғониб кетди. Нимқоронгиликда гаранг-сираб ётаркан, касалхонада эканини эслади: мижиглаб огриётган жойи... қорними, биринчи келган кундагидай?! Тезроқ, тезроқ чиқиш керак ташқарига. Аммо туртиниб, ухлаётган шерикларини уйғотиб юбормаслиги керак.

У ойнасидан хира нур тушиб турган эшикка яқинлашди, йўлакка тез чиқди ва ҳожатхонага югурди: у енгиллаб, терлаб кетди, хўрсинди. Дори чайнаш, санчилаётган игна, кундузлари ухлашлар алақачон жонига теккан, аммо ҳар доим угли қатори ёнгоқ-қуртобалар улашадиган амакини, энг суюкли қушчи амакидай яхши тоғани қолдириб, уртоқларидан айрилиб уйига қайтадими?!

У хонасига тез қайтди: нимқоронгида қушчи амакидай яхши амакининг ўглини қидирди, ҳамма уйқуда: пиш-пиш, ҳур-ҳур. «У эмас, у эмас», деб уйқусираётган ким? Оғзини чапиллатиб кавшаётган-чи? Тушида овқат еяётган бўлса керак?! Қорни оч, овқат бўлса ўзи ҳам ер эди.

Унга қуш бўлиб учиб кета олмагани алам қилди, жойига ўтирди, урнига аста чўзилади, ёпинадиган чойшабни томоғигача тортди.

---

Ўбайдулла Содинков ҳикоясида сўтиб ўтирган биродарига ёрдам бериб турганларида муҳтарам Сайфидин Йашинлов домла кўриб қолиб, «Ҳа, «угловой» қилиб олинганларини, бу ёни Фариддин аттор, Ўбайдулло баққол экан-да-а?» деб ҳазиллашибди.

Ҳақиқатан ҳам Ўбайдулла Содинков бурмада, одамлар назаридан четта чиқиб олиб, ҳазилакам иш қилмаганлар. У кишининг «Бахтли бўлишим», «Бетоналар», «Сўрур» ҳикоялари, «Абдужабборнинг йили» китоби, халқ расмони Чингиз Аҳмадовнинг эсдалик хотиралари алақачон эл эътиборига тушган. Камтарини ёзувчимиз ҳам элини қоралаб қўйибди. Биз у кишини муборак ёшлари билан қўтайимиз, назорат барака тилайимиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Деразага, куча чирोगи ёритаётган пардага, дарахт шох-куланкаларига тикилди.

Яна эртадан: «Ўрнингдан тур», «Кийим кий», «Тугма қада», «Иргима», «Бақирма», «Пичоқни ўйнама», «Кучага чиқма», «Пастга энгашма», «Югурма», «Сув ичма», «Қаламни нега қайнаб ташладинг», «Тўғри тур», «Деразани очма», «Телевизорни бурама», «Гугурт ўйнама», «Ётиб ухла»лар бошланадими? Гугурт қутиларидан ясаган поездни бузиб юборишгани етмагандай, оғзида воп-пиш, воппиш-воппиш, пуп-уууп, пуп-уууулаб юра бошласа «Гулдирамай ўлгур, ухла!» деб елкасига солиб қоладиган энаси... уйига қайтадими эртага?!

У бошини буркаб, кўзини қаттиқ юмиб олди.

Уришқоқ эналару бақироқ оналар, боғча опалару дўхтирхоналарни ташлаб узоқларга гинг-гинг кетаверадиган «Волга» бўлиб қолса, самолёт бўлиб, осмоннинг тепасига чиқиб учиб юраверса-учиб юраверса, топста ҳеч тушмаса, тўғри қушчи амакини топса! Аммо бўлмайди-да. У битта ҳам самолёт бўлгани йўқ. Тун ўтиб, тонг келади, кун келади — ҳеч нарса ўзгармайди, яна уша ўзи билган одамлар, гала-говурлар — ҳамма нарсанинг ўзи келади, куни билан тақир-туқир, шақир-шуқир, бир-бирларига бақиршиб, бир-бирларини суқишиб, болаларни уришиб, у ёқ-бу ёққа судрашиб, кечқурун яна тунга киришиб йўқолиб кетишади. Эрталаб яна пайдо бўлишаверади-да, галва бошланади: гаплашади, бақиршади, овқат ейишади.

Кундузлари жонга текканлари етмагандай, кечқурунлари пастдаги ўйинчогидай-ўйинчогидай машиналар, троллейбуслар чирокларини томоша қилмоқчи бўлса, уни уришиб деразани беркитиб уйига судрашади, ҳеч ёлғиз қўйишмайди, сув оқизиб қўлини тутса ҳам уришаверади, «Катталар ишига аралашма», «катталар — у», «катталар — бу» деб жонга тегишади. Айниқса, энаси кампирлар олдига судраб чиқиб, София холанинг кучугидай боғлаб олмаса ҳам, олдидан бир қадам жилдирсин-чи? Гаплари ҳам галати. «Қизи бузилиб қолди», «Ҳайдаралининг хотини юриб кетди». Бекор гап. Ўз кўзи билан кўрди. Юлдуз опанинг ҳеч қаери бузилгани йўқ, Аввалгидан ҳам чиройли бўлиб юрибди... Бундай гаплар жонга тегиб, уйига киргиси келиб, энасининг қўлидан тортқилайди. Уйда энасининг суратлари бор, куп... Ҳаммасида энаси бор. Энаси ҳам қаторлаштириб танга осган тоғалар орасида гердайиб кулиб турибди. Алоҳида, боғча деворидагидай жиддий расмлар ҳам бор. Ўзидай тангалари бор кишилар келса, энаси роса яйрайди, гаплашади, расмларни кўрсатиб, ҳар доимгидай қовоғини солиб турмай йилғайди: «Жанглар қилдик, газеталарга чиқдик, ёш умрим хазон бўлди» дейди. «Шу билан утган умримга ачинсам ҳам, нима қиламан, бошимни қайга ураман» дейди, расмларни галадонга беркитиш ҳам эсидан чиқади, у расмларни маза қилиб томоша қилади. Баъзан энаси уйда йўқ бўлса, жовонга илиб қўядиган кийимларидан йилтироқ тангаларни ажратиб олмоқчи бўлади, гоҳида олиб бир-бирига уриб уйнайди ҳам, бироқ Улар энасининг қўлига тушгудай бўлса, бўйини қисиб суқиш эшитишга мажбур. Энаси жаврай-жаврай охири насихатта ўтади,

шунда у «менга ҳам тангейздан беринг-да», дейди. «Бу танга эмас. Мукофот — медал, шумтака!»

Қаршидаги уйдан чиқиб доим кўчада йўталиб ўтирадиган чолнинг ўлганини биров билмай, ўт ўчирувчилар деразага узун шоти қўйиб тепадан туширишди. Роса томоша. Энаси ҳам тангаларини осиб, бошқа танга осганлар билан машинада олиб кетишди. Кечқурун у энасини саволга кўмди.

«Буви, одам нега ўлади?», «Ўлади-да!», «Ўлса нега тугилади?» «Яшаш учун», «Яшаса нима бўлади?» «Дард бўлади, бало бўлади, ухламасанг, ҳозир...», «Товба, саволга жавоб бермай, жаҳли чиқшини?...». Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, одамлар тугилса, юрса-да ўлса, қизиқ-ку! Унда қушчи амаки, унинг яхши кампири, болалари, қушлари, ўзи, энаси ҳам ўладими?» «Буви, қушчи амаки, мен, сиз уламизми?»

Бувиси ерга қараб узоқ ўйланди-да, уҳ тортди.

— Тан олмай илож қанча. Бир кунни ҳамма ўлади.

— Ўлсангиз расмларингизни олиб кетасизми?

Энаси галати бўлиб унга ўқрайди, тикилиб туради-да, бирдан хўрсинади.

— Йўқ, одам ўлса ўзи билан ҳеч нарса олиб кета олмайди, ҳаммаси қолади.

— Унда суратларингиз, тангаларингиз ҳам... менга қоладими? Соқолиги, саллалиги ҳам...

Энасининг бирдан қовоқлари солиниб, ҳар кунни эрталаб ҳовли супурадиган холанинг муштуғидай хўрпаяди, гапига жавоб қилмай, галадандан суратларини титкилаб, тўғри ва жиддий қараб турадиган саллалик чол расмига узоқ тикилиб туради-да, бирдан парча-парча йиртиб юборади-ю, лаби бурилиб, йиғлашга тушади.

Галати, савол сураса, нимаси биландир қушчи амакига ўхшайдиган бува суратини ўзи йиртса, яна ўзи йиғласа, энаси, умуман катталарни тушуниш қийин!..

Энаси бирдан уни кучоқлаб, бир оз туради-да, яна ўздан нари итариб, олдинги қиёфага кириб олади...

У энасидан зерикиб дадаси билан гаплашай деса, дадаси, бу уйдаги энг кўрқоқ одам, бувисидан ҳам кўрқади, онасидан ҳам, ўзи ҳам кўрқмайди дадасидан. Уйда энаси билан онаси борлигида унинг борлиги ҳатто билинмайди ҳам. Қачон бўлса кўзойнагини йилтиллаб жимгина телевизорга қараб ўтиргани-ўтирган. Онаси дадасининг акси. Баъзан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ кўзи тула ёш, купинча ликир-ликир ўйин. Онаси бувисининг қизи-ку, йўгон эмас, ўйинга тушса, гўё кийимнинг ўзи чийиллаб гир-гир айланаётгандай бўлади. Дадасининг юмшоқ ювошлиги унга ёқмайди. Гўё онаси дадаси бўлиб, дадаси онаси бўлиб қолгандай. Баъзан овқат маҳали онаси чимирилиб, кавшанаётган дадасини:

— Овқатни пишилламай енг! — деб жеркиса, унинг қўллари титраб қўшиқни қўяди, ҳеч қачон бўлмайдигандай кўзлари олайиб, оқариб ўрнидан туради-да:

— Эксплуататор, золим, эзувчи синф, оти йўқ! — деб столга муштлаганча жон-жаҳди билан бақиради. Шунда онаси кулиб кучоқ очса, қизариб-бўзарган дадаси хонадан қочиб чиқиб кетади...

Ҳаммасидан ҳам уни уйга қамаб кетиб қолишгани ёмон. Бундай кезлари алам қилиб йиғлагани билан, барибир фойдасиз. Телевизорни бураб автомат, дазмолни судраб машина, телпакни тепиб футбол ўйнаш мумкин, онасининг бурчагида қалашиб ётган этикларининг занжирини «шир-шир» шириллатиб, товони учли туфлалари, пиёз сеткага ўхшаган пайпоқларини ўйнаб зерикиб кетади-да, ухлаб қолади. Кўзларини очса яна уйда ёлғиз ётган бўлади. Эсига буюқ қалам тушиб газета ва журналлардаги тогаларга соқол-мўйловлар қўяди, кўзойнак тақади, яланғоч ойи-опаларга қўйлақлар кийдиради, кейин ўзини бурчакка тургазиб қўйишади. Билади уларнинг мақсадини, иккинчи бундай қилмайман, дедириш. Аммо у иккинчи қилмайман деб бупти. Катталарга алданганидан гишт кўтаргани яхши. Бироқ яна катталарнинг ўзи аҳддан қайтишади, алам қилиб қалин кўрпага ўралиб жим ётишга мажбур қилишади. Қизиб кетиб, кўрпани тепиб-тепиб юборади-ку энаси уришиб, яна ураб қўяди-да.

Баъзан уларни кига меҳмонлар келишса, у билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди, кўчага гизиллайди. Кўчада олдингидай балконга осилган тўрқовоқлару турли-туман бир-бирдан чиройли қушлар, уйдан тепага чирмашиб чиқадиган ҳар хил ранг узумлари бор қушчи амаки уйга бошлаб кириб, меҳмон қилмаса ҳам уйдан барибир кўча яхши. Кўчада кучуқлар, одамлар, машиналар бор...

Уша кунни уларни кига меҳмонлар тўлиб, «Олинглар-олинглар», «Соғлигингизга», «Бахт тилайман», «Магнитофонни қўй: бир ўйин қилайлик» деб шиша жаранглатиб ичишиб, хотинлар билан эркаклар кучоқлашиб туришганда, у кўчани мўлжаллаб машинасини ўт олдиради: гинг-гинг би-би!!

У тўғри турникка осилаётган Аҳмад ёнида тўхтади. Гаплашишади.

— Сен кимни яхши кўрасан?

— Мен қушчи амакини. Меҳмон бола ҳам яхши. Ҳолвайтар-сумалак пиширган энамиз, утил-қизлари — ҳаммаси яхши,— дейди Аҳмад.

Сандал қуриб ерда ўтирадиган меҳмон бола, болаларнинг ҳаммасини сандал атрофига ўтқазиб, қовун сўйиб сийлайдиган қушчи амакини ўзи ҳам яхши кўради ҳеч нарса деёлмайди-да! Ахир қушчи амакини онаси ҳайдатган. У шунинг учун ҳаммадан, ўртоқларидан ҳам уялади.

— Аҳмад, давай, кооротей қиламиз.

У тепиша бошлайди.

— Йўқ, машина-машина уйнаймиз.

— Сен «Москвич», мен — «Волга».

— Нега мен «Москвич» буларканман, мен ҳам «Волга»ман.

— Кетдик, би-бип.

— Қаерга борамиз?

— Тўйга.

Иккита эмас, учта эмас, саф тортан узун-узун қатор уйлардан оралаб ўтиб, «така-тум» чиқаётган тўйга етиб бордилар, машина эканликлари ҳам эсдан чиқиб, қорин тўйдирини пайига тушиб қолишди. Қўшиқчию чирмандачилар авжида. Қўйлақларининг ичиди



думалаб уйинга тушаётган опалар қаршисида довдираб юрган узун-узун амакилар пул гижимлашиб қийқиради. Новча одам қозғозга қараб ўқийди. Ҳеч ким эшитмайди, ҳамма гапиради. Аҳмад қаердандир ликопда овқат топиб келди, ейишди. Утирганлардан сўрашган эди, ликопи билан колбаса, помидор, карам беришди. Ейишди. Аҳмад ишшайди.

— Машинага бензин қуймайми?

— Қуямиз.

Аҳмад меҳмонлари туриб кетган жойдан чойнак олиб келди.

— Копотингни оч.

У огзини очди. Аҳмад жўмракни унинг огзига тўғрилаб, чойнакни кўтарди. Унинг бугзи ачишиб, кўнгли ағдарилдию огзидигини пуркаб юборди. Аҳмад ҳайрон бўлиб чойнақдан узи ҳам ичиб, кўзлари олайиб кетди.

— Бу чоймас, ароқ-ку?! Эҳ, алдоқчилар!!!

— Кўрдингни, катталар одам бўлишмайди, деганман-ку...

Унинг боши айланаверди-айланаверди-да, кўзини очиб... қандайдир нафаси қайтгандай булиб, ўрнидан турди, ойна ёнига борди, аста итарган эди, дераза очилди, хонага муздек ширин ҳаво тўлиб, унинг нафас олиши тезлашиб, энтиқди. Ҳаво ҳам шунчалар ширин, лаззатли бўладими?! У тўйиб-тўйиб, юрагини тўлдириб-тулдириб ҳаводан ютди. Чунки бу ҳаво дадасининг, энасининг, онасининг ҳиди, духтирнинг, кўча, ошхонанинг ҳиди эмас... бошқача, бутунлай узгача, лаззатли эди.

Ажаб! Осмон, мовий осмон, юлдузлар порлаётган кўм-кўк тиниқ осмон олдин ҳам шунақа кенг, чиройли эдимми?! Ажаб, бу юлдузлар олдин ҳам бор эдимми? Наҳотки илгарилари билмаган, кўрмаган?! Унда, нега танишдай? Ажаб, порлоқ юлдузларни у олдин кўрган?! Тўхта, бу юлдузларни қушчи амаки, унинг кампири, ўғил ва қизлари кўзида кўрмаганмиди? Кўрган!

Бирдан ҳаммаёқ чугур-чугур овозга тўлиб... Қушчи амаки, ўзига қушиқ ўргатган кампир, ҳар хил қуш булиб, қувноқ меҳмон бола, қушчи амакининг болалари, ўстирган гуллари-ю сўйган қовун-тарвузлари — ҳамма-ҳаммаси қуш, учар қушга айланиб, осмонни тулдириб чағиллаганча учиб ўтишар эди.

*Лайлак келди ёз бўлди,*

*Қаноти қозғоз бўлди, —*

деб чугурлаб қанот қоқаётган, мовий осмонда пириллаб-пириллаб чарх ураётган қушчи амакининг ўзи томонга шўнғиётганини кўриб, юраги қинидан чиққудай потради.

*Лайлак келди ёз бўлди,*

*Қаноти қозғоз бўлди...*

У ҳам қанотлари узун қуш булиб, қушлар орасида тўдага бош бўлиб қанот силкиб учаётган амакига ўхшаб, эркин ва озода учгиси келганини қаёқдан сизди, чугурлаб-чугурлаб ўзидан олдинги олислётган қушлардан ажралиб, унга қараб шўнғиган эди.


У севиниб, ҳам... уялиб, кўзларини юмиб олди.

«Қутулдик, масаласини ҳал қилдик. Дом умумий жой, Уйни зоопаркка айлантирмай, қишлоғига бориб боқсин қушлари, беданаларини. Беданалари сайраб, эрталаб ухлагга қуймайди...» деганди онаси. Милиционер амаки ҳам онасидан қўрққанми — қушчи амакини ҳайдаган. Онаси шу даражада уладиган иш қилган. Қушчи амаки кетиб, уникага магазин ойналарида янги кийим кийгазиб қўйиладиган ёғоч одамлардай одамлар кўчиб келишган. Ҳар куни оёқлари тағида каламушдай чийиллаб юрадиган кучути билан уйдан чиқишиб айланиб юради. Гуё кийимларнинг ўзига жон кириб, ёнма-ён юриб кетаётгандай...

У аста кўзини очди, деразага қўнган қушчи амакига ҳайрат билан қаради, унинг йилтироқ кўзлари каттайиб нур сочаётган қуёшга, меваларга, дарахт, гул, полизларга, боғу бустонга, улар болаларга, болалар каттайиб одамларга, одамлар сув, ер, ҳаво қуёшга, қуш қушчи амакига айланиб, қушчи амаки чарх уриб булутларни ёриб, осмону фалакка кўтарилб-кўтарилб кетди.

Унинг кўнгли жарангларга, рангларга, овозларга тўлиб, кўзларидан қайноқ учқунлар отилди, қушчи амакига қушилиб парвоз қилгиси, кенгликларда чарх уриб учгиси келди. Ой, юлдузлар, кўм-кўк ёқимли осмон, муздек шабадаларга урилгиси келди...

У жунжикди. Деразани ёпди. Аммо осмонни тўлдириб чигиллаб учаётган қушлардан кўз, кўнғил узолмай қайта очди, кўзлари ёниб осмону фалакда парвоздаги гала қушлар томонга учмоқчи бўлди ва... деразага чиқиб қул-қанотларини силкитганча парвоз этди.



## ФИТРАТ ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ

Абдурауф Фитрат ижодининг нодир хусусиятларидан бири шундаки, у қайси бир соҳада ижод қилмасин, унинг ҳар бир асари узининг маълум бир яратилиш сабабига эга ва маълум бир масалани ҳал этишга қаратилгандир. Файзулла Хужаев уз эсдаликларида Фитрат ижодига баҳо бериб, шундай деган эди: «Фитрат билан Чулпонни ёки Чулпон билан Элбекни бир куриш қийин. Уларнинг ҳар бири узига яраша бир олам. Уларнинг ижоди ҳам шунга ярашадир. Уларнинг ҳар бирида мустақил мавзу бор. Уларнинг усули ҳам ҳар хил. Чулпон ижоди угли, ёндирди, Фитратники эса ёндирмайди, у ўйлантиради, фикр беради... Одатда Фитрат шоирларга мавзу бериб туради».

Фитрат 1917-20 йиллар оралигида «Шарқ сиёсати», «Туркистонда руслар», «Шарқда инглизлар», «Сиёсий ҳоллар» каби бир қатор мақолалар эълон қилдики, бу ҳали дунени булиб олиш сиёсати уз мақсадларини намоен этмаган бир пайтда айни замон муаммосини кутариб чиққан, кенг миқёсда амалга оширилаётган мустамлакачилик сиёсатини фош этишга, унинг моҳиятини очиб беришга қаратилган эди.

Фитрат Оврупо жаҳонгирларининг Шарққа нисбатан сиёсатини шундай изоҳлайди: «Шарқнинг ахлоқини бузмоқ, кунглини миллий ва диний муқаддасатиндан совутмоқ, шарқлилар орасинда айрилик, ва ёвлик солиб бир-бирларига қилич чектурмоқ, шарқлини ишсиз, ялқов, оч ва яланғоч қилиб, узларига қул этиб олмақ, Шарқ халқини турли йуллар билан аста-секин йуқ қилмоқ...!»

Ғарб истилочилик сиёсати миллатнинг ахлоқий-инсоний бузилишини келтириб чиқарганини Фитрат франсузлар босиб олган Тунис ва Жазоир мусулмонлари мисолида курсатар экан, бунда аҳолининг ярмидан кўпи она тили булмиш араб тилини унутгани туғрисида гапирди. Ҳақиқатдан ҳам, Фитратнинг Ғарб истилочилик сиёсатига берган таърифи бир неча ун йилликлар давомида Шарқ мустамлака халқлари ҳаётида уз исботини топди. Фитрат, ҳали большевикларнинг социализм ниқоби остидаги тоталитар сиёсати амалга ошмасданоқ: «Россияда яна бир бало бош кутарди. Бу большевиклар баласидир», деб ёзган эди «Сиёсий ҳоллар» мақоласида («Хуррият», 1917). Унинг бу башорати ҳам Туркистон халқлари ҳаётида руй берди. Фитратнинг сиёсий

характердаги мақолаларни ёзишдан мақсади нафақат дунени булиб олишдек машъум сиёсатнинг моҳиятини баён этиш, балки уни келтириб чиқарувчи сабабларини курсатиш ва миллатни сақлаб қолиш чораларини излаб топишга кунчилиكنинг эътиборини жалб этиш эди.

У «Шарқда инглизлар» мақоласида шундай дейди: «Тарихий бир замонда яшамоқдамиз. Шарқ яшасунму, деган бир масаланинг жавоби берилмакдандир... Инглиз ҳукумати Шарқни узига қайтариш учун қандай йулга юрар экан, шу йулларни ахтариб топиб, бекитмак бизга вожибдир. Ҳозирда инглизнинг бизга қарши агитацияси қатъий суръатда текзиб айта билмак учун олдимизда буюк бир майдон — Хива улкасилик. Хива улкаси ҳозирги ҳаракат остида ҳурриятини истиқболи билан бирга олиб чиқса бутун Шарқнинг бизга ишонини учун йул очилур!» («Тонг», 1920, № 1, 14-б).

Фитрат Каъбанинг инглизлар томонидан уққа тутилиши каби разил ҳолисига уз муносабатини билдириб, «Йигла, Ислон!» номли мақола — қайгусини ёзган эди. «Шарқ сиёсати»да ҳам бунга тўхталиб, шундай дейди: «Бутун ислом дунёсининг кулоқ соати ургон эди, бу қоронгу кунга сабаб Шарқнинг бирлашмагани булди... Шарқни бирлаштирмак учун бир қаловуз, бир йулбошчи керак. Жоңуния буни уз буйнига ҳозирда оломайлик. Негаким Жоңуния Шарқнинг яқинида бирлашиб, бир куч ташкил этгусига ишонмайлик. Яқинларда натижа бермагучи бир ишнинг кетига очикдан-очик тушиб, инглизни узига душман қила олмайлик».

Шарқ халқларининг бирлаша олмаганига асосий сабаб нима эди? Зие Кукашнинг уқтиришича «Тарих умумий бир қоида сифатида шуни курсатадики, қаергаки миллатчилик руҳи кирар экан, у ерда бир тараққиёт, такомил жараёни туғилади. Сиёсий, диний, ахлоқий, балиий, ҳуқуқий, илмий, фалсафий, иқтисодий, лисоний ҳаётларнинг ҳаммасига ёшлик, самимийлик ва тароват бахш этилади. Ҳар нарса юксалмоққа бошлайди. Бироқ барча бундай тараққиётларга қўшимча сифатида янги бир характернинг майдонга келганигини ҳам тарих бизга қиёсан хабар беради. Миллий виждон қаерда шаклланган булса у ерда мустамлака булиб қолиши таҳликасида кутулинади». (Туркчилик асослари, 1992, 23-б.). Бинобарин, уша кезларда Шарқ халқларининг Европа мустамлакачилигига қарши курашида миллий виждон етишмас эди. Бу нарса ҳали уларда миллатнинг асосий хусусиятларидан бири сифатида шаклланиб улгурмаган эди.

Миллий виждон тушунчаси инсоннинг уз миллатига булган ифтихори, меҳр-муҳаббати, орзу-аламларинигина эмас, балки шу миллатнинг утмиш қадриятлари, келажак истиқболи йулидаги жавобгарлик ҳисси, виждоний бурчини ҳам англатади. Фитратнинг «Шарқ сиёсати»дан кейинги ёзилган асарларида миллий виждон асосий масала булиб қолди. Ҳар қандай қуллик ва истибод кишанларининг миллатнинг уз келажатига булган виждоний ёндашуви орқали парчаланиши имконияти ҳақидаги фикрлар бу асарларда уз ифодасини топди. «Ҳинд ихтилочлари»да Фитрат шундай дейди: «Юртини севганлар унинг топ-гупроқларини эмас, гузаллик, яхшиликларини севарлар, улус йулида жон берганлар тарихи учун уларлар. Нима булса ҳам бир ёвни юртдан ҳайламоқ, бир юртни ёв қулида курмаклин қийин эмасдир».

Фитрат ижодида истилочилик сиёсатига қарши кайфият миллатининг сақланиб қолиши ҳақидаги фикрлар билан боғланиб кетган. Чунки ҳар қандай истило миллий руҳиятнинг, миллий маданиятнинг кушандасидир. Энг даҳшатлиси шундаки, мустамлакачилик сиёсати истило қилинган мамлакатда манқуртлар тайёрлашнинг бутун бошли дастурини амалга оширади. Бунинг ибтидоси мамлакатимизда маданият тарқатиш баҳонаси билан жорий этилган рус-тузем мактаблари орқали амалга оширилган. Чунки бунинг воситасида узоқ муддатга мулжалланган истилочилик сиёсатига хайрихоҳлик билдирувчи, рус маданияти руҳида тарбияланган, маънавияти европача мафкура билан сугорилган маҳаллий халқ авлодларини етиштириш зарур эди. Ишчи-хизматчигина эмас, бу мактабда тарбияланган зиёлилар ҳам келажакда мустамлакачиларнинг таъбларига мос келишлари керак эди. Истилочилар аксарият ҳолларда бу мақсадга эришдилар ҳам. Мустамлака зиёлиси Европа маданияти билан сугорилади. Маданий муносабатда икки хил миллатни намоён қилган, икки ватанга тегишли индивиднинг узига хос типи вужудга келди. Аслида бундай индивидларнинг шаклланиши мустамлака назариятчиси Рейснер фикрича, қонуний ҳодисалар:

«Мустамлака зиёлиси очкузлик билан Ғарб маданиятини сиқо-ришга ҳаракат қилади ва асрандига ухшаб, янги оилада у билан нафақат танишишга, балки қариндош туғинишга ҳаракат қилади. («Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного», М-1984, 450-6.) «Бизда йигитлик» мақоласида Фитрат худди ана шундай икки хил миллатни намоён қилувчи индивидни шакллантирадиган асосий иллатни қоралайди. Бу иллат — тақлидчиликдир. Айнан тақлидчилик миллатнинг узлигидан бегоналашишга олиб келадиган хусусиятдир. Фитрат бу иллатга қарши шундай дейди: «Туркистон халқига хизмат қилармиз деганлар... эрки миялар, тақлидсиз руҳлар тайёрлашга киришсунлар. Шуниси ҳам борким, бундай миялар, бундай руҳлар елгизгина йигитлар, ёшлар орасиндан чиқар». («Тонг», 1920, № 2). Фитрат фикрича, миллатнинг, Туркистоннинг истиқболи ана шундай руҳли ёш авлод қулида. У Туркистон халқларининг келажакига умид қилиш учун: «Йигитларимиз оловга ухшасинлар, қаршуларига чиққан ҳар нарсани еқиб, куллар сари юксалсинлар, ҳар ишла, ҳар нарсала, ҳар тугрида узғариш ёғинда булсунлар». — дейди.

Фитратнинг сиёсий-публицистик мақоаларига диққатимизни қаратар эканмиз, бир нарсанинг гувоҳи буламиз. У ҳам булса ватан озодлиги қайғуси, миллат дарди уни жадидчилик доирасидан чиқиб, кенгрок фикрлашга ундагани, Шарқ озодлиги, миллат мустақиллиги ҳақидаги долзарб масалаларни дунё миқёсида, етук сиёсий арбоб даражасида ҳал қила олганидир.

Халқимизнинг сиёсий мустақиллигини бартараф этиш йулида турли сиёсий найранглар уюштирилаётган, унга раҳна солишга урунилаётган бутунги кунда Фитрат асарлари уз қимматини янала намоён этмоқда, миллатни узлигини англашга даъват этмоқда.

Шаҳноза ҒОЙИБОВА,  
ТошДУ фалсафа тарихи  
ва мантқ кафедраси ўқитувчиси



ТошДУлат Аҳмад

## ФИҒОН

### Достондан бўлақлар

*Фитрат бобо, Фитрат бобо,  
Умр йули ҳайрат, бобо.  
Бедорларга шон-шавкатсиз,  
Ғофилларга нафрат, бобо...*

*Гарангмиди, ботилмиди,  
Сийламади сизни замон.  
Золиммиди, қотилмиди,  
Бошингизга оғди осмон.*

*Дунёнинг сиз дунё бўлиб,  
Эшигини қоққандингиз.  
Дарё бўлиб, зиё бўлиб,  
Мавжли-мавжли оққандингиз.*

*Пантуркист деб, сизни биров,  
Буйнингизга «ёрлиқ» осди.  
Миллатчи деб, қанча меъров,  
Кўксингизга тамга босди.*

*Эрки азиз болам дея,  
Босгандингиз бағрингизга,  
Ҳурлик кўзда жолам дея,  
Эш билгансиз дардингизга.*

*Душман деди, жадид деди,  
Гурурини йуқотганлар.  
Иллати бор, палид деди,  
Узлигига ўқ отганлар.*

*Фитрат бобо, Фитрат бобо,  
Матонати ҳайрат, бобо.  
Бедорларга шон-шавкатсиз,  
Ғаюрларга нафрат, бобо.*

*Бағридаги қуёшлари,  
Дучор бўлди тўзгинларга.*

*Туркистонни озод кўрмак,  
Сизнинг буюк илинж эди.  
Бог-роғини обод кўрмак,  
Орзу эди, севинч эди.*

*Элим дея сузлаганлар,  
Айрилдилар аъмолидан.  
Тилим дея бўзлаганлар,  
Айрилдилар пар-болидан.*

*Ё раб, унинг оғушлари  
Макон бўлди қузғунларга.*

*Бу фожени кўрмак сизга,  
Азоб эди, даҳшат эди.  
Тиғ ботгудай кўксингизга,  
Оғриқ эди, ваҳшат эди.*

Тулқинларга отиб ўзни,  
Ҳайқирдингиз бўрон бўлиб.  
Курашларга эл-улусни,  
Чорладингиз Турон бўлиб.

«Ай, Туркистон мусулмони,  
Белни букманг зулмат учун.  
Гар бўлсангиз юрт ўғлони,  
Бирлашингиз миллат учун!

Иттиҳоднинг чинорлари,  
Истасангиз сулимасин.  
Иймон нурин минорлари,  
Истасангиз қуламасин.

Ҳақ йулинда, дин йулинда,  
Чекинмангиз, тек турингиз.  
Ватан дея, шаън йулинда,  
Улсангиз ҳам тик турингиз!..»

### III

Фитрат бобо, Фитрат бобо,  
Қалбга меҳри суврат бобо.  
Дусту ёрга шон-шавкатсиз,  
Ғанимларга нафрат, бобо.

Ошса ҳамки фиғонингиз.  
Қават-қават фалаклардан.  
Хитобингиз, дил нидонгиз,  
Жой олса-да юраклардан,

Тебранмади, тулганмади.  
Ҳайрон замон, вайрон замин.  
Уйғонмади, кўзгалмади,  
Нолон замон, талон замин.

Гарчи сизни англаса-да,  
Аҳли адаб, аҳли урфон.  
Улар қолди талвасада,  
Идрокларни тўсди тўфон...

Алалхусус, келдингиз дуч,  
Юртин сотиб юрганларга.  
Дунёси пуч, маслаги пуч,  
Давру даврон сурганларга.

Сиз ахийри имдод кутиб,  
Термулганча кўк юзига,  
Ёлвордингиз ғамга ботиб,  
Олис Миррих юлдузига.

«Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қудратли тувғони!  
Нега биздан кечиб мунча узоқларга тушибсан?  
Тувғонингга нечун сира гапирмасдан турибсан?  
Сўйла, юлдуз, ҳолинг недир? Нечук топдинг дунёни?  
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хурликлар,  
Сўйла, юлдуз, сенинг доҳий қучоғингда бўлурму?  
Борми сенда бизим каби инсонлар,  
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.  
Ўртоқ қонин қолмай ичган зулуклар,  
Қардош этин туймай еган қоплонлар?  
Борми сенда уксуз, йўқсилнинг қонин —  
Гурунглашиб, чоғир каби ичганлар?  
Борми сенда бутун дунё тузугин  
Ўз қопчигин тўлдиргани бузганлар?  
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,  
Ўз қозонин қайнатувчи ҳоқонлар?  
Борми сенда қорин-қурсоқ йулинда,  
Элин, юртин, борин-йўгин сотқонлар?..»

### IV

Фитрат бобо, Фитрат бобо,  
Ҳаёт йўли ибрат бобо.  
Фақирларга шон-шавкатсиз,  
Сўқирларга нафрат, бобо.

Сиз Турон юрт тоғ-тошини,  
Жондан ортиқ суярдингиз.  
Тавоф айлаб қуёшини,  
Юракка нур қуярдингиз.

Шоғирдларнинг бошин силаб,  
Айтардигиз ширин калом.  
Узоқ тунни тонгга улаб,  
Тизардингиз шеърин пайғом.

Тилакларни ёритарди,  
Сизнинг оташ, зар битиклар.  
Музларни ҳам эритарди,  
Айтганингиз ҳақ ўғитлар:

«Оғир йигит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда,  
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқидим.  
Уйлашингда, туришингда ҳам ўзингда,  
Бу юрт учун қутулишнинг борлигин ўқидим...  
Турма, югур, тинма, тириш, буқилма, юксал!  
Хўрқма, кириш, қўрқма, ёниш, йўғрилма, кўзгал!  
Эл йўлини тўсиб турган эски булутларни,  
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!  
Қилолмасанг шу ишларни  
Сенинг учун хўрликдир бу!..  
Йиқил, йўқол, кет!..»

Миллат шонин ўзанини,  
Пойдор этиб кўзларингиз.  
Каж йилларнинг тўзонини,  
Тўзгитарди сўзларингиз..

**Халқимизнинг қойим тафаккур эгаларидан бири —  
Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги кенг  
нишонланмоқда. Бухоролик шоир Тошпулат Аҳмад  
шу муносабат билан Абдурауф Фитрат ҳақида «Фиғон»  
номли дoston ёзд. Юқорда сиз мазкур асардан булаклар  
ўқидингиз.**



## Газзолий ва мезон

Агар улсам, мени асло  
қаро тупроқдан ахтарманг,  
Яшармен аҳли ориф кунглини  
мангу макон айлаб...

Румий

Шарқнинг улуг мутафаккири, «Баҳри бугроқ» (Денгиз бағри) олим, стук суфий, комил инсон, «хужжат ул-ислом» унвонига сазовор донишманд Абу Ҳомид Муҳаммад ибн ал-Газзолий асарларини қунт билан урганган Гегель унга: «...уткир ақл соҳиби, кучли Шарқ алломаси» деб баҳо берган эди<sup>1</sup>. Газзолий ўзининг машҳур асарлари «Иҳйа ал-удум ал-дин» («Диний илмларнинг тирилиши»), «Меъёр-ал — илм» («Илм меъёрлари»), «Ал-кистосул—Мустақим» («Адолат мезони»)да меъёрнинг борлиқдаги энг мураккаб хили — руҳий меъёр ҳақида чуқур ва сермазмун фикрлар билдиради.

Мутафаккир асарларида меъёр — «мақом», «мукамаллик», «муптаҳа», «ал-миқдор ал-лозим», «ақл», «камол», «эътидол» тушунчалари орқали ёритилади.

Реаллик — моддийлик ва руҳийликдан иборат. Моддий — табиий ва руҳий борлиқдаги сифатлар фарқ қилингандек, улардаги меъёрлар, уларнинг мезони ва билиш йул-услублари ҳам фарқ қилади. Газзолий таъкидлайди: «...Руҳий мезон табиий мезон билан тенг эмас... Аруз шёрлар улчови, у билан мунзаҳиф мустақимдан фарқланади, ажратилади. Бу мезон моддийлик мезонидан қура руҳий мезонга яқин, аммо бу улчов танадан (жисмдан) холи эмас, чунки у товушнинг улчови, мезони, товуш эса танадан, моддийликдан ажралмасдир. Руҳий мезон — Ҳақ кундаги (Ҳисоб-китоб кундаги) тарозидир. Бунда бандаларнинг фикри, иши, амали, билими улчанади, билим,

ишонч ва эътиқод эса тана (жисм) билан боғлиқ эмас, шу сабабли бу мезон соф руҳийдир»<sup>1</sup>.

Инсоннинг амаллари фақат инсон учун хосдир. Бандаларнинг фикри ва иши, яъни амали бандадан айри эмас. Бу ишлар, амаллар, фикрлар Ҳақ кундаги тарозидан улчанади. Газзолий Қуръони Каримда келтирилган «меъёр — тақдир» деган гоёни содда тилда шарҳлаб ўқтиради. Қуръони Каримда марҳамат қилинади, «Инсон фақат қилган амаллари орқасидан фойда қуради. Кимки Оллоҳ таолонинг жамолини умид қилса, бас, солиҳ амал қилсин. Зероки, яхши амаллари эвазига мукофот, ёмон амаллари эвазига жазо олгусидир». Шу сабабли ҳам Қуръони Каримда «ҳисоб бериб туриш» дейилади. Ҳалис: Муҳаммад (с.а.в.) айтадилар: «Қиёмат суроғидан илгари уз-узингизга ҳисоб бериб туриш. Оллоҳ қиёмат тарозисига қуймасдан олдинроқ уз амалларингизни ўлчаб юринг».

Газзолий эслатади: Оллоҳ мукамал, у инсонларни яхши, ижобий сифатли бўлишга чақиради. Чунки барча ижобий, яхши, ҳамида сифатлар Оллоҳ сифатидир. Инсон сифатларини Газзолий қуйдаги гуруҳларга ажратади: «би-т-таб», яъни тугилган пайдан бошлаб хос булган сифатлар (замонавий тилда буни табиий, биологик, индивидуал сифатлар дейилади), «иқтисаб» — ҳаёт жараёнида юзага келган сифатлар; ташқи сифатлар; ички сифатлар; илоҳий сифатлар; ёмон сифатлар; комиллик сифати; замима сифатлар. Ҳар бир сифат иккинчисидан тубдан фарқ қилади. Илоҳий сифат илм, яхшилик, олижаноблик, ҳаммага шафқатли-мурувватли бўлиш, доимо ҳақиқатнинг мезонида туришдир. Бундай сифатли инсон Оллоҳга яқинлашади, бу яқинлашиши масофа маъносида эмас, балки сифатлар маъносида бўлади, деб тақорлайди Газзолий.

Уз-узини таниган инсон Оллоҳни танийди. Доимо камчилик ва ютуқларини, кемтиклиги ва комиллигини билган инсон Оллоҳни танийди. Чунки бундай инсонлар уз камчилигини, нуқсонларини йўқотишга интилади. Руҳий аниқ, маълум сифатли ҳолатлар Газзолий асарларида «мақом», «ҳол», «аҳвол» тушунчалари орқали берилган — булар бари руҳий меъёр ривожланишидаги погоналарни ифодалайди. Бу узвий меъёр погоналарининг илк bosқичларида киши руҳиятидаги руҳий меъёрлар қатъий, узгармас бўлса, юқори погоналарга чиққан сари бу руҳий меъёрларнинг қатъийлиги, доимийлиги, узгармаслиги ортиб бораверади. Охири меъёр қатъий, олий меъёр бўлиб, бу мукамаллик, комилликдир.

Демак, Газзолий таълимотидан шундай хулосага келинадики, руҳий борлиқдаги меъёрнинг илк bosқичларида, узвий меъёрларнинг бошланғич даврида меъёр ниҳоятда узгарувчан, ҳаракатчан, беқарор бўлиб, фақат юқориги поғонада у узгармас, қатъий меъёрга утади.

<sup>1</sup> Абу Ҳамид ал-Газзали. Ал-кустас-ул-Мустақим — «Правильные веса». в.кн.: Абу Ҳамид ал-Газзали. Воскрешение наук о вере. Главная редакция Восточной литературы. Изд. «Наука». 1980. стр. 319.

Мукаммалик, комиллик фақат кемтикликда, номукаммаликни курганда тушунилади, қадрланади.

«Менинг вазифамга. — деб ёзади Ғаззолий. — ушбу улчов, мезон ҳақидаги фикр баёни киради, асло ойнанинг худо эмаслигини исботлаш эмас. Балки бу мезоннинг туғрилиги, адолатлилигини курсатиш, ҳақиқий илм фақат улчовлар, қиёслаш орқали вужудга келишини уқтиришдир. Сен бу мезоннинг амалда икки йўналиш билимлари келганда туғрилигини синаб куришинг мумкин»<sup>1</sup>. Ғаззолий билим назариясини ёритишда ҳам меъёрни билиш услуби сифатида қўллаганини пайқаймиз. Юқоридаги фикрларга диққат қилсак, билишнинг мураккаб жараёниги, билишдаги биринчи, иккинчи ва учинчи погоналар ҳақида фикр юритилаётганини англаш қийин эмас. Нарса ҳақидаги дастлабки, зарурий, бирламчи билим — «Ал-улум ал-Аввалийа» (маълум миқдордаги улчов тоши) тулик, хали ҳар томонлама аниқ бўлмагани илк илмдир. Иккиламчи илм — нарса ҳақидаги сифатлар муҳокама этиладиган илм, учламчи илм — нарсага хос, ундан айри бўлмаган аниқ сифатлар ҳақидаги тула маълумотлар. Нарсанинг барча сифатларини аниқ билиш, барча сифатларни муносабатларда ҳам тула, аниқ, миқдорий жиҳатларини аниқлаш уша нарсанинг реал меъёрини урганишдан иборат. Шу сабабли булса керак, Ғаззолий «ошкор бўлмаган, мураккаб, мавҳум билимлар асосида уша нарсанинг илк илми ётади» деб уқтирган. Фалсафий тил билан айтганда, инсон ҳеч қачон нарсанинг оддий меъёр шаклини урганмай туриб, системали, реал меъёрларини ургана олмайди. Инсон табиий ва руҳий борлиқни боғлаб турувчи ягона мавжудот. Тиббиёт илми инсоннинг ички ва ташқи табиий, моддий меъёрларини урганиб, беморликни инсон танасидан фориғ қилади. Хуш, инсон руҳий борлигидаги меъёр нима?

Ғаззолий таъкидлайдилар: «...руҳи инсонийким, ҳақиқати дилдур, ани ҳам эътидоли бордурким, яхши ибодат ва риёзатким, ани шариат бирла билгали булур. Токи шариат руҳи инсонийни эътидолида сақлар ва анинг сиҳатлигига сабаб булур»<sup>2</sup>. Инсоннинг руҳий меъёри жараёндаги меъёрдир, шу сабабли унинг уз чегараларидан чиқмаслиги учун шариат пойдевордир. Ғаззолий назарида, инсоннинг руҳий борлиги ниҳоятда латиф, урганиш гоятда мушкул. Руҳий борлиқдаги бу меъёр атрибути инсон. Бу меъёрни сақловчи омиллардан бири узини, уз нафсини тийиш булса, иккинчиси қаноатдир.

Инсон руҳий меъёри инсоннинг ҳаракатида, фикрида, фаолиятида, амалиетида, муносабатида «моддийлашади». Шу сабабли инсон узининг ички руҳий меъёрига мос оламни атрофида яратади. Агар инсоннинг ички руҳий меъёрига қилаётган иши, амали мос келмаса,

<sup>1</sup> Абу Хамид ал-Газали. Ал-кустас ал-Мустаким. в кн.: Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. Главная редакция Восточной литературы. М., 1980, с. 326.

<sup>2</sup> Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимнен саодат. («Дил ҳақиқати») Т., «Камалак», 1994. 75-бет.

ундай кишиларни «дили бошқа-ю, тили бошқа», Куръони Каримда уқтирилгандек, «мунофиқлар», «иккиюзламачилар», «риёкорлар» дейилади. Ҳатто бундай кишиларга бағишланган сура ҳам бор. Инсон руҳий меъёри билан амали, фаолиятининг «мос» бўлиши мураккаб жараён эканлигидан, инсон уз умрининг охиригача руҳий меъёрнинг юқори, олий босқичларига, Ғаззолий ибораси билан айтганда, «мунтаха», «комиллик»ка утишга ҳаракат қилади. Шу сабабли инсон умр буйи руҳий меъёр ва меъёрсизликда яшайди. Инсон руҳий меъёрининг илк босқичи жараёндаги меъёр булса, инсон олий босқич меъёрига эришгандан сунг, бу босқичдаги меъёр қатъий, барқарорлиги билан илк босқичдаги меъёрдан катта фарқ қилади. Бу босқичдаги кишини меъёрсизликка «суриш» мумкин эмас. бундай кишилар руҳий сокин, барқарор, қатъий буладилар, улар уз фикрларини бошқаларга «юқтира оладилар», чунки улар суфийлар уқтирган шариат, тариқат, маърифат погоналаридан утиб булган кишилардир. Шариат инсонга нима «ҳалол», нима «ҳаром», қандай фикр-амалингиз яхши-ю, қайсиси ёмон эканлигини ургатади. «Ҳалол», «ҳаром», «яхши», «ёмон» — ҳаракат, фаолиятнинг қатъий сифат фарқларидир. Комил инсон, Ғаззолий таълимогида, инсонларни гуруҳларга ажратиш мезони булади. Комиллик инсоннинг илоҳий сифатларини узига қай даражада «синдириши»га қараб «улчанади». Бошқача айтганда, Ғаззолий нукта назарича, илоҳий атрибутлар инсоний сифатлар қадрининг мезонидир.

Қайси инсон уз нафси учун ҳисоб-китоб қилиб турса, бу унинг узини урганиши, билишини келтириб чиқарадики, инсон узининг қайси ишлари — ҳаракат-амаллари туғри-ю, қайси ишлари нотуғри, камчилик эканлигини билиб, уларни тузатишга уринади. Шу сабабли ҳам, Ғаззолий анбиёларнинг китоблардаги бу сатрларига:

«Аъриф нафсака, наъриф раббака» —

яъни: «Танилг уз нафсингни, танурсен Парвардигорни»<sup>1</sup>га катта эътибор берган. Узни таниш эса, узига узга қараш билан, узининг ҳар бир қадамнинг натижасини билиш билан бошланади.

Хуш, дин сузининг маъноси нима? Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Дин — панду насихатдан иборат», деб айтганлар. Инсонни маънавий камолатли қилиб тарбиялаш қодалари Куръони Карим ва Ҳалиси Шарифдан жой олган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий «Ҳалис»ларида бундай ёздилар: «Дийн (дин) булса, яхшилик учун мукофот ва ёмонлик учун жазо бўлиб, «таъийну ва тудону (фёъл-атворинг ва қилган амалингга яраша мукофотланасан ва жазоланасан) кабилдир.

Мужоҳид: «Фотиҳа» сурасидаги «Ал-дин» сузи «Ал-ҳисоб» сузига мувофиқ келади, «мадинууна» сузи «муҳосибууна» сузига мувофиқ

<sup>1</sup>Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимнен саодат. Т., «Камалак», 1994. 41-бет.



нини ёзишга журъат қилаётганларини билганида, арабий удумлаги вазнларни кушайтириб ё камайтириб хилофлик қилаётганларини курганида, сесканиб кетди. У қатъиятини чархлади, қатъияти етмаса, ақтини қайради-ю, ҳужрасида биқиниб олди. У ерда нафақат соатларни, балки кунларни ўтказар, бармоқлари билан нималарнидир санар, уларни сирли ҳаракатланттирар эди. Ниҳоят, сабру заковатини жамлаб, арабий шеърлар улчовларини сараллади, қофияларнинг ҳолатларини белгилади. Ушанда у ипсонлар учун бу икки шарафли билимни — аруз ва қофияни кашф этган эди»<sup>1</sup>.

Араб ва овруналик олимларнинг тадқиқотлари шуни курсатдики, аруз узоқ ўтмиш асрлар давомида ягона ҳукмрон шеърӣ вазн шакли бўлган. Биринчи бадиҳадан энг содда ва дастлабки баҳр яратилгунгача, энг содда баҳрдан то шеър булоғи қайнаб оққан жоҳилия давригача ва ҳатто ундан анча кейин ҳам худди шундай бўлган. Аруз шакллари қабиланинг ошиқ бўлган ёки қароқчилик билан шугулланган буз ва соддадил шоирчасидан тортиб, то бутун халқнинг жонидилига айланган машҳур тинчликпарвар шоирларнинг қасдаларига-ча (қайд қилинмаган булишларига қарамай) хизмат қилди.

Дастлабки марта ал-Халил ибн Аҳмад чуқур таҳлил асосида арузнинг илмий асосланган қоидаларини ишлаб чиқди, баҳрларни мавжуд шакллар сифатида ажратди, номлади, меъёрдан четлашув (иллатлар ва зиҳофлар) қоидаларини ишлаб чиқди. Буларнинг барчасини олим байтлардан чоғиштириб топди, ҳеч бир нарсани ўйлаб чиқармади, ҳеч нарсани кушмади. Ибн Аҳмаднинг хизмати шундаки, у қонуниятларни кура билди, жамлаб «Муъжам фи илмил-аруд» (Аруз қомуси) китобида баён қилди. Бу китоб бизгача етиб келмаган.

Биз аруздаги атамалар узига хослигини таъкидлаган эдик. Маълумки, араб шеърятининг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққиетида бадавӣй (кучманчи) араблар улуши куп эди. Бадавӣй шоирларга юксақ эҳтиромининг белгиси булса керак, ал-Халил арузда қўлланган барча атамаларни кучманчилар қундалик ҳаётида учрайдиган сузлардан танлайди. Бизгача етмаган асосий рисоласи эса, айрим олимлар ўртасида турли фикр тугдирган ҳам. Чунончи, Фролов В. Д. айтадики: «Халил принципларни ўйлаб топди, системани ишлаб чиқди, бироқ бизгача етган, ҳар ҳолда, қайд қилинган ёзма матн қолдирмади»<sup>2</sup>.

Натижада, олим шахсига нисбатан айрим ипсончисликлар ҳам пайдо бўлди. Бироқ, ҳақиқат номидан тақрорлаймизки, бунақа муносабат фақат Оврупа арузшунослигигагина тааллуқли. Араб олимлари бу масалада яқдил. Бизникилар ҳам. Масалан: Жавдат ар-Рикобӣй: «Бу илмининг асосчиси ал-Халил ибн Аҳмаддир»<sup>3</sup>.

Алишер Навоӣй: «Ва ул булдураким, Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возеъидир»<sup>4</sup>.

Муҳаммад Саъид Асбар, Муҳаммад Али: «Ал-Халил аруз билимини асослади, унинг баҳрларини белгилади»<sup>1</sup>.

Жуда куп олимлар, тадқиқотчилар, шоирлар бизни қизиқтирган «аруз» атамасига уз муносабатларини билдирганлар.

Алишер Навоӣй: «Аруз фани шариф фандир. Ва букуим, илмни нечун аруз дерлар, мухталиф ақвол бор. Ва ул булким, Халил... араб эрмиш ва анинг яқинида бир водӣй эрмишки, ани Аруз дерлар эрмиш, ул водӣйда араб уйларини тикиб, жилва бериб, баҳорга кирурлар эрмиш ва араб уйни «байт» дер. Чу байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунни бемавзундан аюрурлар, гуеки қиймат баҳоси маълум бултур. Шу муносабат била «аруз» дептурлар».

Ибн Халликон: «Ал-Халил уз Оллоҳидан олдин ҳеч булмаган бир билим ургатишни утинганида Маккада эди. Билимни у аруз атади: Аруз Макканинг номларидан биридир. Буни у бир башорат билди»<sup>2</sup>.

Ас-Сайӣд ал-Ҳошимӣй: «Билимни «аруз» деб аташга сабаб шуки, ал-Халил уни Макка билан Тоиф ўртасидаги шу номли жойда кашф қилди».

Воҳид ат-Табризиӣй: «...чодир мустаҳкам туриши учун унинг ўртасига қўйиладиган тиргак устунни «аруз» деб атайдилар; аруз билимдонлари эса, биринчи мисранинг охиридаги рукнни «аруз» аташади. Худди чодир уша устунга таянгани каби, байт шу рукнга таянади. Чунки бу рукн талаффуз этилганда айни шеър қайси баҳрга тегишли эканлиги ва у солим ё тарқоқлиги маълум булади»<sup>3</sup>.

Булар буюкларнинг фикрлари орасида эътиборлилари. Бироқ бошқалари ҳам куп, улар ҳам муҳтарам муаллифлар томонидан қайд этилган. Чунончи, дейишадики, аруз:

- Уммонга тегишли ном;
- тарқоқ булут;
- бошқариш мушкул бўлган туя;
- тарафлардан бири...

Қушимча равишда жуғрофӣй маълумотнома тарзида яна бир манбаъдан жузь келтирамиз. Журж ал-Ғурайӣйб:

«Ал-Аруд икки қисмга булинади: Баҳрайн, Йамома. У Яман Нажд қаршисида жойлашган»<sup>4</sup>.

Куришиб турибдики, аруд (бизнинг тилимизда «аруз») Ҳижоз, Йамома, Яман, Наждлар қаторида тилга олинган жуғрофӣй тушунча.

Руйхатни давом эттириш мумкин. Масала моҳиятига тааллуқли янги материаллар Ж. Зайдонда, Ҳанна ал-Фахурийдда, И. М. Филштинский асарларида ҳам учрайди. Бироқ масала ойдинлашиб қолгани учун аруз атамаси узоқ вақтдан бери куп тадқиқотчилар эътиборини тортиб келганига писанда қила туриб, баҳсга ал-Халил ибн Аҳмад ал-Фарҳодӣйнинг узини таклиф қиламиз. Бироқ унчага бир эслагма: юқориде курилганидай, олимлар «аруз» атамаси мавжудлигига ишора

<sup>1</sup> М. С. Асбар, М. Али. Муъжам илмил-аруд. Байрут, 1983, 7-б.

<sup>2</sup> Ибн Халликон. Вафайату-л-аъйан ва анба абна аз-замон. Байрут, 1968, 19-бет.

<sup>3</sup> Воҳид ат-Табризиӣй. Жомӣзул-мухтасар. М., 1959, 26-бет.

<sup>4</sup> Ж. Ғурайӣйб. Ал-Жаҳилӣйа. Байрут, Дорул-маориф, 1978, 50-бет.

<sup>1</sup> М. Мустафо. Аҳда сабил ила илмил-Халил. Қоҳира, 1967, 6-бет.

<sup>2</sup> Фролов В. Д. Классический арабский стих. М., 1991, 189-стр.

<sup>3</sup> Ж. ар-Рикобӣй. Қавонд, Балоға, Аруд. Қоҳира, 1955, 152-б.

<sup>4</sup> Алишер Навоӣй. Мезону-л-авзон. 14-жилд, Т., 1968, 137-б.



қилинади-ю, унинг уч алоҳида сўзлигини ургу билан кузатишмайди, уларнинг турли маъно аңлатиши билан атамалар уртасидаги узвий алоқадорлик борлигини эътиборсиз қолдиришади. Зероки, ал-Халил узининг «Китобул-айн»ида бундай ёзди:<sup>1</sup>

1. Аруз. Шеърнинг арузи, чунки шеър унда «арз» қилинади. (курсатилади, таҳлил қилинади, куз-куз қилинади).

Демак, фикримизча, бу фан номига тегишли.

2. «А'риду» жамлангани эса, уйни яримларга ажратиб турувчи (устун)лардир.

Демак, бу маъноси байтнинг биринчи булаги охиридаги рукнга тааллуқли. Негаки, уша рукн байтнинг биринчи булагини бошқасидан ажратади. Ал-Халил давом этади:

3. Яна бир «аруз» тоғ бушлиғидаги, оралигидаги йулдир.

Фикримизча, бу охиргиси умумий адабиётшуносликка — вазн номига тегишли. Дарҳақиқат, арузни эгаллаш тоғ йулида кезиш, юриш каби, ҳам лаззатли, ҳам мушкул. Демак, тажрибали арузшунос Вайл Ислоом Қомусида «аруз»га изоҳ бературиб, «Атама ўтов уртасидаги устунга ё бир булак ёғочга ишора этилиган «Ъаруд» сўзининг моддий маъносидан ясалган, шеъринг байтнинг урта рукни, унинг нақ маркази», деганида юз бор ҳақ эди. Бироқ олим атамани фан номига ҳам нисбат бериб, ноаниқликка йул қуйган.



Саид Анвар

## Уч кун хўроз бўлганим

Ҳажвий қисса

Машҳур қизиқчи Муҳиддин Дарвешов хотирасига

Ҳеч товўқхонада яшаб кўрганмисиз? Оҳ! Мазаки, нарёғи йўқ. Биров учоқнинг утига қара демайди, молнинг тагини кура демайди, бир кунимга яра демайди... Туйгунча ухлайверасиз. Саҳарда биров тур демайди, юзингни юв демайди. Ётаверасиз ён-бошлаб.

Еди-ичдининг муҳайёлигини айтинг. «Ма, е!» дейишиб, олиб келиб беришади — тумшўқ чузиш қолади, холос, сиздан. Тухум эса, деҳқончилик — пешма-пеш етказиб бериб туришибди. Илтиб ҳам ўтирмайсиз: янги ишлаб чиқарилганда ўзи иссиқ бўлади. Мабодо совиб қолган бўлса, бирорта товўқни шартта ушлаб, устига босасиз, илийди. (Ичига тиқиб иситса ҳам бўларкан-у, товўқ қургур ранглари ўзгариб, кўзлари пирпираб, ютинавериб жонсарак бўлиб қолар экан.)

Фанлар ичида энг мураккаби алжабр. Адабий жанрлар ичида энг машаққатлиси ҳажвийдир. Чунки ишқий шеърни ўқиган киши, вақтинча бўлса-да, бир зумда ошиққа айланиши, ахлоқий мавзудаги ҳикояни мутолаа қилган ўқувчи шу заҳоти одоби юксаклашиб қолиши шарт эмас. Аммо ҳажвий асарни ўқиётган одам дастлабки саҳифалариданоқ қиқирлай бошламаса, демак ҳажвнинг обрўйи бир чақа.

Саид Анварнинг «Уч кун хўроз бўлганим» қиссаси ҳозирги энг номдор ҳажвчиларнинг асарлари билан бемалол беллаша оладиган нарса бўлибди. Машҳур Юсуф Қизиқдан сўнг сўна бошлаган халқ қизиқчилиги санъатини қайтадан тирилтирган буюк кўлги устаси Муҳиддин Дарвешнинг болалиги ичакузди воқеалар, чексиз завқ-шавқ, чуқур ҳаётий фалсафалар замирида жуда чиройли қилиб очиб берилган.

Бу асар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотишига, кўп олқиш ва мунозараларга сабаб бўлишига ишончим комил.

<sup>1</sup> Ал-Халил ибн Аҳмад ал-Фарҳодий. Китобул-айн, 2-жилд. 7-бет.

Анвар ОБИДЖОН.

Ҳамхона бўлганингиздан кейин товуклар ҳам ҳайиқмай қуяр-кан. Кузим уйкуга кетди — бири қорнимда, иккинчиси бошимда сайрни бошлаб қолишади. Сал қуйиб берилса, учинчиси оғзингизга нос туфлаб кетишдан ҳам тоймайди. Ҳа-ҳа, кулманг.

Оғзимни юмиб ухлашга шу товукхонада одат қилдим.

Мабодо «Ким хуп ва куп сука олади» деган мусобақа утказилса, бувим биринчи уринни олса керак. Астойдил бўлишса, эртадан кечгача тинмай сука олишади-да. Албатта, бувимнинг голиб булишида менинг хизматларим кам эмас. Инсоф билан айтганда, менам мусобақаларда шохсупани эгаллашим мумкин: фақат югуришдан. Лекин бувим билан ҳамкорлик қилиш керак — косов ёки ўқлов кўтариб қувлаб туришса, бас.

Бу беллашувларнинг бош ёрилиши ёки қўл синиши билан яқунлангани ёмон. Айниқса, бу галги мусобақа муросасиз бўлди: бувим югуришдан ҳам чакки эмас экан. Томга қараб қочдим. Ундан бостирмага сакраб ўтдим. «Финиш»га бир баҳа қолганди: бостирмадан товукхонага, ундан кўчага сакрасам — озодлик эди. Афсус, товукхонанинг томи бевафолик қилди: уйилдию — гурсиллаб ичига йиқилдим. Товуклар «қо-қо»лашиб ўзларини сим турга уришди. Оғриқни ҳам унутиб, аламимни хўроздан олдим. Қўлимга илинган кесакни отган эдим, номард, чап берди. «Ку-қу»лаб ўзини сўнгги ижодим бўлган тўйнука урди ва ... учиб чиқиб кетди, лаънати! Ортидан тоғорачани отдим. Яна бир афсус: тўйнуқ четига тегиб ортига қайтиб, пешонамни гурра қилди. Аламдан, тўғриси, йиғлаб юборай дедим. «Хийиқ...» деб бошлаб ҳам қўювдим. Қарасам бувим қуролланиш пойгасини авж олдириб, бир қўлида косов, иккинчисида ўқлов билан тепамда турибди. Мудофаага ўтдим: тоғорачани қалқон қилиб, бурчакка қапишдим. Бувим симтўр орасидан найзабозликни бошлади:

— Ҳа, жувармак ўлгур! Эмабкина кеткур! Товукхонанинг томини ҳам тешибсан-да! Шу етмай туровди ўзи. Мана сенга, мана сенга!

Оғриққа чидаб бўлмайди. Товукхона эшигини итардим, тепдим — отам ҳафсала билан мустаҳкам қилиб қурган экан, очилмади. Тўйнука сакрадим — етолмадим. Ялиниб кўрдим — пастламади.

Бувим қайтага хурсанд бўлди:

— Ажаб бўпти, хуп бўпти. Узи сени бирор ҳафта оғилга қамаб хумордан чиқолмай юргандим. Кўнглимдагидай иш бўпти. Утираверасан энди хўроз бўлиб, ер ютур! Ниятингга етибсан!

Аслида, мен хўроз булишни орзу қилмагандим. Мана қаранг, мириқиб ухлаб ётибсиз. Ширин-шакар тушлар ҳам қуряпсиз тамшаниб. Дастурхон ноз-неъматга тула. Олма дейсизми, анор дейсизми, узумми, ҳаммаси муҳайё! Зарбоф чопонли шох дастурхон юқорисида ёстиққа ёнбошлаб ётибди. Олдида товукнинг

сон гушти қуриниб турган ёғлиққина шўрва. Эшикдан Мама-райим шилта кириб, шохга таъзим қилади:

— Шохим, ўғри тутдим, нима қилай?

— Келтир! — дейди шох.

Мамарайим, ўғри — Ҳай-италини буйнидаги арқондан судраб киради.

— Нима ўмарибди? — шох уларнинг таъзимига парво қилмай сўрайди.

— Гуноҳи оғир, шохим! — Мамарайим бошини эгади. — Бир қошиқ қонимдан кечсангиз...

— Сузла!

— Сизнинг ошиқларингизни ўғирлаб...

— Нима! — шох ғазаб билан ўрнидан туриб кетади. — Қандай журъат этдинг, итули!

Ҳай-итали бошини ерга уради.

— Раҳм қилинг, шохим, раҳм қилинг!

— Йўқ. Сен олий жазога маҳкумсан: молларни қайтариб кел!

Ҳай-италининг доду фарёди хонани туттади. Мамарайим уни судраб олиб чиқади. Шох шурвадан хуплаб, гуштини қўлига олади...

— Ҳалиям ётибсанми, ер ютур! Хўрознинг қичқиргани қачон эди?

Уфф! Туш расво бўлди. Гушт ҳам.

Ҳаммасига мана шу шаллақи хўроз айбдор. Нега, дерсиз? Энг биринчи ухлайдиган махлуқ шу хўроз булади. «Қулоқ чўзма» ё «Яшин тупалоқ» уйнамагандан кейин, ухлайди-да. Майли ухлайверсин, қаршилик йўқ. Аммо уйғониш масаласи... Сал инсоф ҳам керак-да. Каллаи сахарлаб туриб оладилар. Турсинларам, лекин бир-икки соат бурун қовлаб ёки хаёл суриб ётсалар нима қилади? Йўқ. Бу кишим ўзларини кўрсатмасалар бўлмайди: «қуқ-қу-қув-қув!» Бошқа хўрозлар ундан илҳомланиб қишлоқни бошларига кўтаришади. Улардан кейин Бозор бувамнинг эшагига худо беради: «И-о, и-о! Хо-хо-хо! Пуффф!»

Чўкур эснаб, бувим уйғонади. Аллақандай дуоларни такрор-такрор айтиб, «бисмилло» деб ўринларидан туради. Обдастани топар-топмас кўрпамни тортади:

— Ҳалиям ётибсанми, жувармак! Хўроз қичқиргани қачон эди? Тур.

Қимирлаб қуяман-да, уйқунинг авжини оламан. Бувим бир айлиниб келиб, яна турткилайди.

— Тур, дедим сенга! Бир марта айтганда туриб кетаверсанг бир нарса буп қоласанми, тур!

Эрталабки уйқудан ширин нарса бу дунёда бўлмаса керак. У томонга ағдарилиб донг қотаман. Бувим ҳам бўш келмайди.

— Сени ун марта уйғотишим керакми, э!

Бу сафар дик этиб ўрнимдан туриб кетаман. Бувимни қўлида

бир коса муздай сув бўлади-да. Албатта, товукхонага чопаман. Қўлимга илинган нарсани хўрозга қараб отаман. У хавфдан қочиб сапчийди-да, бир-икки «ку-ку»лаб, яна ҳеч нарса булмагандай хашак титкилашни давом эттиради.

Бу касофат на уйқунинг қадрига етади, на зардани билади.

Қорни очиб уйғонса керак, деб кечкурун донни хонасига тўлдириб ётдим — бўлмади. Эрта ётгани учун барвақт туради, деб ухлашдан олдин товукхонани кесакваранг<sup>1</sup> қилишни одат қилдим — натижа нол. Оғзини бойлаб қўйиш операцияси косов ейиш билан якунланди.

— Ултирасан, жувармак, ултирасан! Шу хўрозга бир нарса бўлсин, сени соғ қўярмиканман!

...

Бозор бувамдан галати гап эшитиб қолдим: «Бемаҳалда қичқирган хўроз — ошга босилармиш».

— Бемаҳалда қичқиргани қанақа бўлади? — ижикилаб сўрадим.

— Тушда қичқирворади ё ярим кечаси. Битта-яримтаси шу пайтда қичқираётган бўлса олиб кел, шўрва қилиб ҳам ичиб юбораверамиз, азбаройи савоб учун, — дедилар қулиб.

Бувимга билинтирмай роса бир ҳафта хўроз бўлиб қичқиришни машқ қилдим. Меҳнатим зое кетмади: қичқиришда унча мунча хўрозни бир чуқишда қочирадиган бўлдим.

Режам бўйича яшинтўпалоқни хийла узоқроқ ўйнадим. Ярим кечаси уйга кириб келдим. Бувимнинг хурраги текис давом этарди. Эшикнинг ғийқиллаши хурракни авжида узиб қўйди.

— Келдингни, ер юткур. Кўчада ётиб қолавермабсан-да.

Уринга кириб, бармоғимни тишладим. Ухлаб қолсам режа барбод бўлади-да.

Бувим дуоларини пичирлай кетди. Фурсатни кутиб ётибман. Кутганда вақт тўхтаб қолар экан-вей. Ниҳоят, пичирлаш хурракка уланди. Секин урнимдан турдим. Эшикни қия қолдиргандим, гижилламасин деб, сирғалиб ўтдим. Товукларга ҳам сездирмай кўча томондан катакка яқинлашдим. Тешиқдан мўралаб, овозни баралла қўйиб қичқирдим. Хўроз бошини кўтарди. Ҳайрон бўлиб атрофга аланглади. Иккинчи марта қичқирдим. Хўроз бошини у ён, бу ёнга ташлаб «қуқ-қуқ» деб қўйди. Таваккал деб авжини олдим. Хўроз бир сесканиб, кўзларини юмиб-очди, қанотларини қоқди ва... Ура! «Қу-қуқ-қуғ!» Унга жавобан яна қичқирдим. Хўроз ҳам жим турмади. Ҳатто кўшнилларнинг хўрозлари ҳам бизга жур бўлиб юборди.

Оёқ учида юриб, уйга кирдим. Кўрпага бурканиб натижани кутдим. Хўрозлар ким узарга қичқиришарди. Ҳамма гап Бозор буванинг эшагида қолганди: «Ҳа, эшаквой, бўл энди. Кўп элантираверма, бир эшаклигингни кўрсат», деб унга илтижо қиламан, овози чиқмайди-да. «Қани, бошладик. И-о, и-о, и-о, иё-иё! Пуфф-ф!» деб ҳам кўрдим — йўлга юрмади. «Эшакмия» деганига ҳафа

<sup>1</sup> Кесакбурон.

булиш беҳуда экан. «Хўрозмия» деганнинг ёқасини йиртиш керак экан. Хўрозга қараганда эшакда мия буларкан. Аммо бувим... чуқур эснади! Аллақандай дуоларни такрор-такрор ўқиди. Сўнг «бисмилло!» деб ўрнидан турди! Одатдагича обдастани топар-топмас кўрпамни тортиди:

— Тур! Азонгача юрибсан-а, жувармак!

Бир айтганда туриб кетсам бўлмас деб, номоз ўқиб бўлишларини кутдим.

— Сенга неча марта айтиш керак, ер ютгур!

Бошимни кўрпадан чиқариб «оғринган» бўлдим.

— Ҳали ҳаммаёқ қоронги-ю?

— Ҳаво булут шекилли. Хўроз қичқиргани қачон эди, тур! — Бувимнинг зардаси қайнаб, устимдан кўрпани тортиб олди.

Турдим. Ювиндим. Чой ичиб утирибмиз-у, бувим чуқур-чуқур эснаб, ўгринча ташқарига қараб қўяди: «бугун нима бало бўлди, тонг ёришмаяпти?»

Чойниям эзиб, узоқ ичдик. Қўрғур қуёш бош кутарай демайди. Бувим жуда қўйналиб кетди. Ахир, менга чойни ичиб бўлишим билан, «Қани, молларни еч. Далага ҳайда!» дер эди-да. Буйругини такрорлай деса, қош оқармаяпти. Бувимга ёрдам қўлини чўздим:

— Молларни ечиб, далага ҳайдайверайми?

Бувим ўқрайиб қаради-да, индамади. Урнимдан кўзгалган эдим, жеркиб берди:

— Утир, ер ютгур. Уртоқларинг чақиришсин-чи, кейин ечасан!

Уртоқларимни аввал утириб, дам утмай ёнбошлаб, кейин эса ётиб олиб, кута бошладим. Дарақлари бўлавермади. Хўрозларам ҳаммани уйғотиб бўлишдимми ё қичқиришавериб чарчашдимми, жимиб қолишди. Уларга қўшилиб менам ухлаб қолибман. Иккинчи бор қичқиришганда бувим турткилади:

— Тур, ер юткур, хўроз қичқиргани қачон эди!

...

Афсуски, бемаҳалда қичқирган хўрознинг бўйнини узиб ташлаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

Бувимнинг гапи:

— Бугун тонготмай ўлдими, Гултожи буви? Хўроз қичқиргани қачон эди, деб эна-бола чойни ичволиб, шу ташқарига қарайман, кун ёйилмайди-да.

Гултожи холанинг гапи:

— Вой, Хожар буви, нимасини айтасиз? Намоздан кейин хамир ийлаб қўйиб, эснаб утирибман, утирибман, хамир кўлганда қош оқарса-я!

Бозор буванинг гапи:

— Хўрозлар қичқирди-ю, эшак ҳанграмайди-да. Юрагим орқага тортиб кетди. «Ё хайр-маъзурни насия қилиб, нариги дунёга жунаворган, ё ўғри урган», деган гап ўтди кўнглимдан. Ялангоёқ

оғилга қараб чопибман. Ҳайтовур эшаквой бемалол ётибди. «Тинчликми?» дегандай менга қараб, қулоғини қимирлатиб кўйди. Нарувли аравага қушиб, намозни бозорда ўқирман деб, йулга тушдим. Одамларни гафлат уйқуси босганми, Янгиқўрганга етгунча бирор зог учрамаса-я! Борсам бозорнинг қоровули ҳам ухлаб ётибди. Уйготдим.

— Ака, бозор тушингизга кирдимиз?— дейди кузларини уқалаб.

— Узимиз ҳам Бозор, кўнглимиз ҳам бозор, тушимиз — бозор. Тур! — дедим.

Намозни биргалашиб ўқидик. Чой кўйди, ичдик. Мева-чеваларни артиб, яхшисини олдига, майдароғини орқага қилиб эринмасдан териб чиқдим. Бир кўзим осмонда, иккинчиси эшакда. На унис оқарай демайди, на буниси ханграйди. Ёмғир ёғса керак деб, тепамга соябон ҳам қилиб олибман-а. Бугун қанақа кун бўлди ўзи, Эшон ака?

Валихон эшоннинг гапи:

— Бугун денглар, хўроз қичқириғини эшитдим-у, ҳеч тургим келмайди-да. Шайтон елкамдан босиб, «Ухлайвер, ухлайвер, ҳали эрта», дейди. Шаҳд ўрнимдан турдим. Намозни ўқиб, китобни қулга олдим. Худонинг қудратини қарангларки, китобни тугатмагунимча тонгини оттирмай турди!

Узимнинг гапим:

— Майли. Бир-икки кун ухламанглар, бемаҳалда қичқирган хўрозни эслаб қоларсизлар.

Яна ярим кечасигача бармоғимни тишлаб ётдим. Пичирлаш хурракка улангач, эшикдан сирғалиб чиқдим. Секин, ҳатто товукларга ҳам сездирмасдан катакка яқинлашдим. Афсус... Бувим қўлида ўқлов билан секин, ҳатто менга ҳам сездирмасдан орқамдан пойлаб чиққан экан. Бир бора қичқиргандим, бошимга тушган калтак зарбидан қичқириқни дод-войга улаб юбордим.

— Сен экансан-да, хўрозларниям, одамларниям аҳмоқ қилган, дўзахи! Мана сенга, мана сенга!

...

Уста Муҳаммаджон бувадан ҳам ҳафа бўлиб кетдим. Деразашик ясаб сотади. Айланиб кириб қолсам «Ушлашиб тур», дерди, ушлашиб турардим. «Манавини рандала», дерди, рандалардим. Ҳечам ёмонлик қилмагандим унга.

Ҳа, гапим ёлғон бўлмасин...

Бир кун кўчадан ўтиб кетаётсам деворидан тош ошиб ўтиб, йулга тушяпти: тарақа-туруқ. Деворнинг тирқишидан қарасам, эски уйининг тошини ковлаб олиб, отаётган экан.

— Шошма, — дедим. — Шу тош бирортасининг бошига тушса нима бўлади? Уста Муҳаммаджон балога қолади.

Навбатдаги тошнинг учиб ўтишини пойлаб, илиб олдим. Дод солиб бақирдим:

— Вой-дод! Вой бошим! Ёрилди бошим! Тош отмай қўлинг сингур! Вой-дод одамлар, бошимни ёриб кўйди.

Уста жон ҳолатда ҳаллослаб кўчага югуриб чиқди-ю, қотиб

қолди: қўлимдаги тошни осмонга отиб ўйнаб, тиржайганча турардим-да.

— Ҳу-у!..— уста тутаб сўқинди. Қўлига тош олиб пўписа қилиб, қувлай кетди.

Шу кишим бувимнинг бир оғиз гапига асбоб-усқуналарини кўтариб чиқибди.

— Жуда кўнглимдагидай иш бўлибди-да, — уста мириқиб қулди. — Ўзи буни дастидан бирор иш қилгани ҳам кўрқасан одам.

У товукхонанинг томига кўтарилди.

— Ёғочни узатинг.

— Шошма, — бувим бир кўлида боғланган похол, иккинчисида эски тушак кўтариб кела бошлади. — Аввал мановиларни ичкарига ташлаб кўйгин, тушаб олади. Яна зах ўтиб кетмасин жувармақдан.

— Э! — уста қўл силтади. — Бунингиз тегирмонга тушса бутун чиқади-ку, зах ўтармиди!

Йўқ, ҳарқалай похол билан тушакни туйнуқдан ташлади. Похолни ёйиб, тушакни юмшоққина қилиб, ёнбошлаб олдим.

— Қани, уста бува, тухумхўрлик қиламиз, биз томонга марҳамат!

Уста ўқрайиб қаради-да, ишини давом эттираверди.

— Аммо уста бува, яхшилаб беркетинг. Яна ёмғир-помғир ўтиб, ҳаммаёқни расво қилиб юбормасин.

Гапларимдан гаши келиб, чала ташлаб кетса ажабмас, деб ўмид қилгандим, уста ишни бекаму кўст бажарди. Ҳатто:

— Иложи бўлса, бир-икки ойсиз чиқарманг шеттан! — деб тайинлаб ҳам кетди.

...

Ия, ҳа-ҳа-ҳа! Ановиларни қаранг! Беш-олтита зумраша мени кургани келибди. Бирининг қўлида тишланган беҳи, иккинчисида ярми чириган ўзум... Обру дегани шунчалик-да. Бувим уларни олдига солиб ҳайдади:

— Сенларга аҳойибхонами бу? Катакда ўтирган одамни курмаганмисанлар? Жўна! Жуда катакдаги одамни кўришга бошқоронғу бўлсаларинг, биттанг товукхонага кириб тур, бошқанг томоша қил!

— Ҳов, буви, уларни ҳайдаманг. Ҳозир бекор бақираман.

— Э, менга деса томогинг бўғилгунча бақир.

— Ашула айтавераман, бўлмаса.

— Эрталабдан кечага айтмайсанми! Қулоғимга пахта тиқиб олганман.

...

Жуда қоринлар очқаб кетди-ку. Бу оламда товукчалик оғзига талқон солган, юраксиз махлуқ йўқ экан. Фақат маҳсулот тайёр бўлганда овози чиқади: «Бола тугдим боши йўқ, қалам-қалам

қоши йўқ. Қо-қо-қо-қоғ! Тухум тайёр марҳамат, бизга айтинг сўнг раҳмат!»

Бошқа пайтда ҳам хашак титгани титган. Қорни очсаям, томоғи қурқшаб турсаям жим. «Дон! Сув!» деб бақирмасин, майли. Ҳеч бўлмаса, туш бўлганда тузукроқ овоз чиқарса нима қилади? Узларига ўхшаб, хўжайинларининг товуши ҳам тухум тайёр бўлганда чиққанига куйиб кетаман-да. Худди Аҳмад элликбошининг ўзи: «Шундай қилиб, азизлар, маҳсулот тайёрлаш режасини ортиги билан бажардик. Яна кўшимча равишда...» дегандек. Шу билан яна маҳсулот тайёр бўлгунча соқов.

Молхонага келтирилган чўчқалардан андак ўрганишса, нима қилади? Олдиларида емиш тугаб қолса, шунақа чийиллашадики, қишлоқни кучириб юбораман дейди. Овқатини вақтида берманг, ана унда кўрасиз томошани. Тўққан боласиниёқ еб қўяди: ем бермадингни, сенга тушиб қолган болам йўқ!

Бир ҳисобда тухумхўрлик фаолиятим яхши эди. Бувим шуням кўп кўрди.

— Ютавермагин, жувармак.

— Э, ютаётганим йўқ. Товуқларингиз ўзи тухум туғмаяпти, Суббиниса холанинг гапини эшитмадингиз-да.

— Нима дейди?

— Гултожи хола ундан, — бувимга астойдил тушунтира кетдим, — «Товуқларим ҳар куни бир пақир дон ейди, аммо тухумдан дарак йўқ. Нима қилсам экан-а?» деб сўради. «Дон билан иш битмаслигини биласиз-ку, айланай, — Суббиниса холам жавоб қилди. — Ундан кўра товуқларингизнинг қошига усма, кўзига сурма кўйиб кўйинг. Ана ундан кейин кўрасиз, қўшни хўрозларнинг кўра ҳатлашини. Тухум дегани ҳеч ерга сигмай кетади, ургулай! Бизнинг товуқлар ҳам...»

— Тухум қилмай, лўчоқ қиляптими? — бувим гапимни булиб, атрофимдаги лўчоқларга қўлини ниқтади. — Саккизта туғадиган товуқ бор. Кунига шунча тухум бермаса, овқатдан умид қилма, — деб қатъий битимга нуқта қўйди.

Мана тухумларни ўйнаб ўтирибмиз, овқатдан дарак йўқ. Ё узим товуқлар учун бир қичқариб қўйсаммикан: тухум олишни билгандан кейин, овқат беришни ҳам билинг-да.

Туй бўлса бизга худо беради: кўчама-кўча, далама-дала, шопипояма-шопипоя — ернинг нариги ёғида бўлмайдими, борамиз. Қўшни қишлоқда кимдир базм қилиб қолди. Борсак ҳовли тўла одам: айтилганидан айтилмагани кўп. Тўпчироқлар ёруғида берилиб ашула тинглашяпти. Аммо одамлар илҳақ, кимнидир тишарди. «Кечроқ бораман деган экан-да, келиб қолармиш...» дегандай гап айланиб юарди. «Ким у? Нима қилади?» деган саволларни ўйлаб ҳам кўрмай одамларга кўшилиб, бизам кутардик. Бир вақт, «Келмас экан, иши чиқиб қолибди», деган гап қулоқдан қулоққа кучди. Одамлар тўда-тўда булиб тарқала бошлади. Бизам «ўзимизникилар» билан қишлоғимизга юриш бош-

ладик. Ярим йўлда «Келибди!» деган хабарни эшитдик. Қайтдик. Туйхонага одам сигмай кетибди. Лекин бировнинг овози чиқмайди.

*«Мен боламни боқаман, алла, алла болам,  
Устига бахмал ёпаман, алла, алла болам.»*

деган ашула эшитилляпти, холос. Бўйимни чўзиб қарасам, ўртада битта хотин, боласини кўтариб олиб алла айтяпти. «Арслонбойнинг дадасини кўрмадиларингми?» деб сўрайди у ҳар замон ашуласини тўхтатиб. Одамлар гур-гур қулишади. Нега қулишяпти десам, у хотин эмас, эркак киши экан. Дам утмай саҳна ортига ўтиб, кийиниб чиқди.

— Пойизни эштайлик, пойизни! — деган қийқириқлар кутарилди.

— Пойиз замбар бўлмаса юрмайди-да, — деди қизиқчи.

Дарҳол замбар топиб келишди. Қизиқчи унинг устига чиқиб, оёқларини замбарга уриб гапира кетди:

— Ҳурматли йўловчилар! Иккинчи йўлдан Қўқон-Тошкан пойизининг жўнатилиши эълон қилинади. Бу-у-уп! Вишт-вишт-вишт. Та-тақ, та-тақ. Чатақ-чатақ, чатақ-чатақ. Та-тақ-та-тақ, чатақ-чатақ. Та-тақ-та-тақ, чатақ-чатақ. Пу-уп!

Худди пойизнинг ўзи бўлди-қўйди-е! Темирйўлда тургандай бўлдим.

Эртасига қишлоғимизда синмаган замбар қолмади. Ҳамма болалар: «чатақ-чатақ». Албатта, менам қараб турмадим. Овози яхши чиқавермади. Замбарни ариқнинг устига қўйиб олиб оҳангига энди тушгандим, ариқда оқиб кетаяпмиз замбар икковимиз.

Бувимга раҳмат, бувимга: қутқариб олишди. Кейин уста Муҳаммаджон буваникига улоқтиришди, икковимизниям.

— Тузатмагунингча қорангни кўрмай!

Бувим аслида ёмон хотин эмаслар. Ана, қаранг, қорним очганини билиб овқат олиб келишяпти. Қўчқор тоғам айтгандай, бувимни ҳаёт уйинчоқ қилиб кў-уп уйнаган экан. Шунинг учун зардаси қайнаб турарди.

Менгача бешта боласини ерга қўйган: бири улик туғилган. Иккинчиси «салом» билан «хайр»ни бирин-кетин айтиб жўнаворган. Учинчиси бир ойлигида, тўртинчиси уч ойлигида, бешинчиси икки ёшлигида ҳаётдан куз юмган. Олтинчиси... Ҳаёт! Аини дамда овқатни паққос туширмоқда.

Менинг дунёга келишим ҳам қизиқ бўлган экан. Қоринларидан етти ойликман, фолчига борибди. «Соғ туғилади, бироқ кўп ўтмай ўлади», деган жавобни олибди. Бувим хўнг-хўнг йиғлаб, ўзини тўсинга осибди. Яхшики, отам уйда экан, арқонни кесиб ташлабди:

— Фолчинг бекорларнинг бештасини айтибди!  
Дод-фарёдга қўни-қўшнилар тўпланибди.

Менам яна бир кун туполон қилиб юрмай, деб шу туполон-даёқ шартта туғилиб юборибман.

Аммо бувимга яхшилик ёқмас экан. Яна икки ой кутариб юришадими, деб муддатидан илгари туғилибман-ку, бувим туни-ни тескари кийиб юрибди.

— Соғ туғилгани нима бўлади-ю, чала туғилгани нима бўлар-ди, барибир ўлади-да. Курмайин ҳам, куймайин ҳам, — деб сут бермасдан қийнашга тушдилар.

Қушнимиз Суббиниса хола:

— Тирикми, насибасини бермасанг нариги дунёда азобини тортасан: икки кукрагингдан иккита илон сўриб ётади! — дема-гунча менга қиё ҳам боқмадилар.

Суббиниса холадан ҳам жуда хурсанд эмасман, аслида. Яна жиндай қурқитишмаган-да.

— Болани телпака солиб бўлмайди, бешикка боғланади. Шунақа қилаверсанг нариги дунёда ўзингниям телпака солиб осиб қўйишади, — деб қўйганда борми, эмизиб булғач отамнинг эски телпагига солиб, тўсиндаги михга илиб қўйишмасди. Ухлаб, жим бўлиб қолсам:

— Улибдими? — деб мени михдан олишмасди. — Ҳалиям улмабди, — дея яна жойимга осиб қўйишмасди. Уч ой телпақда чайқалиб ётмасдим. Тенгқурларимга ўхшаб чиллам бешикда чи-қарди.

Мениям гашим келиб қолган эканми, роса боглабман: ул-мабман. Мана, ишонмасангиз товуқхонада овқат еб бўлиб, чойга маҳтал ўтирибман. Бирор чойнак совиган чойми ёки муздаккина сув булса эди, азбаройи тириклигини исботлаш учун бир кутаришда идишингизни бўшатиб берардим.

...

Сизга анча-мунча гап сотиб қўйибман-у, ўзимни таништира-мабман. Қишлоқда обрўйим зўр: кимнингдир товуғи йўқолса ё бирортасининг боғига ўт тушса, дарров мени эслашади.

Отим Теша... Ие, яна адашиб кетдимми? Ишқилиб бувим эшитиб қолмадимми?

— Сенга юз марта айтаман, қулоғинг том битмай ўлсин... Отинг Теша... Ҳа, жувармак, мениям адаштирадинг. Муҳиддин отинг, Муҳиддин. У от сенга шунчалик қўйилганди, ер юткур! — деб мадҳияни бошлаб қолади-да.

Тўполонда туғилганимни айтдим-а? Шу тўполонда кинди-гимни кесиш ҳам зарур бўлиб қолибди-да. Излаганда лаб-бай топилмас. Бозор бувам овқат қилаётиб чўмични белига қистирволиб роса бир кун уни излаган экан. Ушанда отам у ёққа чопармиш — пичоқ йўқ. Бу ёққа чопармиш — пичоқ йўқ. Э, ҳали арқонни кесгандингиз-ку, деб қўяй десам мен-да забон йўқ.

— Теша бўлмайдимми? — отам хуноб бўлиб сўрабди.

— Шошганда булаверади, — деб Суббиниса хола жавоб қи-либди.

Отам бир қўлида теша, иккинчисида тараша билан тепамга келибди.

— Мана бўлди, — Суббиниса холам хурсанд бўлиб кетди. — Отиям ўзи билан бирга бўлди. Буни энди Тешавой деймиз. Илоийм ҳаммага керакли теша бўлсин.

— Яхшиям, — дейман ҳали-ҳали, — отамнинг кўзига теша қуринибди. Агар дасткаллак қўлига тушиб қолганда Дасткалла-вой бўлиб кетармидим. Мабодо аррани олиб келганда мени ўр-тоқларим Арравой деб чақиршармиди. Отам киндигимни жоди-га ошна қилганда, «Танишиб қўяйлик, исмим Жодивой», деб юрармидим...

— Теша булса, Теша-да, — бувим инқиллаб жавоб қилибди. — Бунга энди от ҳам излаб юрайликми, бари бир ўладиган нарса булса!

Улар боланинг «ўлиши»ни хуб кутишибди. Бир ой утибди — бало-қазодай эмармиш, ияқ қоқишдан дарак йўқ. Олти ой-лик бўлибди — бинойидек йиғлармиш, кулармиш, ухлармиш. Ёшга етар-етмас чопқиллаб юриб кетибди. Икки ёшида тили чиқибди. Учга кирар-кирмас баралла ўхшатиб сўкадиган бў-либди.

— Э, бу ўлмайди шекилли, тузукроқ от қўяйлик, — дебди бувим ҳафсаласи пир бўлиб.

— «Муҳит» — ҳаёт, «дин» — яшамоқ, Муҳиддин деб атаймиз буни, — отам хурсанд, янги отимни эълон қилибди.

Отингизнинг иккита булгани ҳам яхши экан!

Отам:

— Тешавой, ҳов Тешавой, бу ёққа келиб андак қарашвор! — дейди.

Биламан, андаги қоронғу тушганча чўзилади. Аравасоз уста-да. Бир ишга тушса кечгача, ҳатто тушлик қилишни ҳам унутиб уннашаверади. «Ҳов, бу бола ўйнаши керак. Кўчада ўртоқлари кутиб турибди» деган ўй етти ухлаб тушига ҳам кирмайди. Шу-нинг учун қоққан қозиқдай туравераман.

— Ҳов, меров! Қулоғинг том битганми? — отам туртади.

— Мени чақирдингизми? — ҳайрон бўлиб сўрайман.

— Неча марта Тешавой, дедим!

— Мен Тешавоймасман, Муҳиддинман, иккинчиси ҳисоб, — деб қуяман.

Бувим:

— Муҳиддин, бузоқни боғлаб, сигирнинг тагини кураб қўйгин. Мен далага кетяпман. Ҳа, гўнгни ташиб, молларга сув тутиш эсингдан чиқмасин. Сомонни ариқнинг лабида ивитгин, — деб тайинлаб-тайинлаб жунайди.

Даладан қайтса сигир билан бузоқ «Бизни кимларга ташлаб кетдингиз-о-о!» ашуласини баланд пардада айтишиб, кутиб ола-ди. Бувимнинг фиғони фалакка чиқади:

— Сенга нима дегандим, жувармак! Боғламабсан-ку бузоқни. Эмавериб сигирнинг эмчагини шилиб юборибди. Сомон ҳам ивитмабсан, тагига ҳам қарамабсан, ер юткур. Қандай бало бул-япсан ўзи сен!

— Менга айтганингиз йўқ, Муҳиддинга айтдингиз,— тап тортмай жавоб қиламан.

— Сен Муҳиддин бўлмай нимасан, касофат! — бувим бақиради.

— Мен Тешавойман, биринчиси ҳисоб, — деб қўяман.

Албатта жавобим муносиб тақдирланиб, қулоғим остида шавла қайнади. Ҳориб-чарчаб иш қилгандан кўра сахардан хуфтонгача маза қилиб уйнаб, атиги бир тарсаки еган афзал-да, нима дедингиз? Озгина оғрийди-ю, аммо чидаса бўлади.

Сизга, айниқса, бувимнинг олдида отимни адаштириб юбормасликни маслаҳат бераман. Чунки бувим бир отликка ўтказишга астойдил бел боғлашган. Бу йўлда лўғатдаги жамики сўзлардан оқилона фойдаланишмоқда. Косов, уқлов, супурги, борингки, қўлларига илинган жамики нарса уларга ҳамроҳ, эҳтиёт бўлаверасиз.

...

Узи бизнинг оиладагиларга исми билан туғилиш одат экан.

Илгари дарвешоналарда сўйилган қўйнинг калла-почаси, бир қисм гушт-ёғи қишлоқ оқсоқолига тегаркан. Оқсоқол тушликка ош дамлатиб, устига қўйнинг калласини пишириб босиб, халққа тортиқ қилар экан. Каттамининг пешонасида оқсоқоллик бор экан. Бир дарвешонада ошни кўтариб кетаётса орқадан хабар келибди:

— Муллака, угил кўрдингиз, муборак бўлсин!

— Ие, оти билан туғилибди-ку! — Каттамин хурсанд бўлибди.

Хуллас, отамизга Дарвешали деб исм қўйишибди. Бахтга қарши ҳозир у киши йўқ. Исм жисмга мос бўлсин, деб дарвешона юрибди.

Қишлоғимизга шапкаликлар онда-сонда уралашган пайтлар экан. Терада гап бўлиб қолибди:

— Уртоқлар! Партиямиз курсатиб берган йўлдан оғишмай бориб, пахта, дон, сабзавот, полиз, пилла, умуман ҳамма соҳада топшириш режаларини ортиги билан бажаряпмиз. Лекин одам топшириш режасини бажаришда ҳамон оқсаяпмиз. Нима қиламиз? — дебди шляпа.

— Одам топшириш режасини ҳам дўндираемиз, — деб жавоб қилибди биринчи шапка.

— Дўндираемизгина эмас, — деб иккинчи шапка кучайибди, — партия белгиладими, албатта ортиги билан адо этамиз!

— Ҳўш, унда кимлардан бошлаймиз? — деб шляпа ўртага савол ташлабди. — Бир бошдан олаверсак шов-шув кучайиб кетади. Шунинг учун ниманидир рўқач қилиб, танлаб топширишимиз керак.

— Албатта, албатта,— шапкаликлар уни қувватлашибди.— Аввало от-улови борларни топшираемиз. Ҳам от-улов фойда, ҳам...

— Маъкул! — деб шляпа уларнинг сўзини бўлиб, «оқ» фотиҳа берибди.

Шапкалар папкаларни қўлтиқлашиб қишлоқларда изғишибди. Афсус, бирорта ҳам оти бор одамни топишолмабди.

— Булиши мумкин эмас! — деб шляпа хайқирибди. — Ўзларингни сездириб қўйгансизлар. Бир кечада отларини сўйиб саранжомлашган.

— Бизам шу тўхтама келдик, — деб шапкалар чулдирашибди. — Янги фикр чиқиб қолди: иккита мўриси борларни бир бошдан топшираверсак. Бунақаларни керагича топса бўлади. Мўри от эмаски, сўйиб саранжомласа!

— Билганларингни қилларинг! — деб шляпа столни муштлабди. — Менга план керак. Қандай бўлмасин одам топширасизлар, режани бажарасизлар. Тамом-вассалом.

Шапкалар яна қишлоқларни изғишибди. Афсус...

— Дарвозаси борларни топшириб қўяқолсак-чи? — шапкалар ўзаро маслаҳатлашибди. — Дарвоза мўри эмаски, бир кечада уриб, лой шувоқ қилиб қўйгани.

— Дарвозалилар билан режани юз қилворармиканмиз?

— Режа тўлади. Жуда бўлмаса, эшиги кўчага қараганлар бор...

— О-о-о! Уларни ҳам топширсак, мажбуриятни ҳам ошириб бажарамиз.

— Аммо эшиги кўчага қараганларни янаги мавсумга мўлжал-ляяпмиз, дейишганди. Кейинги мавсум режасини ҳам уйлашимиз керакми?..

— Янаги мавсумга томи осмонга қараганлар ҳам бор-ку!

— Яшанг, касбдош. Балосиз-да. Бўлмаса иккита дарвозаси борлардан бошладик.

Иккита дарвозалиларнинг биттаси отам экан. Аравасоз эмасми, устахонасигаям, ҳовлисигаям дарвозани қуриб ташлайверган экан. Шапкалар келса... дарвозалар турганмиш-у, Дарвешали йўқ эмиш.

Отамнинг дарвешона ҳаёти шундан бошланган! Ҳануз Оққўргонда меҳмондай. Меҳмон бўлиб келсаям денг, ер кўтармагандай томда ётади.

— Энди одам олишмас эмиш! — деб оғзи қулоғида келиб қолади. Унга улфатлари гоҳ жиддий, гоҳ ҳазиллашиб гап отишади:

— Ҳа, бизам эшитдик. Энди фақат аравасоз усталарни олишармиш.

— Ҳа, шунақа гап меням қулоғимга чалинганди. У ёқларда аравасозлар сув билан ҳаводай зарур эмиш.

Уртоқларининг «хушхабар»ини чала-чулпа эшитиб, отам яна гум бўлади.

Яна қишлоққа бош суққанда, учинчи бир улфати ҳовлиқиб келиб қолади:

— Хайрият-хайрият, кетиб қолмаган экансан. Хайрлашиб қолайин деб югуриб келяпман.

— «Хайрлашиб қолай деб?» — отам хайрон бўлиб сўрайди. — Мен қаёққа кетяпман экан? Уйга энди келдим-ку?

— Сибирга жўнаб кетяпти деди-ку?

— Ким?

— Ҳалиги жамоада ишлайдиган шапка бор-у, оти нима эди, ҳа?..

Отамнинг қулоғига бошқа гап кирмайди. «Тинчмисизлар? Яхши қолинглар!» деган гапларни чала-чулпа айтиб, жунаб қолади. Орқасидан улфати ҳамдардлик ила бақиради:

— Иссиқ кийимларингни олволгин, у томонларни совуқ дейишади.

Дастлабки йиллари «саёҳат»га бувимни ҳам олиб юраркан. «Саёҳат»нинг «роҳати» — бувимнинг жонига тегибдими, ё уртага мен тушибманми, билмадим, танҳо юрадиган бўлиб қолган. Сурасангиз дам Эшонқишлоқдаман, дейди, дам Жалолободда. Ҳозир қаерларда экан, номаълум. Бир келиб ҳол сўраб кетишса, ёмон бўлмасди.

Кеча томда ётиб бувимни қуриқлагандим. Ҳа, шу... куруқ чиқиб кетгандан кура деб кампирларни умариб чиқиб кетишяптимиш. Бугун товукхонага кучдик. Қишлоққа тулки оралабди. Суббиниса холанинг бир жуфт, Гултожи бувининг учта товугини еб кетибди. Шунга бувим ҳеч қўймай товукхонага қоровулликка қўйдилар,— дердим. Ажабмас, отамнинг раҳбарлигида бувим билан урин алмашворасак.

...

Рости, қамалиб утиравериб, зерикиб кетдим. Сизга у-буни гапириб бериб, узимни овуятпман-у, яраббир зерикапман. Бувим билан «айтишув» қилиб, кунгил ёзай десам, у киши ҳам бошига тугунини қўйиб, жунаб қолдилар:

— Холангникига кетяпман. Уйга қараб утирарсан!

Ана гап-у, товукхонада туриб, уйга қараб утирармишман! Уғри кирсаям маза қилади-ку. Албатта, уғри уйимиздан бирор нарса тополмагач, обрулироқ бўлса, молларга ёпишади. Бачканароқ уғри бўлса-чи? Шубҳасиз, товукхонага қадам ранжида қилади. Катакда товук ушлаб берувчи одам тайёр. Дод-вой қилсам, қишлоққа адашиб келиб қолган бирорта ит аҳамият бермаса, бошқа ҳеч ким пинагини бузмайди: «Э, қўявер, бақираверсин. Яна бирорта томошани бошлаганга ўхшайди».

Аммо бирортаси адашиб келиб қолса соз бўларди. «Бувим холамангига калит излаб кетди. Манови қулфнинг калитини йўқотиб қўйишибди. Мабодо палончи аканг келиб қолса, қулфни бузибам бўлса эшикни очиб берсин», деб тайинлаганлар дердим, зора...

...

Тақасини эргаштириб Шодмон хола келди. Бувим яримта нон олиб чиқиб берди. Хола ерга утирволиб нонни бурдалаб бирини қўчқорига тутуди, бирини оғзига тикади. Уни гапга солишдан фойда йўқ.

— Қўйингиз катта бўлиб қолибди-ку, — деб қўйсангиз бас.

— Қўймас, қўчқор, мана қара, — деб тақасининг думбалари-

ни кутариб кўрсатади ва тақасини силаб, одатдаги гапларини бошлайди, — семириб қолди. Яқинда Йулчивой армиядан келди, оёғининг тагига сўямиз-да. Сенам боргин, қассобга ёрдамлашасан. Айтаман, пуфагини сенга беради, уйнайсан. Ана, ундан кейин катта тўй қиламиз.

— Қанақа тўй? — деб юзинчи марта сўрайман.

— Ие, ие, ие! Ҳа, Йулчивой акангни уйламаймизми? Келин туширамиз-да, болам, — деб хола жилмаяди. — Кўз остига олиб қўйганим ҳам бор. Ҳов, Соливоининг қизи бор-ку, ҳа, уша қирқ кокилни келин қиламиз. Қарабсанки, тўй, ваҳ-ваҳа, қайнона бўлиб сўрида ўтирибман-да. «Келин, уни ундоқ қилинг. Келин, буни бундоқ қилинг...»

Шодмон холанинг гаплари ҳаммага ёд бўлиб кетган. Кўчқори ҳам қишлоқда отнинг қашқаси. Йулчивойи хизматга кетгач, бирор ой ўтиб тугилган.

— Мана, кўриб қўйинглар, қўйим қўчқор тугди, — деб хола ҳовлима-ҳовли юриб, севинчилаб чиққанди. — Худо бераркан. Йулчивой келгунча бу мана шунчалик (хола қўли билан бир кучоқ ерни кўрсатди) қўчқор бўлади. Оёғининг остига сўямиз.

Мол боққани борсак, ҳар замонда Шодмон хола эна-бола қўйини етаклаб чиқарди. Бизга ширинкомасига урикми, майизми бериб, қараб туришимизни тайинларди. Ўзи ўт қилишга киришарди. Қўзичоғи сакраб-сакраб уйнаб қолса, хола ёш боладай қувониб кетарди.

— Қаранглар, сакрашини қаранглар! Буладиган қўчқор-да бу. Йулчивой келгунча мана бундоқ бўлади...

Аммо Йулчивой қўзи «мана шундай» бўлмасдан туриб, келиб қолди. Эшитиб борсак, устиде солдатларнинг эски, сўкилган, доғ-дуг палтоси, бошида бир қулоғи узилиб тушай деб турган телпак... Шимларининг почалари титилган, оёғи яланг... Йулчивой парвойи палак, тиржайиб олдидаги иккита катта итга нон майдалаб отиб, остонада утирарди!

Шодмон хола сочларини юлиб йиғларди:

— Кўзимнинг оқу-қораси, соппа-соғ ўғлимни олиб кетишиб, не қуйларга солишибди, халойиқ. Бу нима кўргилик, худойим!

Шодмон хола дод-фарёд қилиб жамоага, туманга борди... «Улмайд келганига шукр қилсанг-чи, кампир!» деган гапни эшитди, холос.

Қишлоқ Йулчивойга кўникиб қолди. Итларини эргаштириб кучама-куча юрди. Қорни очса ким булсангиз ҳам «Бер!» дейди. Нонми, овқатми берилса, ярмини итларига ташлайди. Қолганини ўзи ейди, «Кет!» дейди, вассалом, бошқа бирор оғиз ҳам гап эшитмайсиз.

Аммо кейинги пайтларда Йулчивой жамоа идораси атрофида кўп айланадиган одат чиқарди. Кечқурун бўлса, кимнингдир уйига бостириб кириб, ҳайдайдиган бўлиб қолди. Дастлаб Акбар домланинг уйига борибди.

— Кет! — дебди унга.

— Нимага? — сўрабди домла.

— Кет! Кет! — Йулчивой баттар дўқ урибди.



— Нега ахир, сабаби борми? — домла яна сўраган экан, Йулчивой итларини олқишлабди, домла қочибди. Йулчивой итлари билан барабар домлани қувлаб қишлоқдан ҳайдаб чиқарибди.

— Кет! Кет! — дебди Йулчивой, қуриққа ишора қилиб.

Йулчивойнинг гапи таъсир қилганми, ё юраги ниманидир сезганми домла қуриққа жунабди. Хотинининг айтишича, уша куни уйларига иккита шапка келибди.

— Эрингни қаерга гумдон қилдинг, аблах! — дейишибди уйнинг ағдар-тўнтарини чиқариб.

Йулчивой анча одамни қишлоқдан ҳайдаб чиқарди. Уларнинг айримларини ҳисобга олмаганда кўпчилигини «ҳайдалгач» излаб келишган. Жамоада кимнинг исмини кўп тилга олишса, ўшани кига чопавараркан Йулчивой. Аммо Ҳамид қассоб икки марта қувгин бўлса-да, ҳолидан биров «хабар» олмабди.

— Э, бу жинни иссиқ жойимни совутиб, мениям жинни қилади. Мени нимага олиб кетишади: бойнинг ўгли бўлмасам, ортиқча гап айтмасам. Энди келса чопиб ташлайман. Ҳукумат менга раҳмат дейди, — деб қассоб азму қарор қилибди.

Йулчи ҳовлиқиб келибди. Шунчалик чопганмишки, итлари орқасидан етиб юролмасмиш.

— Кет! Кет! — ҳансираб жон ҳолатда қассобга қараб бақирбди.

— Мана кет! Мана сенга кет! — деб қассоб...

Қулини қонини артиб бўлмасдан шапкалилар ҳовлисига бос-тириб кирибди. Ҳамид Йулчининг совийтган танасини кучоқлаб йиғлайверибди, йиғлайверибди. Шапкалилар уни мурдадан зўр-га ажратиб олишибди.

Итлари Йулчивойнинг танасини ҳидлашиб-ҳидлашиб, осмонга қараб шундай ув тортишибдики, қишлоқ сесканиб, одамларнинг юраги сапчиб тушибди.

— Қара, қўқоримни, — хола қўйининг думбасига шаппатилади, — семириб қолди. Яқинда Йулчивой армиядан келади, оёғининг тагига суямиз. Сенам боргин, қассобга ёрдамлашасан. Айтаман пуфагини сенга беради, уйнайсан. Ана ундан кейин туй қиламиз...

— Қанақа туй? — юз биринчи марта сўрайман.

— Ие, ие, ие! — хола юз биринчи марта бош чайқаб, жавоб қилади. — Ҳа, Йулчивой акангни уйламаймизми, ахир? Ҳов, Соливойнинг қизи бор-у, қирқ кокил, ўшани келин қиламан. Қараб-санки, қайнона бўлиб сўрида ўтирибман: «Келин, ундоқ қилинг, келин, бундоқ қилинг...»

Остонада утирволиб, деворнинг тирқишидан сочларини уйнатиб эшик супираётган янги келинчакни томоша қили-иб... бармоқни буруннинг ичида «тановор»га эзиб уйнатаётганингизда мол бўйини чўзиб, хаёлни бўлади:

— Му-у-у!

Авжини бувим олади:

— Ҳалиям ўтирибсанми, жувармак! Молинг сахардан буён бўкиравериб қулоқ-мияни еди-ку!

Бувимнинг оташин нутқидан илҳомланиб, сигирнинг жағига бир тепаман, «Ҳмм!» деб қўяди. Унга жавобан кўчада мол бўкиради. Демак, гунажинини етаклаб Мамарайим шилта, елинига халта осилган сигирини, энасидан ажралса, емай-ичмай эртадан кечгача «қўшиқ» айтадиган бузоғини ҳайдаб, Ҳай-итали бизга мунтазир.

Молларни қуриққа ҳайдаймиз. Шу билан кечгача эшакминди, ошиқ даста эрмагимиз. Кимки уйинда ютқазса, молларни қайтариб келади. Аниқроғи, қорин очгунча Ҳай-итали ютқазди, ошқозонимиз ашула бошласа Мамарайим ё мен «ютқазаман».

— Шоҳим, ўғри тутдим, нима қилай? — сўрайман Ҳай-италидан.

— Молларни қайтариб келсин! — «Шоҳ» сояга ёнбошлаб ҳукм чиқаради.

— Ўғри ишини қандай бажаради, текшириб келсам, — дейман таъзим билан.

— Борақол! — Ҳай-итали қўл силтайди.

Биз жунаймиз. Ҳай-италининг сигирини панага олиб ўтамиз. Елинига тўтилган халтани очиб, Мамарайим ўшлаб туради, мен эмаман. Мен ўшлаб тураман, Мамарайим... Зоғора нон билан илиққина сут шунақа кетади, нарёғи йўқ.

Қарабсизки, кечқурун «шоҳ»нинг уйида одатдаги туполон:

— Сигирга қарасанг уласанми, уйнайвермай. Яна бузоқ эмиб қўйибди-ку.

Ҳозир бир коса товуқ шўрва бўлгандами зоғора нонни буктириб уриб қолсанг. Айниқса, шўрвани қулбола қилиб узим пиширган бўлсам...

Бу гап ҳозир калламга келгани йўқ. Илгариям айтганман.

— Пиширишни биласанми узи? — Ҳай-итали сўлакайини оқи-зиб сўради.

— Шўрвани мен пиширай, сен дуо қилиб ичавер, — дедим кучайиб. — Қотириб қўяман. Биттанг товуқ, иккинчинг қозон то-пиб келсанг бас. Майли, туз билан сув мендан.

— Эски қозон бизникида бор-у, эшагимиз ем ейди, ҳаром, — деди Мамарайим.

— Э, ювсанг тоза-да. Биз қозонни емаймиз, шўрвасини ича-миз.

— Бўпти, қозон мендан, — Мамарайим рози бўлди.

— Ҳа, яша! Қозон сендан бўлса, мана Ҳай-итали ҳам ўғил бола, товуқ олиб келади, — шартта асосий масалани унинг елка-сига илиб қўйдим.

— Товуқни қаердан оламан? — Ҳай-итали қовоғини уйиб сў-ради.

— Қаердан олардинг, товукларинг бор-ку. Биттасини олиб келсанг бас, маза қилиб еймиз.

— Ҳо! Бувим билиб қолса ўзимни ейди.

— Э, билмайди, — уртоғимни аврай кетдим. — Кечқурун турасан. Катакка секин кириб, товукларнинг устига сув сепасан. Улар ёмғир бошланди-ёв, дейишиб пусади. Биттасини шартта босасан. Бувинг тугул, товуклар ҳам сезмай қолади. Биз Мама-райим билан чорбоғларинг этагида пойлаб турамыз. Берасан, вассалом, кириб уйқуни ураверасан. Узимиз суйиб, тузлаб ҳам қуямиз. Қарабсанки, эртага товукхўрлик.

Бир илож қилиб кўндирдик. Эртасига товукхўрлик қилдик. Бувиси Ҳай-италидан шубҳаланмадиям: «Кечқурун санаганимда расо эди. Эрталаб биттаси йўқ. Қандай бало махлуқ экан, бирор-та патиниям тўкмай кўтариб кетибди-да», дермиш. Хўп кулишдик. Уртоғим энди патидан юлиб, товукхонага сочиб кетадиган бўлди.

Аммо биринчи куни умарган товуги чўлоқ экан. (Ошналаримни утин тергани юбориб, битта оёғини чала-пишди қилиб паққос туширгандим).

— Э, чўлоқ эмасди, — деди Ҳай-итали оғриниб.

— Қоронғида кўрмагансан-да, майли, бизга чўлоғиям булаваради, — дедим.

Эртасига Ҳай-итали буткул оёқсиз товук олиб чиқибди. (Мамарайим хийламини сезиб қолиб, иккинчи оёғига шерик бўлганди).

— Сен икковинг бир нарса қиялсан! — Ҳай-итали жаҳли чиқиб кетди. — Энди шўрвани мен пишираман.

Рози бўлдик. Утин териб келиб, икковимиз қоринни қашлаб сояда ётамиз. Ҳай-итали ҳам уйдан товук ўғирлайди, ҳам суйиб, тозалайди, ҳам пишириб-қуйдиради. Ҳаётимиз кундан-кун чароғон бўлиб борарди. Лекин... молларни ҳайдаб, кекиришиб даладан келаётсак, Ҳай-италининг бувиси бизни кутиб турибди. Қўлида косов! Молларнинг панасига ўтдик.

— Ҳай, бақа қаранглар, болларим! — мулойим қилиб бизга гап қотдилар. Эшон буванинг йулидан боряптилар-ов, дедим ичимда. Буванинг боғига «ўт тушса» гул-гул очилиб кетади. «О-о! Катта йигит бўлиб қолибсизлар-ку, баракалло, баракалло! — дейдилар, ширин-шакар сўзлар билан. — Қани бир қўлларини олиб қўяйлик-чи!»

Шакардай эриб қўл узатасиз, тамом, қопқондасиз: «Биззи боққа ўғриликка сен тушганмидинг, эшак! Гапир! Яна кимлар бор эди?» Бу ёғи «бурамақанд», «тескари шапалок» билан Эшон бува хўп меҳмон қиладилар. Уша кишига ўхшаб Ҳай-италининг бувисиям, а?..

Эҳтиёт шарт орқароққа ўтдим. Йўқ, охири бахайр бўлди.

— Ҳай, болалар, битта ўғри мушукни ҳеч ушлолмаяман-да... Эшиқдан кирадимни ё тешиқдан. Ҳар куни битта товукни гўмдон қиялпти. Уртоқларинг шундай товукхонанинг биқинида ётади, балониям билмайди. Шу мушукни ушлаб ё ўлдириб берсанглар, бир тухум билан меҳмон қиламан, — деди у. Билади-да, қанча

мушукни аҳмоқ қилганимизни. Биттасининг думига кўнғироқ боғладик, қайтиб қорасини кўрмадик. Думига пилик боғлаб, ўт қуйиб юборганмиз. У ҳам домдараксиз кетди. Товук, ит, мушук уйини ҳам аъло натижа берган. Уларни олдинма-кетин боғлаб қуйиб, томошани кўраверинг-да. Бу уйинларни биларсиз, аммо мушукнинг парвозини кўрмаган бўлсангиз керак-а? Беш-ўнта мусича ушлаб оёғидан боғлайсиз, ипнинг иккинчи учиға мушукни рўпара қиласиз. Кўрибсизки, мушук осмонда учиб кетаяпти-да.

Бизга тухумхўрликдан кўра товукхўрлик маъқул эди-ю, аммо, ▶ начора «мушук»ни ушлаб беришга қуюқ ваъда бердик. Бу орада мушук Суббиниса холанинг товукларига ҳам «от қўйди»: «Қуриб кеткур, қурибгина кеткур, қандай бало махлуқ экан... Мухаммад-жонга қопқон қуйдирибман, назар-писанд қилмайди-я. Қопқондаги гўштга қиё ҳам боқмайди».

Гултожи бувиникига ўтганда мушук тулкига айланди: «Ҳой, Суббиниса буви, қопқон қуйиб овора бўлманг. У мушук эмас, тулки экан. Катагининг эшигини одамга ўхшаб очди. Товукни қўлтиқлаб чиқиб, яна эшикни беркитиб қўйди. Оғзим очилиб, тулки кўрадан ҳатлагач, ўзимга келибман».

Оҳ! Ҳозир бир коса товук шўрва бўлганда эди... Майли, Ҳай-итали пиширган бўлсаям йўқ демасдим.

...

Мен ҳақимда, томма-том юраркан, товук ўғирларкан, қилган иши қинғирлик, деб нотўғри хулоса чиқариб қўймадингизми? ▶ Яхши иш ҳам қилиб тураман, ҳар замонда.

Раззоқ буванинг эшиги тагида катта ёнғоқ бор. Ўзиям тош ёнғоқ. Бирортаси билан гаров уйнаб, ана шу ёнғоқ билан уриш-тирсангиз, албатта ютасиз. Шунинг учун бу ёнғоқнинг обрўси баланд.

— Ёнғоқ уриштирасанми?

— Қани, аввал ёнғоқингни кўрай. О-о-о! Раззоқ буванинг ёнғоғидан экан-ку, уриштирмайман.

Ана шу ёнғоқнинг остида катта тош бор. Тошнинг устига ёғоч уриндиқ ўрнаштирилган.

Кампири ўлгандан кейин Раззоқ бува ана шу уриндиқда ути-радинг одат чиқариб олди. Бир куни уйнаб юрсам, қақариб қолди.

— Дарвешалининг ўғлимисан? Катта йигит булиб қолибсан-ку! — деди елкамга қоқиб. Сўнг атрофга бир алаңлаб сўради. — Ҳов, паст маҳалладаги Лоҳила холангнинг уйини биласанми?

— Ҳалиги, кўрт сотадиганми? — менам сўрадим.

— Ҳа, ҳа, баракалла, — бува қўлимдан етаклаб уйига бошлади. Чўнтақларимни ёнғоққа тулдирди. Кейин қўлимга ёнғоқ тула халта тутқизди.

— Мана шуни холангга бериб келасан. Агар олдида ҳеч ким бўлмаса, мени бериб юборганимни айтасан. Хўпми?

Халтани кўтариб, Лоҳила холаникига бордим. Кўрпа қағиб ўтирган экан, халтани кўриб ҳайрон булиб қолди.

— Ҳов, Раззоқ бува бор-у, кампири улиб қолган, уша бериб юборди, — деб унга тушунтирган бўлдим.

Холанинг юзига табассум югурди. Жилмайиб ўрнидан турди-да, халтани қўлимдан олди.

— Шошмай тур, болам, — деб бошимни силаб, уйига кириб кетди. Халтани бўшатиб, қўлида иккита сап-сариқ олма билан қайтиб чиқди. Олмаларни менга берди. Марвартакка осиб қўйилган сузмани халтага солиб, узатди. — Бувангга олиб бориб бергин. Қаймоғини куйдириб қўйган экан, дегин. Халтаси қуруқ бўлмасин...

Халтанинг бўш эмаслигини кўриб, Раззоқ буванинг қовоғи осилиб кетди. Ер остидан менга қаради.

— Сузма бу, сузма! Лоҳила хола бериб юборди. Қаймоғини куйдириб қўйган экан, — деганимдан кейин буванинг юзига қизил югурди. — Яна-чи, бува, — қўлимдаги олмага ишора қилиб, ўзимча холани мақтаб қўйдим, — холанинг олмаси ҳам бор экан.

— Баракалла, баракалла! — деб бува хурсанд уйига қараб юрди.

Раззоқ бува билан Лоҳила хола ўртасида «ёзишма»лар бошланди. Почтачи ўзим: Раззоқ бувамнинг «номаси» — ёнғоқни кўтариб у ёққа бораман, Лоҳила холанинг «жавоби» — сузма ёки қаймоқ кўтариб бу ёққа келаман. Албатта, ҳар икки томондан «сийлов» ҳам оламан.

— Бувангнинг ёнғоғи кўпми? — деб сўради Лоҳила хола навбатдаги «нома»ни олиб борганимда.

— Ҳа, — дедим баралла ёлғондан. — Иккита ёнғоғи бор.

— Каттами? — хола яна сўради.

— Раса катта, — деб туриб ўзимдан ҳам андак қўшвордим. — Раса уришқоқ. Тошёнғоқ-да.

Бир ҳафта ўтдимиз, ун кун, Раззоқ бувам жойида кўринмай қолди. Бориб, секин эшикларидан мўраласам... Лоҳила хола ҳовлида кир ювиб ўтирибди. Раззоқ бува айвонда ёнбошлаб олиб чой ичяпти.

— Кел, кел, келавер! — буванинг кўзи менга тушиб ўмганини кўтарди.

Хола қўлини артиб менга пешвоз чиқди.

— Келинг, келинг! — деб пешонамдан силади. — Юрибсизми?

— Мана, — бува кулимсираб ишора қилди, — олмаси бор холангни обкелволдик.

— Ҳе, суюлмай улинг, — хола менга юзланди. — Бувамнинг иккита ёнғоғи бор деб мақтовдинг, ёнғоғи битта экан-ку!

Нима деб жавоб беришимни билмай бувага мўлтиллаб қарадим. У ха-холаб қулди ва деди:

— Битта ёнғоқни ҳам яхшилаб парвариш қилсангиз иккита ёнғоқнинг ҳосилини бераверади, хола, дегин!

Бува ўзининг гапидан ўзи нашъа қилиб узоқ қулди.

Менга энди алам қиляпти: сен товўқхонада қамалиб ўтир-

санг-у, ҳўроз гердайиб ҳовлида юрса. Хоҳласа ағанаб ётади, хоҳласа уоқбошида тентирайди.

Шошма, дон деҳқончилик. Ипни тушакдан суғириб олса бўлди... Бувим Суббиниса хола билан сўрида валақлашиб ўтирибди...

Маккажўхоридан бир дона олиб, минг машаққат билан ўртасини тешдим. Уни игга маҳкам боғлаб, ташқарига отдим. Ёнига жўхори ҳам сепиб қўйдим. Ипнинг иккинчи учини бармоғимга ўраб, ўзимни бепарво кўрсатиб, дўппини чаккамга қўйиб, ухлаган бўлиб ётиб олдим.

Донга ҳужумни товўқлар бошлашди. Тўрдан бошларини чиқаришиб, чўқилай кетишди. Товўқларнинг «қилиғи» ҳўрознинг диққатини тортди. У узоқдан бир менга, бир товўқларга кўз ташлади. Иштаҳаси қитиқлади шекилли, биз томонга қараб юрди. Нафас олмай ётибман. Ҳўроз донлай кетди. Ва ниҳоят, қармоқни ютди. Ипи халақит бердимиз, бош қайқаб, бир-икки ютинди. Яна бўлмадимиз, кекириб ҳам кўрди. Секин-секин ипни тортдим. Ҳўроз бечора зўр бериб оёқ тирайди, бўлмайди. Оёқни юргизмайман деса калла кетяпти, каллани бўш қўяй деса бўйнидан воз кечиш керак. Ҳўроз билан оғиз-бурун «ўпишишимизга» бир қулоч, мана, ярим қулоч масофа қолди. Ҳозир тўр орасидан калласи ўтади, гиппа ушлайман, шартта узиб ташлайман...

Суббиниса холанинг кўзи ҳўрозга тушиб қолди-да.

— Ла-илаҳа-иллолло, вой тавба қилдим, вой тавба қилдим. Туф-туф-туф! — деб ранглари оқариб ичига туфлади.

— Ҳа, тинчликми? — бувим ҳеч нарсадан хабарсиз сўради.

— Ановини қаранг, ановини! Ҳўрозингиз одамга қараб кетяпти бўйини чўзиб, — дея Суббиниса хола суридан тушиб, орқасига тисарилди.

Бу ёғи маълум энди. Бувим ўрнидан турди. Косовни қўлига олиб «жанг»га ташланди.

— Яна нима балони бошладинг, жувармак. Ўлдирасан, ҳўрозни ўлдирасан!

Мамарайим билан Ҳай-итали соғ бўлишганда-ку, бир дақиқа ҳам бу катакда утирмаган бўлардим.

Ҳай-итали мен билан сирлашиб ўзига ўзи қилди.

Самолёт ясагандим, ёғочдан. Шамол эсса парраклари айланиб, ҳаракатга келарди.

— Ҳеҳ! Шуям самолётми, учмайди-ю! — Ҳай-итали лабини бурди.

— Учмасаям, шамол келса парраклари айланиб, гилдирагини айлантиради. Қарабсанки, юр-иб кетяпти-да.

— Самолёт ҳам ерда юрадимиз, осмонда учади-да, — Ҳай-италининг ухарлиги тутди.

— Ўзинг ясаб қўй олдин, — Мамарайим менга бўлишди, — кейин гапир.

— Мен самолёт эмас, парашют ясайман. Куриб оғзиларинг ланг очилиб қолади, — Ҳай-итали кучайди.

— Курамиз!

— Курамиз!

Эртасига Ҳай-итали чақиради:

— Ҳов, Муҳиддин! Ҳов, Мамарайим!

Овоз келган томонга чопиб бориб қараймиз — йўқ.

— Бақтаман! — тепамиздан овоз келди.

Тепага қараб, оғзимиз ланг очилиб қолди. Фақат парашютни кўриб эмас, ўрик шохида осилиб турган Ҳай-италини кўриб.

Бувасининг латта чойшабини олиб, тўрт бурчагига арқон боғлабди. Арқонни белига. Парашютни синаб кўрмоқчи бўлиб ўркининг энг тепадаги шохига чиқиб сакрабди. Яхши парашют «парашют»лигини қилиб шохга илиниб қолибди, бўлмаса...

Шундаям бўш келмайди-да, ўртоғим тушмагур.

— Илиниб қолди-да, бўлмаса кўрардиларинг.

Кеча парашютни яна синаб кўрибди. Натижа аъло: айтишларича, «десантчи» оёғи ишламаётган бўлса-да, нафас оляптимиш.

Қишлоғимизда Ёглитепа деган ташландиқ жой бор. Атрофи зовур. Нокас бува бу жойни текислаб, ўзиники қилиб олган. Ҳар йили қовун-тарвуз экади.

Эрталаб молларни ҳайдаб кетаётганимизда Нокас бува қапасида чой ичиб утиради. Чойниям қовун билан ичади-е!

— Ҳа, йигитлар, келяпсизларми? Қани чойга, — дейди у қўлидаги бир паллам қовунга ишора қилиб. Кейин қовундан пичоги учига илиб, оғзига салади. — Оҳ-оҳ-оҳ! Жанавар хўп етилиб пишибди-да. Буни еганларингдан кейин асалга қиё ҳам боқмайсизлар.

Бир қовунга, бир Нокас буванинг ёнида чўнқайиб утирган эшакдай итга қараймиз.

— Утиринглар, чой ичмасаларинг ҳам қовун еб кетасизлар!

— Нокас бува баттар жигимизга тегади.

Ҳа, қовун ейсиз! Зовурдан ҳатласангиз бас, эшакка қуда бўлган ити сизни ейди.

— Бува, — уртоқларим ичида дадилроғи узим, сўз қотаман, — жуда шошиб турибмиз. Шу қовунни бу ёққа отиб юборақолсангиз.

— Нима? Отаман?... — Нокас бува ўзича ажабланган бўлади. — Шундай қовунни-я? Йўқ. Буни мана бундай қилиб, — у қовундан яна пичоқ учига или-иб, оғзига салади, — еймиз!

Сўлақларимизни ҳафсала билан артиб, йўлда давом этамиз. Қайтишимизда бу томоша яна такрор ижро этилади.

Нокас буванинг йўқлигида бир-икки қовун полизни ишғол қилишга уриниб кўрдик, ити кўргур хашагига ҳам яқинлаштирмади.

Зовурнинг бир томонида учовлон утирибмиз. Нариги томонда Нокас буванинг сигири сояда кавш қайтариб ётибди, ити дўмбада чўққайиб утирибди. Уртада бақалар бизни масхара қилгандай қушиқ қуйлаб ётибди: «Ва-вақ! Ва-вақ! Зовурнинг у ёғига утолмайсан, қовунга икки дунёдаям етолмайсан. Ва-вақ!»

Биз бўлса нонга игна санчиб итга отяпмиз:

— Ие, ие! Молнинг олдига тушиб қолди-ю, еб қўймасин ишқилиб.

— Э, қаёққа отяпсан? Биз бақаларни эмас, итни ўлдирмоқчимиз.

— Ҳа, ана, меники роса итнинг олдига тушди. Ҳозир ейди, ана. Қарабсанки, игна қорнига санчилади, шу билан тамом.

Молчалик фаросатсиз ҳайвон бўлмас экан. Ит нонни ҳидлаб-ҳидлаб бурнини жийирди. Мол бўлса шошмасдан ўрнидан туриб, нонни паққос туширди.

Мол ўлиб қолса-я, деб уч-тўрт кун Нокас буванинг кўзига кўринмай юрдик. Йўқ, хайрият, сигирга жин урмади.

Аммо қовуннинг ишқи шунақа эзиб юбордики, нарёғи йўқ. Айниқса...

Одатдагича гира-шира қоронғуда молларни ҳайдаб қайтаётгандик. Негадир Нокас бува зовурнинг бу томонида кутиб турибди. Ёнида қовунлар билан тулдириб оғзи бойланган беш-олтита қоп.

— Э, келяпсизларми-е! — бува кулди. — Сизларни кутаве-риб... Бир қовун сайли қилсак дегандим-да.

Қулоқларимизга ишонмай, атрофга алангладик: «Бизга гапиряптими? Шу ўзимизнинг Нокас бувами?»

— Қовун сайлини катта йўлнинг ёқасида қилсак, — деди бува. — Шу олтита қопни йўлга олиб чиқамиз, тўйгунларингча қовунхўрлик! Сизлардан органини бозорга олиб бораман. Келишдикми?

Жавобни ҳам насия қилиб қопларга ёпишдик. Оғиз сўлақни тухтовсиз етказиб бериб тургандан кейин, йўлнинг узоқлиги ҳам билинмас экан. Бир қопни Нокас буванинг елкасига қўйиб берамиз, иккинчисини учовимиз кўтарамиз... Аммо қопларни ташиб бўлгунча бўларимиз бўлди.

— Баракалла, баракалла! — Нокас бува қоп устига утириб елпина кетди. — Кимнинг эшагини сўрасам экан, деб бош қотириб юрибман. Энди битта-битта капсан берайин, а? — у қопнинг оғзини очди. — Мана, мана... жуда ширин, бувиларингга берасизлар, сомса қилиб беради. Ҳе-хе-хе-хе!

«Сомса қилиб беради?» Кўзимизнинг пахтаси чиқиб кетди. Қарасак, ҳақиқатан ошқовоқ. «Ўл-а!» дейдиган одам йўқ. Бува хиринглашни қўймайди.

Узил-кесил қовунларга қирон келтиришга қарор қилдик.

Молларни уйга қўйиб, келишганимиздай бир туғрамдан нон олиб, зовур қиргоғида учрашдик. Ит кўринмайди. Бирор жойда писиб ётгандир-да. Шошмасдан, қовуннинг ҳидига нон ботириб қовшай кетдик. Шошиб қаёққа ҳам борардик. Аввало шам тушиши керак. Нега дейсизми? Ахир, биз итга ҳам сездирмасдан қовун ўғирламоқчимиз. Шам тушса барг-бутоқ шитирламайди.

Ниҳоят, биз кутган фурсат бўлди: шам тушди, ой чиқди. Ечиндик. Зовурдан шунақа ҳушёрлик билан кешиб ўтдик, ҳатто бақалар ҳам сезмади. Жўхоризор оралаб эмаклай кетдик. Олдинда мен, секин пайпаслаб қўлимни қўяман, кейин оёқларимни

судрайман. Жўхоризор ортида қолди. Ошқовоқзор бошланди. Секин пайпаслаб қўлни қўяман... Иссиқ нарсага тегди. Қўйнинг пўстагим, жуниям бор. Қаттиқроқ босгандим, силтаниб қўлим остидан чиқди-ю, «Вов-вов!» деб юборса бўладими! Нокас бува-нинг эшакдай ити тепамда турибди!

Қочдим. Югуриш бўйича мусобақада ана шу кўппак билан ҳамкорлик қилиш керак экан. Милтиқнинг ўқидан ҳам тез кетяпман, пахтазорда! Зовурдан учиб ўтдимми, билмадим. Мамарайим билан Ҳай-итали ортимда келишарди. Бир пайт кимдир ёнимдан «шип» этиб ўтиб кетди. Ҳай-италимикин, десам у «Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ!» деб ортимда...

— Мамарайим-ма-ма-райимм? — сўрадим ундан.

— Йў-йў-йў! Мамарайим орқамда!

— У-у-у к-к-ким бўлмаса?

— Б-б-билмадим.

Ҳақиқатан Мамарайим орқамизда экан. «Обгон» қилгон зот эса... Пахтазорнинг этагидаги тепаликка чиқди-да, бизга қараб «Вов-вов!» деса бўладими?!

Эртасига Нокас бува кийим-бошимизни кўтариб уйимизга ҳаллослаб кириб келди. Эсининг борида оғилга яшириндим.

— Қани зумрашанг?! — деб бақирди у. — Итга нима берибди? Ўлдирибди-ю, тепаликда юмалаб ётибди.

— Жаврайверманг билиб-билмай, — бувим ҳам бўш келмади. — Ҳеч нарса беришгани йўқ. Юраги ёрилиб ўлган итингиз. Яланғоч одамдан ит кўрқади, дейишади.

Нокас бува билан бувимнинг айтишуви узоқ давом этди. Мен бўлсам кўп аттанг қилдим. Итнинг ялонғоч одамдан кўрқисини илгарироқ айтмайдиларми, эҳ?!

— Дарвешали ака, ҳов Дарвешали ака! — кўчадан кимнингдир овози эшитилди.

— Ху-у-в! — дедим бувимнинг овозига ўхшатиб. — Келаверинг, айланай. — Чиқмаган жондан умид. Бувим ичкари уйда, чақирган одам ҳовлига кирса, йўлга соламан, деб ўйловдим. Овоз бермай улай! Эшикдан бўйнида бўйинбоғ, қўлтигида китоб-дафтар билан мактабда ишлайдиган домла кириб келса бўладими! Тўшакнинг тагига кириб кетдим. Домла ҳовлига кўз югуртириб, ҳайрон бўлиб елка қисиб, яна чақирди:

— Дарвешали ака, ҳов Дарвешали ака!

— Ху-у-ув! — ичкаридан олдин бувимнинг овози, кейин ўзи чиқиб келди. — Ие, келинг, ўғлим, келинг.

— Утирибсизми, хола? — домла сўради.

— Шукр, ўғлим.

— Бу ўғлингиз Мухиддинбой уч кундан буён мактабга бормайди... Рўйхатга ёзиб қўйгандик, тинчликми, ишқилиб.

— Тинчлик, болам...

— Қани, ўзи у?

— Ана, — бувим товўқхонага ишора қилди.

— Қани, — домла биз томонга юрди.

— Вой, эмабгина кетгур, тўшакнинг тагига яшириниб олибсанми? Уялдингми? Санам уялишни биласанми, ер ютгур!

Рости, уялдим. Бетларим қизиб кетди, демак қизардимам.

Домла кулимсираб, менга қаради. Сўнг бувимдан сўради:

— Нима қилди ўзи бу, қамаб қўйибсиз?

Бувим бир зумда мени қорага бўяб, ўзини оқлаб ташлади.

Домла кулиб гапларини эшитди-да, сўнг:

— Очинг эшикни! — деди.

— Вой, улим, шетта ўқитаверсанг булмайдимми?

— Товўқхонада-я?

— Бу мактаб-пактабингга ўт қўйиб юборадими, деб кўрқаман.

— Қўймайди, очинг. Бугун, майли, мактабга бормасдан ювинсин, тарансин. Аммо эртага кечикмай етиб борсин.

Домла кетгач, бувим мени ювинтиришни бошлади. Албатта, қўллари билан бирга оғизлари ҳам ҳаракатда бўлди.

— Домлаларга ҳам иш қолмаганми дейман? Одам қуриб кетгандай сениям ўқитадими? Узларига бало орттираётганини билмайди-да.

Мактаб менга бало бўладими ё мен мактабга, бориб кўрсак биламиз-да. Улар ҳақида янаги учрашганимизда гаплашармиз, а, нима дедингиз?!



*Дилмурод Куронов*

## ЯНА «КЕЧА ВА КУНДУЗ» ҲАҚИДА

20—30-йиллар адабиётимиз тарихининг чинагач жумбоқлари адибнинг анча кенгайтирди: конкрет адибнинг ҳаёти ёки ижодий мероси дейишми, муҳим қатағон сифати неканжасидаги адабий жараёнинг ўзига ҳослиги ёки экинчиларимиз орасидаги ўзаро муносабат дейишми, муайян ижодкорнинг мустабид тузумга муносабати ёки у яратган асарининг чин моҳияти дейишми, ҳулиас, қайғу қараманг — жумбоқ. Шунинг ҳам борки, бу жумбоқларнинг ўзидан-ўзи ҳал қилиниши, фактик манбаларнинг етишмаслиги босе, эҳтимолдан йироқ парса. Шу вазҳдан ҳам уларни ҳал қилиш йўлида турлича, ҳатто бир-бирига тамомилан зид қаранслар юзага келиши табиий бир ҳолдир. Қуйида буни назарда тутганимиз ва ушбу-қисил даъвосидан тийилганимиз ҳолда «Кеча ва кундуз» ҳақида айрим мулоҳазаларимизни ўртоқлашни шият қилдик. Мазкур мақолада юритилган фикрларимиз «Иккинчи китоби йўқолган «Кеча ва кундуз» романини тугал асар санаш мумкинми?» деган саволдан туртки олиб, шу ва шунга эрганиб келган саволлар теграсида айланади.

Заҳматкани олимимиз Н. Каримов «Чўпон» номли рисоласида маъкур масалага тўхталиб, «Романининг «Кундуз» деб номланган кейинги қисмининг ёзилмаганлиги ёхуд нашр этилмаганлиги уни тугалланмаган асар сифатида баҳолашга асос бўлмайди, деган фикрини олдинга суради. Олимнинг фикрича, ёзувчи «Ўзда тутган гоя романининг биринчи китобидаёқ ўзининг тугал ифодасини топган. Чўпон фақат ўзига бўлажак ҳужумининг олдини олиш ниятидагина «Кундуз»ни ёзмоқчи бўлган». Н. Каримов бу тўхтамага келаркан С. Хусайиннинг терговда берган гувоҳлигига таянади: «Унинг (Чўпоннинг — Д. Қ.) тушунтиришига кўра, «Кеча» романининг фақат биринчи қисминингина ташкил этади, асарининг иккинчи қисми эса «Кундуз» деб аталажак. Чўпон бу сўзларни айтар экан, уни яна ўтмиш тўғрисида ёзишти, деб айбламас-

ликларини учун романини шундай иккига бўлишга мажбур бўлганлигини сўзлади».<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, роман устида ишлаётган Чўпон эҳтиёт чораларини кўрган, бу ўрнида Н. Каримов тўла ҳақ. Бироқ, юқоридаги парчадан кўрамизки, адиб «ўзига бўлажак ҳужумининг олдини олиш ниятидагина «Кундуз»ни ёзмоқчи бўлган» эмас, балки шу ниятда яхлит асарин «шундай иккига бўлишга мажбур бўлган». Айтиш мумкинки, яхлит асар сифатида режалантирилган «Кеча ва кундуз» мажбурийят орқасидагина диалогия шаклини олган. Боз устига, маълумки, диалогия — композицион жиҳатдан инебий мустақилликка эга икки асар ташкил этган яхлит бутунлик. Бу бутунлиكنи таъминловчи бирдамчи унсур эса — муаллиф, унинг дунёю давр концепцияси. Хўш, Чўпоннинг дунёю давр концепцияси «Кеча»нинг ўзиданоқ англашиладими? Биринчи қисмдаёқ қўзланган гоянинг тугал ифодаланishi, бадний шиятнинг тўла амалга ошиши мумкинми? Фикримизча, йўқ. Зеро, биз «Кундуз»да воқеалар қай тарзда ривожланишини билмаймиз. Фақат шунинг аёнки, роман устида ишлаётган Чўпон қаринесида иккига йўл бор эди: ё замонасозлик йўлидан бориб иқтилобдан кейинги турмушни адибани, ё ҳақиқатдан чекинмай, ўзини қийнаган улкан муаммоларга баҳоли қудрат жавоб излаш. Биринчи ҳолда, бизнингча «Кундуз»да Зебининг марказий ўрни тутини, дейлик, Сибирда унинг бирон-бир иқтилобчи ўрис аёли билан учрашини-ю, ижтимоий фаол шахсга айланishi табиийроқ ва «социализм» анъаналарига мос. Бу ҳолда Чўпон Мирёқубнинг иштишларини-ю у эришган гояларининг «сароб»дан ўзга эмаслигини кўрсатиш йўлидан бориш лозим. Иккинчи ҳолатда эса, акенича, Мирёқубнинг марказга қўйилиши, адибнинг дунёю давр концепцияси кўпроқ шу образ билан боғлиқ очилиши даркор. Масалани шу тарзда қўйсақ, «Кеча»ни қандай талқин қилишимиз, Чўпоннинг дунёю давр концепциясини тушунишимиз кўн жиҳатдан «Кундуз»ни қандай тасаввур қилишимизга боғлиқ эканини англаш қийин эмас. Дадил айтиш мумкинки, «Кундуз»ни қандай тасаввур қилишимиз «Кеча»нинг талқинига сифат жиҳатидан таъсир қилади. Шундай экан, «Кеча ва кундуз»га тугалланмаган асар сифатида қараш, бизнингча, тўғрироқ бўлади.

Айтиш керакки, бу ўрнида масаланинг иккинчи томони ҳам ўта муҳим: Чўпон мавжуд икки йўлнинг қай бирини танлаган? Сир эмас, Чўпон 30-йилларда «Соз»га кирган маҳфия шеърларини яратди, колхоз турмушининг афзаллигидан баҳе этувчи «Тўқлик паттаси» сингари мақолалар эълон қилди. Бирмунча илгари булар Чўпоннинг «совет позицияси»га ўтганидан далолат берувчи ҳужжат бўлганди, эндиликда эса уни айблан учун дастакка айланishi ҳам ҳеч гап эмас... Кўрамизки, юқоридаги савол бевосита ижодкор шахси масаласи билан боғла-

<sup>1</sup> Н. Каримов. Чўпон. Т., 1991. 77-бет.

ниб кетади: роман устида ишлаётган Чўлпон «винтча»га айланиб бўлганимиди ё қўшилмаслик, шубҳалавишлик, инкор қилинликдек оддий инсоний ҳуқуқларини сақлаб қололган Шахе ва санъаткор эдимиз?.. Сирасини айтганда, Чўлпоннинг биринчи йўлдан борганига далолат берувчи белгилар кўпроқдай. Жилла курси, кўпчилиكنинг кўнглига иштибоҳ солувчи нарса — романининг номлашинини олайлик. Бир қараишда, айниқса 30-йиллардаги шеърлар руҳидан келиб чиқсак, ҳаммаси равшандек: илқилобдан аввалги ҳаёт — «Кеча», кейингиси «Кундуз». Қиссадан чиқадиган ҳисса ҳам қип-қизил: «Янаси илқилоб! Янаси илқилоб берган хурлик!..» Бироқ кўнгли бунга кўнақолмайди, у Чўлпондан бошқа нарсани кутади. Зеро, улкан истезод соҳиб бҳамиси Чўлпон ҳаётини бадний тадқиқ қиларкан, примитив «оқ-қора» сўзмасидан имкон қадар қочганига, катта бадний ҳақиқатларини илқилоб эътишига иштиганига кўпроқ ишонгимиз келади. Йўқ, бу Чўлпонни оқлаш ёки улуглашга иштилин эмас, асло: у бунга муҳтож ҳам эмас. Сираси, бу ишонч кўпроқ ўзимизга керак. Усиз тарих тақозоси билан қўйимжоз бўлиб қолган миллатимиз ичидан-да шеърлар етишиганига ишоншимиз дунвор, усиз «Чўлпон» дейилганда кўкенишимизнинг фахру гурурга тўлиши ҳам — бекор. Бу ишонч бизга — янги йўл бошида ортга ўтирилиб, чамалаб-илқиланиб турган авлодга — юқорисига ўрлаётганимиз нарвонинг ҳамма поялари бутлигига ишоншимиз, собитқадам бўлишимиз учун зарур. Шу вақждан ҳам кўнглимизда милт этган ишончин асраб-авайлаб, уни имкон қадар мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Бир нарсага шак йўқ: ҳақиқатни очиқ-ошкор айтолмаслик Чўлпондай оловқалб, танглайн юрт ва миллат қайғуси билан кўтарилган шоирни ўртаган. Мустабид тузум жамиятин ўргимчак тўридай қонлаган бир даврда ёзилган «Қизиқлар» номли мақоласида адиб шундай ёзади: «Подшоҳлар, султонлар, хонлар ва бекаларнинг қамчиларидан қон томган замонларда, халқ кўпчилиги ўз дардини бир юлғун бачкинига ҳам айта олмаган даврларда, халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратини бирон-та сарой ёки халқ қизини чиқиб «ҳазил» йўли билан едириб юборар эди (таъкидлар бизники — Д. Қ.).<sup>1</sup> Эътиборли жиҳати шундаки, бу сўзларин Чўлпон «Кеча ва кундуз» устиди қизини ишлаётган бир вақтда ёзган. Қадим халқ санъати намояндасига чуқур ҳурмат ва эътибор билан қараган адиб паҳот ўз дардини «йўли билан едириб юбориш»ни ўйламаган бўлса? Албатта, ўтмин баҳона замонасига топиб таъриф берган Чўлпон бунинг учун ўша қизиқлардай «боши кетшин» ёки «оқуёлик (бадарга) қилишини» мумкинлигини яхши билган. Бироқ бошқа бир нарса борки, у адибни руҳлантиради, журъату жасорат беради унга: «Фақат уларнинг (қизиқларнинг — Д. Қ.) оғизларидан

чиққан буюк ҳақиқатлар ҳақиқаттўйи шоирларнинг ўлмас асарлари катта халқ кўнглига ёзилиб қоларди, муаллимлардан муаллимларга кўчарди».<sup>1</sup> Бу сўзларини фоний дунёдаги барча нарса ўткинчию, фақат Ҳақ ва Ҳақиқатгина боқий эканига имон келтирган одамгина ёзини мумкиндек туюлади бизга. Чўлпоннинг кўз олдимизда Ҳақиқус қундек қайта буйи тиклаши унинг ўшада минг бора ҳақ бўлганидан далолат беради.

Энди романининг номлашинига қайтсак. Юқориди келтирганамиз С. Хусайн гувоҳлигига кўра, Чўлпон «ўтмин тўғрисида ёзилган, деб айбламасликларини учун романи шундай (яъни, «Кеча ва кундуз» — Д. Қ.) илқилга бўлинига мажбур бўлган». Маълум бўладики, Чўлпонга «Ўтган кунлар»га ёзилган маломат тоилари, А. Қодирийнинг қамалиб чиқилиши «қосимовчилар», «бадриддиновчилар» устидан ўтказилган ҳайбатли суд жараёнлари етарли дарс бўлган. Шу бопдан ҳам адиб романини ёзаркан зарур эҳтиёт чораларини кўради, дардини очиқ айтмасдан, «йўли билан едириб юбориш»га иштилади. Дарвоқе, адибнинг ҳали эълон қилинмаган асарини ўқиб берши учун маркенетик таъкидчиликнинг етакчиларидан бирини атайин уйига тақлиф қилини ҳам бежиз бўлмаган чоғи. «Кеча ва кундуз» ҳақида ёзувчи ҳаётлигида эълон қилинган ягона тақризда унга қўйидагича айб тақалади: «Чўлпон жадидларини тасвирлаганда илқобланади, жадидларга тўғридан-тўғри ўз тили билан характеристика бермасдан, бу вазифани асардаги кишиларга юклайди. Чўлпоннинг қахрамонлари жадидларини мақтаб, кўкларга кўтарарди».<sup>2</sup>

Тақриз муаллифлари ҳақлар: чиндан ҳам романда жадид савдогар пайдо бўлини билан Чўлпон ҳикоячиликдан ўзини соқит қилади. Негаки, тақризчилар талабича «тўғридан-тўғри ўз тили билан характеристика» берилса, унинг учун биргина имконият — жадидларин «совет ёзувчиси позицияси»дан туриб қораланишига қолур эди. Шу ўринда романдаги бошқа бир жиҳатга ҳам эътиборин қаратгимиз келади: адиб Акбарали, Раззоқ сўфи, Миржўб сингарин «ет унсурлар»га намойишикорона салбий муносабатда бўлади (замона талаби), айни пайтда уларнинг ҳар бирини инсонни кўришига, хатти-ҳаракатларининг туб ижтимоий-руҳий асосларини очинишига (реалисттик санъат талаби) иштилади. Шунини ҳам борки, «синфийлик оғуси билан зарарланган китобхон учун мулжалланган чизгилар бўртиб, юзда қалқиб туради ва... туб сабабларин пардалайди гўё».

Юқориди мулоҳазалардан Чўлпон «илқоблашни» усулларидан онгли равишда, маълум мақсад йўлида режалли фойдаланганини сезини қийин эмас. Шундай экан, бизнингча, ўзининг қарашлари расмий нуқта назардан фарқлашинини билган адиб уларин «йўли билан едириб юборишга» иштилан, деган тўхтамага келишимиз мумкин. Айтиш керак,

<sup>1</sup> «Санъат», 1991, 10-сон.

<sup>1</sup> «Санъат», 1991, 10-сон.

<sup>2</sup> «Қизил Ўзбекистон», 1937 йил, 6 август.

бу хулосамиз. Чўлпоннинг 30-йилларида ёзилган шеърлари, айрим мақолалари руҳдан келиб чиқилса, ўқувчида жиддий эътироз уйғотини табиий. Таассуфки, бу эътирознинг даъвога бирон-бир ҳужжат келтиришга ожизмиз. Баски, бизда биргина имконият — адибнинг роман устида ишлаётган пайтдаги руҳий ҳолатини тушунишга интилишига қолади. Мурод шуки, шояд бу ҳаракатимиз «нима учун ном» «қора рўйхат»лар бошида турган Чўлпон шундай қалтис бир даврда — бор-йўли 15 йиллик социалистик ватан тарихи қайта ёзилган пайтда, бундай қалтис мавзуга қўл урди?» — деган саволга жавоб топишимизга имкон берса...

Адабиёт майдонига бевосита жадидчилик гоялари таъсирида, шу гояларнинг оташин тарғиботчиси сифатида кириб келган Чўлпон ижодининг аввалиданоқ ўта халқчил, таъбир жоиз бўлса, бирмунча «сўзроқ» позицияни тутган эди. «Ватанамиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик» номли мақоласининг биринчи қисмида Чўлпон деҳқонларимизнинг зироат машиналаридан фойдаланмасликлари, натижада унумдор еримиз бўла туриб оч-ноҳор яшашлари ҳақида куюниб ёзди. Унинг фикрича, «бу тўғрида «Ойна», «Садон Фарғона»ларимиз, мумкин бўлса қишлоқ тилида кўпроқ ёзиб аниқлашлар... халқ турмушининг енгиллик тарафига неча одум отлатқон бўлур эдилар!»<sup>1</sup> Орадан бироз вақт ўтгач, Чўлпон мақоласининг иккинчи қисмини ёзди: «Мақолани ёзгандан сўнгра (биринчи қисм назарда тутилган — Д. Қ.) қишлоқларда юруб, ўзум кўб деҳқонлар билан кўришуб фикр олиндим. Энди аларнинг фикрларини ўйлаган миллатпарвар киши кўзларидан қонлик ёшларини оқизмай мумкин эмас». Мақоланинг биринчи қисмида Чўлпон деҳқонларининг борки қулатларини аниқлашдан, маърифатсизликдан деб билган бўлса, энди бунинг ўзга сабабларини кўради: ёш муаллиф ўзи ўртага таъналаган саволга деҳқонлардан қуйидагича жавоб олади: «Дурут, зироат машиналари фойдалик экан, аммо пул керак, бизнинг қўшимизда бўлса нақд тайёр пул йўқдур... Пахта эгасак ўзанаоясизгача, будой эгасак сомонигача қарзимиз бадалга хўжайинларимиз — бойларга олиб бориб берамиз...» Деҳқонларнинг аҳволини яқиндан ўрганган Чўлпон мақоланинг иккинчи қисмини: «Ай тараққийпарвар ёшлар! Сиз ҳам ёзангизлар, ҳар вақт бечора маълум деҳқонларни пулдорлардан, қўлик-асирликдан қутулдурмоқ чоралари тўғрисида ёзинглар. Ҳаммадан бул керак», деган мурожаат билан яқинлайди. «Қутулдурмоқ чоралари» деганида Чўлпон нималарни назарда тутгани бизга қоронғу, бу тўғрида турли тахминларни олдинга сурини ҳам жоиз эмасдай. Бироқ, мақоланинг учинчи қисмини адиб шундай сўзлар билан яқинлайдики, уларга тўхталиб ўтмаслик қийин: «Ёсайлук, қариндошлар, зироатдан! Ёсайлук, қариндошлар, иқтисоддан! Алар бўлса мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур. Деҳқонлар бойлар

қўлидан, қўлик-асирликдан қутулса, ҳаммаси бўлур...» Қўринадик, яқин икки ой ичида Чўлпоннинг қарашларида жиддий ўзгаришлар қўзга ташланмоқда. Аввалида у маърифатни тараққийнинг бирламчи шарти сифатида тушунган бўлса, энди иқтимоий-иқтисодий ислоҳни илмий-маориф равиқининг асоси деб билди. Бундай шароитда эрта-ми-кеч Чўлпоннинг қаринисида «деҳқонларни қандай қилиб қутултириш мумкин?» деган савол қўдаланг бўлиши табиий. Тўғри, ҳозирча у «Ёсайлук!» деган даъват билан кифояланмоқда, лекин кейин-чи? Дейлик, бирон йилдан сўнг, уруш туфайли деҳқонларнинг аҳволи янада оғирланганда-чи?..

Юқоридagi мулоҳазаларимиздан кўринадик, иқтимоий ҳаётни ўзгартириш заруратини чуқур ҳис қилган, бироқ бунинг амалга ошириш йўллари ҳақида аниқ бир тўхтамага келиб улгурмаган Чўлпон иқтилобни хуш қаринланган руҳан тайёр эди. Зеро, иқтилоб байроғига ёзилгани ширлар ҳам миллатпарвар ширнинг орау-интилишларига ҳамоҳангдай эди. Чўлпон иқтилобга катта умид боғлади, унга етиқилдан хизмат қилди. Бироқ Чўлпон оддийгина миллионларнинг бири эмасди, таъри унга, А. Оршинов айтмоқчи, «бу юрак» бергандики, бу юрак миллионнинг тақдирига етиқиб оли қайғусида ёнарди. Иқтилобнинг дастлабки йилларидаёқ юз берган иқтимоий ҳодисалар шир дилига интибоҳ уруғини сочдики, унинг бу даврдаги ҳаёти умид ва шубҳалар қурашидан иборат дегимиз келади. Табиийки, бу нарса унинг ижодида сезиларли из қолдирди. Шу йилларда ёзилган «Қизил байналминас», «Биринчи май», «Қуран» каби шеърлар, «Шўро ҳукумати ва санон нафиса» сингари мақолалар, шубҳасиз, ўша шир ва умиднинг маҳсули эди. Иккинчи томондан, худди шу даврда хўрлик ва тенглик ширлар билан чиққан иқтилоб Туркистон халқларини бу несъматлардан бенасиб қолдираётганини кўрган шир қаламидан «Ўзбеким», «Қишан», «Қўнғил» каби аламли шеърлар тўкилди. Туркистон элига, айниқса, Фарғонага беадад қулатлар келтирган биродарқўлик уруши вақтида Чўлпон ижодида умидсизлик, тушкунлик оҳанглари бўртиб кўринадик:

*Кенглик ҳаётлари учдими кўкка,  
Бутун умидларини ёшларини қўмди?  
Мангу тутқуликка кирдимиз ўлка,  
Ҳаётда порлаган шамларини сўнди?..*

Айни пайтда, Чўлпон буткул умидсизликка тушган, дея олмаимиз. Янги ҳукумат маориф, маданият, соғлиқни сақлаш борасида олиб бораётган ишлар унга далла берди. Худди шу вақтда бошланган «маҳкамаларни туб жойлаштириш» ишларини ҳам Чўлпон илқ қўтиб олган, чамаси, бунида у миллий сифатининг тўғри йўлга тунаётганини кўрган. Адибнинг 1924—1925-йиллар мобайнида «Фарғона» гажтаги саҳифаларида эълон қилган қатор мақола ва хабарлари юқоридagi фикримиз

<sup>1</sup>Мақола «Садон Фарғона»нинг 1914 йил, 10, 18, 23-савларига босилган.



фойдаланган гувоҳлик беради. Энди Чўлпон ўзини изтиробга солган ияларин кўпроқ урушнинг асорати деб тушунишга мойил; янги ҳукуматга яна умид билан қарайди: «...ҳақиқатда асл иш, асл меҳнат, асл ўзин кўрсатиш эндигина бошланди десак бўлади. Чунки, бурунги ҳайъатларнинг вазифаларида дўшман билан урушмак баробарида бузмоқлик ҳам бўлса, ҳозирги ва мундан кейинги ҳайъатларнинг вазифалари тўша-тўғри: тузатиш, обод қилиш, гуллаштирдур».<sup>1</sup> Бироқ бу умидворлик ҳисси энди илқилоб йилларидаги каби шоир дилида ўстувор бўлишга қодир эмасди. Профессор Б. Қосимов гувоҳлик беришича, Фитрат 1921 йилда Чўлпон шарафига берган эиъфатида «Шарифжон қозининг (Бухоронинг тараққийшарвар кишиларидан, қозикалон ҳам бўлган, 1918 йилда амир қамоққа олган эди) ҳақли эътирозларига жавобан: «Ахир биз бунақа илқилобни истаган эмасмиз, тақсир!» — деган экан.<sup>2</sup> Фитрат билан ҳамфикр, ўзининг унинг шогирдларидан деб билган Чўлпонда ҳам бундай фикр бўлган, албатта. Бу нарса илк бор «Ёрқиной»да яққол кўринди. Ёссе қаҳрамонларидан бири Шўлат ҳокимиятин қўлга олгач: «Ўзининг хоҳиши билан бу иш бир бўлди, кетди. Энди, ўша элга қўлдан келганча бир нарса бериш керак. Ҳар вилоятнинг бети, бурунгидай, ўз бошига хон бўлиб олиб, юртни хоҳлаганича сўриб ётса... Мунча қон тўкишнинг нима кераги бор эди?» — деб ўйга толади. Кўрамизки, илқилоб дея тўкилган бегуноҳ қонлар шоирнинг атрофида юз берган, юз бераётган ҳодисалар моҳияти ҳақида жиддий ўйланга мажбур қилган. Лекин мустабид тузумнинг кучайиши илқилоб йиллари ва 20-йилларининг аввалидаги исбий эркинликни-да бўғиб қўйди. 20-йилларнинг ўрталарига келиб адабиёт жаҳҳасида ҳам «синфий кураш»нинг авж олиши, матбуотда Чўлпонга қарши компаниянинг бошланиши — буларнинг бари шоир ижодида чуқур из қолдирди. Илгари Чўлпон умидию шубҳаларининг қувончю аламларини бирдай самимий кўйлаётган бўлса, энди борлиқнинг нурли жиҳатлари ҳақидагина ёза оларди, холос. Миллат қайғусида янаган шоирнинг салкам йиғирма йиллик изтиробли ўйларидан тўғилган гаплари бўғзида қотган эди.

Ҳаётнинг айни шу налласида Чўлпон «Кеча ва кундуз»га қўл урди, яъни, босиб ўтилган йўлни қаҳрамонлари билан яна бир қарра, энди ҳар бир қадамини ўйлаб босиб ўтишга жазм қилди. Зеро, илқилоб арафасидаги Туркистон воқелигининг бадий таҳлил адибга юртининг ижтимоий-тарихий тараққийёт тенденцияларини кўзатиш ва шу орқали замонасини тушуниш имкониюгина бериб қолмасдан, дилдагини айгинишиг ягона йўли ҳам эди. Шу маънода, «Кеча ва кундуз»нинг ёзилиши ижтимоий-шахсий зарурат, у чин маънода «оҳтиёж фарзанди», буюк санъаткорнинг «оққун қўниги» эди, дегимиз келади...

<sup>1</sup>«Фаргона», 1924 йил, 3 январь.

<sup>2</sup>«Шарқ юлдузи», 1992 йил, 10-сон.

Табийки, бу ўринда «Чўлпон «илқилобнинг» усулларидан режалли фойдаланган экан, унинг қаранглари «расмий нуқтаи назар»дан нимаси билан фарқланади?» деган савол туғилади. Бизнингча, Чўлпон романда илқилоб арафасидаги Туркистон ижтимоий воқелигининг кенг эшик полютносини чизиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган кўринади. Романда турли ижтимоий гуруҳлар — феодаллар, чор чиновниклари, миллий буржуазия, йўқсул омма, руҳонийлар — ҳаётнинг қамраб олишига, улар орасидаги зиддиятли муносабатларини очиб беришга илтиини борлиги ҳам шундан далолат беради. Айни шу гуруҳлар орасидаги зиддиятли босқичларидан бирини бадий таҳлил адибга эгаркан, буни даврнинг қаҳрамонлари руҳиясида қолдирган излари орқали очинга ҳаракат қилади. Айтини мумкинки, ёзувчи романда ҳам ижтимоий-гчи ва ҳам инсоншунос сифатида бўй кўрсатади, яъни, асарда ижтимоий ва психологик таҳлил уйғуллашиб кетади. Шунга кўра, «Кеча ва кундуз»ни ижтимоий-исбсий психологик роман деб айтини мумкин. Бу жанрга мансуб асар негизда эса, маълумки, даврнинг асосий ижтимоий конфликтни ётади. Чўлпон романида даврнинг асосий ижтимоий конфликтни сифатида феодал асослар билан шаклланиб келаётган миллий буржуазия орасидаги зиддиятлар олинган. Акбарали билан Мирёқуб муносабатларини тасвирлаш орқали адиб, бир тарафдан, феодализмининг чиритганини, иккинчи томондан, буржуазиянинг иқтисодий-исбсий истиқболга эга эканини кўрсата олган. Бу эса даврнинг асосий ижтимоий конфликтни ёзувчи ва эзилувчи синфлар орасида ётганини (расмий нуқтаи назар), демаски, Октябрь тўнтаринининг тарихий заруратлигини инкор қилиш билан баробар эди. Шу мулоҳазалардан келиб чиқсак, романига эниграф қилиб олинган Горький сўзлари ҳам қалқон, ҳам қалит бўлиб хизмат қилиши ойдинлашади: «Маърифат чоғиниғириб кўрини билан ҳосил бўлади, бизнинг ёшлар эса ўз қўрганларини ҳеч нима билан чоғиштирмайдилар; улар кечминини билмайдилар ва шу учун ҳозирги замоннинг нималигини старли даражада очик англаётмайдилар (таъкид бизники — Д. Қ.)».

«Кеча» муаллифининг ияти юқоридагича тушунилса, асарнинг асосий ювий-бадий юкини ташувчи, яъни бош қаҳрамони Мирёқуб, деган хўлосага келамиз. Бироқ бу хўлосамиз кўичлик ўстоз адабиётшунослар фикрларига зид келади. Йўмладан, профессор О. Шарафидинов «романининг бош қаҳрамони — Зеби»<sup>1</sup> деган фикрлар. Олим мазкур фикрни кўйидагича асослайди: «Роман Зеби учун ёзилган, кўп нарзалар у билан боғлиқ. Шу ўн беш йилли оживани Чўлпон бутун ҳаётнинг тимасли, эҳтимолки ўзбек ҳаётининг тимасли, мангу яшнайдиган бир гўзал ҳаёт тимасли сифатида олади. Асарнинг бош концепцияси, менимча, атрофдаги муҳит — Акбаралилар, Раззоқ сўфилар, эшонлар, боринги, Мирёқублар муҳитида бу гўзалликка ўрин

<sup>1</sup>О. Шарафидинов, Чўлпон, Т., «Чўлпон», 1991, 64-бет.

йўқ, бу гўзаллик ўлимга маҳкум, деган гоёни ўз ичига олади. Асарда шундай катта конфликт бор».<sup>1</sup> Кўриниб турибдики, О. Шарафиддинов асар конфликтини ўзгачароқ талқин қилади ва тан олин керак, умуминсоний қадриятлар, ҳақиқий санъат нуқтан назаридан олим тўла ҳақ. Бироқ, маълумки, бадний асар қўшқатламни ҳодиса, Уларнинг бири асарнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятидирки, айни шу нарса унинг актуаллигини белгилайди. Шунини ҳам борки, актуал қатлам вақтининг ўтишино ижтимоий-сиёсий шароитларининг ўзгариши баробари заифлашиб, йўқолиб боради. Айни пайтда, чинакам бадний асар келажакка юз тутади, чунки ҳақиқий санъаткор замонасини умуминсоний қадриятларининг ўлмас мезонлари-ла баҳолайди. Худди шу нарса асарнинг умрбоқийлигини таъминловчи туб эстетик қатламни ташкил қилади. Актуал қатлам деганимиз нечоғли ўткинчи бўлмасин, у ёзувчининг гоёвий позициясини белгилайди, баски, ўзга қатламларни тушунишга қалит бўлиб хизмат қилади. Бизнингча, асар конфликтни масаласида профессор О. Шарафиддинов фикрига қўшилмас, унда романга соф санъат ҳодисаси сифатидагина қараган бўлиб қоламиз. Ҳолбуки, бугунги ижтимоий реаллик «Кеча ва кундуз»даги актуал қатламни кучайтира кучайтирадики, асло заифлаштиргани йўқ. Бундан ташқари, олим айтмоқчи «гўзаллик ва муҳит» конфликтини юқорида айтганимиз асосий ижтимоий конфликтнинг бир қирраси, аниқроғи ҳосиласи сифатида тушуниш мумкиндай туюлади бизга.

Зеби романининг бон қаҳрамони деганда О. Шарафиддинов асардаги кўп нарса-лар у билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Дарҳақиқат, асар сюжетига Зеби шунчалар катта ўрин тутадикки, бехатиёр «роман Зеби учун ёзилган» деган фикрга қўшилгини келади киши. Ёзувчининг бу қаҳрамонига айрича меҳр билан қарани эса, назаримизда, ўқувчининг бутун диққат-эътиборини Зеби тақдирига жалб этиб, бошқа қаҳрамонларини кўлагига қолдираётгандек туюлади.

Ўқтимоил ножонадай кўринар, шундай бўлса-да бошқа бир адабий фактни эслатиб ўтмоқчимиз.

Чўлпон романга қўл урган вақтдан роса бир аср илгари рус шоир А. Пушкин Пугачёв бончилигидаги қўзғолон воқеаларига қизиқиб қолади. У қўзғолон бўлиб ўтган жойларни кезди, қариялар билан суҳбатлашади, архив материалларини синчиклаб ўрганади. Шоирнинг бу уринишлари натижаси ўлароқ «Пугачёв қўзғолони тарихи» номли илмий рисола дунёга келади. Лекин Пушкин бу билан қаноатланмади: неёкор шоир Пугачёвнинг бадний сиймосини яратиниши, унинг руҳини ўзича тушунишини истарди. Энг қизиғи: шу ниятда ёзилган «Каштан қизи»нинг сюжет марказида Гринёву Мироновлар турди, муаллиф эса ўзини асло осий Пугачёв тақдир эмас, номус, бурч, садоқат ва хиёнат

каби ахлоқий проблема-лар қизиқтиргандай кўрсатди. Муайян шарт-шароитлар Пушкинни шундай йўл туттишга, ниятини саргузанганамо воқеалар тасвири-ла пардаланига мажбур қилгани аён. Бехатиёр, Чўлпон ҳам «Кеча ва кундуз»да шунга ўхшаш йўл тутмаганмикин, деган андиша келади қўнгилга. Агар шу андишамизда озми-қўнми ҳақиқат бўлса, у ҳолда «Кеча ва кундуз»нинг бутун тизими «ниқобланган» принципини асосига қурилган дейиш мумкин. Демак, Чўлпон асарнинг актуал қатламининг онгли равишда зоҳирий (замона мафкура-сига мос) ва ботиний (муаллиф концепцияси) бўлақлардан таркиб топтирганки, таҳлилда бунни назарда тутини лозим келади.

Зебининг асар сюжетига тутган ўринга ўз вақтида таққидчи Р. Отаев шоирона тоғиб баҳо берган эди. Романдаги асосий персонаж-ларини «Етти қароқчи»га нисбат бергач, мунаққид ёзди: «Маълумки, «Етти қароқчи», ҳар қайси-сининг нечоғли хира-ёрлиги, узоқ-яқинли-гидан қатъи назар, яна бир Ғиттич «қутб юлдузи билан боғланган, унинг тева-рагидан айланади. Романдаги мана шундай қутб юлдузи, яъни марказий қаҳрамон, шак-шубҳа йўқки, Зеби (Зебинисо) образидир».<sup>1</sup> Бироқ Зебининг асарининг етакчи гоёсини ташувчи бон қаҳрамон сифатида тушуниш мунаққиди: «...асардан кўзда тутилган асосий мақсад, айтайлик, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидагидек. Буюк Инқилобий Ҳаракатнинг ўзини кўрсатиши эмас, балки Улуғ Октябрь инқилоби кўчсини тақозо этган муҳит — зинистон кечани бутун даҳшат-у фожиа-лари билан кўрсатиши эди ва бу шунини Чўлпон санъаткорона бир тарзда уда-лай олган. Одатда энг улуғ, муқаддас, шарафли йўлда жонини қурбон қилганларини халқимиз «шаҳид кетди» дейди. Гап Зеби-дек балоғат ёшига етмаганлар хуеусида кетар экан, улар, албатта, икки барабар шаҳид! Ҳа, «Кеча» осмондаги бу қароғон юлдуз, ўзи ҳам билмаган ҳолда, Буюк Инқилоб Тонгини бошлаб келган дастлабки икки қарра шаҳидлардан эди (таъкидлар бизники — Д. Қ.)!» — деган хулосага олиб келади. Мунаққиднинг бу хулосасига қисман қўшилгин мумкин: ҳақиқатан ҳам Чўлпон «зинистон кечани бутун даҳшат-у фожиа-лари билан кўрсатиши»ни санъаткорона уда-лаган. Лекин адиб талқинидаги «кеча», Р. Отаев айтмоқчи «Улуғ Октябрь инқилоби кўчсини тақозо қилармиди? Йўқ, бизнинг бунгача юритган мулоҳаза-ларимиз ҳам аслида шунинг зиддига эди. Тан олин керак, Р. Отаев мақола-си ёзилган вақт шароити ўзга эди, ундан бери ўтган тўрт йил ичда жамиятимиз ҳаётида, кишилар дунёқаранида жиддий ўзгариш-лар рўй берди. Шундай бўлса-да, мунаққиднинг юқоридагича хулосага келиши сабабни биз кўпроқ Зебининг «қароғон юлдуз» дея ортириб баҳолаганида кўрамиз. Ҳўш, муаллифу ўқувчилар меҳрини қозонган Зеби мунаққид айтган «етти қароқчи»дан нимаси билан фарқланади?

Чўлпон талқинидаги «кеча»нинг бутун даҳшати шундаки, у одам-

<sup>1</sup> ТошДУ XX аср ўзбек адабиёти кафедрасининг 1991 йил 9 декабрь мажлиси протоколдан.

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1989 йил, 1-сон.

ларни қабан мажруҳ қилади, маънавий таназулга етаклайди. Уша муҳит «беш-тўрт таноб ерли» ўзига тўқ. Хадичахон билан дурустгина турмуш кечирини мумкин бўлган Акбаралини фаҳш ботқоғига ботирад; етти авлоди деҳқончиликдан пон еган Раззоқ сўфини текинхўр кимсаю мунофиқ диндорга айлаштиради: Пошшахону Султонхондек бемалол бир уйни обод, бир йиғинни бахтиёр қила оладиган гўлдек аёлларни зино қўчасига бошлади... Буларнинг маънавий қашшоқланиши шу даражадаки, улар муҳитни соғломлаштириш ҳақида ўйламайдилар, шу муҳит доirasида ўз манфаатларини кўзлайдилар холос. Корт бошида «бенамоз рапо»лар, имони занф имомларининг турини раиятга таъбирсиз қолмаган: «одамлар намозга юрмай қўйганлар». Миллатнинг фожиясини Чўлпон айни шу эътиқодсизликда кўради: Одамлар на охиратини обод қилиш ҳақида ва на фойи дунёдаги турмушларини яхшилаш ҳақида қайғуринмайди — бутуннинг ташвинида яшашади. Йўқилият даврлари азалдан «зулумот» деб таърифлангани каби, Чўлпон ҳам тарихимизнинг шу бўлагини «кеча» деб атайди. Табиийки, бу зулумотда Зеби ўзининг туғма содда-беғуборлиги, мафтункор самимияти билан алоҳида ажралиб туради. Бироқ, бизнингча, Чўлпон уни асло «чароғон юлдуз», айниқса «қутб юлдузи» (бу юлдузга қараб йўл белгиланган, ахир) деб талқин қилган эмас. А. Қодирий Раёно ҳақида «табиат хасис эмас: тикандан гул, аридан бол яратаберади» дегани каби, Зеби ҳам ўша саховатли табиатнинг Раззоқ сўфи хонадонидан яратган бир муъжизаси. Сўфи хонадонидagi муҳит печоғли сиқик бўлмасин, у қизнинг туғма фазилатларини билдур идишда каби мусаффо сақлаган. Зеби сафардон дугоналари орасида ҳам яққол ажралиб турадики, бу нарса унинг шу чоққача фақат «ўз олами»да яшаганидан далолат беради. Чўлпон талқинидаги Зебига исён ҳисси буткул бегона, у чор-пачор мингбошига таслим бўлганда адиб: «Эртаси кун ичча ижарганмади. Ундан кейин табиат ўз ишини қилди. Мамлакатнинг қизини кўннида тез етилган тап бечора қизнинг маънос кўнлини ўз кучоғига олди», — дейди-да, танини мухтасар қилади. Тақдирга тап берган қиз энди ўзини овутишга интилади: «Ўй, қиз боланинг пешонаси кўрсин! Ўзи хоҳлаб эрга тегармиди? Мени отам шу қари одамга берди, деб койийман: мунга бермаса кимга беради? Ўзим суйган йиғинга берармиди, қалай? Тағтилиги тутиб кетганда эшонбобога бериб юборарди... У мундан бешбаттар!» Англан мумкинки, қиз ўзини тамомилла «кўнни»га чоғлашти, зотан шундагина аламлари бошлади — хотиржамроқ яшай бошлайди. Холис айтсак, Зебининг бу ҳаракати мақсад-моҳиятига кўра Султонхоннинг «сатанларга ошно бўламан» деганига яқин — иккаласи ҳам тақдир юқини бироз енгиллатмоқ нетагидан юзага келади. Пошшахоннинг аламли ўйларидан қизнинг янги турмушга батамом кўниб қолгани сезилади: «Мингбоши Зебихоннинг уйига кап тикиб олди. У уйдан гоҳ келишининг қувноқ ва болаларча кулини, гоҳ қари кўёвининг хурсанд қийқиринилари, гоҳ бўлса янги қайлиқнинг йўрға зарбли дўтори билан ширин ва ширали овози, гоҳ бўлса янги

келтирилган граммофонда Нетайхоннинг қичиқ яллалари эшитилади... Ана турмуш! Ана куёв-қайлиқ! Пошшахон билан Султонхон ҳам қайлиқ бўлибдими?»

Албатта, Пошшахоннинг бу ўйларидан озроқ муболага йўқ эмас, бироқ Зебининг бутун оруз-армонларини унутинга интилиб, ўзини батамом янги турмуш завқига бергани ҳам тайини. Энди ўйлаб кўрайлик: ногоҳ мингбоши ўлмаганида, нима бўларди? Ўлимидан олдинроқ мингбоши «кеңжа»сига нисбатан совий бошлагани сезилган эди. Аро йўлда қолгач, Зеби ҳам Султонхону Пошшахонлар йўлидан бормасди, деб ким кафолат бера олади? Зотан, Султонхону Пошшахонларнинг бир пайтлар Зебидай бокираю беғубор бўлганларини ҳам инкор қилиш душвор. Бундан кўринадики, Чўлпон талқинида муҳитнинг емирувчи кучи Зебининг туғма фазилатларидан-да кучлироқ келиши, унинг ҳам маънавий таназул томон юз тутини эҳтимоли мавжуд эди. Хўш, нима учун Чўлпон аввалида суюкли қахрамонини китобхон наздида осмонларга олиб чиқади-ю, кейин сезирмайгина бошқалар орасига енгилдириб юборади? Чунки, бизнингча, Чўлпон Зеби тимсолида, Р. Отаев айтмоқчи «шарафли йўлда жонини қурбон қилганлар»дан бирини эмас, ўша ўзи тасвирлаган даҳшатли муҳитнинг мингларча беабон қурбонларидан бирини кўради. Шу маънода Акбарали Раззоқ сўфи, Пошшахону Султонхонлар ҳам муҳитнинг қурбонларидирки, Зебини улар орасидан алоҳида ажратиб олиш қийин.

Романдagi биргина қахрамон — Мирёқуб «кеча»нинг бутун даҳшатини, ўзининг туриш-турмушн тубанлик эканини англашга келади, маънавий-руҳий тадрижга юз боради. Ўзича йўл излаётган Мирёқубнинг жадидларга рубару бўлиши ҳам бежиз эмас: адиб жадидларни миллатга зулматдан чиқини йўлини кўрсатувчи «қутб юлдузи» деб туюнади. Айтин мумкинки, юртининг ўтмишига йиғирма йил юксаклигидан назар солган адиб ўша даврда ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилишга қодир кучни жадидлардагина кўради. Демак, ҳаётининг сунгги йилларида Чўлпон Октябрь инқилобининг чин моҳиятига еган, унинг тарихий зарурат эмас, балки давр талютилари ҳосиласи сифатида юз берини муҳини хатolik сифатида туюнган, дейиш мумкин. Моҳиятни англаган адибнинг инқилобга боғлаган умидлари, социалистик идеалларга мафтунлиги исиз йўқолгандирки, ёшлар «ҳозирги замоннинг инмаллигини» анигласилар деган ниятда романга қўл ургандир.

Албатта, романиннг кейинги қисмида, профессор О. Шарафидинов тахмин қилганидек, Зеби тақдир давом этдирилиши, «ҳаётининг шадқатсиз сновларидан ўтиб фаол курашчига айланини жараёни»нинг кўрсатилиши эҳтимодан ҳоли эмас. Хатто, кейинги қисмда Зеби билан боғлиқ воқеалар яна сюжетда кенг ўрин тутини эҳтимолини ҳам инкор қилолмаймиз. Лекин, бизнингча, Чўлпоннинг инқилоб ва ундан кейинги талютилларга, янги тузумга муносабати, унинг изтиробли олами кўпроқ Мирёқуб руҳиясидagi эидиятли жараёнлар тасвири орқали очилади. Шу нуқтан назардан «роман Мирёқуб учун ёзилган» дегимиз келади. Чўлпон қахрамонини мавжур «роль»га обдон тайёрлаганки, бу ҳақида кейинги мақолада сўз юритамиз.

*Исфоял Мирзаев*

## БУГУНГИ РОМАН: СИНОВ ДАВРИ

Тошкентта бир борганимда адиб Шукр Холмирзаевни учратиб ўсмоқчилаб сўрадим: «Хайратта соладиган, завқ билан ўқийдиган асарлар жуда аз. Ижодкорларнинг қўли тутқунликдан бўшатиб қўйилган-ку, нега яхши романлар ўқимаямиз?»

Ёзувчи ўзига хос кескин: «Ўлмагансиз, ога! Шу десангиз, шароит шундай бўлдики, ҳар ким ўзига кун кўриш йўлини ўйлаб қолди. Ҳозирги давр ёзувчи учун ҳам бир ҳисобга синов даври-да!» — деди.

Сухбатни бошқа мавзуга бурдик.

— «Синов даври» ҳам ўтаяпти. Оллоҳ фазли қарам кўрсатган адиблар ёзаяптилар, шукр. Ўтган йилда 8 та роман эълон қилинибди, ҳаммаси ҳам алоҳида китоб ҳолида эмас, айрим-ларининг журнал нусхалари ўқувчиларга ҳавола этилди. Барчаси Тошкентда — марказда. Вилоятларда босилган романлар ҳам бор. Масалан, 1995 йилда Самарқандда 4 та роман ёзилган, уларни Ёзувчилар уюмасининг виллоят бўлимида муҳокама қилдик. Битта-иккитаси дурустгина роман, чоп қилиб, китобхонага етказилса, уялмайдиган, ўқишли асарлар. Дорилфунун толиби Уйғун Рўзиевнинг «Атир гу.» романи самарқандлик адабиётшунос олимлар, мутахассислар, ижодкорлар томонидан яхши баҳоланди, эътироф этилди. Виллоят газеталари романдан парчалар берайти. Бошқа мисол, ёш ёзувчи Муродим Умрзоқ «Дажжол» номли романининг қўлёзмасини муҳокама учун виллоят ёзувчилари уюшмасига келтириб тошпирди. Дурустгина асар. Масала — бу романларни чоп эттириш ва китобхоналар ҳўкмига ҳавола қилиш. Бухорода, Тошкентда, Навоийда, Қаришда, Термизда, Андижонда роман ёзганмишлар.

Яхши-да, жараён кетаяпти. Асар ёзилмаса — ёмон!

Оллоҳга шўкрим, бултур Эркин Самандаровнинг «Тангри қудуғи», Худойберди Тўхтабоевнинг «Йашнати одамлар», Омон Мухторнинг «Теваликдаги хароба», Тоҳир Малшкнинг «Шайтанат» (иккинчи китоби), Ҳожинакбар Ислом Шайхнинг «Туташ одамлар» (1-китоб), Муроджон Мансуровнинг «Йўқлик дўғри», кекса адиб Исҳоқ Устам-

нинг «Сирли қотиллик» ва ниҳоят, аллома тарихчимиз Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» романларини ўқиб насиб этди.

Ёзувчиларимиз ҳақиқий ҳаётни, инсонни, табиат билан биргалликда, муштаракликда тасвирлаб бераётгилар. Қаҳрамонларнинг миллий сарчанмалар, янгича тафаккурлар оҳангига ўраб, идеал миллий еттиқюл мафқураси билан бақамти ривожланиши, она ҳақиқимиз улғурлиги, юрт гўзаллиги ижодкор қалби орқали улғур ва гўзал тасвирланаётир.

Ўтган йил романларида ҳам бир қадар тағдор фикрлар, катта тошмалар излари, полифония ачиқ, изтиробли ҳақиқатлар ошқора кўринади. Адабиёт ҳамма даврларда ҳам ана шу безовта, таъвнингга тўла овоз билан қимматли бўлган. Айни пайтда бундан ҳам дардлнроқ, руҳий озодроқ, фикрий мустақилроқ бўлиши керакка ўхшайди.

Машҳур рус таъқидчиси В. Г. Беллиевский: «Ҳаётни билимоқчи бўлсангиз, романлар ўқинг... Фақат романлар ва повестлар инсонни ўз ҳолича ажратмасдан, жамият аъзоси сифатида тасвирлайди. Демак, одамларни тасвирлаш орқали жамиятнинг ифодалайди», деганди.

Аслида, роман жанри у ёки бу адабиётнинг юзи-қийфаси, савия ва даражасини кўрсатадиган омил. Чунотчи, романчиликнинг аҳволига қараб, муайян адабиётнинг салоҳиятини, йўналиш тамойилларини белгиллаш мўмкин. Биз 1995 йил романлари тўғрисида сўз юритганда, янгилликларга интилинлар энлик қамров, шаклий ва услубий изланмишлар, тасвирдаги сархилликларга диққат қилдик. Бунда мавжуд эскирибруқ қолган қарашлар, яъни роман замонавийми, тарихийми, муаллифи ёнми-қарими, машҳурми ё бошловчи адиб, асарнинг ҳажми каттами-кичикми, воқеалар қамрови кенгми-йўқми, қаҳрамон ва персонажлари мўлми-азми ва ҳоказоларга унчалик эътибор берганимиз йўқ. Айтинг-чи, ўтмиш ва бугуннинг ёки келажакнинг ўртасига хитой девори қўйиб бўладими? Асарни ўқиганда ва уни баҳолаганда умуминсоний қадриятлар ҳамда муаммолар, ҳаёт ҳақиқатларининг жонли тасвири ҳал қилувчи асослар эмасми? Маълум вақтлар, даврлар, долзарблик тушунчалари ва бошқалар эндиликда етуқ асарлар ўлчови бўлолмайди.

Дарҳақиқат, ўқувчига ахборот-маълумотлар эмас, ҳайратта соладиган, юракларга гўлгўда туширадиган, шуурни тераи фикрлар билан бойиатадиган асарлар керакки, ундай романлар замон, ҳудуд — миллий чегараларни ёриб ўтади, умри узоқ маънавий дурдоналарга айланади. Катта асарга катта гаш, катта иният — гой, катта мазмун — мундарижа, ранг-баранг бадний воситалар, жонли қаҳрамонлар, катта тақдирлар, катта ақл, катта ҳаётий муаммолар, жанрий-услубий янгилликлар вобаста бўлмоғи жоиз.

Инсоният пайдо бўлибдики, одиллик, фозиллик, эзгулик излайди, гўзал ҳаётни, адолатли жамиятнинг, фаровон мамлакатнинг орзу қилади. Бадний сўз бу аслий эзгу иниятларни олиий пардаларда ифодалайди. Шу боле — инсон яхши китобга — чин юракдан чиққан ҳақиқий сўзга ҳаминша муштор.

Таниқли ёзувчимиз Тоҳир Малшкнинг «Шайтанат» романи эл оғзи-

га тушиб, бозорга чиққан, китоб бўлгани сабаби — шунданмасмикан? «Шайтанат»ни ўқиятилар, эшитятилар, телеэкрандан кўраятилар ва «борми» деб, китоб дўконларидан сўраятилар. Нега? Мафия, жиноят, нақ-нақ отишлар, ўлдирди-сўйди ёки бошқа олди-қочди гаплар учунми? Ё гайри инсоний иллатлар, қабилликларни дидиллик билан фойш этгани ё китобнинг детектив нуқталарга сероблиги сабабими, ёки кескин, қизиқарли, жумбоқли сюжетидамикин гап? Балки, шуларда ҳамдир.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрсак-чи? Унда ўзгача катта сабабларини илғашиниш мумкин. Жиноят, ўғрилик, фирибгарлик, амалшарастлик, маъшиятшарастлик — ёмон одамлар, одоб-ахлоқ ҳақидаги асарларини кўп ўқиганмиз. Ҳозир ҳам ўқиямиз. Лекин уларнинг аксарият қисмида юқоридаги каби иллатлар қораланган, сўкилган, қуюқ бўйқларда чаплаган. Бироқ, моҳият — илдизи кўрсатилмаган.

Тоҳир Малевнинг бадний калфиёти ўша қора кучлар, гуруҳлар, мафиями, рекэтни, зўронми — бало-батарми, ижтимоий тузумнинг меваси эканлигини айта олгани, талқин қилиб, адоигача дахиллаганида. Зеро, гап ўша салбий иллатлар, қора кучларнинг ҳам ўз қонун-қонуниятлари, ўз ғоя-мақсадлари, қараш-қурашлари, амал-ақидалари борлигини — бор ҳақиқатни ёритишга муваффақ бўлганлигида. Ёзувчи «Шайтанат»да сизу биз сўқиб қўйдиган мафия — жиноятни одам қиёфасидаги шайтонларни поэтиклаштиради, кўз ўнгимизда гавдалантиради. Шунинг учун ҳам ўқувчи адбга ишониб, у билан ҳасратлашади, сирлашади, ўрни келса баҳслашиши келади, қизиқади. «Шайтанат» романини излаб, қўлдан бўлса ҳам сотиб олиб ўқийди, ўз уйида чироғи ногоҳон ўчиб қолса, қўшинининг телевизорда кўради, китобини сўраб олади. Бадний асар шундай бўлиши керак эмасми, асли. «Шайтанат» айни шу қунларимиз учун шундай бадний асар — ўқувчинини маҳв этган воқеадир. Ҳалеб, ўқувчиларни савияси унчамасликда, ножидийликда айблан ҳам инсофдан эмас.

Омон Мухторнинг янги романи «Тепалиқдаги хароба» — ўтган йилнинг яхши романи. Адиб — ҳозирги адабий жараённинг фаолларидан бири. Камтарини, заҳматқани, изланувчан ва ҳамини тоққир ижодкор. Бу хислатларини унинг назмида ҳам сезганмиз, катта насрда ҳам кўраймиз. Хусусан, сўнгги романларида Омон Мухтор янгича қирралари, ўзига хос услуб билан намён бўлаётир.

«Тепалиқдаги хароба» романига ёзувчининг жиддий ижодий фантазияси мева-маҳсули, деб қараймиз ва тиниб-тинчимас адабнинг кўнгли илҳами ҳали неча бор собитлик билан мавжланишига ишонамиз. Адабиётни илоҳий билиб, умрини ижод қилишдек азобга тиккан ва ижтимоий-иқтисодий тағлик, ўтиш даври — бозор, маънафат ҳаммаи домга торган бир найтда ҳам асарлар ёзиб, одамларга, жамиятга нур улашаётган адабимиз қаламига омад ва шуҳрат тилан адолатландир.

Роман — биринчи навбатда ўз интеллектуаллиги билан диққатни жалб қилади. Очигини айтсак, у омма учун ёзилмаган. Агар адабнинг олжануб инятини тўғри англаган бўлсак, у роман воқеаларини анъанавий ҳикоя қилиб, ўқувчи оғзинга чайнаб солмоқчи эмас, балки уни

ўйлашга, мулоҳаза қилишга, яъни бефарқлик ёки лоқайдликка эмас, фоқликка чорлайди. Достоевскийнинг машҳур «Гоголни китобхон даражасига тушириш эмас, китобхонни Гоголь даражасига кўтарини керак» деган гашига амал қилиш вақти келмадиммикан?

Мураккаб сюжет чизиқлари, композицион тузилишлар, замонлар, воқеалар синтези, ўтмиш ва ҳозирги кун қориниқлиги, янгича шакл ва услубий изланишлари — ҳамма-ҳаммаси сизу бизни ақлий комилликка йўналтиришга хизмат қилади, энди бунинг фарқига борайлик.

Адиб қахрамонлар тақдирини, халти-ҳаракатини, интилиш, орқу-армонларини файласуфдай, адабиётшунос-инсоншунос ва руҳшунос олим сингарини муносабатда бўлади. Роман вужудига сингдирилган ғоялар, концентуаллик асослар — полифония кучли. Асар бўйлаб одам — табиат — воқелик бирлиги муштарак боғланганлигини пайқайсиз. Илоҳий нур қахрамон, персонажларга хаёлан кўчган. Бунда боғлангани, мулоқотлар мавҳум эмас, реаллик касб этади. Машҳур аждодларимиз мавлоно Ўлутфий, Машраб, Мирзо Ғолиб ва Йорж Гордон Байрондек буюк зотлар рамзида адолат, ҳақиқат, муҳаббатдек муқаддас тушунчалар учун кураш нафос билан тасвирланган. Асарда диний-маърифий йўналиш устувор. Бу ўринда синчков мунаққид Аҳмад Отабойнинг романининг журнал нұсхасига ёзган сўзбошисидаги қуйидаги фикрини жуда маъқуллағимиз келади: «Омон Мухтор ўттиз йилдан ошдиқ ижодий тажрибига эга, — дейди у. — Бу йилда ижодкор халқи дегарли ўзгармайди, ўзи тоштаб очган сўқмоқдан четга чиқмайди, қўним тошиб улгурган дунёқарашини, ижод тарзи ва одатларига содиқ қолади. Шу боис улардан фавқулудда нимадир кўтирмайди.

Бироқ, Омон Мухторда «ёшига ярашмаган» ўзгарини рўй берди. Бу дастлаб «Минг бир қиёфа» номли романида акс этади. Маана, «Ёшлик» эълон қилаётган «Тепалиқдаги хароба» романи адибнинг кейинги йилларда адабий тажрибаларга жиддий киришгани шунчаки тасодиқ эмаслигини кўрсатиб турибди».

Тўғри гап. Омон Мухтор бу романи билан ўзбек адабиётининг бой анъаналарига содиқ, изланувчан ва жасоратли ижодкор эканлигини исботлади ҳам.

Бу мулоҳазаларимизни асослашга уриниб кўрамиз. Адиб романининг бошиданоқ ўз ўқувчиси билан юзма-юз туради, очинча гаплашади, асар қахрамонларини драмаларгаддек, бир йўла таништиради, кимлигини яра айтиди. Асарнинг шакли-тузилишинини, композициясини ҳам ўзгача ярагади: Воқеанинг Бошланшини, Биринчи кўришини, Иккинчи кўришини, Учинчи кўришини каби.

Роман ортинча тафсилят ёки бўлмаса маънафатлар баёни эмас, бевосита кундалик воқеадан — бош қахрамон Мирзо Ғолибни мажбурий ҳашарга юборишдан бошланади. Бош раҳбар Мардонқул ака (у ўз мансаби кўрсенга ёпишиб олган кечаги бошландардан) унинг «Мен шидан қочмайман, Мардонқул ака, жоним билан. Лекин ҳозир боролмайман... Уйда хотинимнинг ой-кўни яқин, қарайдиган одам йўқ», дед полишига қарамасдан, «Уч кун, узорин билан бир ҳафта ичида, албатта, одам юборамиз!» — деб бировининг ўрнига ўн кунга даштда ташкил

топган хўжаликка юборди. У даврлар оддий идора хизматчисининг бошлиқ гапини иккинчи қилиши мумкин эмаслигини ҳамма билади. Ушбу сатрларини ўқиймиз: «Мирза Ғолиб ортқиқ эътироз билдира олмади. Мастура (унинг хотини) уйда ёлғиз қолди... Қисқаси, Мирза Ғолиб бош раҳбарнинг сўзига ишониб, хотинини ҳам ишонттириб, шунинг баробарида, бўйинга арқон солингандек, мажбур бўлиб — уйдан кўнгли нотинч, икки кўзи ортида — эртаси кун шаҳарин тарк этди».

Қаҳрамон учун рутубатли кунлар, аянчли саргузаштлар шундан бошланади. Ўқиймиз: «Мирза Ғолиб ҳашарга келганидан буён безовталаниб-тўғлониб кун сапар, ўртоқларининг қораси кўринармикан, деб атрафга аланлар эди... Орадан йигирма кун ўтди... унинг ўзинга ҳеч ким келмади!.. Идорадагилар Мирза Ғолибни унутинган эди!»

«Теналикдаги хароба» — шаклда ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам янгича асар. Унда бадний синтез, умумлаштириши кучли, руҳий-психологик таҳлил куюқ, баён, сўзасомонлик, қуруқ қайд даярли йўқ. Роман аниқлик, жонли кўрсатиш, рамз ва тимсоаларга сероб, тасвирий нфодалар сархил. Ёзувчи тарих билан давримиз, замонлар, авлодлар, воқеаларини моҳирона тутангирган, аксарий манзаралар муаллиф онгидани шунинг аувалалангирлиб, қалбда сиздирилган, тиниқлаштирилган. Асар кучли лиризм билан сўғорилиб, адибнинг эҳтиросли туйғуларини ўзи яратган қаҳрамонларининг қон-қонига чуқур сингдирилган.

Омон Мухтор асар қаҳрамонларининг ҳаёти, кечинма-изтироблари, уй-дунёқарашини хатти-ҳаракатлари, андуҳ-армонлари орқали китобхонларда муқаддас ва шу билан бирга, зиддиятли ўтмишда ўтган буюк зотларга ворислигини теран англашга ишора қилади. Ўз навбатида мунофиқлик, тутқунлик, руҳий безовталик, жоҳилият намоян бўлайдиган жамиятда инсоний қадриятлар тонталшини, нимёрүүлук, ёлғон ва чала ҳақиқатлар ҳукмрон бўлишини ҳам таъбирли кўрсатган. Ёзувчи Мирза Ғолиб рамзида ҳаёлан мазннига саёҳат қилиб, роман тўқимасига ўтмишдан мавлоно Лутғий, Бобораҳим Машраб сингари машҳур аждодларимиз, Ғарб шеърининг гултожларидан Йорж Гордон Байрон сиймосларини киритади ва улар қолдирган табаррук мерос нур, зиё бўлиб руҳий озодлик, виждон поклиги, диёнат ва маърифат учун курашда ҳар бир қалбда истиқбол шуъаларини ёқинда тамайл топиб бўлиб хизмат қилишига ишора қилипти. Жозибали томони шундаки, бош қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари сабаб, адиб етук адабиётшунос олим ва файласуф тарзида буюк шоирлар шеърини оламнинг теран таҳлил қилади. Лутғий ҳазратларининг:

*«Бир сулфини тутқач, яна бир қўл узатдим...»  
«Айб эмас, қилса қўнгул ул ичка белнинг фикрини».*

ёки:

*Сенсан севарим, хоҳ ишон, хоҳ ишонма,  
Қондур жигарим, хоҳ ишон, хоҳ ишонма,  
Ҳижрон кечаси чархи фаллика стар, эй моҳ,  
Оҳи саҳарим, хоҳ ишон, хоҳ ишонма.*

ёки:

*Кўшигим, ўз жонига қасд этар — сени севсин...*

ёки: —

*Сен каби султонини севмак ҳаддин эрмасдур, нале,  
Бу балокниқ ишқ — фарқ этмас гадоу шоҳин...*

«Сени қўрган сайини, Оллоҳ дерман», «Қилманг мени ишқ учун маломат, чун ишқини ҳам Худо яратди»... деб, куйлаган шоирни гўзаллик, поклик, ишқ-муҳаббат, ҳақиқат рамзи сифатида юксакликка кўтарган. Лекин романида Лутғий ҳаёти, ижоди билан боғланган тафсилотлар бир мунча қўзилган. «Мени йўқлар кишим борму?» деган Машрабга «Керагим йўқ менинг ҳеч кимга!» — деб афғон чеккан Байронини ҳамнафас қилиб тасвирлайди. Муҳаббат, адолат ва ҳақиқат учун курашган бу шоирлар ижодидаги маҳдун нуқталар роман қаҳрамони Мирза Ғолиб руҳига оҳангдон, муштарак эди.

Омон Мухтор ота юрти табаррук Бухорон шарифининг бўлажак икки ярим минг йиллик тўйига совға қилганлиги нур устига нур бўлган. Адиб далиллик билан Турон маданиятининг юксалган, улкан кўтариллиш даврларидан бири бўлган Сомонийлар салтанати воқеаларини, Бухоро мавзудаги маҳобатли қуриллишларини, илм-фан тараққиётини кўз ўнгимизда таваллангирлиб, тасаввуримизни бойитди. Бугунги кунда ҳам халқимиз тарихи сарчашмаларидан қонқиб яшашимиз, миллий қадриятларни жаҳонга кўрсатишида доминмайд ва саҳоватли бобокалонларимиз даражасига чиқишига жазм қилишимиз зарурлигини ўқтиради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, роман илоҳий-руҳий ҳолатларга, рамз ва тамсилларга бой. Ўқувчи қаҳрамонлар билан кўнинча бевоқифта эмас, уларнинг руҳлари билан учрашади, ботиний мулоқотда бўлади. Лекин бу мавҳум ҳаёлот эмас, реал ассоциация уйғотадиган манзаралар. Масалан, роман бош қаҳрамони Мирза Ғолиб боши берк тўқайзорга тушиб қолган. Ҳориб-толиб юрган тиканли сўқмоқлар, у уйлаган қилса катта йўлга олиб чиқмайди, яна айланли даҳшатли теналикка, сирли харобага олиб бораверади. Тўқайзор ичда изтиробли, париншон, ташвишли оломонга рўбару бўлади. Бу ғариб, париншон одамлар қайқдан келинсангити-ю, қайқда кетинсангити — номасълум. «Визга ё ҳаким, ё ҳоким керак» дея, оломон тўрт томони тўқайзор харобали теналикни чархнакладай айланлиб ўтибди. Бундай қараса, Мирза Ғолиб ҳам уларнинг биттаси, саргардон, аданган, нажотсиз, чорасиз. Бирини тўхтатиб: «Кечирасиз, ота, аландим. Менга катта йўл керак», дея сўрайди. «Катта йўл?! Билмадим», — чол ҳайрон бўлиб кифтини қисади. Аслида, улар ҳам саргардон — катта йўл, нажот, ҳақиқат, адолат излаб чиққанлардан, Мирза Ғолиб сингари йўлдан аданганлардан.

Қаҳрамоннинг мия қатини очаётган яна бир руҳий ҳолатга эътибор қилайлик. У ойи-кўни яқин, уйда ёлғиз қолган хотини Мастуранини уйлаб эзिलाди. У муҳаббати, бахти учун ҳам қаттиқ курашаолмади, унда чинакам муҳаббат етганимайдиган: ёрнин, одамларни, юртинни, Оллоҳни севмоқ учун фидойин бўлмоқ, курашмоқ керак, қонингдан худбинлигини, юратингдан қўрқувини ҳайламоқ лозим. Энг аввал бир жон-

ни севмай туриб, ҳаётни севмоқ мўшкул. Айниқса, Оллоҳни! — бўлайди Мирза Ғолиб, уни шу ўй қийноққа солади.

«Тепаликдаги хароба» — Омон Мухтор ижодидагина эмас, ўзбек романчилигида ҳам бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилса — ажаб эмас.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Жаннати одамлар» романи — ўзига хос, ширингина китоб бўлибди. Романининг ҳажми ихчам, атши 4-5 бўлим, 19 бобдан ташкил топган, бобларга ўқувчини етаклайдиган сермаъно сарлавҳалар қўйилган. Асар бошдан-оёқ енгил, қизиқиб ўқилади, китобхонни сира тилиқтирмайди. Тили содда, жумлалар раvon, мухтасар, ҳар бир персонаж ўз ёни, савияси, дунёқароши даражасида суқлашади — нутқлари индивидуалантирилган. Бутун бошли бир асар бош қаҳрамон Раҳмонберди тилидан ҳикоя қилинади. Ёзувчи бош қаҳрамон тилининг ширали, бежирим, тиниқ чиқишига эришган.

«Жаннати одамлар» биринчи навбатда дидактик-маърифий қиммати билан ўқувчи диққатини тортади. Адибнинг муваффақияти ҳам шунда. Зеро, Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиёти азадан ўзининг дидактик хусусиятлари устуворлиги, тамойиллари билан ажралиб келган. Ижодкорларимиз сўнгги найтларда миллий адабиётимиз сарчашмаларига қайтиб, ўз асарларини мумтоз агъналаримиз билан су-формоқдаларки, «Жаннати одамлар» бунинг яхши намунаси.

Классик ва ёзма адабиётимиздек бой хазина қайси халқ меросида бор, ахир?! Фикримизнинг исботи учун романининг «Одобли бола ўйини» дея сарлавҳаланган бобидан бир нарча келтирамиз: «Бобожоним ўзи яхши-да, энаму мен ҳам яхшиман, ҳаммамиз яхшимиз. Одобли бола ўйини зўр ўйин. Ким одобли бўлса, ўша ёнғоқни кўп ютади, ўрик ҳам, майиз ҳам ютади. Ҳўл қор ёғиб, шамол келаётган кунни Аҳмадуқул бобомнингизда ўйнаган эдик, мен ҳаммадан зўр чиққанман, бир халта ёнғоқ ютганман, чўнтагим майизга тўлиб кетган. Фақат ёнғоқни кўп эмаслик керак... ўзимни ёнғоғим, деб чақиб сивердим, охири томоғим оғриб қолди. Эргалаб туриб эна десам, илдамайди, кейин билсам, овозим чиқмай қолган экан. Энди ютсам кўп емайман, иккита-иккитадан нонга қўшиб ейман...»

Ўйин бошланиб кетди, болалар одобли бола қанақа бўлади? деган саволга галма-гал жавоб айта бошладилар. Раимқори бобонинг наби-раси Абдуҳалим: «Одобли бола эсли бола бўлади, йиқилиб тушганда йиғлаб ўтирмай, дарров ўридан туриб кетаверади. Яна, укаси йиқилганда ўридан турғизиб йиғлама, жоним, йиғлама, деб елкасини еслаб қўяди. Акасини еслаб гапирди, яна катталар иш буюрганда хўн бўлади, деб қўлини мана бундай қилиб қўкрагига қўйиб туради. Яна ота-онасига гап қайтармайди, молларга озор бермайди, бир марга она эчкимизни минмоқчи бўлганимда бўвим, одобли бола ундай қилмайди, деган. Қўшларни ўлдирмайди.

— Ҳўш, энди навбат кимники? — сўради бобожоним.

Юсуфойининг набираси Дилшожнинг жавоби: «Одобли бола бобоси ишлаётганда олдига асалому алайкум, деб боради. — Дилшож қўлини кўккага қўйиб қанақа салом беришини ҳам кўрсатади. — Ун-

дан кейин бобоси ишлаётганда олдига бориб, кетмонни менга беринг, мен чошиниб юбораман, дейди. Бобоси қўл юваётганда обдастани олиб, келинг бобожон, мен қўйиб юбораман, дейди. Кейин бобоси ҳовуздан сув олиб келаётганда, менга беринг, чарчаб қоласиз, дейди... Одобли бола ётаётганда ўнг томонини босиб ётади... Кейин яна тураётганда ҳам ўнг томони билан туради... Кейин яна уйга кираётганда ўнг оёғини мана бундай қилиб босиб киради... Кейин яна уйдан чиқаётганда ўнг оёғини босиб чиқади.

Одобли қиз овқат ичаётганда қошиқни яламайди, кейин лабини ҳам чапиллатмайди, биламан, ҳаммасини биламан. Кейин мишиғи оқ-қанда енгига артмайди...»

Набат Санамбувига етади. «Одобли қиз ўридан турганда энг аввал жойини йиғади, ундан кейин юз-қўлини ювади, ундан кейин ҳовли супуради. Кейин товўқларни катакдан чиқариб юборади. Нонуштага ўтиришганда катталардан олдин қўл узатмайди. — Таом ейиндан олдин «Биёмиллоҳу раҳмонир раҳим», дейди. Қорни тўйганда «Ал-ҳамдуиллоҳу, худого шўкр», дейди. Одобли қиз кийимларини ҳаммаша озода тутади... ака-укаларини еслаб чақиради. Ундан кейин меҳмонлар келганда, хўш келибсизлар, дейди. Кетиниётганда, мунча шония-еизлар, яна келинлар бўлмаса, тез-тез келиб туринлар, дейди».

Бу ўзбекона насихатомуз, ўзбекона одоб болаларча соддадиллик самимият билан ифода қилинади, воқеалар тасвирга моҳирона едирилади.

Ёзувчи ўз асари ғояси руҳига енгидирлиб таъкидлаганидек, ана шу миллий қадриятлар, шарқона ҳулқ-одоб бутунги кун ёш китобхонларининг эстетик тарбияси сари ўсаётган авлодин вояга етказётган ота-оналар, мураббий, муаллимлар учун ўта зарур.

Романда катталар учун ҳам ибратли гаплар, қимматли фикрлар шундоққина уфуриб турибди. Одамларга қилган яхшиликлари, меҳр-муруватларига қўшиб, ўзларидан боғлар, қўшиқлар, турли-туман мева-чева навлари қолдирган Эрка бобо (Ўрик бобо), Аҳмадуқул бобо (Майиз бобо), (Беҳи бобо), (Қовоқ бобо), Эшон бобо, Матмуса бобо, Эсонқул бобо, Қамбар бобо, Робия бувилар етмин йиллик зўр-вонли, даҳнатли қирғинлар, қама-қамалар, таъқиқу тазийқларга қарамай юртимизда дини исломни, имон-эътиқодни ушлаб турган жаннатли боболаримиз катта меҳр-муҳаббат билан қодирйона чизилган.

Асарда кечаги кун — совет даври зугум-иллатлари бор ваҳиати, даҳнати, жабуру ситамлари билан кўрсатилган. Қўйидаги манзараларга эътибор қилайлик. Умрида бир чумолига ҳам озор бермаган, тўғри юриб, ҳалол еб-ичиб, умргузаронлик қилган Эрка бобонинг сабр-кочаси тўлган, пичоқ суякка қадалган: «Йўқ-йўқ, — бобом бақириб юборди, — ҳозир бориб ҳаммасини чошиб ташлайман. Ўғилларимни отиб, кўёвимни ўриб ўлдирди, еримни олди, белимни букди, энди боғимни бузадими? Йўқ-йўқ, ҳаммасини чошиб ташлайман...»

Бобом турган жойида тепиниб, ердаги теша, арра, ток қайчиларни ҳар томонга ота берди. Энажоним югуриб келди. Ўтқазиб, бобомга совуқ чой ичирди, елиди».

Халқимиз тарихининг совет даври бўлган йилларга тўла бўлса-да, замонларга татигулик сабоқлари билан характерлидир. Бизга ва келгуси авлодларга бу сабоқлардан — мустабиллик, адолатсизлик, зўравонликларга қарши, ўзинимиз, миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш учун қурашган жаннати одамлар — бобокалонимиз ҳақида болаларча бегуборлик, соддалик ва ҳаққонийлик билан қизиқарли, бадийий, жонли ҳикоя қилиб берувчи романдир.

Хоҳласак-хоҳламасак, қайси масалада бўлмасин, кечаги тоталитар тузумни эланишга мажбурмиз. Мафкурамиз «дохийлари», тутқун олимлар партиязий адабиётинга ғоявий адабиёт бўлишига даъво қила олади дея, фантастика, детектив жанрларидаги асарларга бешсанг қарар эдилар. Ўзбек насрида фантастиканинг унчалик ривож топмаганининг сабабларидан бири балки шундир.

Лекин бугунга келиб насримизда фантастик роман борлигидан мамнунлигимизни яширолмаймиз, бу соҳадаги кемтик ҳам тўлдирилмоқда. Утган йил бу жиҳатдан бурилиш нуқтаси бўлганлиги турган гап. Бундай дейишга сабаб — истеъдодли фантаст Ёзувчимиз Ҳожнакбар Ислом Шайхнинг «Тутан одамлар» романи («Ёзувчи» нашриёти, 1995) ва асарининг китобхонлар томонидан илқ қўтиб олинishi. Асар диний-фантастик роман бўлишига қарамадан, воқеалар бугунги кундан олинган, даврининг дардлари ифодаланган, замон овозига ҳамнафас, қаҳрамонлар сизу биз билган реал одамлар. Бироқ буларнинг ҳаммаси ўзгача кечади, руҳий-ғаройиб одам ҳодисалари, тутан ва ўзаро илоҳий-бағишчилик, уйғунликда ва бир бутунликда берилган. Бадийий адабиётда инсон ва табиат бирлиги тасвиридек синоат энди жиддий ўқлаштирилаяпти. Айни пайтда руҳий уйғунликнинг барқарорлиги ҳодисаси биринчи марта ушбу янги асарда қўлланган, изчил илрок этилган.

«Тутан одамлар» романида уч она-синглиларнинг ғаройиб тақдир тасвирланиб, моддий дунёга тутан руҳий дунё ҳам борлиги, инсонлар бунинг умумсалар, жамиятда, маънавиятда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан ўқувчилар огоҳлантирилади. Ноёб хислатлар, руҳий таъсир ва алоқадорлик бутунги одамларга ҳам ажодлардан мерос. Бизнинг замондонларимиз ўз руҳдонларини — ажодларидан кимшир тақдорлайди, ўз ҳаётида кимшидир намойиш этади.

Ҳожнакбар Ислом Шайх илоҳий-маърифий ҳақиқатни асар бон қаҳрамонлари — Назира, Наргиза ва Нафиса образларида равшанлаштирган.

Баҳром Шайх отанинг икки яшар набираси эмаклаб чиқиб, ҳовлидан ўтқадиган ариқча, муз остига тушиб кетади. Олти сония орасида боласини олазарак излаётган ойини онноқ сазла ўраган, оқ ҳарир чонон кийган, ўсиқ қонлари оқарган, баланд бўйли мўйсафид «Мана, олинг, қизим», дея майини муенқали овозда болани унга узатди. Ойини Назиранинг устини алмаштириб кўришга буркаб ташлади. Қизча ҳеч нима кўрмагандай қўлимсераб йтарди, йнглемади ҳам, илжинчилик қилмади ҳам. «Боз устига туйқўстан бурро қилиб: «Ойин, Шайх Тоҳир бувамга «рахмат» ҳам айтмадингиз-а!» — деб қолса бўладими! У ҳам бир оғиз гапирмаган. «Ойин» дейишини ҳам билмас эди-да! Онанинг

ахонаси чиқиб кетди. Назиранинг бошидан кечадиган руҳий-ғаройиб саргузаштлар роман охиригача шундай давом этади.

Назира Шайх Тоҳир буvasи еттинчи ажоди эканлиги, энди доим ундан хабар олиб туришни, ойинининг қорнида енгилеси қимирлаётгани, унга буvasи Наргиза деб нем қўйиши ва ойини Нафиса деган яна бир қиз кўриши, кейин уч аҳил она-синглини осмондаги фаршталар қўчирик қилиши, ҳозир эса ўзининг буvasи Баҳром Шайх ота дарвозасидан кйриб келишини башорат қилади ва борган сари ойини Дилбархонни, дадаси Асад, бобоси Баҳром Шайхни, қариндошлар, қўшинлар, муаллимларини ҳайратга сола бошлайди. Назиралар оиласи сулоласи асли шайхлар шажараси — Қул Хожа Аҳмад, Хожа Аҳрори Вали, Тилла Шайх, Шайх Тоҳирларга тутанади. Буvasи Баҳром Шайх отанинг падари бузруквори Ғулум шайх бува қўлоқ қилишини билан қочиб Хитойга, Қонғарга ўтиб кетган ва сўнгги йилларда ўз ота юрти Тошкентга қайтиб келганди. Ёзувчи ретроспектив йўсинида оиланинг тарихи, шайхлар сулоласини хисоя қилиб беради ва Назиранинг ғойибдан ахборотлар олиб, бошқалар билмайдиган ҳодисалардан хабардор қилишини асослаб беради.

Ижод тажрибасидан маълумки, ҳамма адиблар ҳам ҳаётда бор нарсалар ҳусусида ёзвермайдилар; кимдир ҳаётдаги, ҳатто ҳаётга снмайдиган нарсаларини қаламга олшини мумкин. Гап маҳоратда, китобхонни ишонтиришда, ўқувчи қалбига йўл тона билшида. «Тутан одамлар» романи автори шундай йўл тона билган — мазмун ва шаклда ўзига хос услуб яратибдики, устоз Озод Шарофиддинов китоб сўз бошида бу ҳақда чиройли лутф этганлар, биз устознинг фикрларига тўла қўйилмадик.

Романда бадийий қиёмга етмаган лавҳалар, сюжетдан айри ва суёт, асар композициясига ёширмаган ҳикоялар, публицистик баён, ялонғоч фикрлар кўзга чалинади. Лекин улар китобдан олган баҳрага, руҳий маърифатга унчалик дахл етказмайди, қонқини ва завқли-шавқли таассуротга зиён қилолмайди. Қўлимиздаги романининг биринчи китоби. Ёзувчининг шиятига кўра, асарининг давоми бор. Ишшооллоҳ, Ҳожнакбар Ислом Шайхнинг дилогияси тугалланса, асарни янада сайқаллашади, романи янада пурнур, пурмаъно бўлади. Биз фантаст адибимизга ижодий омад тилаймиз.

Ёзувчи қўнглида шитийёқ туғилмаса, асар ёзолмайди. Мен Эркин Самандарнинг зоҳирий солим, лекин ботиний пўрганали йирик насрини билганим сайин шундай мулоҳаза қилгим келади.

Адиб янги — «Тангри қудуғи» романида маънавийтимиз, бадийий тафаккуримиз, ашиқроғи, тавоб қиладиган тарихидан бенасиб қилинган халқимиз, ҳусусан, ёш авлодимиз учун саъоб бўладиган хайрли ишга қўл урибди. Мовароуннаҳрнинг подир бир воҳаси — Хоразм учун тарихий нурли бир давр — Абулғози Баҳодирхон даври бадийий тасвирига жазм қилибди. Жаҳон меҳробига кўн йруғ чирроқлар ёқдан ўзбек миллатининг эртаси чароғон, фаровон ва файзли бўлиши, узоқ ва яқин ўтмишида неча бор бўлгандек, энди маълуматини ва заволли бўлмаслиги учун мазийдаги энг норлоқ, юксалини нуқталарини гавда-



лангириш ва миллатнинг кўзини шулар орқали ҳам очиб вақти — романнавислар учун иштиёқ эмас, зарурий ҳаётий ҳақиқат.

Романининг сарлавҳаси — илоҳий, фалсафий, ўқувчини чуқур мушоҳадага чорлайди.

Бироқ, Абулғози Баҳодирхон ва унгача турли асар даври зиддиятлари, тахт-юрт таланишлар ва жирканч ҳамда мудҳиш падаркуш ва биродарқушиликлар, одил, ватан ва миллатсезвар ҳукмдор, буюк олим ҳаёти, орзу-армонлари, изтироблари ва муҳаббати ҳақида бўлгани учун роман рамзий эмас, аниқроқ номлангани мумкин эди. У сеvimли адибнинг шахсий иши, ижодий сирни бўлиб қолаверсин, майли, биз адабиётшунос ва танқидчилар ақл ўргатмайлик, «Тангри қудуғи» асл ўзимизга, диний имонимизга қайтаётган бир пайтда улкан рамзий аҳамият касб этади. Умримизнинг онгли қисмида Тангри таоллони унутмасак, ҳаётимиз пок, мусоффо ва баракали ўтиши — яшашнинг махражи бўлмоғи худонинг инояти, карам.

Дарвоқе, романи чош этилиши муносабати билан муҳтарам китобхонларига мурожаат қилиб, муаллиф унбу асарни «хамир учидан патир» дея, Абулғози Баҳодирхон ҳақидаги биринчи китоб тарзида қабул қилишни сўрайди. «Иншооллоҳ, давоми бўлғай» деб, ўқувчилари кўнглида катта умид уйғотади.

Роман ўтминдан олиб ёзилгани, воқеалар, тақдирлар зич ва ўта мураккаб бўлганлигига қарамасдан, осон ўқилади, шууримизга енгил кўчади — тарихни бугунга келтириб, ажлодларимиз билан бизни яқинлаштиради, уларни тақдирдош, ҳаётдош қилиб кўяди.

Асарининг қимматли томони — тарихимиз, жумладан, маданиятимизнинг бироз илқирози деб қаралган XVII асрда ҳам Туронзамин осмони остида Хоразмда давлатчилик, маънавият, илм-фан кўкида Абулғози Баҳодирхондек порлоқ юлдузлар чақнаган. Буни Эркин Самандаров ярағайтаган тарихий эпонеядан ўқиб ва ўқиб олиндек бахтга мушарраф бўлаётганимизга шукроналар қилишимиз керак.

Энг муҳими, зиддиятли, тарихимиз, ўтмин фожеаларимизга муносабат, қараш — янгича!

Асарнинг муваффақияти кўп, бадний жозибadorлиги баланди. Эркин Самандар асли дилбар шоир эмасми, жиддий насрнинг назокатларини тўла намойиш этган, тошлар аро гул ундирган, поэтиклаштирган. Масалан: «Абулғози султоннинг чеҳраси очилгани сабабини қози калон қаёқдан билсин, буни фақат битта юрак — Нигинанинг ошиқ қалбини на ангилган мумкинлигини у ҳаёлига ҳам келтирмайди. Кеча пешин чоғи эса шаҳзоданинг хужрасига Нигинанинг ўзи таширф буюрди. Дийдорлашувин кечаю кундуз Оллоҳдан тилаётган, дегин Нигинанинг ўзи кириб келишини кутмаган Абулғози бу саховатдан гангиб, айтар сўзини тамом йўқотди. Нигинанинг бор журъати ҳам бирнасада ҳуркак қундай аслақайга учди-кетди.

Улар тикка туришар, ўтиришга таклиф этиш эса Абулғозининг ҳаёлига келай демасди.

— Кўёининг булутлар орасидан ярақлаб чиққани рожт бўлғай, — деди Абулғози ўзини тутиб олган.

— Кўёин қайда берк эди. Онинг унбу хужрага беркнииб олганини биламбиз. — лабларидаги назик табассумни яширолмади деди Нигина.

— Хужрамиз шу пайтгача зимистон эрди, сен келдуб онн чароғон айладинг. Аҳамдулиллоҳ, дилим шуълага юз тутибдур. Марҳабо!

Нигина юзидаги ой пардасини кўтариб, қабосини ечди. Абулғози уни кўк духоба кўрпачага утказди. Ўзи рўбарўсига чўкди... Нигинанинг иффати ҳуснидай жозиб, ҳусни дутфидай назокатли эди...»

Икки ёш қалбининг муҳаббати тасвири олий пардаларга кўтарилган, юксак поэтиклаштирилган, қодирийона ифодани кўриб қувонмай бўладими!

Асар бешўқсон эмас. Роман бошдан-оёқ бир хил мантқиқий ва тасвирий изчиллик билан таъминланмаган, воқеаларнинг тизгини қўлдан чиққан ўринлар, ортиқча, бадний юкенз тафсилотлар, услубий гализликлар, ноаниқликлар, ортиқчалик, баён бор.

Асарни 33 боб билан тугатса ҳам ҳеч нарса йўқотилмайдигандай. Чунончи, Абулғози салтанатининг бошлангани; ёруғ қунларга башорат худди шу бобда айтилади. «Сизнинг юлдузингизни кўргандай бўлдим, шаҳзода! Сиз юрган йўллар тағин икки йил ўйдим-чўқурларида Сизни имтиҳон қилурлар десам, мендан ўпаламанг, зеро, онн ўзи юлдузингиз айтиб турур!» — дейди Абулғозига мунажжим Садрхўжа эпон.

Ҳалиггина айтганимиздек, Эркин Самандаровнинг «Тангри қудуғи» романи зиддиятларга бой тарихимизга ҳаққоний, аслиятга ва бадний ёндошининг янгича намунаси.

Ўтган йили яна бир тарихий асар кўпчиликнинг эътиборини тортди, адабий жамоатчилик, тарихчи олимлар, темиршунослар, студент ва ўқувчилар, турли-туман жамоалар, оддий китобхонлар замонамизнинг йирик манбашуноси Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» китобини қизиқиб ўқимоқдалар.

Энг аввало кишилик дүйсен буюк соҳибқирон Амир Темурдек зоти шарифларни саноқли кўрган. Шарқдан Муғулу Хитой худудлари эътиборан Ғарбгача — Испаниягача Оснё ва Оврупа халқларининг, Жанубдан — Ҳинд океанидан Шимолий Россиягача фавқулодда катта масофа — манзиллар, унлаб мамлакатларнинг халоскори суюкел бобокалонимизнинг қаршиб олти ярим асрдан буюн улдулаб келишини, албатта яна бир жиддий сабаб — Россия босқинчилиги туфайли Амир Темур даҳоси ўз Ватани Туркистон, ўз миллати, ўз ворисларидан бир ярим аср айри яшади, аниқроғи, ажратиб қўйилди, айниқса 70 йиллик қизил салтанат даврида. Энг ёмони, у 180 даража, тамоман тескари, гайримоний, гайри илмий, гайри тарихий тарзда қонхўр — жаллод, жоҳил ва саводсиз қилиб кўрсатилди. Жумладан, бадний адабиётда ҳам шундай йўл тутилди. Даҳшатлиси, шичоқ соши ўзимиздан чиқди, ўзбекистонлик «дохийчалар», мафкурачилар, мустабид тузумнинг карнайчилари ҳам бу табаррук инсон шаънига ҳолдан тойганча тош отиб кўрдилар. Бу ерда Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» романи-учлигини надомат билан эсланиннг ўзи ҳам юракларни зирқиратиб юборади.

Амир Темур ҳақида катта бадий асар ёзиш ниҳоятда қийин иш. Бунинг учун фақат Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмнинг ёки Шарқнинггина эмас, Фарби, ўзлаб славян, Болқон давлатлари тарихини ҳам, ўша мамлакатлар йирик давлат арбоблари ва саркардаларининг сиёсий-жанговор фаолликлари, ҳаётларини чуқур билниш ва буюк Соҳибқирон, ул хазрат бошқарган салтанат билан муқояса қилиш. XIV-XV аср дунё воқеаларини тўғри ангаш, дилдан илмий-бадий ҳазм қилиш зарур. Зеро 6.5 асрдан ортиқ битилган тарихий ўқимасдан туриб, буюк бобокалонимизни кўз ўнгиде тўла гавдалаштириб бўлмайди, ахир. Буни муаллифнинг ўзлари ҳам китобнинг «Муқаддимасида» эътироф этганлар: «Тарихда ўтган буюк шахслар ҳақида бирон сўз айтиш, каттами-кичикми илмий ёки адабий асар ёзиш ўта мушкул... Негаким, уларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли, фаолият мураккаб, ва ўта зиддиятлидир...»

Хуллас, бу хайрли иш давримизнинг Бўрибой Аҳмедовига nasib этди ва у керакли тарихий эссени яратиб, улғу кўнга тўёна қилдики, асар Соҳибқирон ҳақида бор ҳақиқатларни тадрижий баён этувчи солнома сифатида ўқилади ва қадрланади.

Лекин, Бўрибой Аҳмедов профессионал ёзувчи-романнавис эмас, биз «Амир Темур» китобини ўқиганимизда буни назардан қочирмаслигимиз керак. Бу адибани айтишимиз сабаб — айрим мунаққидлар «Амир Темур» роман талабларига жавоб бермайди, тасвирий ифода имкониятлари, образлик, психологик тасвир усулларидан фойдаланишда заргарлик даркор, уш бадий асар, роман ҳолида ўқувчига ҳавола қилмаслик керак деган гапларни айтмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, роман етук бадий асар сифатида тақдим этилишга даъво қилолмайди. Унда романга хос тасвирий-ифодавий усулларининг сархил имкониятларидан фойдаланиш, ижодий фантазия, образлик, рухий-психологик жозиба йўқ, ёки заргар ёзувчи санъати, маҳорати кўрилмайдди. Йўқдан — бор яхши, деганларидек, забардаст романнавислар қаламларини йўниб бўлганларича ҳокисор бир тарихчи олим улғу тўйга тўёна тайёрласа, шима қинти! Китоб роман жанрининг борча қонунарига тўла жавоб бермаса-да, адабиётимизда турфа насрий гулдасталар яратилавергани маъқул.

Тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов тарихий асар ёзбдилар, кекса адабиётшунос олим Матгўб Қўшижонов домла бадий қиссалар битдилар. Самарқандда 85 ёшли публицист адиб Бобомурод Даминов кечаги зиддиятчи ҳаётимизнинг жонли шохиди сифатида «Тақдир ўйини» деган романи тугалладилар. Яна бир отахон адибимиз Исҳоқ Ўктамов янги романи билан ижод ҳамма учун баробар деган ақидани неботлаб турибдилар. Адиб «Сирли қотиллик» романида совет тузумида топиб кўрган «неъматлари» ҳақида шу давр меваси ҳисобланган мансабпарастлик, зувронлик, ҳаромтомоқлик каби иллатларни бадий фой этувчи асар эълон қилдилар. Роман кўп жиҳатдан автобиографик қиёфа йўсинига эга. Муаллифнинг шият-ғояси асосан бош қаҳрамон Санжарбек Сардоров ҳаёти оғдал бағафелк очиб берилиб, кечаги мустабил тузумнинг кирди-корлари, қора юкларнинг қабихликларига қарши бонг урилади.

Албатта отахон адибнинг бу асари роман тафаккурига хос бой ва қамровли, ҳаётнинг етук бадий тадқиқоти эмас, баён, оддий хабар, қизиллик яққол сезиладиган тасвирлар кўп, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини мантқан асосланга эътибор қилинмаганки, ҳатто бош қаҳрамон Санжарбек Сардоров характери ҳам бу камчиликдан истисно эмас. Асарда сўзмаслик кучли, тил оҳорсиз. Эътибор беринг, роман кўйидаги гаплар билан хотима тонади: «Охир-оқибат халқ фароғатини, барқарор диннат қасбияни бунёд этинда ҳаётининг меҳригўёсини, нури-зиёсини ҳақир диёрига армуғон этган яна бир ўзбек фарзандининг майитини Қўқон шаҳар «Найхон» қабристонини ўз паноҳига олди...»

Барибир, инсоф билан айтсак, отахон адиб Исҳоқ Ўктамовнинг гаират намунаси — ибратли.

Муроджон Мансур «Кудоллик диёри» романини яхши бошлайдди. Қай маънода? Ақлли гаплар, мағизли фикрлар, қизиқарли ҳикоя билан. Йўмлалар шунинқ, мухтасар, фикрлар аниқ, изчил — ўзбек романчилигининг сўнгги йиллар катта ютуғи деб тан олинган. «Отамдан қолган дала» оҳангида: «Ҳеч ерда йўқ-да. Бир алам қилади, бир алам қилади! Зир югуриб, ҳамма ёқнинг тити-питинини чиқаравердим. Юрган йўлларимни неча қайталаб айлашиб чиқдим, қани топила! Шундай алам қилади, шундай алам қилади! Ҳўё ичим ёниб кетяпти. Ахирри чиқолмадим: ўзимни сандал чеккасига отиб, ҳўнграб юбордим. Авиал ҳўнграб-ҳўнграб, кейин кўйиб-кўйиб, сўнгиде ўкеиб-ўкеиб, тоза йилғадим» ёки «Ўлкюсалари йирик-йирик, гулбарглари бўлиқ-бўлиқ, тишиқ-тишиқ, нафармон...» ёки «...бир-биримизнинг бағримизга отилишиб, кучоқлаша кетдик. Худди тойлар гир айлашиб чонингани, киниангани, ялаб-юқангани каби... Худди қўзичоқлар дикир-дикир сакрашиб, ўйноқлангани каби».

Муроджон Мансур — бир неча роман ёзиб, танилган, мақтовларга муҳтож эмас, таърифларини кўп эшитган. Очинини айтсак, унинг янги романи муваффақиятчи чиқмабди. Роман зерикали, ҳаммага маълум бўлган гапларга ҳам кўп тўхтаган. Асарда публицистика кучли, ичиде зўр-зўр очилини керак бўлган воқеа-фактлар ҳам сўзлар қаланида қолиб, қувватини йўқотган, мақсадга етмаган. Кўп образлар мантқиқда монанд ҳаракат қилмайди, нарқанда фикрлайди — ёзувчи томонидан бошқарилади, автор хоҳини билан иш кўради.

Ёзувчи ўз асари учун бадий сўзни қайлиқ танлагандай танлашни кераклини ҳеч бир ижодкорга сир эмас. Сўз зўр қурол эканлигини бошқалар унутсалар ҳам, тажрибали адибнинг унутинга ҳаққи бормикан?! Сўз — асарнинг жони. Ҳаётда ҳам сўз билан одами бахтли ёки бахтсиз қилиш, ҳагто ўлдириб қўйини мумкин. Чуқурроқ ўйласак, фақат ҳаққоний сўзинга Ҳаққа, Оллоҳга етади!

Ҳозирги романчилигимиз аҳвол иллати-ташвишлари баҳонасида истакларимиз ҳам бор. Ўзбек бор жойда ўзбекона фикрлаш бор. Бадий тафаккур бор — адабиёт бор, асарлар ёзилипти. Ёзувчилар уюшмаси шу ҳолатдан хабардор бўлишидан умидворимиз. Ҳеч бўлмаганда вилоятларда чоң этилган китобларини расмий йўллар биланми, ҳар ҳолат тўплай зарур. Ёзувчилар уюшмаси давлатимиз раҳбарларини мил-

латимиз устунлари, тижоратчи бой-бойваччаларимиз, шибилармон-тадбиркорларимизни адабиётга хомийликка даъво қилсинлар, келажак учун тарих, истиқлол, эртанги маданият ниҳоятда зарурлигини тушунаётганлар ҳамма вилоят, туман ва қишлоқларимизда бор. Ахир, ҳар бири ўнлаб романларга татғийдиган 70 дан ортиқ эпос — дostonи бор халқ бугунга келиб наҳотки бадний мўъжиза, руҳий кашфиёт қилмаётган бўлса? Бунни кўрмаётган бўлса? Бунни кўрмаётган миллат ўғилларини ким деб аташ мумкин?!

Одамлардаги ботиний ва зоҳирий ўзгаришларни пайқамаслик, қаламга олмаслик иллатидан холис бўлсак, маломатга қолмаймиз. Ҳозирги реал воқеликни тарих билан ёки кечаги ўтмиш баҳонасида синтез қилиши билан бирга бевожита гавдалантирсак, бу ўзимизни таниётган ва танитаётган муайян пайтда жуда зарурдир. Эртанги адабиётнинг чечакларини бугун ундирсак деймиз-да!

Анъанавий йўлларда бенисандлик билан қаран сезилса, ундан ҳам қочини керак. Чунки, анъанавий йўлларнинг ҳам имкониятлари чексиз, очилмаган қирралари кўп. Подир муътоз оғзаки ва ёзма адабиётимиз — хазина, барча бадний камолатимизнинг сарчанимаси. Демак, ҳадеб «Ғарбга тақлид қилиб, жаҳон адабиётининг дурдоналарига ўз романчилигимизни иҳота қилмасак?! Ингиликларга — жаҳон илғор романчилигига дадил яқинлашмасак, ижодий ўрганиб, кашфиётларга ён бермасак, изланмасак, кўз қорачўғимизни кенгайтирмасак, романчилигимиздаги қадамларимиз майда, ўртача ва эътироз талаб бўлиб қолади-ку!

Бир манзара — нашриётлар, уларнинг ичида ёки ёнида «китоб ишлаб чиқарадиган» корхоналар кўпаяпти. Хом-хатала «маҳсулотлар» китоб дўконлари, бозорларида босилиб ётибди. Бир ҳисобда китоблар чиқаверсин, майли, романлар босилаверсин, давр уларни ўз синовларидан ўтказадил, яхши ва ёмон асарини ўқувчининг ўзи саралайдил. Халқ айтганидек, гулларини чиройи, сонига қараб эмас, ҳидига қараб дасталайдилар. Адабиёт анвойи ҳидлар аниқган турфа гуллар билан — стук романлар билан безалсин. Шоир Абдулла Орипов ёганидек:

*Бахтининг ёнида ғамни кўришар,  
Ғамни кўришди бахтиди унинг.*

Мушоҳада учун бошқа бир файласуф шоир Рауф Нарфидан «Шодлик, сени ўйлаб ғамга ботаман» сатрини ҳам келтириб, бугунги романчилигимиз тамойилларини ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизга нуқта қўймоқчимиз.



*Эркин Маликов*

## ЭЪТИБОРДАГИ ОДАМ

Ажабо, инсон не-не машаққатлар билан бу ёруғ оламга келса-ю, насибаси бутун бўлмаса?! Адолатданми?! Буюк қудрат Эгасига тавбалар бўлсинки, Оллоҳ ҳеч қачон ўз бандасини яримта насиба билан яратмаган. Инсонга неки буюрилган бўлса, барини тугал қилиб берган. Токи бандаси охират кунда маломат қилиб, ўз Хожасилан ламонгир бўлмасин.

Бироқ, ўз насибасини ношудлик-ла тукиб-сочиш, яримта қилиш одамга хос, уни исроф қилмай бутунича асраш ҳам одамнинг узига боғлиқ. Иймони бутунларгина шундай қила олади.

Исломо ака, мен уша кунги суҳбатдан кейин мана шулар ҳақида уйладим. Биласиз, «Мумин-муминга кўзгудир», деган ҳадис бор. Яна шуни биласизки, мен болаларга ёзаман. Катталар эса болалар учун кўзгудир. Ушш, мен бу кўзгуда нималарни кўрдим?!

Сиз унда босмаҳона ишчиси булиш учун ҳунар билим юртида ўқир эдингиз. Аҳвол ночор пайтлар эди. Уруш борарди. Инсоият урмонига ут кетган, ҳул-қуруғи баравар ёнарди. У ёқда одамлар уққа учсалар, бу ёқда очлик... Волидангиз бетоб эдилар. Аҳволлари кундан-кун ёмонлашиб, соғлиқлари орқага кетиб борарди. Ушанда киши бошига 350 граммдан нон бериларди. Катталар уша насибани ҳам узларидан сириб, болаларига илинишарди. Сиз онангиз тўйиб таомлансалар, оёққа туриб кетадилар, деб уйлардингиз. Билим юртида эса, 600 грамм нон бериларди. «Бундай мартабага ҳам ишлаб, ҳам ўқиганлар эга булардилар. Истасангиз, у нон уша ердаёқ «тинчирди». Аммо сиз уша кунини 4 дан бир улущини авайлаб қуйингизга жойладингиз-да, қолгани билан қаноатландингиз. Фавқулодда уйғонган бу болаларча илинж ва меҳрдан қувонар эдингиз. Худди онангизга бир шода марварид олиб бораётгандек шошардингиз. Уйга қанот боғлаб учардингиз. Ниҳоят, етиб ҳам келдингиз. Онангиз шифтга боқиб, юзларидан нур кетиб ётар, тепаларида ҳасрат чекиб бувингиз утирардилар. Сиздаги ажиб бир суюнчли ҳолатни онангиз ҳам, бувингиз ҳам куриб, ҳайрон булишди. Шунда:

— Ҳа, болажоним, уруш тугабдими? — деб сурадилар бувингиз шоша-пиша.

Юзингизда ана шунақа бир қувончли ифода бор эди-да. Сиз булса, «билмасам» дегандек, бош чайқаб, онангизнинг енгларига тиз чуқдингиз. Қўлингиз қўйингизда, нуқул тимирскиланасиз. Ҳадетан-да қлдиратган нарсангизни тоша олмайсиз. Оҳ, тушириб қўйган булсам-а? Вужудингизни муздек тер қоллайди. Э, хайрият, жойида экан! Насибани ола онангизнинг нимжон қўлларига тутасиз. Онангиз хайрон боқадилар.

— Олинг, ойи, олинг. Узимнинг нонимдан бу, олинг, енг.

Шунда онангизнинг юзида ажиб бир табассум қалқди. Уйдагилар узлари учун қадрон бўлиб қолган бу табассумга анчанан бери зор эдилар. Гуё уй ҳам еришиб кетгандек бўлди. Онангиз «буни қаранг» дегандек қўлларидаги нонни куз-куз қила, бувингизга қўрсатдилар. Бувингизнинг юзларини севинч ёшлари юварди. Кейин у киши ҳам худди ҳукм уқийтгандек қилиб:

— Ҳа, ҳа, боланг сенга нон олиб келибдим, е, сяқол. Сайдини-са, — делдилар.

Онангиз нонни беҳолгина тишларига босдилар-да, бувингизга узатдилар:

— Сиз ҳам енг.

— Ейман. Несварагинамнинг нонини ейман... Шундоғам ейки, бай-бай, бунча ширин...

Шундан кейин бувингиз дуога қўл очдилар:

— Оҳ, болажоним, насибангни бутилибсанми, илоҳим, ҳамиша насибанг бутун булсин. Оллоҳ булашгани дуст тутали, омин!

Ҳа, бундан 55 йиллар муқаддам бўлиб утган уша воқеа, уша дуо умр йўлларингизда ҳаёт боғингизга очилган бир қуркам дарча бўлди. Қаранг, насибанг бутунлиги уни ўз яқинларига, қўни-қўшнларига буланишдан бошланар экан. Зотан, Ҳалисда ҳам худди шундай ёзилган. Назаримда, ҳамма сиру синоат, болаликнинг илк қадамларидаёқ нафсни енга олишда қолган экан. Шундай қилинса, ҳазрат Навоий айтганларидек, пашшадек ирода билан филдек нафсни умр буйи енгиб яшаса буларкан. Буни бу еруғ оламда билган билади. Билмаган нафсининг қўли бўлиб, эрта кунда бус-бугун насибасини ҳам ярамга қилиб қўяди. Бундай ҳолдан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Сиз суҳбатимиз чоғида падари бузрукворингизни кўп эсладингиз. Дикқат қилсам, бошингизга иш тушган пайтларда у кишини эсларкансиз.

1978 йил... Сиз меҳнат шллапояларидан утиб, директорлик лавозимига утирганингизга ҳам қарийб ўн йил бўлган. Утган ўн йил Сиз учун бир йилдек кечибди. Шу йиллар мобайнида фақат қурибсиз. Бу еқда 17 қаватли журнал биноси, 2 та болалар дам олиш лагери, битта санаторий, қанчадан-қанча турар жой бинолари... Сунги иш — газеталар чоп этиладиган бинони қуриш — борарди. Бироқ, соғлиқ ёмонлашиб қолган эди. Табиблар Ўзбекистондан чиқиб кетиб, даволанишни маслаҳат бердилар. Чунки Сизда ишсиз туролмастик «каса-ли» пайдо бўлган эди. Иш эса Сизни, соғлигингизни енга бошлаган эди. Кузни чирт юмиб, Қримга жўнадингиз.

Киши босиб утган ҳаёт йўлига четдан қараса, галати бўлиб кетаркан. Утган йиллар ичида онангиздан, отангиздан ажрабсиз. Сочингизга ҳам оқ оралабди. Аммо бу йўқотишлар урида катта бир жамоа ва қадрон босмаҳонангиз қад ростлабди. Ҳа, йўқотишлар урнини шулар тулдириб турарди. Нафсилабрини айтганда, бу инсон учун катта муқофот. Лекин кўнглингизнинг бир чеккаси хира эди. Қалбингизда қандайдир армонли уйлар симилларди. «Онажонимни рози қила олдимми? Падари бузрукворимни-чи? Фарзандларимнинг тарбиясидан мақтана оламанми?» Ажаб, уларнинг тишлари қаттиқ нонга тегмай усли. Ямоқ кийим кийишмади. Болаликдан насибалари тукин бўлди. Сиз каби насибани булашиб ейишга мажбур бўлмадилар. Бу яхшими?

Сиз 30 ёшда университетга сиртдан кириб, 36 ёшда дипломли бўлингиз. Эндиги ёшлар 36 ёшгача турта институтни битириб, 4 та дипломли булиши мумкин. Баъзан биттасиниям қойил қилишолмайди. Нимага улар умр ҳисоб-китобини билишмайди? Беихтиёр отангизни эслайсиз. «Умр деганлари бир бог хашакка ухшайди, лов этади-ю ёнади, шамол турса, қули ҳам қолмайди» дердилар у киши. Бу уқимаган, содда бир одамнинг фалсафаси. Аслида ҳам шундай-ку узи. Қаранг, бепарво утган умрдан ҳатто қўл ҳам қолмас экан-а?!

Шуларни уйлар экансиз, юрак қургур толиқиб, баттар сиқила бошлади. Бунинг устига йўқ жойдаги уй-фикрлар пайдар-пай босиб келаверди. Ушанда денгиз бўйида сайр қилиб юрардингиз. Тулқинлар бутун қандайдир бесаранжом, важоҳатли туюларди. Утирай десангиз, уриндиклар дам олувчилар билан банд. Қўз олдингизга бир қора парда келдию туриб қолди. Оёқдан мадор кета бошлади. Тусмол билан шу яқиндаги уриндикларнинг бирига суяндингиз. Узингиздан катгароқ ёшдаги бир одам жой бермоқчи бўлди.

— Йўқ, йўқ, безовта булманг. Ҳозир утиб кетади, ҳа-ҳа, — дедингиз.

— Э, манови одамни қаранглар, лабларингиз кукариб борапти-ку, утиринг, бундоқ...

Шунда нимагадир ёдингизга дўстингиз ва касбдошингиз Наим-хужа тушди. Йўлда бораётиб, юрак хуружи билан йиқилган ва шу билан жони узилган эди. «Ёш эди, бирон бир нарсага суяниб қолгандами, омон қолармиди», деганди ушанда врачлар. Беихтиёр ҳалиги одам бушатган уринга чуқдингиз-у, у егини билмай қолдингиз.

Шу етганча олти ой бегона юрларда қолиб кетдингиз. Эсингизни танигандан бери тиним бермаган иш, турмуш ташвишлари ахйир оёқдан йиқитган эди Сизни. Дам нималигини билмаган вужуд сиздан бошлаб «уч» оларди. Шунда миангизга келган бир фикрдан қўз олдингиз чарақлаб очилди. Ажабо, сизсиз ҳам жамоада иш давом этаркан-ку. Кунда-кунора олис Ўзбекистондан газета ва журналлар, хат-хабарлар келиб турарди. Жамоа ишлаяпти. Газета биноси битай деб қолибди. Германияга буюртирилган ротация машиналари кела бошлабди. «Ишни уйламанг, тузалишни ва сафимизга қайтишни уйланг», деб ёзишарди жамоа ишчилари.

Оллоҳ бандасини бир мусофирликда, бир беморликда синаркан. «Инсон зоти мусофир булмагунча мусулмон булмайди, бемор булмагунча Оллоҳ калимаси тилига келмайди». Отангиз раҳматлик шундай дердилар. Оллоҳ Сизга азобларнинг бирақайига иккитасини раво қурган эди.

Шифокорлар аҳволингизнинг ниҳоятда оғирлигини ҳис этган ҳолда айни пайтда Сиздаги қутаринки кайфиятдан, касални писанд қилмаслик шижоати билан ҳайратга тушардилар. Сиз булса ғойибдан, отангизнинг сузларидан мадад олардингиз:

— Рух бошқа, улим, жасал бошқа... Дард жасадга епишади. руҳга эмас. Чунки руҳ Оллоҳдандур. Уни тетик ва пок гутсанг, дард сендан қочади. Оҳ-воҳ қилиб руҳингни туширсанг, у еги қийин булади. Дард ҳам бамисоли ев! Отзинг қонга тулганда ҳам ёвнинг олдида тупурма, деган донолар.

Сиз танангизга «меҳмон» булган дард билан ана шундай олишдингиз. Туғишганингиз Усмон ака она юртга поездда қайтишни маслаҳат берди. Ҳа, юрак хасталиги билан самолётга чиқиб булмасди.

— Йўқ, дедингиз, самолётда кетамиз, самолётда, тамом!

Сиздаги узингизга булган ишонч ва қудрат, ирода ва матонат қай даражада булганлигини ҳатто туғишганларингиз ҳам билмас эди.

Бу еқда баъзилар «Энди ишга қайтмасалар керак, юрак чаток, ҳазиллашиб булмайди», деган ҳукми ҳам уқиб қуйган эдилар. Лекин олти ой мобайнида урнингизга вақтинча булсаям одам тайинланмаганлиги баъзиларни ажаблантирарди. Сиз албатта, самолётга узингизни синаш учун чиқмадингиз, балки ватангизни, фарзанду қариндошларингизни, жамоангизни, хуллас, она юртингизни жуда-жуда соғинган эдингиз.

Биласизми, сизнинг самолётда келишингиз куп нарсани узгартириб юборди. «Демак, олти соат учибдими — шунчага юрак чидабдими, одек булиб кетибдилар-да. Умрлари узун булсин. Шунча ишни бошида турдим, мевасиниям есин-да бундоқ». Ҳа, шунақа гаплар булганига биз шоҳидмиз.

Қаранг, ҳамма одам ҳақида ҳам шунақа уйлашмайди. Сиз купчиликнинг дилига тушиб қолган одам эдингиз. Бундай мартабага етишишнинг узи булмайди. Қолаверса, эл эътиборига тушиш учун жуда катта оламшумул ишлар қилиш ҳам шарт эмас экан. Мен бир одамнинг сизни пинҳона дуо қилганига гувоҳ булганман. У киши жамоа ошхонасида ишлар, жуда меҳнаткаш одам эди. Уша кишининг онаси бетоб буп қолди. Дардига «облепиха» деган дори даво экан. Гапнинг рости, уша пайтда бу дори жудаям оммалашган, аммо анқонинг уруғига айланган эди. Бечоранинг бориб учрашмаган, кирмаган идораси қолмапти. Йўқ! Осмон узок, ер қаттиқ! Уша одам ахийри нажот истаб, Сизнинг олдингизга кирди.

— Шу дори тошласа, онангиз тузалиб кетарканми?— суралдингиз Сиз.

— Ҳа, тузалиб кетарканлар, духтирлар шундай дейишяпти, — деди у кузларини умид билан тикиб. — Бирорта жойга кунгироқ қилиб беринг, жон ака!

Сиз кунгироқ қилмадингиз, урнингиздан туриб, бир-бир босиб музлатгининг ёнига бордингиз-да, эшигини очиб, ундан ҳалиги дорини олдингиз.

— Мана, онангизга элтинг, менинг ҳолим уларникидан анча дуруст, соғайсинлар, дуо қилсинлар...

Назаримда, улкан хирмонлар мисқоллардан пайдо булгандек, об-ру, эътибор ҳам, одамларнинг кунглига кириш ҳам шунақа кичкина нарсалардан жамланар экан. Айниқса, узига соғинган нарсани зарур буп қолганда муъмин биродарига ҳам соғиниш. Ҳожатини чиқариш. Эл кузига тушишнинг нозик ва мубҳам томонлари ҳам шундадир.

У пайтда Шароф Рашидов ҳаёт эдилар. Сиз у кишининг олдига кириб, куч-қувватга тулиб келдим, дея олмас эдингиз. У киши бари-дан воқиф эдилар. Марказий Комитет ҳовлисида тасолифий бир учрашув булди. Шароф Рашидов сиздан ҳол-аҳвол суралдилар. Шунда сиз хижолат булиб, «Энди бу ёнига қийин булса керак, духтирлар шунақа дейишяпти» қабилда гап қилдингиз. «Қунига бир-икки соат келиб, ишга куз ташлаб туринг. Янги газета уйини ҳам узингиз қўлдан чиқаринг», деди у киши.

Бу ишонч руҳингизни тамоман мустаҳкамлади.

«Ассалому алайкум, азиз жамоа! Ассалому алайкум, қадрдон босмаҳонам!» дея ишни келган жойидан бошлаб юбордингиз.

Ҳа, дардлар унутилди. Қурилишлар ҳам деярли ниҳоясига етди. Босмаҳона уз қўлами, маҳсулотларнинг ҳажми, нашрларнинг сони жиҳатидан Урта Осиёдаги ягона корхонага айланди. Бироқ, ёмон қўздан асрасин деганларидек куз тегди. Бу ҳақда «Саодат манзиллари» китобида шундай хотира бор: «...1984 йилда у асосси тарзда, уз лавозимидан ноқонуний, зуравонлик билан қўвгин этилди. Одил кишилар уша даврда олий вазифаларни эгаллаб турган... фитна, игво, зуғум хассасини суянчиқ этган раҳбарларнинг адолатсиз йўл тутганликларини билиб туришарди...»

Мен сиздан уша пайтда нималарни талаб қилишгану нимага қўвгинга учрагансиз, деб суралдим.

Сиз уша кунларни эслашни хоҳламагандек бош чайқадингиз-да, дедингиз:

— Мени югурдак қилишмоқчи булишди. Нимаики десалар, «хўп булади», деб қўл қовуштиришимни хоҳлашди.

Балки улар қайсидир маънода ҳақдирлар, дея Сизга қарадим. Сиз яна бош чайқадингиз.

— Фалончини фалон китобини босингу сарф-харажатини узингиз тугрилаб юборинг. Фалончининг илмий иши фалон кунгача китоб булиб чиқсин, фалон кунни химояси... Фалончини ишга олинг, фалончини бушатиног қабилдаги майла-чуйда гаплар эди. Давлат, халқ дарди билан боглик нарсалар уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмас эди. Айтганларига юрсам уз эътиқодимга қарши борган ва корхонадаги энг олий, устувор нарсаларни уз қўлим билан барбод қилган булардим. Бу ростлик, поклик, ҳақгўйликдан, купни уйлашдан иборат эди. Менинг ва жамоанинг эътиқоди эди. Ушанда отамнинг яна

бир гапларини эсладим. «Жоҳилнинг бағрида ётгандан олимнинг оёғи учиде ётган яхши». Отам раҳматлик шундай деган эдилар. Эътиқодимдан қайтмадим, натижада қувилдим.

Шундай булди! Эътиқодчилар қувгинга учрадилар. Улуғ қалам соҳиби Абдулла Қодирий айтганларидек, буюк бир салтанат — шайтанат билан алмашган эди. Ҳамма томондан тазйиқ бошланди. Айтишадилар: «Омади келса кишининг ҳар сузи ҳикмат эрур, омади кетса кишини ҳикмати тухмат эрур» деб... Қатагоннинг аччиқ изгиринлари шу томонга қараб эсиб қолди.

— Ҳой, ука, — дегингиз бир куни юқорининг наштага айланган бир кимсага, — инсофинг борми, фарзандларимни, қариндош-уруғларимни тинч қуй, уй-жойни нима қиласан хатлаб, ҳаммасига ҳужжатим бор, масжиднинг ҳалимига ишламаганман, ахир.

— Бизам бу турт кунлик дунда яшаб қолгимиз келади, ака, топшириқни бажаряғимиз, — деди у тап тортмай.

— Ахир, ҳаммасини куриб турибсан-ку, қандай қилиб, оқни қора қилиб курсатасан?

— Ростини айтмайми, ака, сиззи бозорингиз утди, биззика энди бошланяпти.

— Амал учун вижлонингни сотасанми, қуй-е!

— На илож!

— Кур буласан. Худога солдим сени!

Кунларан бир куни сиз беихтиёр қузингиз ёшланиб Оллоҳга ҳамдлар айтиб юбордингиз. Тасодифан бир утиришда эшитиб қолдингиз. Жиззахда судланган бир одам сунги сузида шундай депти: «Бир одамга, унинг бола-чақасига амал деб мунофиқлик, ёмонлик қилдим. У айтган эди, бунақа қалюблик, виждонсизлик жазосиз қолмаса керак, сен кур буласан, деган эди. Кур булмадим-у, ун беш йиллик азобга учраб турибман. Ҳаёт шунчалар зукко эканки, ҳаммасини уз урнига қуйиб қуяркан».

Бу гапларни эшитиб судланувчининг исм-фамилиясини суралдингиз. Уша Оллоҳга солган одамнингиз эди! Озгина булсам виждонинг бор экан, тақдир олдида тавбангга таянибсан, менга етказган азобларингни кечдим, бу ёғи яна Яратганнинг узига, дея дилингиздан утказдингиз...

Шукрлар булсинким, катта наشريётнинг эътиқодли катта жамоаси узига хос иш тутди. Имонларини букмадилар. Раҳбарларини уз урнига қайтариб олиб келиш, ҳақиқатни қарор топтириш йулида тинимсиз курашдилар. Бу кураш беш йил давом этди. Уларнинг хоҳлаётган раҳбарлари шундай одам эдики, босмаҳонадан чиққан наштага қараб — у газетами, журналми, китобми — қатъий назар дарровда ютуқ-камчиликларини айтиб бера оладиган, аниқ тапхис қуялиган мутахассис эди. Жамоа бундай раҳбарнинг тақдирига бифарқ қарай олмасди. Ниҳоят, 1989 йил 22 июлда ҳақиқат қарор топди. Жамоа сайлови йули билан вазифангизга қайтдингиз. Қора кучлар қанчадир муддат насибангизни яримга қилмоқчи булишди. Бу озамас-кунамас беш йилга қузилди. Ҳақиқат эгилади, бироқ син-

майди. Мен сиздан қувгинга учрагач нега шунчалик жонингизни жабборга бериб ишга берилдингиз, куним утса булди-да, деб юрамдингиз, деб суралдим. Сиз жавоб бердингиз: — Мен ҳаммаша билим юргини битириб, босмаҳонага ишга келаётган ёш мутахассисларнинг малакасизлигидан қуйиниб юрардим. Уларни эса, билим юрги, техникум ва тақдир тақозоси билан Фарғона политехника институтида очилиб қолган биттагина матбаа муҳандислари факультети етказиб берарди. Уларнинг билим доираси бизда мавжуд булган талабга туғри келмасди. Техника тараққиети бизда жуда юқори, келаётган мутахассисларнинг билими эса, тош босмаси даражасида саёз буларди. Мен билим юртига мастер, устоз булиб бордим ва узим орзу қилган даражадаги мутахассисларни тайёрлашга берилиб кетдим. Бу пайтда босмаҳона фотонаборга утган эди. Мутахассисларни Москва, Ленинграддан олиб келинарди. Дарровда эски танишлар, кадрдонлар ердамга келишди. Иш билан овунса, ҳақсизликларни оз булса-да унутар, деб уйлашибди шекилли. Мен булсам бошқачароқ уйлардим: «Кеча кадрларнинг малакасида нолирдинг, қани бир уннаб кур-чи, узингиз қулингдан келармикан, ҳа, ҳамма нарса айтишга осон». Мен шу билан бирга, узимнинг ҳам йул қуйган хатоларимни англаб етдим. Ҳамма ишни босмаҳонада гуриллатиб йулга қуйибмиз-у, бизга кадрлар тайёрлаб берадиган муассасаларни химоя қилишни унутибмиз. Ана шу хатони тузатиш учун билим юртига фотонабор ускуналарини олиб келдик. Билим юрти нафақат уқув даргоҳига, балки буюртмалар қабул қиладиган чинакам босмаҳонага айланиб кетди.

Яна суралдим:

— Сиз лавозимингизга қайтишингизни билармидингиз?

— Билмасдим.

— Сайловда ютиб чиқишингиз муъжизами ёки қонуний ҳолми?

— Назаримда, қонуний булди шекилли, агар мен меҳнатимнинг кадрига етишмади, менга нима, деб илдоа қилиб юрганымда балки қайтиб келмас эдим. Ишни бошқатдан бошланга туғри келди. Шундоқ катта босмаҳона ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таназзулга кета бошлаган эди. Буни қарангки, бахтимга истиқлолимизнинг илк шабадалари эсиб қолди. Юрт бошига элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган инсонлар келди. Яна мен шу урида отамларни эсламоқчиман. У киши баъзи-баъзида «Қази билан қарта едим, қорнимда йуқ, адрас билан кимхоб кийдим, эғнимда йуқ», деб хиргойи қилиб қуярдилар. Демак, инсон бу дунда ҳаммаша қази-қарта еб яшамайди. Кимхобу адрасга беланиб юрмайди. Бу бошда ҳар қанақа кунлар булади. Барини сабр билан, шукр билан, энг катта ибодат — меҳнат билан энгиш мумкин. Инсонни ҳаммаша ҳар қандай тушқунлик, умидсизлик чоҳидан меҳнат олиб чиқади.

Уэр, Ислом ака, уша куни мен Сизга шафқатсизлик қилдим. Сизнинг битмай келаётган ва ҳеч қачон битмайдиган жароҳатингизни тирнаб юбордим. Касбим нуқтаи назаридан шундай топбағирлик қилдим. Ахир, тақдир Сизнинг елкангизга шунча азоблардан кейин ҳам шундай бир юк ташладики... оҳ, у ҳар қандай улкан кемага

ташланганда ҳам чуқиб кетган буларди! Ахир, уч жигаргушангиз — паҳлавондек-пахлавондек утиллар, бир кунда автомобилъ ҳалокатига учраб, ёруғ дунедан куз юмдилар-да. Ҳа, шаҳид кетдилар... Учовидан беш норасида етим қолди. Умри қисқаларнинг бири Сизнинг углингиз Алишер, яна бирлари кўздек жиянларингиз Эркинжон ва Равшанбеклар эди. Оллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин!

Сиз Алишерни нимагадир бошқачароқ севардингиз. Унинг баркамоллиги, билимдонлиги, донолигига завқланиб, худди ақангиздек, уқангиздек суянардингиз. Баъзан утил эмас, дустдек суҳбатга тортардингиз. Оллоҳ уни айни қирчиллама чоғида олиб қуйди. Қанчадан-қанча умидлар барбод бўлди. Режалар саробга айланди.

Мен Сиздан матонатнинг ҳам чеки-чегараси бўлади, бундай кулфатдан икки букчайиб қолган, тарки дунё қилганлар қанча, қандай енгиб келяпсиз, деб сурадим. Ва жавобларингиздан шундай тухтамга келдим:

...Ҳали Алишернинг жасади уйдан олиб чиқилмаган — лаҳзали «меҳмон» ҳукмида эди. Шу ҳолат ҳам фарёд тизгинларини жилла бўлса-да ушлаб турарди. Аммо тобут елкага олинганда сабр-тоқатнинг ҳар қандай иплари ҳам узилиши, нолалар жумбурга келиб, қиёмат кўпиши турган гап эди. Оҳ, бу еқда онаизор, келинингиз, жигарлар... Сизни сру осмонни тутажак ана шу фарёд тулкинидан узоқлаштириш ниятида агайин қабристонга олдинроқ жўнагиб юборишди. Набирангиз Шарофжон Сизга эргашди. У ун уч ёшда эди. У отаси ҳақидаги шум хабарни эшитдию сизга епишди-қолди. Бола бечора, энди сиздан ҳам ажраб қолишдан қўрқарди, чоғи. Йўлда бора туриб Сиз «Энди бўлди, ҳаммаси тамом, бу дуненинг менга қизиги қолмади», деган сузларни бир эмас, бир печа бор айтиб бордингиз. Бу сузларни эшитган сари билмас эдингизки, набирангиз қўлларингизга маҳкамроқ епишарди...

Ахийри жасад қабрга қуйилиб ҳам бўлди. Келувчилар тарқала бошлашди. Сиз дупшайган тупроқ ёнидан умид узиб кетолмас эдингиз... Ичингиздан ендирувчи бир хўрсиниқ келдию бирдан вужудингиз бум-буш бўлиб қолди. «Ана энди ҳаммаси тугади, тамом!»

Шунда ёнингизда турган набирангиз овозининг борича додлаб юборди:

— Нимага унақа дейсиз, дода, мени энди ким ўқитади, ким катта қилади? Адам йуқ-ку, энди мени...

Бирдан ёмон туш қуриб уйғонган одам ҳолига тушдингиз. Ҳушёр тортиб, ёнингизга қаралдингиз. Набирангиз изиллаб йиғлаб турарди. Болакай ёзининг саратонида ҳам совуққа қотаётганга ушарди.

— Шарофжон, бу сенми?

— Ҳа, додажон, ҳа, Шарофжонман. Сизга нима бўлди? Нимага танимай қолдингиз мени?

— Набирангиз кўп ақлли бола экан. Энди шу сағирлар учун ҳам яшашингиз керак, қуйинг, анави гапни, — деди гурковлардан бири.

Набирангизнинг изиллаб туриши сизни бир қалар ердан кутаргандек бўлди.

— Менга қара, болам. Яхши одам буласанми? Уқийсанми? Қийнамайсанми? Сузларимга кирасанми? — Сиз жон-жаҳдингиз билан шундай деяр эдингиз.

— Ҳа, ҳа, дода, ҳа! Ҳамма айтганингизни қиламан. Сиз ҳаёт тамом бўлди деманг...

Ҳамиша шундай. Ҳаётни болалар асраб қолган. Улар эртанинг даввогарларидир.

Қабристондан қайтгач, онангиз шундай дедилар:

— Бу нимаси, ука, қадингни кутар! Ахир, сен ҳаммамизга — жигарларингга, жиянларингга, набираларингга бир суянчиқсан. Ҳамманинг кузи сенда. Сен тукилсанг, ҳаммамиз бараварига тукиламиз.

Бу киши жигаргушангиз эдилар.

Бу гаплар қадингизни яна ҳам азотроқ кутаргандек бўлди. Лекин ҳардамхаёл уйлар ҳамон сизга тинчлик бермаётган эди. Маст одамга ушардингиз. Ҳамон шайтони лаъин битта нарсани миянгизга келтириб урарди. «Ҳаммаси тамом бўлди!» Кузларингизга ҳеч нарса курунмай қолди. Ҳатто қадрдон ишхона ҳам. Ишга келдингиз. Шунда ишчилар нима дейишди:

— Сезиямиз, ишдан кетмоқчисиз, Ислом ака, сизнинг фожиангиз ҳаммамизнинг фожиамиз. Беш йиллик абгорликдан кейин энди оёққа тура бошладик. Қуш тилини қуш билади. Биз ҳам фарзандларингизмиз, ахир. Бизни етим қилманг!»

Ана шу учинчи далда сизни тамом оёққа тургазди. Яна отангизнинг сузлари ёдингизга тушди. «Ҳарна булганда ҳам сабрли бул, ҳамма нарсани бергувчи ҳам, олгувчи ҳам Узидир. Оладиган булса ёмонингни олмайди — яхшингни олади. Чунки Яратганга ҳам яхшиси керак...» Вақтнинг утишини қаранг. Шарофжон уша қабр устида берган сузининг устида чиқишга тиришиб келяпти. Сал кунда буйлари чузилиб, отасидек бун қолди. Мактабни тамомлаб олий ўқув юргига ўқишга ҳам кирди. Чизган чизингиздан чиқмаяпти. Илоҳи, ҳамиша шундай булсин. Алишердан кутганларингизни Шарофжондан курунг. Айтишадик-ку, отасининг ҳам умрини углига қушиб берган булсин, деб...

Ислом ака! Мен бошқа ҳеч нарса дея олмайман. Сиз ҳамманинг назаридаги одамсиз.

Ҳа, Ислом Шоғуломов! Шарқ нашриёт-матбаа концернининг раҳбари. Бир суз билан айтганда сабрли, матонатли инсон. Ҳамиша шундай бўлиб қолинг. Чинакам сабр ва матонат эса, иймондандир.

... Эй, фарзанд, бу тил — яхши-ёмон гапларни сузловчи ва бу қалб шаҳвату гафлат ила тўлган эса, билгилки, бу бахтсизлик аломатидир. Ҳар қачонки комил ибодат қилиб, ушбу нафсоний иллатларни уддирмасанг, қалбинг маърифат нури ила мунаввар бўлмагай, тирилмагай!

Эй, фарзанд, мактубингда баъзи масалаларни сурабсан. Бироқ, бу шундай масалаларки, ёзиш ва айтиш билан ифодаб бўлмайди, яъники узинг то ўша ҳолатга эришмасанг — аён бўлмас. Чунки сен сураган илм «завқий илм» (илми ҳол) дейилур. Айтиб утганимдек, завқий илмга тегишли илмларни суз билан ёзиш ва сифатлаш амри маҳол. Чунончи, бу — аччиқ таъм — ширинни татиб кургандаги нисбатда билингани каби бир ҳол. Ҳикоят қилинади: «Бир киши дустига «Жимобнинг лаззати қандай булади?» деб хат ёзганида, дусту унга жавобан шундай деган экан: «Эй, фалончи, мен сени фақат «иннин» деб ҳисоблаб юрардим. Энди билдимки, сен «иннин-аҳмоқ экансан!»

ибн Муҳаммад ал-Ғазоллийнинг  
«Охиратнома» асаридан

<b>АДАБИЁТ МИНБАРИ</b>	
Истиқлолга бурчлимиз . . . . .	3
<b>ОДИЛ ЁҚУБОВ ТУГИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Пиримқул Қодиров. Тоғ йўлларида . . . . .	5
Шойим Бутаев. Барчага баробар ёзувчи . . . . .	7
Собир Унар. Қалби уммон адиб . . . . .	11
<b>ЭРКИН ВОҲИДОВ ТУГИЛГАН КУННИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Иброҳим Ғафуров. Қуёшча . . . . .	14
Эркин Воҳидов. Фарғонанинг йўлларида . . . . .	18
<b>НАЗМ</b>	
Азиз Абдураззоқ. Турт оғайни ботирлар . . . . .	46
Чоршамъ. Нажот қасри фалакнинг тоқи бўлсин . . . . .	48
Маъруф Жалил. Унинг меҳри билан яшайин . . . . .	62
Тоҳир Қаҳҳор. Муҳаммад билан суҳбат. . . . .	66
Турсунбой Адашбоев. Қадрдонлар қадри . . . . .	109
Тошпўлат Аҳмад. Фигон. <i>Достондан бўлақлар</i> . . . . .	149
<b>НАСР</b>	
Зоир Мамажонов. Гулхан атрофидагилар. Ҳикоя. . . . .	20
Мирза Карим. Турон султони ( <i>Бадиа</i> ) . . . . .	52
Жамила Эргашева. Зубайда. <i>Қисса</i> . . . . .	72
Матёқуб Қушжонов. Ёшлик дафтари . . . . .	114
Убайдулла Содиков. Гала кушлар парвози. <i>Ҳикоя</i> . . . . .	140
Саид Анвар. Уч кун хуроз бўлганим. <i>Ҳажвий қисса</i> . . . . .	161
<b>БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ</b>	
Мухтасар Тожимаматова. Мен сиздан чизгиман . . . . .	111
<b>АДАБИЙ ТАНҚИД</b>	
Шаҳноза Гойибова. Фитрат ва миллий истиқлол . . . . .	146
Эминжон Талабов. «Аруз» атамасининг шаклланишига доир . . . . .	157
Дилмурод Куронов. Яна «Кеча ва кундуз» ҳақида . . . . .	186
Исроил Мирзаев. Бугунги роман: синов даври . . . . .	198
<b>МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ</b>	
Ҳакима Саломова. Ғаззолий ва мезон . . . . .	152
<b>МАҚОЛАНАВИСЛИК</b>	
Эркин Маликов. Эътибордаги одам . . . . .	213



## Адабий унлар

Абдулла Қодирий:

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг узи камбағал. Улар уз нодонликларини ўзбек тилига тункамасинлар.

\* \* \*

Инсонда ҳусн булса-ку, ақл, назокат булмаса, у қоғоздан ясалган гулга ухшайди.

\* \* \*

Ҳамма тил ҳам қўшни тиллардан «қарз» олади. Бусиз иложи йўқ. Асар фақат уз тилидагина ёзилса ширасиз, қуруқ чиқади. Ёзувчи уз халқининг тилини, фольклорини камол урганиши шарт ва бир неча тилларни, айниқса, яқин қўшни тилларни билиши фазилат. Шундагина тили бойийди, асари жонланади.

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев.

Мусаҳҳиҳ М. Зайнидинова.

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин ● Таҳририятга келган бир босма табоқча булган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. ● Таҳририят уз тавсиясига қура амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) буйинча ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-83, Буюк Турон кучаси, 41. «Шарқ» нашрият-матбаа концерни. ● Обунага монетьлик курсатилган еки ойнома уз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент, 700000, Амир Темур тор кучаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Терншга берилди 4.09.96 й. Босишга рухсат этилди 10.10.96 й. Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашрият ҳисоб табоғи 18,48.

Буюртма № 523. Адади 10.403 нусха.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА

«Шарқ» нашрият-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41



*Лангари сунинь, сатрай-сакраб боз,  
Ҳавода сайр этиб юрибди дорбоз.*